

**Нури Байрамов**

# ЕТТИ БОТИР

ҚИССАЛАР

Русчадан Холида АҲРОРОВА таржимаси

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1985

ISBN 5 - 633 - 00295 4 © Издательство «Еш гвардия», 1989. (перевод, оформления)

Б  $\frac{480300000-135}{356 (04) -89}$  144—89 © Издательство «Магарыф», Ашхабад, 1986



## ЕТТИ БОТИР

### I

Ез. Тун шунчалар қискаки, куёшнинг ўткир тиғида кунбўйи кизиган қум барханлари, уйларнинг томлари ва деворлари тонггача совуб улгурмайди. Ҳатто тунги шабада ҳам дала-даштан эмас, балки қизиб турган тандир оғзидан келаётгандек қайноқ. Мана шундай дим кечаларда нафасинг бўғилади, ухлай олмайсан, тонгда худди биров калтаклагандай бир алфозда турасан, куёш бўлса ичига олов тўлдирилган бахайбат пуфакдек яна осмонга кўтарилади. Шу йил кўкламда ўтқазилган ниҳолларнинг япроқлари иссиққа дош беролмай қовжираб улгурган. Езнинг бу қайноқ нафаси аллақачон кўйдириб юбориши лозим бўлган чивинлар билан пашшалар эса кўкатлар орасида паноҳ топган. Ҳовлилардаги итлар ҳам иссиқдан ўзини салқинга олиб қочган. Ҳавонинг иссиқлигидан лоҳас бўлган ва пашшаларнинг хиралигидан безор қучуқлар пахтазор ёқалаб ўтган ариқлар четида ором топганлар.

Жон-жонингдан ўтиб кетадиган бу жазирага ёлғиз одамлару машиналаргина бепарводай.

Хозир тут ниҳоллари барк урган бу далага кекса Бердиали ота яқин-яқинларгача ҳамқишлоқлари билан бирга қишга ўтин ғамлаш учун қуриган саксовул йиқкани туяларда келишганини эслайди.

— Бу жойларнинг об-ҳавоси бизнинг қишлоқлардан кура бошқачарок: қишда совуқроқ, ёзда эса иссиқроқ, — деб ҳикоя қилишни яхши кўрарди Бердиали ота. — Ҳечқиси йўқ! — деб қария дарҳол тингловчиларни тинчлантиришга тушарди. — Мана бу ниҳоллар қуп ўтмай осмонга бўй чўзиб қолади, шунда иссиқ ҳам тоб ташлаганини ҳали қурасиз.

Лекин «ҳолва» деганингиз билан оғиз чучимаганидек, дарахтларнинг келажакда осмонга бўй чўзиб, соясалқин беражаги ҳақидаги Бердиали отанинг ҳикояси қанчалик юпатмасин, жонбахш салқиндан дарак йўқ эди.

Енгил кийиниб, ташқарига бошланг чиқсанг борми, офтоб урганини билмай қолсан киши. Лоҳас бўласан, бошинг айланади, кўнглинг беҳузур бўлади.

Мана шундай жазирама кунлардаги катта муаммо — болаларни уйда тутиб қолиш: офтоб жазирамаси не балоларга мубтало этишини гўдақлар тасаввур қилмайди, каттароқлари бўлса уни писанд этмай ялангоёқ, бош кийимсиз анҳорга чопади.

Бундай пайтларда ёлғиз Ўғилбахт момогина ташвиш нималигини билмайди. Унинг ўғли Ботир кўчага чиққанида албатта бошига кенг соябонли похол шляпа, оёғига шиппак кийиб оларди. Қаникулнинг биринчи кунлариданок Ботир шуни одат қилиб олди. Ўғилбахт момо фақат унинг ўғлигина эмас, балки «Барслар» командасининг ҳамма аъзоси шундай кийинганидан беҳабар эди.

Ботирнинг кейинги пайтларда анча оғир-босиқ бўлиб қолганини онаси пайқаган бўлса-да, лекин ўғлидаги бу ижобий ўзгаришнинг сабабини билмас эди.

«Қатта йигит бўлиб қоляпти ўғлим, мумин-қобил, хушмуомала бўляпти», — деб уйларди она фарзандига меҳр билан боқаркан. Она ўғлидан мамнун эди. Энди ўғлининг қилғиликлари туфайли қўшнилари олдида қизармасди. Очққчасига гапириладиган бўлса, яқин-яқинларгача ҳамқишлоқларнинг бири боламини урди деб шикоят қилса, иккинчиси полизимни шилиб кетибди, деб нолирди... Унинг дастидан қўни-қўшнининг итигача безор эди. Эндиликда Ўғилбахт момо қўшни-

ларга рўпара келса, ўзини нокулай сезмайдиган бўлди.

Куни кеча у оддийгина, лекин ўзи учун жуда муҳим бир воқеанинг шоҳиди бўлди. Ўша куни Бердиали ота невараси Кертикни:

— Уят эмасми, айб эмасми! — деб койиди. — Велосипед сурганинг сурган. Битта чўпни уёқдан-буёққа олиб қўймайсан. Ботирдан ўрناق олсанг бўлмайдим!

Ўғилбахт момо бу сўзларни жим туриб эшитган бўлса ҳам ич-ичидан севинган, угли бошқаларга урناق бўлиб колганидан қувониб боши осмонга етган эди. Худди шу кундан бошлаб у углини Ботир деб эмас, Ботиржон деб чакирадиган булганди.

Алламаҳалгача ўринда ётишни яхши кўрадиган Ботир энди барвақт турар, нонушта қилар, бировнинг эслатишини кутмай рўзғор ишларида онасига кумаклашарди. Уйдаги ишларни бажариб бўлгач, онасидан рухсат олиб мактабга кетарди. Ўғилбахт момо, аллақачон таътил бошланганига қарамай ҳар куни мактабга нима максатда боряпсан, деб углидан бирон марта ҳам сўрамади. Ўгли Ботиржон мактабга бораётган экан, демак уни кизиқтирадиган нарса бўлиши керак, деб хисобларди она очиккўнгиллик билан.

- Кун исиганда ўт ўргани борманг, ойи. Бир қоп ўриб келиб, бостирмага қўйдим. Қўйларга хозирча етиб туради. Кечкурун яна бориб келаман, — деди онасига Ботир одатдагидек мактабга отланаркан.

- Раҳмат, Ботиржон, сен менинг ҳақиқий суянчимсан, — деди углидан фахрланиб кўзларида севинч барқ урган Ўғилбахт момо. — Офтобда кўп юрма, сояда ўйна, — деб тайинлади Ботирга.

— Хуп, ойижон. Мендан сира ташвишланманг! — деган жавобни эшитди Ўғилбахт момо.

## 2

«Барслар» командасининг марказий штаби совхоз клуби чордоғига жойлашган. Асосан еттинчи синф ўқувчиларидан иборат бўлган команда аъзолари учун бу жой кўнгилдагидек эди. Болалар бу жойни тасодифан, клуб мудираси Ёзжамол кўмагида топдилар. Бир куни Ёзжамол Ботирга ғалати илтимос билан мурожаат қилди:

- Чордоғимизга каптарлар ин қўйибди, бир шум мушук жиш каптарларни еб кетяпти. Каптарларга жабр

бўлди. Пойлаб туриб, мушукни тутиб олиб бирон ёкка ташлаб келгин.

Ботир пайсалга солиб ўтирмай, шу заҳоти клуб чордоғига чикди. Войбўй, чордоқнинг димлигини! Том шунақанги қизиб кетарканки, қўл теккизолмайсан. Ҳаммаёқ бир қарич чанг. Қадам кўйсанг, худди майда ва аччиқ цементдек дув кўтарилади. Ботирдан ҳурккан каптарлар шунақанги тус-тупалон кўтаришдики, гўё кум барханлари тепасига иккита вертолёт келиб кўнгандай бўлди. Боёкиш қушлар қутулиш учун ва бу алғов-далғовда кўркканларидан уёқдан-буёқка патирлаб уча-уча, чордоқнинг деразасини синдириб, ахийри учиб чиқиб кетишди.

Шу заҳоти чордоққа енгил шабада ёпирилди. Синган деразалардан елвизак югурди. Чанг босилгач Ботир ойнаси синик деразани ланг очиб юборди. Чордоқ ёришди. Ойна синикларида акс этган офтоб нури Ботиржоннинг тимқора сочларида жилоланди, қора тўридан келган юзидаги чаросдек кўзлари йилтиллади.

«Чордоқ эмас, нақ мўъжизанинг ўзгинаси! Ажойиб кузатиш пункти бўлади», — завқланиб уйлади бола. «Бутун кишлок худди кафтда тургандек кўринади-я. Ҳов анави Мурод оғанинг ховлиси, ҳатто йўлбарс деган думи кесик ити ҳам кўриняпти... Шу иссиқда тандирга олов қалаётган ким бўлди-я? Бу Сулғуннинг онаси, нон ёпмоқчи. Магазиндан олмасдан, шу жазирамада нон ёпиб зарил келдими унга!»

Ботир қаршисидаги дераза ёнига борди. Бу томонда то уфққа қадар поёни йўқ пахтазор ястанган бўлиб, худди каттакон қора кўнгизга ўхшаган тракторлар гириллаб юрарди.

«Барслар» командасидаги болалар қачондан бери шунақа қулай жой излаб юришганди, қарабсизки омадлари келди! «Тўғри, оқшомлари клуб гавжум бўлади, лекин кундузи жудаям тинч Штаб учун бундан яхши жой топилмайди», — деган фикрга келди Ботир ва уйга шошилди.

Бола ховлисидаги ўзлари ясаган яширин жойдан «Барслар» командаси штаби қарори билан ҳужжатларни олди. Яширин жойдан ҳужжатни олаётганимни бир ортаси кўрмаяптимикин, деб атрофга аланглаб олди. «Барслар» командаси командири штаб сирлари сақланаётган қутичани латтага ўраб жони бориचा штабга

югурди. Ботирнинг катъий фикрича чордоқда уларнинг бош штаби жойлашмоғи керак.

Ўзининг янги резиденциясига чиқиб олгач Ботир кутучидаги нарсаларни викор билан яна бир бор кўздан кечирди. «Барслар» командаси устави, барча команда аъзолари имзо чеккан тантанали қасамёд тексти ва кундалик ишлар ёзиб бориладиган дафтар — ҳаммаси шу ерда.

Эртасига команданинг барча аъзолари штабнинг янги биносини кўздан кечириб чиқди-да, ишга киришди. Улар чордоқни тартибга солиб, кузатув пости ташкил этдилар. Ражаб бобосининг дурбинини келтирди, бу эски бўлсаям, ҳарҳолда, ҳақиқий дурбин эди. Сулғун уйдан кигиз олиб келди. Лола бўлса, юпқа кигиз жилд ичига жойланган ҳақиқий солдат флягасини олиб келди. Хуллас «Барслар» командаси иш бошлаши учун ҳаммаси тайёр эди.

Ботир деворга миҳ қокди-да, унга штаб кундалигини илиб кўйди.

— Бир кунда қилинган ҳамма ишларимизни ёзиб қуямиз.

- Кейин, шу дафтардаги ёзувлардан фойдаланиб, ўзимиз ва қилган ишларимиз ҳақида қизиқарли китоб ёзамиз-а? — кесатди Расул.

— Қанақа одамсан, Расул! Ҳар қанақа яхши ишнинг пачавасини чиқаришга тайёр турасан-а, — норозилик билан деди Ботир. — Ҳамма вақт ишда тартиб бўлиши керак, ҳатто дам олганда ҳам.

- Ҳеч бўлмаса каникулда тартибдан гапирмасанг бўлмайдимми?— Яна тўнғиллади Расул. — Қачон қарам, мактабда ҳам интизомни эсга солишди, уйда ҳам шу, энди каникулдаям тинчлик бўлмас экан-да... «Дафтар» ёки «кундалик» деган сўзни эшитсам юрагим орқасига тортиб кетади.

Расул шундай жон куйдириб гапирардики, барсчилар бараварига хахолаб қулиб юборишган бўлса ҳам, унга раҳмлари келди.

- Кундаликни навбат билан ёзамиз, — деди Ботир катъият билан.— Бугун Ражаб навбатчи, бундан чиқди, бугун бўлган ишларни Ражаб ёзиб боради. Ражаб билан Ашир унга ёрдамчи қилиб белгиланди. Болалар, навбатчига дурбинни беринглар.

Болалар ишга киришди.

- Велосипедга минган киши посёлкага яқинлашяп-

ти. Бу ерликка ухшамайди, нимагаки, анҳорнинг куприк йўк томонидан келяпти. — деди Ражаб дурбиндан кўзини узмай ва овозига буйрук оҳанги бериб. — Бу одамнинг кимлигини, кун иссиғида нима қилиб велосипедда юрганини аниқлаш керак.

Разведкачи Ашир билан Расул пастга тушишди ва велосипедчи тарафга югуришди. Велосипедчи «разведкачиларга» яқинлашганда Ашир унинг йўлини тўсди.

— Қаёкка кетяпсан?

Бола узининг ва рақибининг кучини мўлжаллаётгандай миқти Аширга диққат билан тикилиб, жим турарди.

— Сендан қаёкка кетяпсан, деб сўрашяпти шекилли? Ё жавоб бермоқчимасман? — деб аралашди Расул. Бола орик ва найнов Расулга кўз ташлади-ю, бо-ягидай индамай тураверди. Шунда Расул велосипеднинг рулига ёпишди-да, қатъият билан суради:

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Еттинчига ўтдим, — деди ахийри «асир».

— Ростдан ўтдингми ё кузга қолганман? — аниқламоқчи бўлди Ашир болага тик бокиб.

— Нега кузга қоларканман! Синфимизда ўзлаштирмайдиганлар умуман йўк, — деб жавоб берди бола Аширнинг ялтироқ тўқалик солдат қайишига ҳавас билан қараб.

— Велосипед кимники? тўсатдан суради Расул.

— Кимники буларди, ўзимники! Дадам биринчи майга совға қилганлар.

— Нега бўлмаса эгари рамага сим билан боғлаб қўйилган? Тушуриб қўяман деб кўркасанми? — заҳарханда қилди Ашир.

— Йўг-е... Шунчаки, оёғим педалга етмай қоляпти, — деди бола хижолат бўлиб, кейин қўшимча қилди: — Далада ишлаётган дадамга ҳар куни муздек чалоп олиб бораман.

— Хўпам мактанчоқ экансанми дейман, ошна! Синфингда ҳамма шунақа доно бўлса, қани, айт-чи, қоракум каналининг узунлиги қанча? — сўради Ашир, мактанчоқни бошлаб қўяман деган ишонч билан.

Велосипедчи бунақа саволни кутмаганидан ўзини йўқотиб қўйди.

Шуни билмайсан-у! Яна еттинчи синфга ўтдим дейсан! Сен мактабда ўқиш ўрнига лақиллаб юрсанг керак, — деб хотима қилди Расул ва бола томонга юрди.



- Тўхта, Расул, шошма,— уни тўхтатди Ашир.— Унга яна бир савол берамиз, бунгаям жавоб берол-маса, ўздан кўрсин, — Ашир имтиҳон қилинаётган бо-лага синчковлик билан қаради.

- Қани, айт-чи, районимизда нечта янги совхоз бор?

- Учта! — ўйлаб ҳам ўтирмай шошиб жавоб қил-ди бола илжайиб.

-- Тўғри. Лекин умуман олганда жавобларинг уч-гаям арзимайди. Икки билан учнинг ўртасида, — деди дона-дона қилиб Ашир.

- Эшитдингми, икки билан уч ўртасида! — Расул кўрсатгич бармоғини маънодор кўтарди.

- Пионер лагерига кетасанми ёки ёзи билан кўча-чангитиб юрасанми?— ҳамон тиниб-тинчимасди Ашир.

- Лагерга жон деб кетардим-а, лекин рўзғорда ойнмга ёрдамлашим керак. Мен яна... — бола бирдан гапидан тўхтади, кўзларида қутилмаганда ёш-гилтиллади.

- Ана холос, яна ўғил бола эмиш-а!— Расул мазах қилмоқчи эди, лекин унинг овозида ачиниш сезилди.

- Майли, дадангнинг ёнига боравер, лекин шуни билиб қўй, агар яна шу ерда ўралашсанг, билимингни яна тек-шираамиз.

Бола кўзёшларини яширинча артди-да, велосипеди-га ўтирди. Лекин Расул яна бир бор:

- Билиб қўй, яна билимингни текшираамиз, китоб ўқиб тур! — деб эслатди.

Бола ўгирилиб қарамади ҳам, жавоб ҳам бермай, педалга зўр берди.

Ашир билан Расул чордоққа қайтиб келишгач Ра-жабнинг ўрнига Ботирни кўришди. Ражаб онаси билан шаҳарга бориб келгани рухсат сўрабди. Ботир кўлига кундаликни олиб, «разведкачилар»нинг хикоясини му-фассал ёзишга киришди.

Ражаб эртасига команда штабига барвакт келди ва кузатишлар кундалигини ўқишга тушди.

Шу чоғ янги ёзувга кўзи тушди.

«Электростанция ёнида яна бешта тут ниҳоли синди-рилибди. Ҳар қанақа қилиб бўлсаям, жуда тез вақт-ничида айбдорни топиш керак». «Барслар» 17-июнь

«Буни кеча мен кетганимдан кейин болалар аниқ-лашган бўлса керак», — деб ўйлади Ражаб. Кейин у

яқинда ниҳоллар экилган тутзорни диққат билан куздан кечира бошлади. Чордоқ дим эди. Ражаб зур бериб ру-молчаси билан пешонасидаги герини артарди. У тутзорни диққат билан кузатарди. У ерда айтарли ҳеч нима булмаётганди. Оғир юк ортилган эшак миниб Сертип ога ўтиб кетди. «Шўрлик эшак ҳам юкни, ҳам хўжасини кандай кўтараркин?» — деб уйлади Ражаб. «Ана, Қўти момоям сигирини ўтлатгани ҳайдаб кетди. Тутзорнинг шури қуриди, сигирнинг арқониниям шунақа узун қилишадими?» — ғазабланарди Ражаб.

Ражабнинг ташвишини пайкагандек Қўти момо арқонни қаттиқ тортиб, қулига ураб қисқартирди... Ражаб энгил тин олди ва усиз ҳам тиккайган сочини тузғитди.

«Анави отлик ким бўлди? — деб ўйлади навбатчи тутзор ёнида турган отлик одамни дурбиндан қуриб. Э-э, бу Непес-ку! Ундан хогиржам бўлса бўлади. Бу кучатларни экишга ҳаммадан олдин қўл кўтарган ҳам, эккан ҳам шу Непес бўлган», — озгина дам олиш ниятида Ражаб дурбинини қўймоқчи бўлди. Лекин у туйқусдан яна тутзор тарафга қаради. Айни шу пайтда ўша тарафда рўй берган ҳодиса туфайли у ниятидан воз кечди. Непеснинг қашқаси бирдан тихирлик қилиб така-тақ тўхтади, бола жиловни ҳар қанча тортмасин, бикинига тепиб никтамасин, қашка итоат этмас, зарда қилгандай пишқирарди.

Охири Непес отдан тушди, жиловидан тутганича кучат тарафга энгашди. «Вой-вой-вой, у нима қиляпти узи?!» — Ражаб тут ниҳолининг қарсиллаб синганини ҳам эшитгандай бўлди.

- Тўхтанг, Непес оға, синдирманг! — деб бақириб юборди жон ҳолатда, лекин унинг хитобини узидан бўлак ҳеч ким эшитмади. Ражаб чордоқ шотисидан шошилиб тушди.

Ражаб жони борича тутзорга югурди. «Ишқилиб, етиб олсам — жиноят устида тутсам эди», — деган ягона фикр боланинг фикр-ёдини чулғаб олганди.

Югурганидан ферлаб-пишган Ражаб ҳаллослаганча Непеснинг ёнига етиб тўхтади. Ражаб суворийнинг ҳозиргина тут кўчатида синдириб олган ниҳолдан ҳипчин ясаётганини кўрди.

Непес ҳаллослаётган болага биринчи бўлиб мурожат қилди:

- Қаёққа бунча шошяпсан, ут кетдимиз?



— Нега кучатни синдирыпсиз? — сўради Ражаб катъият билан.

— Нима бўпти? Дадангни боғидаги дарахтни синдирибманми?! — истехзоли кулди Непес.

— Фақат отасининг боғини кўриқлаш керакми? — бўш келмасди Ражаб.

— Менга қара, бола.. — Непес ижирганди. — Ҳали ёшлик қиласан, ундан кўра, мишиғингни артиб ол. Жу-жахурозлар товукка ақл ўргатмайдилар. Шу замоннинг болаларига ҳайронсан! Мактабда нимани ургатишадди узи сенларга? Катталарни ҳурмат қилиш керак, булар-бўлмас гаплар билан бошини котирмаслик керак. Уқдингни? Йўлдан қоч, тағин бир кори-ҳол бўлмасин, отимни кеча тақалатганман. Шўрим қайнаб сени босиб олмасин тағин, — деб тўнғиллади Непес ва отига қамчи босди.

Непес Ражабдан ҳам катта, ҳам бақувват эди, шунинг учун ҳам барс командаси аъзоси суворийга йўл берди.

— Ҳозир ёмон иш қилганингиз фақат ёдингизда бўлсин, — деб қичқирди Ражаб йироқлашаётган Непесга. Бу сўзга бутун қаҳр-ғазабини жо этган эди.

— Эҳ, ярамас! Яна дўк қилади-я... Ундан кўра шу от билан галла янчиб кўргин, ана унда кураман ахволингни! — керилиб деди Непес ва кучи борица отини қамчилади.

Ражаб хомуш бўлиб орқасига, кузатув пунктига қайтди. Непес гапини назарга илмай, қайтага уни мазах қилгани шунчалар жон-жонидан утиб кетган эдики, анчагача ўзига келолмади. Бу Ражабнинг иззатнафсига тегди. Кўп ўтмай чордоққа Ботир билан Арслон чиқишди.

— Бунча хомушсан, Ражаб? — деди Ботир ачингандай.

Штаб навбатчиси бўлган воқеани батафсил сўзлаб берди.

— Булмасам, зудлик билан хирмонга етиб бориб, бу мактанчоқ Непеснинг ақлини киритиб кўйиш керак! Агар сизлар мен билан боришни истамасанглар, бир узим бориб, у билан яхшилаб гаплашиб қўрман.

Арслон қизишиб, худди ёнида гуноҳкор Непес тургандек муштани силкитиб гапирарди. — Эқилган кучатларни синдиришга ким руҳсат берипти унга? Унда виждон деган нарса йўқ, бу қилмишига у жавоб беради ҳали! —

деб жовуларди бола ҳаяжонланиб чордоқнинг у бошидан-бу бошига бориб келаркан. Ражаб билан Ботир ҳам ундан бадтар ҳаяжонланар эдилар. Шундай қилиб Непес галла янчаётган хирмонга учовлон борадиган бўлишди.

### 3

Отни деярли ҳамма яхши кўради, лекин от минишдан воз кечадиганлар бўлмайди. Непес ана шунақа от минишни яхши кўрадиган, бу билан фахрланадиган, туғрироғи, бу узуноёқ чиройли отни унга ишониб топширганларидан гердаядиганлардан эди. Мана ҳозир от ўйнатаркан, у ўзини беҳад бахтли ҳис этар ва: қаранглар, қандай эпчил йигит от чоптириб келяпти, дегандек атрофга ғолибона боқарди. Лекин ёзда, пахта йиғим-теримида бу чавандозни томоша қиладиган одам топилмасди. Ҳамма далада меҳнат қиларди.

Непес зарур нарсани эслагандай отининг жиловини қукқисдан тортди. «Кеча Муродни кўрkitиб юборганлар ҳам ана шу танбаллар булса керак. Эссиз, кечроқ эсладим-да, бўлмасам кунларини кўрсатардим-а, бундан кейин ўткинчиларга қўлини теккизмайдиган қилардим. Омади бор экан бу шумтакаларнинг! Ҳай, майли, ҳали кўлимга тушиб қолишар!» — деб ўйлади у, сўнгра эндигина синдириб олган тут новдаси билан отини ниқтади.

Эгасининг табиатини билган от, бирданига йўртиб кетди ва ингичка сукмоқ билан йурғалаб бориб, катта кучадан хирмон тарафга бурилди.

Хирмон деганда тоғдек уюлган донни тасаввур қиласан. Лекин Непес ишлаётган хирмонда бир уюмгина сули бор эди. Совхоз пахтачиликка ихтисослашганидан, отларни боқиш учун кичкинагина майдонларда сули экиларди. Непес ун кундан бери шу хирмонда ишларди. Сули янчиш иши охишлаб бораётганди, лекин Непес ишнинг сираям тугамаслигини истарди. Негаки, иш тугаса отни ундан олиб қўйишарди-да.

Яқин жойда колхоз полизини кўриклаётган Бердали ота хирмонга деярли ҳар куни келиб турарди. У Непеснинг ишини синчковлик билан кузатар ва паншаҳа билан ғарамни кавлаштириб, норозилик билан: «От эмас, паншаҳа янчади! — деб бекорга айтишмайди,

деб тўнғилларди. — Ғарамни тез-тез кавлаштириб туриш керак, ана шунда ишинг унади.»

Непес синчковлиги учун Бердиали отани ёмон кўрар эди, аммо норозилигини бетига айтолмаганидан: «Мунча захар бу одам? Ҳамма нарсага бурнини сукади... — деб уйлади. «От эмас, паншаха янчади!» эмиш. Донолигини қаранг, отга миниб кечгача луқиллаганидами, бошқача гапирарди...»

Непеснинг назарида, бугун Бердиали ота айникса қилдан кийик қидираётгандай эди. Шунинг учун ҳам Непес қарияни силтаб ташламоқчи бўлганди, аммо шу пайт Бердиали ота узоққа тикилиб ундан сўради:

— Яхшилаб кара-чи, Непес, биз томонга келаётган ким? Негадир танимай турибман...

Непес чол кўрсатган тарафга қаради-ю, хайратдан қотиб қолди. Ботир дўстлари билан хирмон томонга келаётганди. «Номард Ражаб, чакимчилик қилишга улгурибди-да!» — деб ташвишланди у. Эсанкираганидан чолга жавоб беришнинг унутди. «Бердиали ота тағин мени бу шоввозлар билан ёлғиз қолдириб кетиб қолмаса эди, кунимни кўраман-а», — деб уйлади Непес ва дарҳол отахонга юзланди:

— Бердиали ота, бугун эгарим нукул ликиллаб қоляпти, эгар устида эмас, худди балик устида ўтиргандайман. Бир кўриб берсангиз бўларди...

— Тагингдаги эгар ликиллаяпти дейсанми? — қайтариб сўради Бердиали ота, паншахани ғарамга тикаркан. — Ҳозир шундоқ қиламизки, эгар қуйиб қўйгандек турадиган бўлади. Шунини яхши билиб қўйки, тагингдаги эгар ликиллаб турса, отни ишдан чиқариб қўясан. Бир кунда отнинг яғрини қонаб яғир бўлиб кетади. Яхшиям вақтида билиб қолибсан. Бизнинг вақтимизда, от эгарлашни билмаган болаларни отга яқинлаштиришмасди. Энди бўлса... — Бердиали ота норозилик билан қўл силтади. — Боёқиш жонворлар, ҳеч ким шафқат қилмайди. От сенга велосипед эмас, унга ем бериш, ювиб-тараш керак. От меҳрини яхши кўради. Қани, айт-чи, отни ким парваришлайди? — қария жавоб кутиб Непесга қаради, аммо у Бердиали отага жавоб берадиган аҳволда эмасди. Қакқайганича яқинлашиб келаётган болаларга анқайиб турарди. — Шундоқ! Ҳеч ким парваришламайди... Машина, албатта, яхши нарса, лекин отларнинг унутмаслик керак. Қани, туш-чи! Ана холос, ўзимам шундоқ деб уйловдим... Отнинг шунақа эгарлай-

диларми, кани, айт-чи, менга?! Ким ургатган ўзи сенга?

- Ассалому алайкум. Бердиали ота! — баравар салом беришди етиб келган болалар.

- Воалайкум ассалом, бўталокларим! Бизга ёрдамлашгани келдингларми? Жуда соз, яхши келибсизлар...

Непес от ёнига яқинроқ келди. У Бердиали ота эгарни маҳкамлаб булиб, четга чиқишини кутарди. Непес отга ирғиб миниб, қочиб қолишни кўзлаётганди. Ана унда Ботир активистлари билан чапак чалиб қолаверсин. Лекин Бердиали ота аксига олиб, эгар билан уймаланиб турарди.

— Бердиали ота, сизнинг хузурингизга иш билан келган эдик, — гап бошлади Ботир.

- Лақиллаб юрмасдан, иш билан келганинглар жуда соз. Қулоғим сизларда. — Бердиали ота улар томонга бир қадам қўйди.

Непес вақтдан фойдаланиб отга сапчиб минган эди, эпчил Арслон дарҳол уни отдан судраб туширди:

- Қаёққа шошасан? Бу ерга иш билан келганимизни эшитмадингми?

— Келибсизларми, гапиринглар, аммо менга тегманглар, — Непес Арслоннинг қулидан юлқиниб чиқишга уринди. — Гапларингни отда туриб ҳам эшитавераман. Гарангмасман-ку.

— Жим тур дегандан кейин, кўп силтанмай жим тургин-да. Отга кейин миनावерасан. Аввал нима қилганингни Бердиали отага гапириб бер! — деди Ботир қатъий.

Гап нимадалигини билмай Бердиали ота ҳайрон эди.

— Ундан кўра айт-чи, ҳар куни нечта тут кучатини синдирыпсан? — Ботир Непеснинг қулидан тортиб Бердиали отанинг ёнига олиб келди.

— Кани?

- Қанақа тут кўчатини гапиряпсизлар? — деб аниқлашга уринди Бердиали ота.

- Электростанциянинг каердалигини биласиз-а, Бердиали ота?!

— Ҳа, биламан...

- Электростанция рўпарасидаги тутзорниям биласиз-а?

- Булмасам-чи, биламан, яқинда тегирмонга борганимда ўша янги тутзор ёнидан ўтган эдим. Пионерлар кўчат ўтказибди, дейишган эди. Баракалла, болалар, яхши иш қилгансизлар.

- Мана бу бўлса, — Ботир бармоғи билан Непесга ишора қилди, — кунда уч-турт кўчатни синдиради.

- Қулини калта қилиб кўя қоламиз, — пуписа қилди Арслон ва гуноҳкорнинг олдига бориб, гирибонидан тутди.

- Қани, шошманглар-чи, — Бердиали ота Непесни болалардан айириб четга чикарди. -- Кучатларни худди шунинг узи синдираётганини аниқ биласизларми?

— Аниқ биламиз, Бердиали ота. Бугун иккита кўчатни синдирди, ўз кўзим билан кўрдим. Ишонмасангиз, қулига қаранг, тутни синдириб, камчин қилиб юрибди! — ғазабланиб бақирди Ражаб ва Непеснинг қулидан тут навдасини тортиб олди. — Мана у! — у навдани чолнинг қулига берди.

Непес кочиб кутулмаса, жазоланиши аниқлигини тушунди. У икки сакраб оти ёнига борди-ю, аммо унга минолмади: Арслон сергак турганди.

— Булар ҳозир тўғри айтишдими? — сўради Бердиали ота Непес тарафга ўгирилиб. — Фақат кийшангламай ростини гапир. Елғонни ёмон қуришимни биласан...

Непес икки ўт ичида қолди. Ростини айтсинми ёки ёлғонласинми? Шу топда унга қайсиниси қўл келишини билмасди. Бердиали отанинг асабийлашиб навдани қулида айлантириб турганини қурди-ю, хийла билан иш чикаролмаслигини сизди.

- Нега қокқан қозикдай турибсан? Қатталар савол берганда дарров жавоб қил! — Ботир Непесни жаҳл билан Бердиали ота тарафга итарди. — Гапир! Кучатни синдирдингми ёки йўқми?

Непес бошмоғининг учини томоша қилаётгандай бошини эгди-да, эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Ҳа...

- Қаллаварам! Қандок кўлинг борди? — Бердиали ота тут навдасини унинг юзига яқин келтириб силтади ва жаҳл билан бошини чайқади: — Ҳозир мана шу ниҳол кучатларни синдиришга кўлинг борса, катта булганингда гуллаб турган боғларга болта кутариб югурсанг хайрон бўлмайман. Ҳа, шундоқ, сендек одамнинг қулидан келади бу иш!

Бердиали ота ҳаяжонланиб уёқдан-буёққа юра бошлади. Унинг кичиккина эгик боши, гуё оёқ остида бир нима излаётгандай у ёндан-бу ёнга бориб келарди.

- Эсингни йиғ, Непес! — огоҳлантиргандай деди



Бердиали ота. — Эсинг борида, этагингни ёп, бунак килик яхшиликка олиб бормайди!

Бу сўзларни эшитган Непес енгил тортгандай булди лекин хеч кимга кўрсатмай енгил тин олди. Унда дала «суди» дан арзимас пуписа билан қутулиш умиди пайдо бўлди.

-- Энди бундай қилмайман... Кечиринглар мени! — қарияни ишонтиришга уринди у.

-- Ўйлаб гапиряпсанми, ёки шунчаки айтдинг-қўйдингми? — Бердиали ота Непесга бошдан-оёқ синчков тикилди.

-- Унинг гапига ишонманг, Бердиали ота, кечирим сураб ўрганиб қолган. Лекин бари бир кўзингни шамғалат қилиб китмирлигини қилаверади. — Ботир кишииб, овози титраб гапирарди.

- Ха, шунака дегин хали?! — Бердиали отанинг кузи қахрли чакнади, у худди нохуш нарсани кўришни истамагандай Непесга оркасини ўгириб олди. — Эни ёмони нима қилганини тушунмагани,— қария Непес тарафга бош ирғади.— Шуниси ёмон.. Сўзида турмайди...

Қария кўз олдида обриси тушиб кетганини Непес сезди ва ўзини окламоқчи бўлди:

-- Бировни қоралашга жуда уста экансизлар. Нега энди ўзим ихтиёрим билан сули янчаётганимни гапирмайсизлар. Каналга тушиб кетган колхоз бузоғини қутказган ким?

-- Тўғри, сули янчаётганинг рост, бузокниям сен қутқариб қолдинг, лекин бу сенга тут ниҳолларини синдиришга ҳуқуқ берадими? — деди Ботир дарҳол. — Халқ мулкани кўриклаш сенинг бурчинг эмасми?!

• -- Мана бу сўзларингдан дилим яйраб кетди... Ба рақалла, ўғлим! — Бердиали ота Ботирни қизгин қувватлади. — Хар бир одам, қилган қаҳрамонликлари билан керилиб, туғри келган нарсани вайрон қилаверадиган бўлса, нима бўлади? Албатта, расво-радди бало бўлади-да. Кейин, — бир оз жим қолиб Непесга қаради, — қилган яхши хизматлари билан мактаниш, унчалик ярашмаган нарса. Халойиқ ҳам бунақаларни ҳушламайди. Қилган ишингни куз-куз қилмасанг ҳам бўлади, одамлар уни унутишмайди...

- Сулини янчишга менга ижозат беринг, Бердиали ота, баъзи-бировлар куп керилавермасин, — деди Арслон.

Ботир билан Ражаб ошнасини қувватлашди.

Тугри!

... Жуда соз!

- Бу ишни унга мен топширган эмасман, ишдан ҳам четлатолмайман, — деди Бердиали ота, гапнинг бундай бурилишига у тайёр эмасди. — Ўзи пушаймонга ўхшайдими...

- Курамиз ваъдасининг устидан қандай чиқаркин, — деди Арслон катъий қилиб ва отнинг жиловидан тутди.

- Барслар номидан буюраман, отни Непесдан олиб, Арслонга берилсин! — буюрди Ботир.

От худди «Барслар» командасидаги болалар қаро-рига қушилаётгандай бошини ирғиди. Қаршилиқ қурсатиш фойдасизлигини англаган Непес мунгайиб жимиб қолди. «Барслар» командасидаги болалар эса отни беришга розими, йўқми, деб у билан маслаҳатлашишни хаёлларига ҳам келтиришмади. Арслон эпчиллик билан отга минди-да, отни доира бўйлаб айлантираверди.

- Бизнинг ёрдамимиз керак бўлса, бемалол айтаверинг, Бердиали ота. Биз жон деб ишлаймиз, -- деди Ботир.

— Умри жонингизга барака берсин, болаларим! Қарини ҳурмат қилибсизларми, сизни эл ардоқласин. Агар зарурат чиқиб қолса, чакираман сизларни.

Бердиали ота болалардан жуда хурсанд эди.

Ботир ва Ражаб билан бирга қишлоққа қайтишга юраги бетламаган Непес Бердиали отанинг чайласига қараб кетди. Чолнинг ёнида у ўзини бежавотир хис этарди, неча-неча кунлар бадалида биринчи бор қариянинг шу ердалигига хурсанд бўлиши эди.

Эгарда мағрур ўтирган Арслон бошини ирғитиб дўстлари билан хайрлашди. Унинг офтобда қорайган, чиройли бетига табассум ёйилган. Шундай ажойиб отни йўргалатади-ю, севинмайдими.

Арслон узангида тик турди. Қулини соябон қилиб, узоқлашаётган дўстларига қаради ва хиргойи қила бошлади:

Қурқмастар отрядлари сафларидамиз,

Ҳеч нарсадан асло қурққан эмасмиз.

Қўлни-қўлга бериб, олға борамиз,

Олдинда Ботиру, Арслон ёнма-ён, —

Ражаб, Сулғун, Лола, Ашур ва Расул,

Яхши ишлаш учун қасамимиз шул:

Ўқишда, меҳнатда, барча ишларда,  
Барсчилар гўёки денгизда маёк! <sup>1</sup>

Непес чайлада Арслонга хасад билан қараб ўтирарди. «Ашулани айтишини қаранг: «Барсчилар гўёки денгиздаги маёк!» эмиш-а. Якка-якка дуч келганларингдами, маёкдай ёритиб туришларинг учун кўзларингни кўкартириб кўярдим-а...» Непес бирдан Ботир, Ражаб ва Арслон кўзини кўкартириб юрганни тасаввур қилиб, мамнун жилмайди. Лекин у Бердиали отанинг далда берувчи овозини эшитди: «Яшавор, Арслон! Яшавор, ота ўғли!» Непес чайланинг туйнугидан мўралади. У Бердиали отанинг бекордан-бекор мактамаслигини биларди. Шунинг учун бу эзма чолни Арслон нима билан қойил қилганини билгиси келди. Арслон отдан тушиб, ғарамни паншаха билан қавлаштираётган экан. «Оббо, ҳийлагар-ей, мана нима билан қариянинг кўнглини топибди! — Непес башарасини буруштирди-да, Бердиали отани мазах қилиб, ямланиб: «От эмас, паншаха янчади!..» — деди. Э, борларинг-е, ёкса янчавермайсанларми...»

Непес чайладан чикди-да, қишлоқ тарафга жўнади, аммо дилида ҳозир чақириб олишади, деб ўйлар эди. Бутун вужуди қулоққа айланиб қадамини секинлатди. «Ҳозир, мана ҳозир чақириб олишади!» — деб умид қиларди у олдидан ғалабани ҳис этиб. Лекин Непеснинг умиди ушалмади, у фақат Арслоннинг қўшигинигина эшитарди:

Ўқишда, меҳнатда ҳамда ҳар ишда,  
Барсчилар гўёки денгизда маёк!

Непес уйга келгач ўзини шух йигитдек тутмоқчи бўлди. Диванда ёнбошлаб, транзисторнинг овозини кўтариб, музика эшитди. Лекин бари бир кўнгли ёзилмади, қайтага юраги сиқилиб, ўзини ёлғиз ҳис этарди. Приёмникни учуриб, кўчага чикди. Кўча ҳувиллаган, ҳамма ишда эди, ҳатто ҳаммавақт оёғи тагида ўралашиб юрадиган пахмоқ ити ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди.

Непес кўчада анчагача бир ўзи турди, бирдан юк машинанинг гувиллаши унинг диққатини тортди. Ма-

---

. Шеърларни Шавкат Туробов таржима қилган.

шина у тарафга келаётган эди. Непес ошнаси Мурод-никига бориш учун шу машинанинг бортига осилиб олишга шайланиб турди.

#### 4

Ботир «Барслар» командаси штаби кундалигида куйидаги ёзувни ўкиб кўзига ишонмади:

«Кеча окшом тажриба балик хўжалиги қоровули Гайли оғанинг кўричак хуружи тутибди. Уни шифохонага олиб кетишди. Ок амур деган қимматли нав балик назоратсиз қолди. Браконьерлик бошланиши эҳтимол. Гайли оға шифохонадан чиққунча тажриба балик хўжалигини муттасил назорат қилиш керак.

*Барслар, 20-июнь».*

Ботир уйланиб қолди. Балик хўжалигини назорат қилиб туриш зарур эди. Бу борада ўйланиб ўтириш мумкин эмас. Аммо ким назорат қилади? Арслон сули янчяпти. Ражаб бугун келмайди, онасига рўзғор юмушларида қарашяпти, чакириш ноқулай. Ундан кўра, бир оз кутиб, Расул келганидан кейин у билан бориш керак. Шунча узок жойга, қумликлар ва сув бўйида ёлғиз юришга зерикасан, айникса қоронғи тушганидан кейин ваҳимали туюлади

Чордоқнинг асл эгалари бўлмиш қаптарлар аллақачон болаларга кўникиб кетишган эди. Барсчилар томга чиққанларида, аксинча, худди меҳмонлари билан саломлашгандек гув-гувлашарди.

Ботир бугунги кун режаси устида бош қотириб бўлгунча қаптарлар жўжаларига озик топиш учун икки марта бедазорга учиб бориб келишди. Ана, пастдаги эшик шарақлаб ёпилди. Ёзжамол почтани қабул қилиб, энди пахтакорларга хатлар, газета-журналларни етказиб улгуриш учун далага чиқиб кетаётган кўринади. Унга ёрдамлашиш ҳам керак эди-ю, лекин Ботир Расулнинг келишини кутмоқчи бўлди. Чордоққа чиқиладиган шоттида оёқ товуши эшитилди: «Расул келяпти», — деб уйлади Ботир. Лекин чордоққа қираверишда бир қиз пайдо бўлди.

— Салом, Ботир, кутмаганмидинг? — ойдек қулча юз Сулғуннинг бетига табассум ёйилди. — Расулни кутмагин деб айтгани келувдим. У эрталаб йулакай учра-

ган машинада балиқчилик хўжалигига кетган, сени ўша ерда кутади.

Бу хабарни эшитиб Ботир севиниб кетди. «Яшасин барсчилар, яхши ишлашяпти!» — фахрланиб ўйлади у, лекин штаб бошлиғи сифатида кайфиятини билдиргиси келмади. «Бошлиқ ҳар доим ишчан ва жиддий бўлиши, мактайвермаслиги керак», — деган фикр кечди бошидан, лекин ўзини тутолмай, болаларча севиниб: — Яшаворсин, Расул! — деб юборди, аммо шу захоти ўзини тутиб олиб, босиқлик билан:

Яхши, ҳозир олдига етиб бораман. Сен бўлсанг, Сулғун, бу ерда Лола билан Аширни кут. Улар ҳали-замон келиб қолишади. Пионер лагерида кимдир деворларга чизиб ташлабди. Қанақадир башараларни чизган, « $H + A = \text{муҳаббат}$ » деганга ухшаш алланимабалоларни ёзиб ташлаган. Бу ўзи мумкин бўлмаган нарса, бунинг устига деворларни тирнаб ташлаганини айтмайсанми. Ўша «рассомни» аниқлаш керак. Лола билан Ашир бугун шу билан машғул бўлишсин, — деди.

Ботир уйига кириб, тамадди қилишга егулик олдида, ҳавзани кўриклаётган Расулнинг ёнига шошилди.

Тажриба балиқ хўжалиги совхоз посёлкасидан беш чакиримча нарида эди. Лолалар чаман бўлиб очилган, ҳаммаёқни зумрад гилам тўшагандек майин кўкатлар коплаган куклам чоғи бу ерлардан ўтиш роҳат. Маза қилиб ёввойи пиёз ёки шовулни юлкилаб кетаверасан. Баъзан кўзикорингайм дуч келасан. Битта кўзикоринни учратсанг, огоҳ бўл, яна бир талайи чиқиб қолади. Шундай қилиб беш чакиримни қандок босиб утганингни ҳам билмай коласан. Ёмғир суви йиғилиб қолган ҳалқобларчи?! Офтобда худди кумуш косалардай яраклайди, ичидаги сув эса худди окқуш кўзларидай мусаффо ва жилоли. Ташна бўлсанг, шунақа ҳалқоб тепасига энгашиб шимира бошлайсан-у, аъзойи баданинг яйраб кетганини ҳис этасан. Лекин ҳозир булар худди тушдек туюлди. Ер шунақанги кизиганки, тухум пиширсанг ҳам бўлади. Атроф соқин, хатто, ҳар ерда ҳозир чумчуқлар ҳам кўринмайди.

Ботир ўша ёққа борадиган машинани узок кутиб қолди. Пахта йиғим-терими бошланса ҳаракат кизиби қолади. Ҳозир эса омадидан кўради.

Тушга яқин Ботирнинг ёнида колхознинг бензин ташийдиган машинаси тўхтади.

- Кўприккача элиб қўйишим мумкин, у ёғига чап-

га кетаман, — деди шофёр кабинадан бошини чиқариб.

— Куприккача бўлсаям майли, у ёғи бир гап булар, — деди Ботир кабинага ўтираркан.

Ҳавза қоровули Гайли оғанинг икки хоналик ёғоч уйи шундоқкина сув бўйида эди. Лекин шундоқ иссиқ кунда ичкарида ўтириб бўлмасди. Уй ичи худди кизиган печкадай иссиқ эди. Қоровул шуни кузда тутиб, уй ёнига қапа тиккан экан. Тепаси тиканак билан ёпилган қапа анча салқин эди. Кечалари қоровул ёғоч уй томига чиқарди. Биринчидан, кечалари том анча салқин булиб, шамол эсиб турарди, иккинчидан эса кечаси овга чиқадиган ургимчак, чаён ва илонлардан хавотирланмаса ҳам буларди.

Ботир Расулни излаб хоналарга ва қапага кириб чиқди, лекин Расул йўқ эди. Шундан кейин Ботир уй томига чиқди ва овози борича: «Расул! Расул!» деб чақира бошлади. Унга ҳеч ким жавоб бермади. Устига яшил мовут ёзилган столдек текис, бирон тўлқин мавжланмаган сув бетида ҳеч қандай қайиқ қуринмасди. Ёироқда, каналнинг нариги бетида оқ уйлар кўзга ташланарди. «Балки Расул ўша ёққа кетгандир?» — деб ўйлади Ботир ва овози борича бақирди:

— Расул! Расул!

Лекин Расулдан дарак йўқ эди.

Ботир шеригининг йўқлигидан ташвишланган бўлса ҳам, штаб бошлиғи сифатида норозилиги орта бошлаган эди. «Бу қанақаси! Сенга ишониб топширилган постни ташлаб кетиш яхшимас!» Лекин шу чок тўсатдан қапага тиркаб қўйилган бир парча қоғозни қуриб қолди. Бу Расул қолдирган хат эди:

«Ҳавза ёнида давангидай бир одам пайдо бўлди. Эгнида гулли кўйлак, бошланг, калласи катта қозондек, оёғида ботқокда қийилдиган этик. У ҳавза ёнида бирпас турди-да, атрофга аланглаб, ҳавзага ниманидир ташлади-ю, қамишзорга кириб ғойиб бўлди. Ҳавзага келиб қарасам, унда «Оғу» деб ёзилган шиша ётибди. Шиша ҳавза тубида эди, мен уни ололмадим. Ўша шубҳали киши кетидан кетдим. Ботир, агар келсанг, аввало ҳавза тубидан оғули шишани ол, агар синса, фалокат руй бериши тайин.

*Расул».*

Бу хабардан Ботир ҳанг-манг бўлиб қолди. «Ҳавза да оғу ётибди, бу нақ фалокатнинг ўзгинаси, катта фа-

локат бу. Тезроқ!» — Ботир уйламади, балки ўзига шундай буйрук берди ва фалокатнинг олдини олиш учун укдек отилиб чикиб кетди.

Оқ амурлар урчигилаётган ҳавза баҳайбат коса шаклидаги табиий пастлик эди. Кишда суғоришга зарурат булмаган кезларда бу табиий ҳавза вазифасини ўтарди. Ёзда сувнинг ортикчаси суғоришга ишлатиларди. Ҳавза суви ариқлардан оқиб, колхоз чорваси шу ариқ суви билан суғориларди.

Ҳавза сув омборининг темир-бетон кўтарма билан бошқариладиган шлюз ва сув тортувчи насос оралигида пайдо булган ҳовуздан иборат бўлиб, шакл жиҳатидан солдат каскасига ўхшаган ораликдаги тинитувчи ҳовуз вазифасини ўтарди. Ҳовузнинг деворини сув ўтлари босиб, муз яхмалакдек сирғанчиқ қилиб юборгандики, қулда юк билан, айниқса шиша билан чикиб олишнинг иложи йук эди. Бунинг устига бу ҳавза балиқлар чикиб кетмаслиги ва сув тортадиган насоснинг паррагига тушиб нобуд булмаслиги учун шлюз тарафи тўр тутиб, тўсиб қўйилган эди.

Ҳавза ёнига югуриб келган Ботир мустаҳкам тўсиқка алам билан қаради. Нима қилса экан? Панжара орасидан ўтиб булмайди, ораси жуда тор. У икки симга маҳкам ёпишиб, орасини керишга уриниб кўрди. Йўқ, кучи етмайди. Кейин у ҳавза тубига қаради. Тиниқ сув тагида оғзи ёпиқ шиша сузиб юргани шундоққина кўриларди. Шиша баъзан оқимга тушиб қолиб, тепага ҳам кўтариларди. «Агар насос тортиб кетса, бутун сув захарланади!» — деган фикр келди Ботирнинг миёнага, у ҳатто бу фикрдан кўркиб кетди. Шиша бўлса, гоҳ юзага кўтарилиб, гоҳ ўз оғирлиги билан пастга шунғиб турарди. Ботир сеҳрлангандай бақрайиб қолди. Шу пайтда у шундоққина ёнгинасида тўлкинда чайқалиб турган душман минасини кўриб қолган кема капитанига ухшарди.

«Сусткашлик қилиб бўлмайди, сира бўлмайди!..» — деб шивирлади у ва нима қилаётганини ҳам сезмай ечина бошлади.

-- Ҳей, бола, нима қиляпсан у ерда? Ҳавзага бирон нимани тушуриб юбордингми?

Ботир чўчиб, овоз келган томонга ўгирилиб қаради-ю, лекин ҳеч кимни кўрмади.

— Нима қиляпсан?

Бу гал овоз шундоққина ёнгинасида эшитилди ва

Ботир ўзи тарафга югуриб келаётган Шамшод момони кўрди.

— Нима бало, тилдан колдингми? Мик этмай тургани уялмайсанми? Нима изляяпсан бу ерда? Ҳавзага якин келиш мумкин эмаслигини билмайсанми, а? — Шамшод момо ҳассасини шундоқкина Ботирнинг кўзи олдида ўкталиб гапирарди. — Яна пионер бўлсанг керак! Чумилгани топган жойини қаранг-а. Қани, жўнаб кол бу ердан!..

Ботир аламидан йнглаб юбориб:

- Шамшод момо, у ёкда захар, — деб юборди.

— Захар?! Ё парвардигор! Қанақа захар?! Ким ташлади уни, сенми? Вой-дод, одамлар! Ердан беринг, сувимизни захарлашди! — деб фарёд солди Шамшод момо ва каловланиб қишлоққа югурди. — Халойикни оғохлантириш керак... Ё парвардигори олам, ё тавба, халойик, сувимизни захарлашибди!

Ботир Шамшод момога оғзидан гуллаб кўйиб катта хато қилганини тушунди. Ҳозир у бутун қишлоқни оёққа турғизади. Шишада умуман захар бўлмаса-чи. Ваҳима бўлиб кетади, ваҳоланки, Расул орқасидан пойлаб кетган шубҳали киши ҳақида ҳеч нима маълум эмас. У балки жосусдир: ғала-ғовур кўтарилганидан кейин разил ишлари очилганини тушуниб, ғойиб бўлади. Кейин уни тутиб бўлсан!

Ботир ўзини мажбур қилиб кулди. Кулгиси ёлғондакам чикди. Айни шу ёлғондакам кулги Шамшод момони тўхтатди.

— Хей, ярамас, мени майна қиласанми ҳали? — деб шивирлади у кўзларини Ботирга наштардай қадаб.

— Шамшод момо, наҳотки захар ташлаганларига ишондингиз?

Энди Шамшод момо шошиб қолди.

— Бундан чикди, захар йўқ экан-да? — кампир шундай оҳангда сўрадики, бунга у хурсандми ёки аксинча ҳафсаласи пир бўлганми, билиб бўлмасди.

— Албатта йўқ-да,— имкони борича хотиржам гапирди Ботир.

— Бошимни котирма. Ҳозиргина ўз оғзинг билан айтдинг, захар бор деб.

— Ҳа, айтдим, лекин сиз мени нотўғри тушундингиз...

- Эсимни еб кўйганим йўқ ҳали, шумтака! Бошимни-котирма, тўғриси гапир. У ерда захар йўқ.



ми? — Шамшод момо ҳассасини кўтариб Ботирга қараб юрди.

— Жаҳлингиз чикмасин. Шамшод момо, ҳозир сизга ҳаммасини тушунтираман, — орқасига тисарилди Ботир.

— Қани?

— Уерда, - - Ботир ҳавзани кўрсатди, — ҳақиқатан ҳам заҳар бор. Лекин у сувни заҳарламайди, оқ балиқларга зарарли қанақадир микропларни ўлдиради.

— Ростданми? — ишонқирамай деди Шамшод момо, кейин ичида ниманидир ўйлаб буюрди: — Қани, туш-чи сувга!

— Нега?

— Ўша шишани олиб чиққин, ўзим ҳал қиламан у ёғини.

— Шамшод момо, қасам ичишгаям тайёрман, шишада микробларга қарши, балиқларни тез ўсдирадиган заҳар бор... Агар сиз олимларга жавоб беришга тайёр бўлсангиз, мен сувга тушиб шишани олиб чиқаман. Фақат бунинг учун сизга жарима солишлари мумкин. — Ботир шундай ишонарли қилиб сўзлардики, унга ишонмасликнинг иложи йўқ эди. Бунинг устига жарима тўлаш хавфи Шамшод момога таъсир этди.

-- Шунини бошида айтсанг бўлмасмиди, а? Ҳозирги ёшларга ҳайронман... Каттага ҳурмат йўғ-а, бир соатдан бери бошимни қотиради-я. Уялмайсанми...

Шамшод момо жаврай-жаврай ўз йўлига қараб кетди.

Ботир энди унинг овозини эшитмасди, бирдан у сув бетига қалқиб чиққан шишага хавотирланиб қаради. «Агар насос тортиб кетса борми»... — у ҳатто хаёлан тасаввур қилишга ҳам ботинмади. Бунинг оқибати жудаям хатарли бўлиши мумкин эди. Зудлик билан ҳаракат қилиш керак. Елғиз ўзи шишани ололмайди, ёрдамга чақириш керак, каналнинг нариги тарафидаги уйларга югуриб бориш керак.

Ботир югуриб кетди, аммо машъум шиша кўз олди-дан лип-лип ўтиб турарди. «Тезроқ, тезроқ!» — деб ўзини шоширарди у кадамини тезлатиб.

## 5

Расул шубҳали нотаниш киши кетидан борарди. У истаса-ку, етиб ҳам оларди-я. Лекин бундан нима чи-

кади? Бу давангини тутиш ёлғиз ўзига йул бўлсин. Ким билади, балки унинг шериги бордир. Шундан кейин Расул бу одамнинг қаёққа боришини аниқлашни ўзига асосий вазифа қилиб белгилади. «У пахта базаси ишчилари посёлкасига кетаётганга ухшайди. Агарда унинг қай хонадонга киргани аниқланса, ишни битди деса бўлади. Кейин бориб тегишли кишиларни бошлаб келаман», — деб ўйларди бола ўзича ишонч билан.

Нотаниш киши шошилмайгина хотиржам борарди. У орқасидан пойлаб келаётганларини билмас керак. Орқасига угирилиб ҳам қарамас, атрофга алангламасди. У дадил борар, бу ерларни яхши билиши қуриниб турарди. Балки, бу пахта комбинатига келганлардан биридир?

Сукмоқнинг икки томони то уфққа бора-боргунча пахтазор. Пахта денгизи тепасидан эсган шамол суғорилган ернинг ёқимли нам исини таратарди. Осмоннинг гоҳ у ери, гоҳ бу ерида ўлжасини излаб парвоз қилаётган калхат кўриниб қоларди.

Нотаниш киши пахта базаси ишчилари посёлкаси ёнидан утиб, чапга, канал тарафга бурилди. Кўп ўтмай инсон бунёд этган дарё зангори лентадай кўзга ташланди ва Расулда муздек сувга шўнғиб чиқиш истаги ўйғонди. Аммо тўппа-тўғри камишзорга қараб кетаётган нотаниш кишини кўздан қочириши мумкин эди.

Кишлоқдагилар камиш урмони деб атайдиган камишзор неча-неча километрга чўзилганди. Қамиш шунчалик қалин ўсар ва ёзда кўкка шунчалик бўй чўзардики, орасида одамгина эмас, хатто туя ҳам қуринмай кетарди. Бу ерлар ботқоқлик бўлиб, одам учун, айниқса болалар учун хатарли эди. Болалар бу ёққа бормасин деган ниятда, катталар бу ерда захарли илонлар кўп дейишарди. Хатто ёввойи қобонларнинг боласини тириклай ютган бўғма илонни неча бор қурганмиз, дейдиганлар ҳам топиларди.

Бу афсоналарга Расул ишонмасди албатта, лекин бўлмаган гап деб ҳам айтолмасди. Ҳар қанақаси бўлиши мумкин. Бўғма илон бўлмаганда ҳам, умуман бу жойда илонлар кўп бўлиши керак. Бу ерлар хилват, салқин, қуш ва қурбақа кўп — айни илонларнинг жони кирадиган жой. Ёввойи қобонларни гапирмасаям бўлади. Расул бу «ширахўрларнинг» колхоз полизини пайҳон қилганини неча бор кўрган. Қизик, қовун-тарвузларнинг айни етилганини улар қандок биларкин-а? Ахир,

ҳатто, одамлар ҳам буни доимо билишмайди-ку.

Нотаниш киши қамишзорга худди қобондек бемалол кириб кетди. Қамишларни шатир-шутур суриб ўзига йўл очарди. Кўп ўтмай нотаниш кимса кўздан ғойиб бўлди. Расул тигиз қамиш девори ёқасига яқинлашганда, худди олам кирилиб битгандай сукунат ҳукм сурарди. Бирдан қамишзордан қанотларини қоқиб, ботқоқ лойхўраклари учиб чикди.

«Ҳа-а, нотаниш киши оҳистагина бўлса-да, олдинга юряпти», — деган фикрга келди Расул. У бир қисм тупрокни олиб, қамишзорга итқитди ва кулок сола бошлади. Фақат икки чумчуқ тепага отилиб чикди, бошқа шарпа эшитилмади. Расул қамишларни сурди-ю, ҳали бир кадам қўймасиданок ердан чиққандай буйруқ эшитилди:

— Тўхта! Қимирлама! Бу ёққа кириш таъқиқланади!

Кўкқисдан эшитилган бу овоздан Расул қотиб қолди, аъзойи бадани оғирлашиб кетди. «Қочиб қол!» — деган фикр келди илк бор миясига. Лекин қаёққа қочади, кимдан қочади, қамишзорга қанча тикилмасин ҳеч ким кўринмайди.

— Нега таъқиқланади? — ҳамон овоз чиқарган кимсани кўрмаган Расул кўрқувни енгиб суради. — Сигиримни боқишга жой излаяпман. Мени дадам юбордилар бу ёққа...

— Кўп чирқиллайверма! Мумкин эмас дейилдими, гап битта. Менга сенинг отанг хўжайинмас. Яна бир кадам қўйсанг, ўзингдан кўр.

Ана холос! Расул у кишини кўрмайди-ю, у бўлса, ҳар бир ҳаракатини кузатиб турибди. Нима қилсин?!

Расул ҳарҳолда бир оз чекинишни лозим топди. Қучлар тенг эмаслиги равшан, бунинг устига шубҳали кимса бу гал ҳийлагарлик қилди. «Чекиниш ҳали мағлубият эмас, агар ақл билан иш юритилса, бундан ўз фойданга иш кўришинг мумкин», — деб ўзини юпатди Расул ва бир оз бўлса-да, ўзини оқламоқчи бўлди. Яширишнинг нима кераги бор, кўрқиб ҳам кетди, ахир бошқаларда ҳам шундай бўлиши мумкин-ку.

Расул бехатар масофага ўтди ва ўзини дам олаётган қилиб кўрсатиб ерга ўтириб олди. Аммо бу ўзига хос ҳийлагарлик эди. У нотаниш киши, инига сув тўлган илон ташқарига ўрмалаб чиққандай ахир қамишзордан чиқишини биларди. У янглишмади, бир оздан сўнг

камиш шовуллади. «Ўша!» -- севиниб ўйлади Расул ва шу заҳоти бояги нотаниш кишини кўрди. У Расул тарафга қараб юрди. Расул ўрнидан турди ва шошилмайгина кишлоқ томонга ўгирилди. Буни кўриб нотаниш киши камишзорга кириб кетди. Расул бояги жойига қайтди.

— Ҳей, бола, бу ердан кетасанми, йўқми? — деди яна нотаниш.

-- Камишзорда сигиримни ўтлатадиган жой топмагунимча кетмайман. Айтдим-ку, ўтлоқ излаяпман деб. Дадам буюрганлар менга. Ўтлоқ топмай кетолмайман, бари бир қайтиб келишим керак бўлади, — деди Расул ва яна ерга ўтирди.

Нотаниш киши асабийлаша бошлади, унинг кескин ҳаракатлари бундан далолат бериб турарди. У яна камишзордан қутурган қобондай отилиб чиқди, лекин болага бари бир етолмаслигини билиб тўхтади.

— Ҳей, ужар! Бу ердан кетмасликка ростдан ҳам аҳд қилган булсанг бери кел!

- Нима, таъқиқ бекор қилиндими?

- Тентак бўлма, чақиргандан кейин кел, — деб бақирди нотаниш.

— Нима гапингиз бор? Гапираверинг, шу ердан туриб ҳам эшитавераман.

- Бу ёққа келиб мана бу пулни олгин-да, менга нон билан сузма олиб кел, илтимос қилди юмшоқроқ гапиришга уриниб нотаниш киши. — Ўзим борардим-у, лекин асбобларни қолдириб кетолмайман...

— Нима, бу ерда ёлғизмисиз? — сўради Расул.

— Йўқ, биз кўпчиликмиз, геологлармиз. Биз бу камишзордан ернинг намунасини оляпмиз. Шерикларим озик-овқат келтиргани шаҳарга кетишди, негадир тугилиб қолишди...

Расул ўйланиб қолди. Бу ерда туриб бегонанинг жаҳлини чиқараверишдан фойда йўқ, ёнига бориш хатарли бўлиши мумкин, Лекин бир нарсага ишончи қомил — нотаниш киши шаҳарлик бўлмаса нон билан сузма сотиб олиб келгин, демасди. Кишлоқда нон билан сузмани сотишарканми. Сўрасанг, шундоқ беришаверди, пул бермоқчи бўлсанг уялтиришди. «Балки хийла ишлатиш керакдир!» — ўйлади Расул ва:

- Бўпти, ҳозир сизга егулик келтираман, — деб қичқирди.

- Ма, пулни ол! — нотаниш рақибини алдаб чақи-

риб олишга умидвор эди.

— Қишлоқда овқат сотишмайди.

Нотаниш киши ҳеч нима демади, камишзоргаям кириб кетмади, балки турган ерида чордана куриб ўтирди.

Расул йўлга тушди, аммо у нотаниш кишига егулик келтиришни хаёлига ҳам келтирмади. У ёрдамчи излаб кетди. «Ботир анави хатарли шишани синмасидан сувдан чиқариб олишга улгурса бўлди. Бу каллахумни кўлдан чиқариб бўпман», — деб ўйларди у нотаниш киши ёнидан йироқлашаркан. «Ўша жойида ўтириб турса яхши эди!» Лекин моторли қайикнинг ўкириги унинг фикрини бўлди. У мотор гулдуриси ҳавза тарафдан келяптими ёки камишзорданми, аниқлаш учун қулоғини динг қилди-ю, лекин аниқлай олмади. Расулнинг тезроқ қишлоққа етиб олишдан бўлак чораси қолмаган эди ва у жони борича югура кетди.

## 6

Тут дарахти тагида ерга кўмилиб ётган ит уйга яқинлашаётган Ботирни кўриб, истамайгина каттакон пахмок бошини кўтарди ва ҳурайми, йўқми, деб қип-қизил уйқули кўзини унга тикди. Итни кўриб қолган Ботир қадамини секинлатди. Лекин ит эринчоклик билан ириллади — ҳарҳолда вазифасини ўтади. Кейин бошини олдинги оёқларига кўйиб, иссиқдан ҳолсизланиб яна мудраб кетди. Ботир ит ёнидан эҳтиёткорлик билан охишта ўтди ва эшик ёнига бориб, уни тортди. Эшик ёпик эди, унга бир ёзув илиб кўйилган эди:

«Эълон.

Салом, бизни йўқлаб келган кимса, лекин уйда ҳеч ким йўқ. Ойим билан дадам шаҳарга кетишди. Мен «Қорақум» деган тренажердаман, космосга учишга тайёрланаяпман. Мени безовта қилмаслигингизни сўрайман.

*Мурод.»*

Ботир хатни ўқиб, «Қорақум», деган тренажерни топиш ниятида ҳайрон бўлиб ҳовлига аланглади. Лекин тренажернинг ўрнига айна шу пайтда унга зарур бўлган велосипедга кўзи тушди. Шу велосипедга миниб зумда қишлоққа бориб келиши мумкин. Ишчи посёлкаси билан қишлоқ ораси унчалик узоқ эмас. Лекин сўрамадан бировнинг велосипедини олиб буладими? У Муродни излаб топмоқчи бўлди. Ботир хатни яна бир

бор кўздан кечириб чиккач жилмайди: «Хатдан хулоса чиқариладиган бўлса, Мурод зўр бола, балки у билан икковлашиб ҳавзадан шишани олсак бўлар?!» Шунини эслаб у шошилди.

Ботир итни унутиб, уй оркасига чошиб ўтиб кетди. Ие-е! У ўз кўзига ишонмади. Баланд ёғоч супада кумушдай яраклаб каттакон ракета турарди. Найзадор учи билан ҳозир ҳавони ёриб учиб кетадигандай. Ракетанинг кумушранг ёнига «Қорақум» деб ёзиб қўйилган эди.

Ботир ракетанинг зич ёпилган эшигини тақиллатди.

— Мурод! Мурод!

Мурод мик этмасди. Ботир қаттиқрок тақиллатди.

— Мурод, бу ёкка чик! Жуда зарур иш бор!

Ҳеч ким жавоб бермади, лекин Ботирга ракета сезилар-сезилмас кимирлагандек бўлди.

— Ҳой, Мурод, велосипедингни олиб турмоқчи эдим, эшитяпсанми? — ракетани тарақлатди Ботир.

Ахири Муроднинг жаҳл билан кичкиргани эшитилди:

— Мендан ҳеч нимани сўрама. Мен ҳеч нимани эшитмаяпман. Мени йўк деявер.

— Рўпарамда, ракетада бўлсанг-у, сени кандок қилиб йўк деб ҳисоблайман? Жуда зарур иш билан велосипедингда посёлкага бориб келмоқчи эдим. Эшитяпсанми? Ярим соатдан кейин қайтариб бераман...

— Мени безовта қилманглар деганман-ку. Мен ҳеч нимани билмайман, ҳеч нимани эшитмаяпман. Мен йўкман.

— Ахир эшитяпсан-ку?

— Эшитган бўлсам ҳам, бари бир эшитмаяпман.

Мен йўкман, эрталабдан бери космосдаман, билдингми, космос-даман! Атроф зим-зиё қоронғи. Гаплашадиган ҳеч ким йўк олдимда. Уқдингми?

— Қанақа одамсан-а? — кизишди Ботир.

— Ўзинг кимсан? Велосипедимни сўраяпсан-у, кимлигингни билмайман...

— Танишишни истасанг, ракетадан чик. Исминим Ботир. «Барслар» командаси аъзосиман, — деб тушунтиришга ҳаракат қилди Ботир.

— «Барслар?»

— Ҳа, «Барслар». «Барслар» командаси хақида эшитганмисан?

— Агар ўша «Барслар» командаси аъзоси бўлсанг, мен ракетадан чиқмасимдан аввал яхшиликча жўнаб қол. Булмасам кунингни кўрсатиб қўяман, ўла-ўлгунча бу учрашув эсингдан чиқмайди, — деб пўписа қилди Мурод.

«Қоракум» ракетаси оқ тунукадан ясалган бўлиб, офтоб тифида турарди. Июль ойида термометр симоби кўпинча қирк беш даражагача кўтарилишини ҳисобга олганда ракетанинг ичи қанчалик иссиқ бўлишини тасаввур қилиш унча қийин эмас. Сояда ўлчанганда қирк беш, офтобнинг тифида-чи?! Мурод ракета ичида терлаб шилта-шалаббо бўлиб ётарди. Эғнидаги қийими сиқиб ташлайдиган даражада ҳул! Лекин космонавтликка номзод бунга эътибор қилмасди. Машқ ҳарҳолда машқ-да! Космосда бундан баттари рўй бериши мумкин, энг оғир имтиҳонларга тайёр турмоқ лозим. Мурод астойдил чидаш бераётганди. Бунақа тажриба туфайли неча бор ота-онаси таъзирини берган. Лекин бола космосга интилар, бу йўлда бундан баттаринларига ҳам чидашга тайёр эди.

Бугун ота-онаси уйда йўқлигидан фойдаланиб яхшилаб машқ қилмоқчи эди. Аммо...

- Чикасанми-йўқми? — Ботир зур бериб ракетани дўпирлатарди. — Ҳозир ракетанинг абжағини чиқариб ташлайман. Чиқ деяпман сенга!

Мурод индамасди. Лекин бу дупура-дупурни Мурод билан бирга ракетада ўтирган мушук кўтаролмади. У миёвлаб юборди.

Дупура-дупур билан мушукнинг миёвлаши итнинг эътиборини тортди. Кучук сергакланиб қулоғини динг қилганича ракетага яқинлашганда, Ботир эҳтиётдан супага чиқиб олди. *!*

- Хей, Мурод, мушуклар итлардек чиниққан бўлмайди. Сен космосга кучугингни олиб ўқишинг керак эди. Менимча у жудаям мос келарди...

- Итлар космосга чиқишган, ҳамма оғирликни кўтариб кўришган. Мен мушукни синовдан ўтказаяпман!

- Майли, синасанг синайвер. Менга велосипедингни бериб турсанг бас, жудаям керак эди менга, билдингми?

- Барсчиларнинг мени имтиҳон қилишгани эсинг-

дами, а? — Муроднинг истехзоли овози эшитилди. — Мана шунака, кани бу ердан туёғингни шикиллатиб қолгин-чи...

Ботир гапи бефойдалигини англади. Лекин бу ердан энди қандай кетади? Муроднинг ити шундоққина супа тагида Ботирнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди. Уйқусини бузишгани аламига чакирилмаган меҳмоннинг адабини бермай кузатмасликка аҳд қилгани кўриниб турарди.

— Мурод, бўпти, мен кетаман, фақат итингни тутиб тур...

— Сиз «барсчилар» жудаям доносизлар, узинг иложини топавер.

Ботир кучи борича ракетани дупурлатиб ура кетди. Ит бўлса ўткир тишларини иржайтириб янаям аччиғланиб хурди..

## 7

Непес яширинча чиқиб олган юк машинаси сув хавзасидан ўтиб, ишчи посёлкасининг қарши тарафида тўхтади. Машина юриши секинлаши билан Непес ерга сакради, тик қололмай йиқилиб тушди ва Шамшод момога рўпара келди.

— Ҳай, омборинг буғдойга тўлгур, шумтака! Машина тўхтагандан кейин тушсанг юрагинг ёрилиб кетадими, — деб бақирди шусиз ҳам жаҳли чиқиб турган кампир.

Шундоққина рўпарасида бургутбурун, кузи чакчайган, бурушган башарани кўриб Непес ханг-манг бўлиб қолди.

— Астафирулло, ҳозирги замоннинг болалари шайтондан ҳам кўркмайди-я. Қилган қилиқларини кўрсанг сочинг нақ тикка булиб кетади-я. Шайтоннинг ўзгинаси булар! — Шамшод момо ағрайиб турган Непеснинг қўлини маҳкам чангаллади. — Қимнинг боласисан, қаёққа кетяпсан?

— Муродникига кетяпман... — гўлдиради Непес.

— Уникида нима қиласан? Уларникида ҳеч ким йўқ, ўзим кўрдим... — Шамшод момо Непесни ўзига яқинроқ тортди ва афтига тикилди. — Хавзага захарли шишани сен ташладингми?

— Нима деяпсиз ўзи, момо? — қайтариб суради



Непес Шамшод момонинг тик нигоҳи остида қимти-  
ниб.

— Қандай ярамас одамлигингни кўзингдан кўриб турибман. Шундоқкина кўриб турибман! Қани, бўйнингга ол, хавзага захарли шишани сен ташладингми?— Шамшод момо борган сайин кизишарди.

— Ҳеч қанақанги захарли шишани кўрганам йўқ, момо. Момо...

Шамшод момо унинг сўзини бўлди:

— Неvara топилиб қолганини қаранг-а. «Момо» эмиш! — Непесни мазах қилди кампир. — «Момонгни» кўрсатиб кўяман сенга, аввал сени обориб тегишли жойга топширай-чи, кейин биламиз сенинг момонгми-канман. Қани, қимирла!

— Ҳеч қанақа шиша кўрганам йўқ, кўйворинг мени, момо...

— Юр мен билан, ўша ёқда, ўзлари текшириб олишади! — деди Шамшод момо баланд келиб, бир дақиқага Непесни кўйиб юбориб кўлини юқори кўтарди.

Шу пайтдан фойдаланиб Непес жуфтакни ростлади.

— Тўхта! Қаёққа қочяпсан, тўхта! — деб чинқирди кампир чапақай жаҳли чиқиб ва ҳассасини Непесга ўқталди. Кампирнинг чиркирашидан уйғонган итлар қочиб кетаётган Непес кетидан югуришди...

Расул жон ҳолатда югуриб, ишчи посёлкаси чеккасига етиб олди. Посёлка кўм-кўк дарахтларга бурканганди. Қамишзор тарафдан моторли қайиқ шовқини эшитиларди. Бирдан жимжит булиб қолди. Расулнинг назарида одамларнинг овози эшитилаётгандек бўлди. Улар қамишзор ичида гаплашишарди. «Қайиқ нотаниш одам яширинган жойга келганга ўхшайди. Қайиқдаги кимса балки бунинг... жосуснинг шеригидир?! Ҳа, ҳа, жосус билан, бутун туриш-турмуши кўрсатиб турибди, жосуснинг ўзгинаси. Нима қилса экан? Ботир билан болалар ҳам кўринишмайди... Посёлкага югуриб бориб одамларни ёрдамга чақирсинми...» — ўйлади Расул ва чопиб кетди. Расул масофани қисқартириш учун йўл буёқда қолиб, бошқа тарафдан югурди. У йўлни кесиб чиқиш билан ўн-ўн беш дақиқани тежаб қолмоқчи эди.

Қуннинг иссиғида бу ёмон йўлдан югуриш жуда оғир эди. Расул хансирар, пешонасидан оққан

тер кўзларини тутиб, очгани қўймасди. Шур тер кўзини ачиштирарди. Чарчаганидан ва кузини тер ачиштираётганидан Расул коронгида югураётгандек хис этарди ўзини. Тўсатдан, посёлка йулига у эндигина етганида қандайдир кора нарса унга ташланди-ю, йикитиб юборди. «Эҳ, қуриб кетгур, мендан кўра ҳийлакоррок чикди», — деб уйлашга улгурди у йўлдаги тупроққа юз тубан йиқиларкан. Мушук сичкон боласи билан ўйнашгандек жосус уни майна қилгани жудаям алам қилди. Мана шу алам унга куч берди ва Расул оғрикни ҳам, ракибининг ундан бақувватлигиниям унутиб, мушукдек эпчиллик билан ирғиб туриб, шахт билан ташланишга мадад бўлди. Кўзига келган ёш, ҳаммаёкни тутган чанг жосусни кўришга имкон бермасди, аммо Расул унинг ҳайбатли гавдасини илғади. «Эҳ, малъун! Ҳали ёқалашасанми, а?» — деб бақирди Расул ўғил болага хос эпчиллик билан унга ташланаркан, «жосус» юз тубан йиқилди ва ёлворди:

— Кутурганмисан! Қўйвор, оғрияпти!..

Овоз жуда таниш эди, бу «жосус»нинг гавдаси ҳам анави нотанишга ўхшамасди.

— Қўйвор деяпман сенга, эсингни еб қўйдингми?!

«Непес-ку бу!» — таниди Расул. — Қаёқдан келиб колди у?!

Расул Непесни қўйиб юборди-да, ўрнидан турди.

— Бугун бу кишлокда ҳамма эсини еб қўйганми дейман. Аллақанақа кампир шишадаги захардан гапириб ҳол-жонимга қўймовди, энди бўлса сен... — чангини коқаркан хафа бўлиб деди Непес. — Сени дарров танидим, лекин тўхтолмадим, тўкнашиб кетдик...

— Мени кечир, Непес.

— Кечир эмиш. Барсчилар бўлсангиз, ҳамма нарса мумкин экан-да сизларга?.. Отимни олиб қўювдинглар, энди бўлса...

— Кечир мени, Непес, сени жосус деб ўйлабман.

— Нима?! — деб юборди Непес кўзини чакчайтириб.

Расул нотаниш киши хақида Непесга сўзлаб берди. Непес шу заҳоти хафалигини унутиб:

— Кел, Муроднинг ёнига югурамиз, у яқин жойда туради, — деб таклиф қилди. — Унинг итини олволамиз, ажойиб ити бор, биздан ҳеч ким қочиб қутулолмайди.

Улар Муроднинг ёнига югуришди.

— Мурод космик ракетаси ичида бўлса керак. Бу ёққа юр, манави сўкмок билан борсак, тўғри унинг уйи ёнидан чиқамиз, — деди Непес, унинг орқа тарафидан чиқадиган сўкмокка буриларкан.

...Ботир ҳамон супада турар, ит эса тишини иржайтириб, унинг атрофида ирғишларди.

— Ботир, нима қилиб турибсан бу ерда? — Расулнинг овозида гина бор эди.

— Манави сергак қоровулдан қутулишнинг йўлини қиллолмаяпман... — деди Ботир итни кўрсатиб гуноҳқорона.

— Қоплон, мах, мах! — деб буйруқ қилгандек қичқирди Непес, кучук эса итотқорона унинг ёнига бориб қўлини ялаганда у Ботирга ғолибона қараб қўйди.

Непеснинг кекқайиши Расулга алам қилди ва у дўстининг ёнини олди:

— Итдан кўркмайдиган одам бўларканми? Ба-хайбатлигини қара.

— Нотаниш киши хақида нимани аниқладинг, Расул? — ўзи учун ёқимсиз мавзудан тезроқ қочганини истаганидан шошиб сўради Ботир.

— Менимча, у хақиқий жосус! — ишонч билан деди Расул ва қамишзорга қараб қўйиб қўшимча қилди: — у ҳозир ўша ерда. Ўзи ёлғиз эмасга ўхшайди.

— Ҳеч бўлмаса унинг ўзини кўролдингми?

— Кўрдим, албатта, ҳатто гаплашдим ҳам. «Биз — геологлармиз» дейди. Ҳатто мендан нон билан сузма харид қилиб келишнимга сўради. Пул ҳам бермоқчи бўлди. Ишқилиб қўлдан чиқариб юбормасак эди, деб кўрқаман. Менимча, у тарафга моторли қайиқ ўтиб кетди... Шовқинини эшитдим...

-- Кетолмайди. Қоплон зумда етиб олади, — гапга қўшилди Непес. — Фақат гап билан вақтни бекорга ўтказиб юборяпмиз. Югуриш керак.

Шу чоғ ракетанинг эшиги очилди ва терлаб шалаббо бўлган Мурод кўринди.

— Мен ҳам сизлар билан бораман! — деб кичкирди у.

Болалар дарров маслаҳатлашиб, Мурод ити Қоплон билан жосусни кузатади, қолганлар хавзага бориб, заҳарли шишани сувдан тутиб олишади, деган қарорга келдилар.

## 8

Моторли қайик сохил яқинидаги қамишзорга етгач юришини секинлатди ва шу юришда қуюқ қамишзорга қадалиб борди. Қайикни бошқарган йнгит ўрнидан тик турди ва кенг соябонли шляпаси билан кўзини пана қилиб тўқайга тикилди...

- Кервен! Хой, Кер-вен-ен! — деб бақирди у, лекин жавоб бўлмади, фақат иккита ёввойи урдак пир этиб осмонга кутарилди, кетидан милтик отилди.

- Кервен! Ҳей, Кервен! — деб кичкирди йнгит сохилга ирғиб тушиб ва қайиғини боғлади.

- Нега бунча бўқирасан?! — норозилик билан деди тусатдан пайдо бўлган Кервен. — Ювуксиз қошиқдай нокерак жойга суқулаверасан. Ўрдакларни чўчитиб юбординг-ку.

— Шишалар сендамиди? — сўради шляпа кийган киши, Кервеннинг тўнғиллашига парво қилмай.

- Қанақа шиша? — ҳамон аччиғлиниб сўради Кервен ва милтиғини қайикка қўйди.

— Қанақа, қанақа, дейди-я? — шляпа кийган киши тоқатсизлана бошлади.

- Қанақа бўларди, заҳар солинган шишалар! Ахир кеча сени бу ерга олиб келганимда қайикда эди, балки сен...

- Заҳар солинган шишангни бошимга ураманми, арақ бўлсаям бошқа гап эди, — ҳамсухбатининг гапини бўлди Кервен.

- Агар тўкилиб кетса борми, ёки, худо курсатмасин, мана шу лаънати ботқоқда синиб қолса нима бўлишини тасаввур қиласанми. Ҳавзанинг бари сувини заҳарлаб қўямиз-а...

Қилган ишининг нақадар хатарли эканини Кервен эндигина тушунган эди.

— Ахир кеча ўзинг қайикда алланимани латтага ўраб, менинг буюмларим ёнига қўяётувдинг-ку. Ким билади дейсан, лаш-лушларимга кўшиб ташлаб юборган бўлсам-а...

Кервен тўқайга ичкарилаб кирди ва кўлида битта шиша кўтариб, хурсанд чиқди:

Мана, хазинанг бус-бутун. Хупам кўрқоксан-да, Ўроз.

— Биттагинами?

— Ҳа, нима эди?

- Учта эди, — нафаси ичига тушиб деди Ўроз.

Ўроз бу ерларда хаддан зиёд кўпайиб кетган кемирувчилар ва кишлок хўжалиги зараркундаларига қарши курашадиган олимларнинг кичиккина кўчма экспедицияси гуруҳида ишларди. Ундан сўраганларида кичик илмий ходимман деб юрарди. Унинг маълумоти урта ҳам бўлмаганидан бу гапга ҳеч ким ишонмасди. Ёлғончилиги ўз виждонига ҳавола. Кеча у олимлар базасига уч шишада кемирувчиларга қарши заҳар келтириши керак эди. Лекин у ялиниб-ёлворгани учун овман этилганига қарамай Кервенни қайикда тўқайга олиб келган эди. Кервен бу ерда ўрдак овламокчи эди. Шишаларнинг йуқлигини Ўроз кетаётганида пайқадийо, лекин орқасига қайтмади. «Эртага бари бир Кервеннинг ёнига келаман-у, ўшанда олиб кетарман», — деб уйлади у бепарволик билан.

— Учта шиша эди, тушундингми, учта шиша, — йиғламокдан бери бўлиб неча-неча бор такрорлади Ўроз.

— Нима, уларни еб қўйибманми?

— Гапиришга осон, мабодо сув окизиб кетиб, ҳавзага тушса-чи... ҳавзада шиша синса борми, нақ отиб ташлашади-я мени...

Кервен билан Ўроз йуқолган шишани излаб тўқайни алгов-далгов қилишди. Лекин ҳар қанча излаганлари билан топишолмади.

- Тўлқин олиб кетган, шўрим қуриди энди... — деб уқирди Ўроз коп-қора балчикқа ўзини отиб.

- Агар тўлқин уни сув омборига окизиб кетган бўлса-я, бориб қараш керак, — ишончсизлик билан деди Кервен.

Чўкаётган одам ҳасга тармашганидай, Ўроз дарҳол бу фикрга ёпишиб олди.

- Ўтир қайикка, тезрок бора қолайлик! — деб қичқирди у жўрасига.

Ўрознинг бакиргани Кервенга ёкмади, у истехзо билан жонкуяр ошнасини жеркиб берди.

— Намунча шошилсан! Аввал нарсаларимни қайикка ортайлик.

— Ҳаммасига сен айбдорсан-у, яна баланд келасан-а, — деб гап бошлаган Ўроз ошнасининг истехзоли жилмайганини кўриб жим бўлди. — Бўпти, кел, орта-миз, тезрок бўл.

— Ўзинг сузиб кетавер, мен сохил ёқалаб бораман. Яқинда болалар югургилаб юришиб эди, ўша шумтакалар топган бўлса бордир?

Қайик сузиб кетди. Кервен сохил ёқалаб сув омбори тарафга юрди.

Кўп ўтмай йўлда Муродга дуч келди. У итини етаклаб чопиб борарди.

— Кервен амаки, тўқайда кўрмадингизми бир баҳайбат, калласи кат... — нотаниш кишининг белгиларини айтмоқчи бўлган Муроднинг бирдан оғзидаги гапи бўғзида қолди.

Калласи катта, гулдор кўйлак билан баланд қўнж-ли этик кийган одамни дейсанми?

Мурод хижолат бўлиб бошини эгди-да, калласини иргитиб, унинг сўзини тасдиқлади.

— Бўлмасам мени тутавер! — хохолаб кулди Кервен ва боланинг елкасига қокиб қўйди. — Жингалак соч бола юбордими сени? Унинг оти нима?

— Расул...

— Ўзи қани? Нега ўзи келмади? Қўрқиб кетгандир-да, балки.

— У захарли шишани тутгани болалар билан сув омборига кетди.

Кервен баҳайбат қўллари билан боланинг елкасидан маҳкам чангаллади, баланд кўтариб осмонга отди ва хурсанд бўлиб қичкирди:

— Баракалла, болалар!

Кервен Муродни оҳиста ерга туширди:

— Кетдик, ошна, уларнинг ёнига борайлик!

## 9

Ашир билан Лолани Сулғун анчагача кутди, улардан дарак бўлмади. «Барслар» клубининг ҳамма аъзолари штабга ҳар куни келишарди. Бунинг имконини топиш-маса, албатта, хабардор килишарди. Ашир би-

лан Лоланинг жим бўлиб кетгани ғалати кўринди.  
«Ботир иккаласи сув омбори тарафга кетишгандир,  
мени огоҳлантиришга улгуришмагандир», — деб ўйла-  
ди Сулғун ва пионер лагери масаласини ўзи аниқлашга  
қарор қилди.

«Қишлоқда тинчлик. Сулғун пионер лагерига кетди.»

*«Барслар».*

Сулғун кузатув дафтарига шундай ёзиб қўйди.

Совхоз пионерлари кишлокнинг жануб тарафида ан-  
хор ёқасида эди. Узоқдан қараганда лагерь яшил орол-  
га ўхшаб қуринарди. Серсоя, яшил дарахтлар орасидан  
ётоқ корпуси зўрға кўзга ташланарди. Лекин болалар  
махсус жиҳозланган пляж билан фахрланишарди. Кун-  
нинг иссиғида муздек сувда чумилишдан роҳатлироқ  
нарса бормикан!

Сулғун лагерга яқинлашгани сайин болаларнинг ба-  
қир-чакири эшитила бошлади. Кун тартибига кўра бу  
пайт дам олиш соати бўлиб, чўмилишга ижозат берил-  
масди. «Ҳе шумтакалар, кун тартибини бузиш қанақа  
булишини курсатиб қўяй сизларга», — деб ўйлади у  
ва овоз келган тарафга юрди.

Пляжда боғча ёшидаги уч бола кўринди. Уларнинг  
бири қандайдир шишани очмоқчи бўлиб уринар, икки-  
таси булса уришишарди.

- Шишани олдин мен кўрдим!..

- Уни мен тутиб олдим!..

Нима бўпти, ўзим ҳам тутиб олардим!

- Сен-а?!

— Ҳа, мен!

Сулғун келиб қолмаганда болалар ёқалашиб ҳам  
кетиши мумкин эди.

- Булди, бас қилинглар! — деди Сулғун икки бола-  
нинг ўртасига туриб. — Нимани талашяпсизлар? Бир-  
бировингнинг кўзингни чиқаришга тайёрсизлар-а, уят  
эмасми!

- Сувдан шиша тутиб олдим. Манави бўлса тортиб ол-  
моқчи мендан, — деди болаларнинг бири тутила-тутила.

Биринчи бўлиб шишани ким кўрди?! — деди ик-  
кинчи бола баланд келиб.

Қанақа шишани гапиряпсизлар? — суради Сул-  
ғун.

- Манави, — деди бола, энг кичкина боланинг қў-  
лидаги шишани олиб Сулғунга узатди.

Сулгун шишани кўлига олиб айлантириб қаради ва «Оғу» деган ёзувни ўқиб кўрқиб кетди.

Бу орада кичкина бола:

— Шишамни бер! Лимонад ичгим келяпти... — деб йиғлашга тушди.

- Йиғлама, укажон. Бу лимонад эмас.

- Йўқ, лимонад! Лимонад ичгим келяпти...

- Бу лимонад эмас, бу — дори жудаям аччик дори...

- Лимонад ичаман...

Сулгун болаларни овутиб посёлка советига қараб кетди. Бу хатардан дарров оғох қилиш керак.

## 10

Ботир, Расул ва Непес кучлари борича сув омбори томон югуриб боришарди. Бирон кимса уларнинг югуриш тезлигини соатга қараб белгилаганда эди, баъзи спортчилардан тез югуришларига ишонч ҳосил қиларди. Болалар шошилишаётганди, ҳар дақиқа хатарли эди.

...Улар етиб келишганда шиша бир кўтарилиб, бир сув тагигача шўнғиб ва яна қалқиб чикиб турарди.

Болалар дарров ечинишди ва бир-бирларига ёрдамлашиб ҳавза панжарасидан ошиб ўтишди. Ботир сувга шўнғиди. Расул бўлса бир кўли билан панжарани чангаллаган кўйи иккинчи кўли билан Непесга сирпанчик қия соҳилдан сувга тушишга кўмаклашарди. Улар мана шу йўсин занжир бўлишиб, бир-бирларининг қулини маҳкам ушлашиб, Ботирнинг шишани тутиб олиб Непесга узатишини кутишди.

Ботир сувни қаттиқ чайқалтирмасликка ҳаракат қилиб шиша орқасидан сузиб кетди ва унга етиб олди. У шишага тикилиб бир неча дақиқа жим бўлиб қолди, кейин бир талпиниб шишанинг бўғзидан тутди. Ботирнинг баданига электр токи югургандек бўлди, лекин у дарҳол узини қўлга олди. Ботирнинг ҳаракатларини кузатиб турган Расул билан Непес енгил тин олишди ва хатарли шишани қабул қилишга ҳозирланишди.

Непес Ботир узатган шишани олди, ҳаяжондан титраган товуш билан Расулга:

— Торт! — деб бақирди.

Расул Непесни сувдан тортиб чиқарди ва панжара орасидан кўлини суқиб, унинг титроқ кўлларигаги захарли шишани ерга қуйишига кизикиб қараб турди.

Болалар севинганларидан «ура» деб бақириб юбо-



ришди ва бир-бирларига ёрдамлашиб панжара устидан қайтиб ошиб тушишди. Шишани қуршаб ўтириб олишиб, ғаройиб нарсани кўраётгандай томоша қила бошлашди.

Моторли қайикнинг ўкириги эшитилди. Болалар ҳайрон бўлиб аланглашди. Ҳавзада бундай тезлик билан келаётган ким бўлиши мумкин. Ахир моторли қайик эгалари атиги бир нечтагина бўлиб, ҳавзада тезликни ошириш таъқиқланганини ҳаммалари билишарди-ку. Тезлик ошганда шовкин ҳам ошиши аниқ, бу эса балик хўжалиги ходимларининг айтишича, баликларнинг яхши кўпайишига ҳалакит берарди.

Ҳаммадан ҳам бу дақиқада Расул ҳаяжонланарди. «Анави нотаниш кимса жиноят қилган еридан шошилинч қочиб кетаётган бўлса-я?!» — деган фикр кечди бошидан. Лекин қайикнинг тўғри улар тарафга келаётганини билиб ҳайрон қолди. Бундан чикди, қайикни ҳайдаётган одам улардан қочаётгани йук, аксинча, уларга рўпара келмоқчи. Агар қайикдаги нотаниш киши бўлса... Нимани ўйлаётган экан-а, у?

Қайик тезлигини пасайтирмай соҳилга етиб келди ва ундан новча, орик, бир нарсадан хавотирдаги киши сакраб тушиб, болалар ёнига югуриб келди. Бу Ўроз эди.

-- Болалар, сизлар ҳавзада шиша кўрмадингларми? — сўради ва аланглаб туриб, бирдан ҳайратга тушди. — Мана-а!

Ўроз шишани тортиб олди, худди қимматбаҳо буюмдай кўксига босди: «Мана у! Мана у!» дея такрорлайверди. Лекин севинчи узокка бормади.

-- Иккинчиси қани? — сўради у бирдан ранги қув учиб. — Иккинчи шиша қани? Фақат битта-ку бу ерда...

Энг бахтли одамдек кўринган йигит хомуш бўлиб қолди.

Ҳавза ёнига енгил машина келиб тўхтади. Ундан кишлоқ Совети раиси билан Сулғун тушди. Раиснинг қўлида болалар пляжда топган шиша бор эди.

Иккинчи шиша қаерда экан? — жонхолотда кичкирди Ўроз ва икки қўллаб юзини беркитиб хунграб юборди.

— Мана ўша иккинчи шиша, яхши йигит! — деди посёлка Совети раиси бўлмиш аёл жаҳл билан. — Балиқларга қўшимча озик қилиб бераётган экансизларда?

Посёлка Совети раиси оғу солинган шишани баланд

кутарди. Ўроз саросимада ағрайиб турарди. Посёлка Совети раисининг қўлидаги шиша айна пайтда уни ҳам севинтирар, ҳам қўрқитарди.

- Сизнинг ишингиз маълум, ўтиринг машинага! — деди раис аёл боягидай жаҳл билан.

Ўроз мик этмасдан машина томонга кетди.

- Сизларга катта раҳмат, болалар! Баракалла! — посёлка Совети раисининг кўзи чакнади: у болалардан ифтихорланганди. — Нима қилиб турибсизлар, машинага чиқинглар, посёлкагача олиб бориб кўяман.

Раҳмат, пиёда кетамиз! — бараварига жавоб беришди болалар мағрур. Посёлка Совети раисининг мактовини эшитишдан мамнун эдилар улар.

... Болалар поёни куринмаган сахро бўйлаб шахдам қадам ташлаб боришарди. Ҳаммадан олдинда барок думини хода қилиб Қоплон югургилар, кимлардир қолдирган изни искарди.

Болалар! Қаранглар, Қоплон бошка жосуснинг изига тушди! — деб шух қичқирди Мурод.

Болаларнинг шух кулгиси инсон қўли билан янгича киёфа касб этган бепоён замин узра янгради.

- Болалар! Менда таклиф бор! Эшитинглар! — Сулгуннинг товуши тантанавор янгради. — Мен Мурод билан Непесни «Барслар» командамизга қабул қилишни таклиф этаман.

Бўпти! — деди Ботир. — Янги аъзолар одатда командага умумий мажлисда қабул қилинарди-ю, лекин буларни ола қоламиз.

Таклифимни ҳамма болалар қувватлашига ишонаман! кизгинлик билан деди Сулгун.

Кейин ҳаммалари баравар қуйлаб юборишди:

Ўқишда, меҳнатда, ҳамда ҳар ишда,  
Барсчилар гўёки денгизда маёк!

Болалар узларини бахтиёр ҳис этар ва борган сайин қувониб баравар қуйлаб боришарди.



## БОЛАЛИГИМНИ ҚЎМСАБ ЙИҒЛАДИМ

### 1

Мени кутурган туя кувлади.

У бригадир Аннамуруднинг уйи орқасидан отилиб чикди.

Ҳеч қачон бунчалик даҳшатли туяни кўрмаганман, кутурган туяни ҳам сира кўрмаганман, лекин шунга қарамай унинг кутурганлигини дарҳол сездим.

Тили қизил, тишлари сарғиш, оғзидан чиққан кўпик шамолда ҳар томонга сочиляпти. У този итдек ер бағирлаб, жуни тўкилган тиззасининг кўзи шишган оёқларини ён томонга кериб елиб келарди: кўзи хира тортган, жонсиз. Бундай хира, жонсиз кўзни — ҳеч қачон сенга қарамаган, ҳар вақт ёнлаб, тепалаб ёки бошқа ёкка қараб турадиган кўзни кимда кўрганман?

Мен деворга қапишиб, ичига сингиб кетдим, туя ёнгинамдан отилиб, йигирма қадамча нарига ўтиб кетди, лекин шу заҳоти орқага ўгирилиб менга қараб югурди. Мен урушдан сал аввал қазилган катта анҳорга

караб югурдим. Нега анҳорга қараб чопдим? Нега мени сув қутқаради деб ўйладим?

Сув жуда совуқ эди, мен ҳам совуқдан, ҳам кўркувдан титрардим, туя эса сувга тушишга ботинмади. Туя у соҳилдан-бу соҳилга ирғишлаб, қаёқдан курукка чикмокчи бўлсам, ҳаммаерда ҳозир булиб, мени кутиб турарди. Фақат тушдагина бундай дахшатни кўриш мумкин, лекин мен, бу туш эмаслигини аниқ билардим, чунки туя шундоққина тепамда турибди. Ҳа-я, эсладим, қарияларнинг айтишича, кутуриш сувдан кўркишдир. Шунинг учун ҳам у сувга тушмаяпти.

Хира тортган кўзлари мен оша қаергадир қарарди, лекин бу алдов, унинг кўзлари ёлғиз менигина кўраётганини билардим. Сарғиш тишларини иршайтириб турган қизил оғиз фақат менга қаратилган.

Мен сувга шўнғидим, аммо туя ариқнинг икки соҳилига оёғини кериб, кўприк бўлиб туриб олди-да, туллаган корни билан мени босиб чўктириш учун пастга туша бошлади...

Фақат тушдагина бунақа дахшатни кўрасан, ҳақиқатан бу туш эди.

Онам кўлларини чўзиб, бошимни силадилар, кейин совуқ кафтларини пешонамга қўйиб:

— Қанақа туш курдинг, Нургелди болам? Нега юрагинг бунақа гупуллаб уряпти? — дедилар.

Наҳотки, онам юрагимнинг уришидан уйғонган бўлсалар? Ҳали-ҳануз шу ҳақда ўйлайман. Нега оналар тунда фарзандлари юрагининг уришини тинглайдилар-у, фарзандлар эса, аксарият, бунни билмайдилар?

— Мени кутурган туя қувлади, — дедим ҳамон бунинг ўнгдами ёки тушда бўлганини тушунмай. Балким бу ҳам тушимнинг давомидир, негаки, уйимиз коп-коронғи, ҳатто биттагина деразамиз ҳам ёришиб кўринмайди...

Мен «уйимиз» ва «биттагина дераза» деб ёздим, лекин ҳозирги китобхон шуни билиб қўйиши керакки, уй деганим пастак кулба бўлиб, ҳозирги молхоналар ҳам ундан кўра кенгрок, инлар ҳам кўркаврок бўлади. Ҳарҳолда бу ин эди, деворга урнатиб суваб қўйилган тўрт бурчак деразали ин эди. Ойна тешикка урнатилган-у, амал-тақал қилиб лой билан сувалган.

Шу дераза нега бугун йўқ, нега ундан ёруғлик тушмаяпти?

Қуёш чикишини, жиччагина офтоб бўлишини истардим! Еки озгина бўлса-да, қуёш нури-ю, иссиғи бўлсайди!

— Ойи, мени қутурган туя қувлади...

— Вой, жонгинам, Нургелди, тушгаям шунчалик ишонадими. «Маҳмадана нима демайди, тушга нима кирмайди?!» дейишади-ку, юзингни мен тарафга ўгириб ёта қол. Ҳали эрта.

Онамлар мени юпатыптилар, юрагим бўлса худди ирғиб чикиб, мендан қочиб кетмоқчи бўлаётгандай шундай каттиқ уряптики! Мен тинчландим-у, лекин юрагим ҳамон кўрқяпти. Шунда мен тушимни айтиб беришим кераклигини, акс ҳолда кўксим ёрилиб кетажagini англадим...

Онам дикқат билан тингладилар, аҳён-аҳёнда хўрсиниб ҳам кўярдилар.

— Золим, — дедилар онам. — Муттаҳам.

Онам туяни эмас, бригадир Аннамуродни қарғаётганларини билиб турардим.

— Илоҳим тирноқка зор бўлсин!

Одамлар кўпинча кунда кўриб турадиган нарсаларига ҳайратланишади, лекин ҳаммадан ҳам одамларни бадҳоқлик ҳайратга солади. Шафқатсизлик, адолатсизлик ва жабр-зулм шуни қилаётган кимсага наҳотки севинч бахш этса? Одамлар ичикораликнинг келиб чиқиш сабабларини англашга уринадилар.

— Ўзининг фарзанди йўқ, шунинг учун ҳам яхши фарзандлари бор оилалардан ўч олади, — дедилар онамлар ва бегона киши эшитмаслиги учун катталар бир-бири билан пичирлашиб гаплашгандай овозларини пасайтирдилар:

— Айтишадики, ўспиринлигида чатаноғи орасидан эчкэмар ўтганмиш. Бу жудаям ёмон аломат, умрбод бефарзанд ўтади: на ўғил кўради, на киз. Худоё шу гап рост бўлсин-а. Агар унинг уруғи кўпайса борми, элимизда кун кўролмай қоламиз.

Онам аввал ҳеч қачон ҳеч ким ҳақида бунақа ёмон гапирмасдилар, Аннамурод ҳақида ҳам сира бунақа демаганлар. Онам тимирскилаб кулоғимни топдилар ва майингина силаб қўйдилар.

Кеча укам Муродгелди икковимизни бригадир жазолади.

Нима учун?

Буни дарров билишингиз зарурми? Аннамурад икковимизнинг кулоғимиздан чўзди.

У икковимизни, биримизни ўнг кўли билан, иккинчимизни чап кўли билан тутиб олди. Аввалига кучи борича юқорига тортди, кейин кулоғимизни шунақангги бурай бошладики, икковимиз ҳам оғриқдан чиркираб юбордик. Кечиринг, қўйворинг, деб роса ёлвордик.

Бу, кеча эрталаб бўлган эди, кечга бориб Муродгелдиннинг кулоғи шишиб, кипкизариб, кўкиш тус олди, иссиғи кўтарилди, кечасига бориб алаҳлай бошлади.

Менинг кулоғим унча азият чекмади, лекин онаминг мулойим силашидан ҳам жонимга оғриқ кирди.

## 2

Дадам урушгача колхозда бригадир бўлганлар. Аннамурад ҳозир бош бўлган бригадага раҳбарлик қилганлар. Бригада худди ўша эди, бригаданинг рақами ҳам, далалари ҳам, пахта ва пилла топшириш планлари ҳам ўша-ўша эди. Ўша бригаданинг худди ўзгинаси-ю, лекин одамлари бошқа эди: эркакларнинг бари фронтга кетган, уларнинг ўрнини аёллар ва биринчи синфдан тортиб биз ўқувчилар эгаллаганмиз.

Жангчилар ўрнини эгаллашимизга катта ишонч билдирилган, ҳурмат кўрсатилган эди-ю, лекин бригадир масаласида омадимиз чопмади. Ҳурмат кани-ю, ишонч кани? Мана кулоқ кип-кизил бўлиб шишиб ётибди.

Дадам чакирув қоғози олган кун билан уруш бошланган кун орасида қанча вақт ўтганини билмайман. Менимча, уч кунми ёки беш кунми вақт ўтгандир, ундан ортиқ эмас.

Дадам худди бир-икки ҳафтага қариндошларникига меҳмонга кетаётгандай шошилмайгина ҳозирлик кўрдилар. Дадам кигизга белбоғларини ёздилар, бувим унга каттакон нонни қўйдилар-да, узок йўлда нон ҳамроҳ бўлади, дедилар.

Бу тайёргарлик хануз кўз ўнгимда. Дадам оппок суяк сопли устарани, юзга совун сурадиган чўтка ва бир бўлак совунни қоғозга ўрадилар-да, нон-

нинг устига кўйдилар. Шу холос. Кейин дадам полизимизда битган ковундан сўйиб, ҳаммамизга бир тилимдан бердилар ва еяётганимизда:

- Бутун оиламиз билан шаҳарга бориб, бирга суратга тушиб келамиз, деб юрувдим. Эрта борамиз, индин борамиз деб юриб, мавридини ўтказиб юборибман... Энди иложи йўк... Енимда суратларингиз бўлса, хархолда мадор бўларди-да... — дедилар.

Кишлоқ совети ёнида одам кўп эди, аммо кузатув узокка чўзилмади. Фронтга жўнатилаётганларни учта аравага ўтказиб, шаҳарга жўнатишди.

### 3

Отам билан хайрлашганимизга кўп бўлгани йўк, назаримда дадам худди ишдан қайтгандек келиб қоладиганга ўхшарди.

Бир куни бутун уйимиз шовкин-сурондан уйғонди. Кимдир эшикни тарақлатиб, овози борича бўкирарди.

— Турларинг! Тез-тез! Нега ўзларингни ўлганга солиб ётибсанлар! Офтоб чикқунча далада бўлма-саларинг, гиналаринг ўзларингдан!

Бизга Аннамурад бригадир бўлганини шу йўсин билдик. Янги бригадиримиз эри ёки отаси урушга кетганларга айниқса қаттиқ бакирарди. Яқинлари урушга кетганлар кишлоғимизда жуда кўп бўлиб, борган сайин яна кўпайиб борарди. Хайрлашган кунимиз узоклаша боргани сайин соғинчимиз оша борди, шундай соғинардикки, асти кўяверинг.

Илгари биз болалар, хат ташувчи борлигини билмасдик, энди у ҳамма учун энг кадрли меҳмон, энг зарур одам бўлиб қолганди. Биз унинг юзидаги ҳар бир ажинини билиб олган эдик, кайфияти қанақалигини билардик, бу индамас қария миниб районга бориб келадиган эшакни ҳам танирдик. Ҳамма севинчларимиз у билан боғлиқ эди, негаки илк мактубларни бизга у келтирарди. Бу мактубларда кишлоғимиз эркаклари сиҳат-саломат эканликларини, фашистларга қақшаткич зарба беришга тайёрликларини ёзардилар.

Бир оқшом хат ташувчининг синфдошим Дурсун деган қизниқидан чиқиб келаётганини кўрдим. Мен севишиб унинг истикболига югурдим, негаки, интик бўлиб қутилган хат Дурсунларникига келганидан

шод эдим. Югуриб кетдим якинрок борганимдан кейин қарасам, хат ташувчи йиғлаяпти. У ёш боладай пикиллаб йиғлаб эшаги томон кетаётиб мени пайкамади. Дурсун уйда йўқ экан. Хат ташувчининг уларникига кириб чиққанини кўрган Дурсун даладан севиниб чопиб келди. Онаси уни остонада бағрига босди.

- Отангдан айрилиб колдик, Дурсун, — деди кизига ва йиғлаб юборди.

Кейин нима бўлганини билмайман, негаки, мен ҳам йиғлаб уйга югуриб кетдим. Шу-шу хат ташувчини кўрганда югурмайдиган бўлдим, уйимизга келишини ҳам унчалик истамасдим.

Кун шундай ўтган эди, тонг отгач эса:

— Ўзларингни харом қотган қилиб курсат-маларинг! Турларинг! Агар офтоб чиқмасдан далада бўлмасаларинг!.. — деган дағдаға эшитилди.

Нега у бунча бакиради, нега у ҳамма одамлардай осойишта гапирмайди. Ахир у энди орамизда ягона эркак эди, эркаклар эса доимо болалар ва аёлларни химоя қилади.

Эркак киши болалар билан аёлларни химоя қилади, дейишни яхши кўрардилар дадам.

Аннамурад ёмон эркак эди. Балки у хаста бўлгани учун ёмондир, балки ёмон бўлгани учун хастадир. У кўпинча йўталиб, кум-кўк куқариб, қотиб қолар, кузлари чакчайиб шишага ухшаб кетарди. Шунақа касали тутиб қолганда Аннамурад ерга ётиб жим бўлиб қолар, нафаси ичига тушиб кетгандай бўларди.

Аннамураднинг қийналишини кузатиш оғир эди, лекин унга ҳеч ким ачинмасди, ундан нарирок булишга уринишарди. Бу дард юқумли саналар, қизлар ва аёллар у билан гаплашмасликка ҳаракат қилишар, аммо Аннамурад атайлаб ҳамсуҳбатининг бетига рупара булиб йуталар, ташна булмаса ҳам бировнинг идишидан сув ичарди.

#### 4

Шундай қилиб қулоғим ҳақидаги, ўзим ва укам Мурадгелди ҳақидаги гапимни тугатганим йўқ.



иккинчи кўли билан Омоннинг қулоғини чангаллаб турибди.

Шу пайт Аннамурад эпчиллик қилиб, мени оёғи билан тутиб олди.

— Ининг қани?

- У ҳали кичкина, ухлаяпти. Кейин боради.

— Қулоғидан чўзиб олиб чиқ буёққа!

Агар шу маҳал ойим уйда бўлганларида-ку, ҳаммаси бошқача бўларди-я, аммо уйда йўқ эдилар, тонг ёришмасданок фермага кетган эдилар.

Аннамурад кулбамизга кириб, укамнинг қулоғидан тутиб, курпа тагидан тортиб чиқарди. Жаҳл билан бригадирнинг кўлига ёпишиб, тишламоқчи бўлдим, аммо у мени бир тепиб йикитди.

Кўчада Аннамурад эпчил ҳаракат қилиб икки кўли билан тўртта кулоқни чангаллаб буради. Биз йиғлардик, у бўлса сарғиш тишларини иршайтириб ит хурганга ўхшаб куларди. Қани энди, йўтали тутиб қолса! Йўқ, йўталиш қаёқда... Еки йўталнинг у билан иши бўлмай қолдим.

- Нега қийнайсиз? Қўйворинг! Биз ҳеч қанака ёмонлик қилмадик-ку!

Аннамурад олдин ҳеч нима эшитмагандай эди, эшитгандан кейин эса у бизнинг жиноятимизни очиб ташлади.

— Нега ёмғир чақирдинглар?

- Биз ёмғир чақирмадик!— деб бақирдик хунграб йиғлаб.

— Елғон! Тўрттовинг кеча кечқурун парвардигордан ёмғир тиладиларинг, узим эшитдим.

- Янглишасиз, кечқурун ҳеч нарса ҳақида гапирмадик,— овозимнинг борича бақирдим.— Сиз янглишяпсиз, бутун оқшом жим ўтирдик.

- Ана шундоқ,— хохолаб қулди Аннамурад.— Сенлар ҳийлагарсанлар, дилларингда сўрагансанлар, дилдан тилак тиланса худо ижобатга олади. Сенлар тилагансанлар, худо ниятларингга етказди. Ёмғир ёққани учун ҳеч ким ишга чиқмади. Худодан яна ёмғир тилайсанларми?

— Тиламаймиз, бошқа ҳеч нима тиламаймиз...— деб бақирдик.

-- Эҳе, демак, бугун ёмғир сенлар туфайли ёққанини тан оларкансанлар-да?

- Тан оламиз!— деб кичкирдик биз.

— Нега дарров буйниларингга олмадиларинг? -  
Аннамурад кутургандек бўкириб, қулоғимизни бешбат-  
тар бурай кетди.

...Шунака бўларкан-да, уруш ҳақида гап бошлаб,  
нукул Аннамурад билан қулоқдан гапирсам-а.

Орадан неча йиллар ўтиб кетди-ю, ҳамон бир  
нарсга тушунмайман: бригадир Аннамурад, ёмғир-  
ни биз чақирганимизга ростдан ишонганми ёки бизни  
мазах қилганмикин? У балки телбадир, заифларга азоб  
бериш унга роҳат бахш этар?

Аннамурад урушгача бошқача эди деб булмайди.  
Аввал ҳеч ким бунга йўл қўймаган. Шафқатсизлигини  
яширинча қилар эди. Эмадиган ҳўтикни пахтазорга  
алдаб олиб кириб, бошини чатаноғига қисиб калтакла-  
ганини курганман. Хўтикни уриб туриб, ҳадеб: «Энди  
бу махлук пахтазорга кириш мумкинмаслигини биледи.  
Энди бу махлук унутмайди!» дерди у.

Албатта, уруш бўлмаганда, кишлоғимиздаги эркак-  
лар уйда бўларди. Аннамурадни ҳеч ким бригадир қи-  
либ сайламасдиям!

Ўшанда урушнинг нималигини ва уни нима учун  
умумхалқ мусибати дейишларини эндигина англай бош-  
лагандим. Бақувват ёшларнинг душман ўқидан ҳалок  
бўлиб кетиши, снаряд ва миналар инсон жисмини пар-  
ча-парча қилишида адолат йук, уруш орқасида қолган  
аёллар, болалар ва қарияларнинг очарчиликда қолган-  
лиги адолатдан эмас. Адолат камайиб кетгандан кейин  
Аннамурадининг қутуриши бежизмас.

Урушнинг умумхалқ мусибати эканини англай бош-  
ладим, саҳроларимизга муз океани шамоллари етиб  
келганидек, минг километрлаб нарида рўй берган  
адолатсизлик сенгача етиб келаркан.

Мен англай бошладим деб ёзяман, лекин бундай  
эмас. Мен буни, бу алоқани бутун борлиғим билан,  
чўзиб тортилганидан шишиб кетган қулоғим билан ҳис  
этдим. Мен ҳис этдим, англадим, лекин охиригача  
эмас, сўз билан изҳор этадиган даражада англама-  
гандим ушанда.

Атрофида одамлар худди пашшалар шафтоли атро-  
фида айлангандек айланиб юрган бу кичкина ер кур-  
расида ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқлигини  
ҳамма бугун умрга тушунадиган қилиб ифода эта олар-  
мидим ҳозир.

Мана, киссамнинг иккинчи бобини ҳам тонг-сахарлаб кулбамизда онамнинг ёнида қандай уйғонганим билан бошлаяпман. Қулогим ҳамон оғрирди-ю, аммо уни уйламасдим. Ҳали тонг отмасданок уйғонишимнинг сабаби, кечкурунок тонгда ухлаб колишдан, эртага буладиган воқеалар менсиз утишидан, куннинг ўзи менга кўринмай ўтиб кетишидан, у мени кўрмай ўтганидек, мен ҳам уни кўришдан маҳрум бўлиб колишдан кўркан эдим.

Ойим икковимиз фолбинниқига боришимиз керак. У тўсатдан кўшни қишлоқда пайдо бўлиб қолди, атрофдагиларнинг ҳаммаси у ҳақда гапиришарди. Айтишларича у одамлар қисматини шундоққина айтиб берар, кўзи билан қулоғи шунчалар сергак экан-ки, ер тагида илон қимирлаганини билар, осмонда қушнинг нима ҳақда ўйлаганидан хабардор экан. Фолбиннинг ҳузурига узок қишлоқдан бир аёл келибди-да, нега эримдан хат йўқ, шунга айтиб бергин, дебди. Фолбин аёл унга: тезроқ уйингга югур, азизим, орқангга, теварак-атрофга алангламасдан чоп, эринг уйда, сенинг келишингни кутиб утирибди, дебди.

Аёл уйига чошиб борибди, ховлига кирибди, қараса, эри уни кутиб кигизда жилмайиб ўтирганмиш.

Бизга ҳам худди шундай гап керак, дадам тезроқ келишини истардик, негаки неча ойлардан бери дадамдан хат йўқ эди. Укам икковимиз ойимни нуқул шоширардик, негадир ойимнинг фолбинниқига боришга шошилмай, унча узок бўлмаган сафарни орқага суришига ҳайрон эдик. Ойим фолбинга нима беришни ҳам яхшилаб сўраб-суриштириб олди. Фолбинга пул бериш кераклигини айтишди, лекин ойимда сарик чақа ҳам йўқ эди. Охирги пулларига укам икковимизга қулоқчин сотиб олган эдилар. Кейин ойим фолбин пулдан ташқари озик-овқатларни ҳам олишини билдилар. Бизнинг иккита товўғимиз бор эди, биз шу товўқларнинг тухумини тўплаб бошладик.

Укам икковимиз товўқнинг кунда битта тухум қилишини билсак-да, инини икки-уч мартадан қараб келардик.

— Фолбинга тухум берамиз деб яхши ўйлабмиз.

Ахир тухум оклик-ку, фолбиннинг ҳам нияти тухумдай ок булсин. Фолбин одамларнинг юрагига умид уруғи сочади, ҳамманинг дилида ёруғ умид ундиради.

— Нечта тухум керак бўлади? — деб сурадим.

-- Йигирматача керак, ўғлим, ундан камни булмайди.

— Жуда кўп эмасми бу, ойижон?

— Одамлар унга пул беряпти, катта совғалар олиб боришяпти. Берган нарса ёкмаса, фол очгиси келмасмиш, оғзига келганини валдираб кўя колармиш. Хакикатни аниқлаб айтишга уринмасмиш.

Учаловимизга хақиқат керак эди. Дадам тезрок кайтиб келса-ю, бизни Аннамуроддан химоя қилиб, хутиқлар, улоқлар, бузоқлар, буталоқлар ва биз учун ундан ўч олса. Агар дадам кайтиб келсалар ўша захоти Аннамуроддан бригадирликни тортиб оладилар.

Ниҳоят ойимга:

— Тухум йигирмата булди, — дейдиган кун етди.

Ойим мендан ҳам ортиқ севиндилар.

— Эртага борамиз! — дедилар ойим.

## 2

Эшакни эгарладим ва онам икковимиз эрга саҳарлаб Муродгелди уйғонмасидан йўлга чиқдик. Бундай улуг ишда у ортиқчалик қиларди, ундан ташқари укамни миндиришга эшакда жой йўк эди.

Фолбин яшайдиган кишлоқ узок эмасди, фақат йулимизда чуқур жарлик бор эди. Бу жарлик тубида ёз ойлари тулиб, қишда эса жилдираб сув оқарди.

Бу жарликни буталар қоплаган бўлиб, пастда ботқоқликка айланарди. Тик сўкмоқлар гоҳ тепага ўрлаб, гоҳ пастга тушар, ҳеч қутилмаган жойларда ўпирилиш туфайли ҳосил бўлган чуқурлар пайдо бўларди. Баъзи жойларда ҳеч қачон одам бўйидан баланд булмаган юлғунлар бу ерда ўзини қўйиб ўсиб кетганидан чайладай кўринарди. Бу шўрхоқ тупроқда юлғун яхши кўкардари. Теварак-атрофдан йиғилиб кечаси кишлоққа келадиган шоколар кундузи бу чангалзорда паноҳ топардилар.

Катталардан бу ерларда қуён бўлади, деб эшитганим учун жарликка тушаётганимизда чакалакка синчиклаб қарадим. Ойимнинг орқаларига эшакка мингашиб олгандим, шунинг учун пастга тушаётганимизда

зўр бериб ўзимни оркага ташлардим, эшак жар тубида бўтана балчиқдан кетаётганда оёғимни йиғиштириб олардим.

Эшак охиста борар, унинг туёқлари остида балчиқ пилчилларди. Балчиқ тугаб, сўкмоқ юкорига кўтарила бошлаганда учаловимиз ҳам енгил тин олдик. Бу ерда буталар қуюқрок эди. Шу чок бирдан қутган нарсамни кўриб қолдим:

— Ойи, қуён! — деб қичқирдим.

— Қани? — овозимдан ойим чўчиб тушдилар.

Кўлимни чўзиб қуённи қаерда кўрганимни кўрсатмоқчи бўлганимда ўша тарафдан келаётган одамни кўриб қолдим. Бу одам қуён терисидан тикилган қулоқчин кийган, сокол-мўйлови пахмайиб оғзини тутиб кетган эди. Унинг кўлида бешотар. Милтик эмас, бешотар ушлаб олганини дарров билдим.

- Қаёққа кетяпсизлар? — деб сўради у қатъият ва кўрслик билан.

- Фолбинга, — дедим ойимдан аввал.

— Манави боланинг дадасини фол очтириб кўрмоқчимиз, — дедилар онам ҳаммасини батафсил сузлаб утиришга зарурат бўлмаса-да. Кўрқиб кетганларидан шундай қилдилар. Овозлари ҳам титрарди. Юзи бўздек оқариб кетди.

- Манави боланинг дадасини фол очиб кўйсин девлик, — такрорладилар онам.

- Бу боланинг дадасини дейсанми?.. — қуён терисидан қулоқчин кийган киши аланглади ва атрофида ҳеч ким йўқлигини кўриб менинг қалпоғимга қулини чузди.

— Бу қалпоқ сенга катта экан!

Қалпоғимга маҳкам ёпишдим.

— Йўқ, катта эмас...

- Қани, фолбинга нима олиб кетяпсанлар? — сўради у қалпоқни бошимдан юлиб олиб ҳозир ўзи чиқиб келган юлғунзорга улоқтираркан. Шу чок аллақандай чипор қушча «ғи-ғи-ғиқ», «ғи-ғи-ғиқ» деган хирилдоқ овоз чикарди, сув бетидан учиб ўтди. Бешотарли киши сергак торғди ва шунда уни яхшироқ кўриб улгурдим. Унинг эғнида солдат шинели, оёғида ҳам солдат этиги. Шу маҳал бу одам онамнинг кўлидаги тухумли тугунчани тортиб олди ва чангалзорга кириб ғойиб бўлди. Мен эшакдан сакраб тушиб:

- Қалпоғимни бер, хей! Тухумни қаёққа олиб кетдинг? — деб бакира бошладим.

Шу маҳал онам:

— Қайт, ўғлим! Ахир бу кочок-ку!— деб аянчли кичкирдилар.

- Қанақа кочок? Агар у кочок бўлса, унга калпогимни беришим керакми?

Ойим мени кучдилар.

— Кочок шоколаддан ҳам ёмон, — деб тушунтиришга уриндилар менга, — у армиядан кочган, қурқок! Энди у одам ўлдиришдан ҳам тоймайди.

Эшакка миндим, кейин ойим уни орқага бурдилар. Бу мени кочок билан бўлган учрашувдан ҳам ортик қўрқитиб юборди.

— Қаёққа кетяпсиз, ойн? Бошингиз айланиб қолдими?

— Бошим айланди, — такрорладилар онамлар. — Энди уйга қайтишдан бўлак иложимиз йўқ.

— Фолбиннинг олдига бормаймизми? — дедим мен, овозим беихтиёр титраб кетди. Онам менга хайрон бўлиб қарадилар:

— Унга нима берамиз? Текинга келажакни айтиб берармиди?

Бу сўзлар қаддимни букиб қўйди, аммо шу чоғ бошимга келган ажойиб фикр қаддимни ростлади: мен қамарни эсладим. Уни уйдан тақиб чиққанамни онам қўрмаганларига хурсанд бўлгандим. Бу командир камари отамники бўлиб, уни катта байрамларда тақардилар. Текис чарм бетиде мих билан яна бир тешик очгандим ва бунга сира афсусланмас эдим: отамнинг камарини тақсам ўзимни кучлироқ хис этардим. Аннамуроддан унчалик қўрқмасдим.

— Ойи, фолбинга камарни бериб қўя қолайлик, — дедим камарни ечарқанман чора топганимга севиниб.

— Бу дадангнинг камари шекилли? — сўрадилар онамлар.

— Нима қипти? — дедим ва шошиб қўшиб қўйдим: — Дадам келсалар бўлди-да, бошқасини сотиб оладилар!

— Бўлмасам-чи, — дедилар онам. — Фолбин эркаклар камарини нима қилади?

Йиғлаб юбордим. Онам фолбинга беришни истамаганлари учун йиғламадим, йўқ. Бу оламда ўзимнинг заифлигимдан, қўлимдан ҳеч нарса келмаслигидан алам қилиб йиғладим.

Онам қўлимдан камарни олдилар ва юлғунзорга ха-

вотирланиб қарадилар. Онамлар камарни кўйлаклари енгига тикдилар ва товонлари билан эшакни ниқтадилар:

— Хих!

### 3

Фолбиннинг уйини гиламлар тушалган ок ўтов ёки каттакон уй деб юрардим. Лекин кўз олдимда бутунлай бошқача манзара намоён бўлди. Унинг ўтови бизнинг кулбамиздан беш баттар эди. Қираверишдаги наमत қирк ямоқ, қамиш деворлар илма-тешиқ, ерга тегиб турадиган ери жулдур. Ўтовдан нарироқда бир сигир билан бир эшак боғланган. Улар фолбинники бўлса керак. Уй орқасида, жийда тагида яна тўртта эшак турарди. Ораси яқин боғланган бу жонворлар бир-бири билан тепишиб, пишкиришиб туришарди. Уларнинг ҳам эгалари бизга ўхшаб фолбинникига келган булишса керак. Онам талмовсираб турдилар. Мен эса фолбинни ўз кўзим билан кўргим, дадам хақида нима дейишини ўз қўлогим билан эшитгим келарди. О, қанча вақтлардан бери буни орзу қиламан. Шунинг учун ҳам тагин ойимлар: «Мен кириб чикқунимча эшакка қараб тур», демасдилар деб қурққанимдан:

— Дарахт тагидаги анави эшак ювош кўринади, — дедим.

Онам ниятимни дарров тушундилар.

Фолбин тўрдаги девор тагида эски қурпачада утирарди. Рўмоли тагидан оқарган, пахмайган кир соч тутамлари чиқиб турарди.

Юзи кичкинагина, елкаси букчайган. Енида утирган кўхликкина аёлнинг бетига ҳам қарамасдан:

— У ташвишланган одамни қаранглар! Соппа-соғ, омон-эсон! Бамайлихотир тамаки чекиб утирибди... — дерди.

— Ахир чекмасди-ку, у? — хайрон бўлди аёл.

— Командирлар чеккулик беради. Қани, чекмай қурчи! Уёқларни совуғини билсанг, бай, бай, бай, худо ўзи сакласин! Қўлларини тамаки тутуни билан иситишади бояқишлар...

Аёл фолбинга эътироз билдирганига афсусланди. У кўрсаткич бармоғини тишлаб жим ўтирарди. Фол тугагач у эшитилар-эшитилмас суради:

— Қачон қайтади у, онажон?

- Ўрик пишиғида, бугдой ўрими бошланганда, — деди фолбин дарров.

Гўё фолбин унга, эринг эртага келади, дегандай беих-гиёр жилмайди. Ўрик пишгунча қанча вақт утишини, ёки эндигина экин униб чиқаётган далаларда ўримга тушилишига қанча қолганини аниқ ҳисоблаб олмаган бўлсам ҳам, бу хушрўй аёл эрини ҳали узок кутишини аниқ билардим. Дилимда эса: «Бизга ҳам шунақа узок кутишни айтмасайди...» — деб ўйладим.

Ниҳоят бизнинг навбатимиз етди, биздан кейин келганлар эса навбатини кутиб ўтирарди. Улар фолбиннинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглашарди.

Онам ташвишланарди, фолбинга меҳнати эвазига эркак кишининг камарини беришга уялаётибди, аммо мен учун бундан қимматлироқ буюм йўқ эди. Назаримда, камар кўлимдан чиқиб кетса, сира бўйим ўсмайдигандай, Аннамуроддан ҳам, жарликдаги қочокдан ҳам касдимни ололмайдигандек кўринарди.

Онам камар тикиб қўйилган енгларини олдинга чузиб фолбиннинг ёнига сурилдилар.

- Қайси кишлоқдан келдинглар? — деб суради фолбин дағалроқ овозда. Биз фолбин ёнига кирган чоғимиздаёқ унинг овозида юмшоқлик ҳам, шафқат ҳам сезмаган эдим. Лекин бу овоздан мен мўъжиза кутардим.

— Бизми? Ҳа-я... Биз жарликнинг нариги тарафиданмиз, биз халиловчилармиз, — жавоб бердилар онам тутилиб.

Онамлар мана шундай ўзларини йукотиб қўйишларини билардим.

Онамнинг ўрнига аниқ ва равшан қилиб гапиргим келиб турарди. Лекин фолбин бир дақиқагагина кўзини юмди ва ишонч билан деди:

- Эринг уйга қайтадиган бўлиб турибди! Чап оёғидаги бармоғини совук олдирганга ўхшайди, бир оз оксаяпти. Хў-ўв анави ерда қуряпман, отга минмоқчи бўлиб турибди.

Худди дадам биздан аввал келиб қоладигандек шошиб ўрнимдан турдим:

— Кетдик, ойи!

Ойим: «Худо хайрингизни берсин! Кўп ўрнида қуринг», деб узатган камарни фолбин шошилмайгина кўздан кечирарди. Ойим ўрниларидан турганда ҳам кампир томирлари ўйнаган қуруқшаган қулида камарни тутиб турарди. Кампир ярқираб турган беш қиррали юлдузли



мис тўқани кўзига якин тутиб турарди, кейин бирдан менга ўгирилди:

— Ол, ўғлим, дадангни қутгани чиққанигда та қасан, ўглининг ўзи йўғида ўсиб, йигит бўлиб қолгани ни кўриб севиниб кетсин,— кампир камарни менга узатди. Унга: «Йук, йўк, раҳмат, сизда қолаверсин!» дейишим кераклигини билардим. Лекин бу сўзларни айтмадим. Миннатдорлик билан кампирга қараб турардим, назаримда оламда ундан чиройлироқ чехра бўлмайдигандек, унинг кўзи бутун ўтовни ёритиб юборгандек эди.

— Дадам келиши биланок сизни хурсанд қиламиз, — дедим.

— Шундай қила қол, ўғлим! — кампир пиёлада ивитиб қўйган туршакдан олиб оғзига солди.— Шундай қил, болам!

Уйга қайтарканман жудаям керилиб борардим.

— Айтувдим-ку бу ерга олдинроқ келайлик деб! Тухумни йиғамиз деб кечикиб қолмаганимизда дадам аллақачонок қайтган бўлардилар!

Онам индамасдилар, бу менга ёқмасди. Назаримда, бора боргунча куйлаб, кулиб боришимиз керак эди. Биз эса миқ этмай борардик. Жарликка етганимизда:

— Сиз фолбинга ишонмадингизми? — деб сўрадим.

Онам чуқур хўрсиниб кўйдилар:

— От миниб келяпти деганида ғалати бўлиб кетдим.

— Нима бўпти! — деб кичқирдим онамнинг шубҳаларини таркатмоқчи бўлиб. Дадамнинг доимо пойгада катнашгани, совринлар олганини ўзингиз айтмаганимизнингиз?!

— Даданг узокда, уруш узокда, — дедилар онам.

— Поездда бир ой йул юрилади дейишади... Отда қандок етиб келади?

Онамнинг жавоби кайфиятимни бузди. Эшакдан сакраб тушиб жарликка югурдим:

— Дадам келяптилар! Менинг дадам ке-л-яп-тилар! — дея овозимнинг борича бақирдим, юлгунзорда ва жарнинг тик қирғоғида нимадир овозимни такрорларди. Дадамнинг қайтаётганларини қочоқ ҳам билиб кўйсин, уни жазолайдиган кимса йўк деб ўйламасин. Бошим ғовлаб қорайиб ётган сувдан кечиб ута бошладим, шилта-шалаббо бўлиб кетдим, лекин бунга эътибор бермадим. Бақирганимча уйга қараб чопмоқда эдим:

— Дадам келяптилар! Менинг дадам келяптилар!  
Далада, йўл бўйида қиз-жувоңлар пахтазорда иш-  
лаётганди. Бу хабарни эшитиб улар котиб колншди,  
марзада турган Аннамурод эса:

- Жинни бўлиб колдингми? Қани, дарров утокка  
туш! — деб бакирди.

Унга эътибор ҳам қилмай, дадам келяптилар, деб  
бакира-бакира, уйга қараб чопардим.

-- Муродгелди! Хой, Муродгелди! Муродгелди де-  
япман!

Хеч ким жавоб бермади. Муродгелди чакирганимни  
эшитгани аниқ бўлса ҳам уйдан чопиб чиқмади.

Бирданига кўрқиб, жим булиб колдим. Нимадан  
кўрқиб кетдим? Билмайман. Дадам қайтиб келмайди,  
бекорга бакириб юрибман, деган фикрдан даҳшатга  
тушган эдим. Онам ва иним учун даҳшатга тушдим.  
Эшикни итардим.

Муродгелди ерда, кўрпага бурканиб ётарди. Ранги  
қув оқариб кетган, кузини зурға очди.

— Сув ... — деди у.

Мен сув келтирдим, у майда-майда хуплаб сувни ич-  
ди, нафаси кизиган тандирдек иссиқ эди. Уни утқизиб  
қўймоқчи бўлдим, лекин у ёстикка ётиб колди. Унинг  
аввал қизарган, энди кукариб кетган, жароҳати сув  
очиқ турган кулоғига тегиб кетмасликка уриниб оҳис-  
та шивирладим:

- Дадам келадилар! Ҳозир йўлдалар, фолбин шун-  
дай деди. Дадам келсинлар-чи, ана унда Аннамуроддан  
қасд оламиз.

Муродгелди хиёл жилмайди, нимадир айтмоқчи  
бўлди, лекин айтолмади, шивирлаб қўя колди. У нимани  
сурамоқчи бўлганини тушундим.

- Бугун бўлмаса, эртага дадам албатта келади-  
лар! Ўшангача тезроқ тузалиб олишга ҳаракат қил!

Муродгелди кўзи билан имо қилиб розилигини бил-  
дирди.

Укамни доимо яхши курганман. Бугун айниқса яхши  
куриб кетдим. Уни Аннамуроднинг азобларидан саклаб  
қололмаганим, бетоблигида ёлғиз ташлаб онам билан  
фолбинникига кетганим учун ўзимни гуноҳкор санар-  
дим...

- Энди Аннамурод ёнимизга йўлаб курсин-чи! —  
дер эдим инимга. — Қани, бир нима десин-чи...

Шу пайт кўчадан Аннамуроднинг овози эшитилди:

— Ҳей, Нургелди!

Баданим жимирлаб кетди. Қўрққанимдан укамни кўрпага буркаб кўйдим.

- Гунг бўлиб қолдингми? Нега индамайсан?!

Иним ҳеч нимани эшитмасди: у ё ухлаб қолган ёки иситманинг зуридан хушини йўқотиб кўйган эди. Эшик ёнига югуриб бордим.

-- Нима керак? Укамни ўлдириб кўяй дединг-ку... Дадам қайтиб келсинлар-чи...

— Уканг билан нима ишим бор! Эртага икковинг ўтоқка чиқларинг, пастдаги участкага. Салқинлашни бас қил.

— Хўп, чикамиз, — дедим, аммо дилимда бўлса: «Эртага дадам қайтадилар, ўшанда кўрсатамиз сенга қаёққа чиқишни», дедим.

...Яна Аннамуроднинг букиришидан уйғониб кетдим.

Кўзимни ишқалай-ишқалай кўчага чиққанимда у Омон ва Сафар билан турарди.

— Пастки участкага бориш учун қанча юриш керак-лигини биласанми? Тушда етиб борасан. Қоронғи туш-гунча жўнатмайман! — деди Аннамурод елкамдан чангаллаб ва шундай қаттиқ силталадики, уйқум қафасдан қочган қушдек учди-кетди. Бет-қўлимни ювар-ювмас кетмонни олдим, шошганимдан ойим ҳозирлаб кўйган бир бурда нонни унутиб кўяёзим.

Бугун бирмунча дуруст кўринган Муродгелди мени юпатишга ҳаракат қилди:

— Дадам келиб қолсалар, албатта ўзлари бориб олиб келадилар...

Ўша куни қанақа ишлаганимни, кўзим йўлда бўлганини тасаввур қилинг. Дадамдан ҳамон дарак йўқ эди. Шунда мен кечқурун уйга қайтгач, ҳатто узоқданок унинг овозини эшитаман, деб ўйладим.

Аммо дадам йўқ эди, ҳаммаси худди кечагидек, бириси кунгидек. Эртаси ҳам, индини ҳам шундай бўлди.

Фолбинга яна боргим келарди, лекин бу ҳақда онам билан гаплашишга ботинмасдим.

Ўтган йили пастки участкада қовун-тарвуз куп бўлган эди.

Шундоққина пахта даласи четида, узун палаги қумда чўзилиб ётарди. Бир куни шунини эслаб ишга қовун-тарвуз уруғини олиб кетдим ва пахта даласи билан қурукшаган, қиялаб кетган барҳан оралиғидаги марзгага экдим. Омон қумақлашиб юборди. Уч кун, кейин беш

кун ўтди... Ахийри узок кутилган кун етди! Уруғлар каткалокни ёриб ёруғ оламга чиқа бошлади. Улар нозик, заиф эди, мен эса қовун-тарвузлар пишиб етиладиган кунни орзулардим. Агар ўшангача дадам келмасалар, қовун-тарвузларни эшакка ортиб фолбинникига бориш керак, дадамга яна бир бор фол очиб қўйсин. Омон билан Сафарни чакириб, эккан уруғимизнинг қандай қўкараётганини қўздан кечираётганимизда Аннамуруднинг овозини эшитдик:

— Хей, бу ёкка келинлар!

Югуриб ёнига бордик. Йўлакай мен Омон билан Сафардан полизимиз ҳақида Аннамурудга ҳеч нима демасликни тайинладим.

- Таёк ола келинлар! деб бўкирди Аннамуруд. - Кетмон сопидай йўғонидан бўлсин!

Биз тухтадик. Атрофга олазарақ қарадик. Кетмон сопидай йўғон таёк бу ерда қайдан бўлсин?

- Нима, таёк тополмаяпсизларми? — у пахта дала-ларига борадиган арик тарафга қулини чўзди. — Қараларинг, ҳўв анави терак таёк эмасми?!

Ростдан ҳам арик бўйида ягона терак, туғрироғи терак ниҳоли усарди. Ўтган йили қўкламда уни аёллар экишган эди.

Халлослашиб терак ёнига чопиб бордик. Терак шамолда тебранар, япроклари дутор торларидай шитирларди. Қичкинагина нотаниш қушча терак учида ўтирарди. Қушча қўшиғини авжига чиқариб, бизга эътибор ҳам қилмади. Биз ўзларни истамагани ҳолда ўлдириш, талашга тайёр турган ёвузлардай ҳис этардик ўзимизни.

Дарахтга жуда яқин келдик, қушча қўшиғини давом этдирарди. «Наҳотки, шу теракдан булак ҳеч нима бўл-маса? — деб ўйладим. — Наҳотки, шунини синдирсак?» Ҳа, қамини билан янтоқдан булак атрофда ҳеч нима йўқ эди. Терак ниҳолига раҳмим келарди.

Шу чоғ узокдан бригадирнинг яна бир ҳайкириғи эшитилди. Ҳиркирок, даҳшатли. Ваҷоҳати ёмон эди.

- Ўлдираман! Таёк келтирмасанглар ўлдираман! Қани, кимирларинг!

Бошқа иложимиз йўқ эди. Учовлашиб теракни эгдик. Терак боёқиш ергача букилди, лекин ҳатто дарз ҳам кетмади. Аннамуруднинг букириши бояғидан ҳам даҳшатлироқ янграр, сўқинишлари янаям болохонадор эди.

- Арик тарафга, унинг тубигача эгсак-чи, — так-

лиф қилди Омон ва ирғиб арикка тушди. — Энди бу ёкка, мен тарафга эгинглар.

Яна ҳеч нима чиқмади. Биз теракни тепар, устида ирғишлар, ҳар тарафга эгардик. Лекин терак гуё дарахт эмас, эчки жунидан эшилган чилвирдек букиларди-ю, узилмасди.

Омон Аннамурод тарафга қаради ва унинг биз тарафга йўналаётганини кўриб, жон холатда теракнинг ингичка поясига тишини ботирди.

У тиши билан теракнинг пўстлоғини шилиб олди-да, ёғочининг тарам-тарам этини уза бошлади. Унинг топқирлигига лол қолдим. Фақат Омон тишини синдириб кўйдими, милкини шилиб юбордими, бир нима бўлди. Теракнинг оппок танасида кип-қизил қон оқа бошлади. Бригадир турган тарафга қарадим. У тўхтади, мен уруғ қадаган тарафга бир неча кадам юрди ва тўхтаб турди. Бундан яхшилик чиқмаслигини тушунсам ҳам, Аннамуроднинг тўхтаб қолганини айтиб Омонни юпатмоқчи бўлдим. Лекин Омоннинг қулоғига бари бир ҳеч нима кирмасди, негаки, ҳозир уни жазолашларидан қурққан учун, жон аччиғида ўлимга маҳкум бўлган ниҳолни синдириб олишга уринарди. Теракнинг оппок танасидан ўртоғимнинг қони оқиб тушмоқда эди.

Шошқалокланиб Сафар келиб қолди. У сопол кўза синиғини излаб топиб, Омонга тутқазди. Улар икковлон уриниша бошлашди. Сафар сопол синиғининг ўткир тарафи билан теракни кесишга ҳаракат қиларди. Ахийри терак таслим бўла бошлади. Биз худди қўлни бурагандек уни бурай кетдик. Ниҳоят, ғолиб чикдик ва бригадир ёнига югуриб бордик. У бизга яқин жойда турарди. У жилмаярди. Унинг табассуми, сарғиш тишлари-ю, сўник кўзлари тушингга ҳам кирмасин-да, асти худо кўрсатмасин.

— Намунча имилладиларинг? Мени кутдирганларинг учун кўрадиганларингни кўрасанлар энди.

Жазо ҳар галгидай эди. Биз теракни қандай юлкилаб тортган бўлсак, у қулоғимизни худди шундай юлкиламокда эди.

— Қани, кетимдан юрларинг!

Аннамурод пахтазор билан чегарадош қум устида турарди. Унинг теварагида арикнинг яқинлиги туфайли булса керак, хиёл тегиб кетилса чирт узилиб тушадиган сахро кўкатлари гуркираб ўсган эди. Биз эндигина очилган лолақизғалдоқларни босиб Аннамуродга яқин-

лашдик. Унинг юзи мана ҳозир қор бўлиб ёғиб тушадиган булутдек ним кулранг эди.

— Пахта даласига қай биринг уруғ қададинг?

Биз бошимизни эгиб жим турардик, агар жавоб бермасак ёки биронтамик бўйнимизга олмасак, бизни нима жазо кутишини билардик.

— Мен экдим, — ичимдан совук ҳаводай отилиб чиқди бу сўзлар.

Бирдан кутилмаган ҳол юз берди: бригадир менинг эмас, Омоннинг қулоғини чангаллади-да, уни ёнимга судраб келди.

— Қулоғидан торт, деяпман сенга! Қани, бўл, қулоғини чангаллаб, мен тарафга бура.

Омон азобдан инграрди-ю, лекин буйрукни бажармасди. Аннамурад баттар аччиғланди. У Омоннинг қулоғини каттиқрок буради. Омоннинг кўзидан тиркираб ёш чиқиб кетди.

— Қулоғидан торт деяпман сенга! Қулоғидан торт, сеникини бураганимдай қилиб бура! Торт деяпман сенга!

Омон дош беролмади. Менинг қулоғимни чангаллади. Кейин жазаваси тутдими, каттиқ буради. Чидадим. Ундан кейин бўлиб ўтган нарсага дош беролмай йиғлаб юбордим.

Аннамурад кўкариб келаётган полизимиз тепасига бизни судраб борди. У худди пиширилган қискичбакадай қизариб бақира кетди:

— Булар текинхўр бўлади! Пахтага бериладиган сувни ичади булар! Уқдиларингми?

Биз мик этмай турардик.

Аннамурад кўкарган ниҳолларни битта қўймай юлиб олиб, тепкилай кетди, у оёғи остига эмас, бизга қарарди.

Кейин у бизни боя турган ерига бошлаб борди.

— Хей, Нургелди! — деб менга ўғирилди у. — Ҳов анави маҳлукни кўряпсанми? Қалтакла ўшани!

Мен у кўли билан кўрсатган тарафга қарадим. Баланд ўсган бута тагида кичкина тимсоҳга ёки мушукдек келадиган хайбатли қалтакесакка ўхшаш бир маҳлук ётарди. Маҳлук совук кўзларини бизга тиккан эди, кичкина тили титрар ва илоннинг нишидек захарлига ўхшарди.

— Ҳа, кўркиб кетдингми?! Яна йигит эмиш! — деди Аннамурад ва мен тарафга юрди.

Куркканимдан махлук тарафга бир кадам ташладим ва:

- Ахир тишлаб олади-ку... — дея ёлбордим.

Ахмоқ! — Аннамурад сарик тишларини иржайтирди, — мана бу кўрқокни каранглар! Ахир бу эчкэмар-ку! Эчкэмар ҳам тишлар эканми? Таёкни олиб ур уни!

- Тишламаса уни уришнинг нима кераги бор? — деб сўрадим қўлимда таёк билан.

-- Калтаклаш керак уни. Нимага деганда, у эчкиларни эмиб қуяди, — деди Аннамурад ва тинчлангандай тоза кумтепага ўтирди.

-- Ўзларинг эчки сути ичмоқчи бўлсаларинг, эчкэмарни улдиравурларинг.

- Бу ерда эчки йўқ-ку! — дедим ишончли баҳона топганимга хурсанд бўлиб.

- Ҳей, итвачча! — ўрнидан турди Аннамурад. Ур деяпман! Сен мишикилар хали билмайсанлар, эчкэмарни урганинг сайин узини яхши хис этаверади. Мана hozир кўрасанлар.

У қўлимдаги таёкни юлқиб олди, эчкэмарнинг ёнига борди ва кучи борича уни ура кетди. Мен каттик оғрик хис этгунимча кўзимни чирт юмиб туравердим. Аннамурад корнимга таёк суккан эди.

— Мана энди навбат сенга!

Мен эчкэмар ёнига бордим. Эчкэмар мажакланиб кетган деб ўйлаган эдим, лекин у тирик эди, корни қаппайиб кетганди, назаримда инграётгандек эди.

- Нега каккайиб турибсан, ур! — Аннамурад тепамда бақрайиб турарди.

Мен таёкни кўтардим. Қўлим калтирарди, бирдан таёк қўлимдан тушиб кетди.

— Ур!

Мен калтакни ердан олдим ва эчкэмарга секингина гуширдим.

- Эчкэмарга раҳм қилган одамни уриш муқаддас иш, дердилар отам. Энди мендан хафа бўлма! — ўшқирди Аннамурад.

Қўлимдан калтакни қандоқ юлкилаб олганини, елкамга тушган биринчи зарбанинг оғриғини эслайман. Ўзимга келсам эчкэмарнинг яқинида ётибман.

Кейинги азобларни тасвирлашдан нима фойда, ахир бошқаларга айтганинг билан ғаминг камайиб қолмайди-ку. Ё камаядими?





Хулласи калом, буларнинг устига-устак Аннамурод ҳаммамизни қатор турғизиб қўйиб, оёғимизни керишни буюрди-да, чилвирга боғланган чала ўлик эчкэмарни оёғимиз тагидан судраб ўтказди. Шундагина у тинчиди. Буюк жасорат курсатгандай керилиб илжайди, жунни тўкилиб тақир булиб қолган қулоқчинини пешонасига суриб ерга ётиб олди ва осмонга кўз тикди.

Бундан чиқди, қачонлардир оёғи остидан эчкэмар югуриб утгани туфайли бефарзандлигига ишонарканда, деб ўйладим. Энди у бизларни ҳам шунга маҳкум деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у хурсанд.

Лекин бригадир узок ётмади, ковоғини уйиб ўридан турди.

-- Озгина кунгилхушлик қилдик, энди иш бошлайлик! Ҳаммага иш тақсимлайман, кечгача еплаштиролмасаларинг — ойдинда ишлайсанлар.

Аннамурод кишлокка кетди. Биз югуриб эчкэмар ёнига бордик. У қурук хашак устида кимириб этмай ётарди, аммо тирик эди. Биз унинг жароҳатига қурук кум сепдик. Мен бўлсам «эчкини эмса, демак сигир суниниям ичади. Эртага унга сут келтираман», деб ўйладим.

Уйга ярим кечада қайтиб келгач, эрталаб эчкэмарга сут олиб кетиш учун шиша топиб ювиб қўйдим.

Эртасига ўтоққа борганимизда, энг аввал эчкэмар ётган жойга бордик. Қарасак, у йук. Омон жудаям хафа бўлди.

- Ўзим билувдим: уни шоколлаб еб кетган...

-- Шоколлаб уни қандоқ қилиб ёйди, ўзинг ўйлаб қур... — Омонни ишонтиришга уриндим.

Аммо Омон гапида туриб олди:

— Шоколлаб эчкэмарни ея олади. Илонни маза қилиб ёйди-ку, эчкэмарни емайди!

Шундоқ бўлсаям ҳаммамизнинг қурбонимизни тева-рак-атрофдан излаб қўрмоқчи бўлдим. Омон қарши чиқди, бригадир келиб қолиб яна таъзимимизни бериб қўйишидан қўрқди.

Эчкэмарни ёлғиз ўзим излаб кетдим. Негадир унинг изи илон изига ўхшаши керак деб ўйлардим. Қумда чўзилган изни кидирардим, аммо юмронқозиқлар билан калтакесакларнинг изинигина кўрардим. Қўққисдан эчкэмарни қўриб қолдим. У эски нураган ин ёнида турарди. Ёнига югуриб бордим. Эчкэмар думини кўтарди-да, ерга бир ўрди. Бу унинг мудофаага тайёрлигини билдирарди. Шу чоғ думининг учи узилганини пайка-

дим. Ха, бу уша эди, аммо бугун у кечагидек аянчли эмас эди. У пишқариб, думини шапиллатиб кумга урарди. Мен ёнига яқинроқ бордим-да, чўкка тушдим, сутли шишани очдим, эчкэмарнинг тумшуғига олиб бордим.

У тумшуғини тескари ўгирди. Сут тукилди. Сут исини сезиб у хавотирланиб бошини шиша тарафга чузди. Шишадаги сутни унинг оғзига куя бошладим. Шу маҳал Омоннинг:

— Кочиб қол, Нургелди! — деб бақиргани эшитилди.

Бошимни кўтардим ва Аннамурудни кўрдим. У мен тарафга келаётган эди. Унинг кадам қуйишидан ёмонликни ҳис этдим чоғи, кочиб қолдим. Ундан кочиб кутулиш учун бир неча бор, гоҳ ўннга, гоҳ чапга олардим ўзимни. Лекин Аннамуруд кумликда ҳам, буғдойзорда ҳам кетимдан қолмади.

Икковимиз дала шийпонини кўрганимиздан кейингина у таъкибдан тўхтади.

## ДУРДИ ОҒА

### 1

Аннамуруддан узоқлаб кетганимдан кейин ҳам чопишни давом эттирдим. Мен аёллар буғдой янчаётган жойгача югуриб етиб олмоқчи эдим. Ўрим ва янчиш чоғида катталарнинг деярли бари бу ерда, ғаллазорда бўлишарди, шунинг учун ҳам биз кичкиналар ана шу кутурган тўя ҳукмида қолиб кетган эдик. Елкасига қамчи билан юган ташлаб гердайиб юрган мендан икки-уч ёш катта болаларни эрталаб кишлокда учратардим. Улар ғалла янчиш билан машғулликлари учун керилишарди. Мен хирмон томонга бурилдим. Аммо бу пайтда хирмонда колхозчи сўкир чол Дурди оғагина бор эди. У ғаллани шундай усталик билан текислардики, четдан қараган киши уни кўр деб ўйламасди.

— Ассалому алайкум, Дурди оға! — дедим.

— Ваалайкум ассалом.

— Худо қувват берсин!

— Сенгаям, болам, — паншаха сопига таяниб соқолини силарқан Дурди оға ниманидир ўйларди. Кейинроқ кимлигимни овозимдан топиб олмоқчи бўлганини, шунинг учун ҳам гапимни яна эшитмоқчилигини пайқадим.

— Нега хирмонингизга барака демайсан? Ёки шундай дейиш кераклигини билмайсанми?

— Ростдан ҳам билмас эдим, Дурди оға! — деб тан олдим.

— Сен Эсоновлар авлодиданмисан? — таниди сўқир Дурди оға ва бобомнинг исмини топиб айтди. — Хўш, дандан хат келиб турибдими?

Унинг бу саволи кимнинг фарзанди эканлигини таниганини билдирарди.

— Фақат битта хат олдик. Бошқа келмади...

— Немиснинг кунини кўрсатишяпти дейишади, — деди Дурди бобо ва паншаҳасини ишга солди. Бу сўқир одамнинг қишлоқдан хирмонга келишига ва кўзи очиклар билан баравар ишлашига танг қолардим. — Дурди оға, келинг, сизга карашвораман, — деб таклиф қилдим.

— Яхши йигит кўринасан, — деди Дурди оға жилмайиб. Унинг юмалоқ юзи ёришди. — Хов анави чайлада салқинда кўза турибди, ўшани келтириб бер.

Чайлага кирдим, лекин у ердан чикким келмай қолди. Чайла шунчалар озода, салқин ва файзли эдики, наमतга чўзилиб ётиб олгим келди. Нам қопчиқ тағида турган кўзани олиб бордим. Дурди бобо кўзани кўтарди ва симириб ича бошлади.

Сув унинг ёқасидан ичига тўкилар ва бу Дурди оғага хуш ёқарди.

— Энди нима қилмоқчисан, ўғлим?

— Билмадим.

— Яганага бориб юрдингми?

Аннамуроднинг таҳқирлашлари ҳақида унга сўзлаб бергим келди, лекин сўқир ва кўнгилчан одам жохил ва кўзи очик одамга қарши нима ҳам қила оларди.

Дурди бобо соқолини силаб юзини офтобга тутди, кейин жилмайди ва менга кўзани узатди.

— От минишни биласанми? — қиска сўради у.

— Эшак минаман...

— От миниш эшак миниш эмас. От миниш эшак минишдан ўн марта осон, — деди у мени юпатиб. — Раис келгунча шу ерда бўлиб тургин. У иккита от излаб кетди: топган бўлса, ўшаларни сенга берамиз. Ҳадемай келиб қолади. Қани, атрофга қара-чи, суворий кўринмайдими?

Атрофда суворий қуринмади.

— Кўринмайди, Дурди оға.

— Янги раисимизни танийсанми? Даданг билан бирга фронтга кетган эди. Бир оёғини колдириб кайтди...

— Дурди оға, агар от иккита бўлса икковини мен бошқараманми ёки яна бир бола керак бўладими? — деб сўрадим Омон билан Сафарни ўйлаб, уларни Аннамурад панжасидан кутқарилса яхши бўларди-да.

— Йўғ-а... — жилмайди Дурди оға. — Иккала от барабар кўшилади, битта боляям эплаштираверади. Енингда мен борман, галма-гал ишлаймиз, — деди Дурди оға. У мени эплай олмайман деб кўркди шекилли, деб ўйлаган эди.

— Ғалла янчишдан кўркмайман. Факат Омон билан Сафар утокда қолиб кетди-да...

— Ҳалқ йиғласа, шайтон кулади, дейди кексалар. Эр йигитлар урушда, у бўлса ўзини болалар устидан хон деб билипти.

Бобо Аннамурадининг отини атамади, лекин у ҳақда гапирётган эди. Ҳамма нарсани у қаёқдан билади-я.

Тушда Дурди оға билан чой ичиб ўтирганимизда чайламиз тарафга бир суворий келди, отини боғлади-да:

— Ҳосилингизга барака! — деди.

— Худо хайрингни берсин, — деди Дурди оға жилмайиб. — Қани, ичкарига кир, раис, чой ич!

Раис бажонидил рози бўлди, лекин ўтиришга пича кийналди. У ёғоч оёғини жойлаштиролмаб ўнғайсизланди. Раис оёғини йиғиб утиролмаганидан эшикдан кираверишга чўза қолди. Пиёладаги чойни тўкиб ташлаб, бошқа пиёла бўлмаганидан шу пиёлага чой қуйиб раисга узатдим.

— Ўзинг ича тур, мен бир оз ховуримдан тушай, — деди у менга ва Дурди оғага ўғирилди. — Бу кимнинг ўғли?

— Қиличлининг...

— Эсон Қиличлининг-а? — сўради раис ва менга мулойим қараб қўйди. Мен ийманиб ерга қарадим. — Ҳа, ростданам унга ўхшар экан... — У яна нимадир демокчи бўлди-ю, лекин индамай кўлига пиёлани олди.

— У билан бирга урушга кетгансизлар деб эшитиб эдим?! — деди Дурди оға раисга. Раис оғир хўрсинди. Бошидаги солдат шапкасини олиб, сочи қирилган бошини силади.

— Бир кунда кетганмиз.

Фолбин дадамни келишти деганига анча бўлди, аммо хали-хануз ундан дарак йўқ. Шундан бери онам икковимиз ва кичкина Муродгелдиннинг бошига озмунча ташивиш тушдими, озмунча кўзёши тўқдикми. Раисга раҳмат, дадамни эслади, бир кунда фронтга кетишганини хотирлади. Томоғимга бир нима тикилгандек бўлди.

Менга нима бўлганини тушунган Дурди оға раисга угрилиб:

— От топдингми, топган бўлсанг яхши, мана суворий ёнгинамизда! — деди.

— Ха, ростдан ҳам, шуни гаплашайлик, — деди раис. Гап мавзуи ўзгарганига у севинди чоғи. — Шу отларни деб ушланиб колдим. Шаҳарда бизга армия хизматини ўтаган иккита от беришди: ортикча эканми, бракка чиқарилган эканми, билмадим. Икковиям такаланган: бўйчан, бақувват... — кейин раис менга қараб кўйиб деди: — Ювош отлар. Сен эртага барвакт отхонага кел. Ўзим ўша ерда бўламан.

Раисга Аннамурод тўғрисида, боёкиш Омон хақида, мўминтой Сафар хақида, иним хақида, эчкэмар хақида, ҳамма-хаммаси тўғрисида бир варакай гапиргим келди. Гапни нимадан бошлашимни билмасдим, раис бўлса қўлини ерга тираб ўрнидан тура бошлади.

— Охирги бор дадамни қачон кўргандингиз? — дея олдим халос.

Раис чайла остонасига етган эди, у ёғоч нима деб жавоб қайтараркан дегандек қамчи билан ёғоч оёғини уриб-уриб кўйди... Ёғочдан чиққан такир-тукур товушга кулок солди. Кейин негадир қуёш ботар тарафга, новдаларига ок латталар боғланган баланд дарахт ўсган қабристон тарафга қаради. Кейин охиста йўталиб олиб гап бошлади:

— Биз Смоленск деган катта шаҳар яқинида ажралишдик. Хандақлар казидик, душман атакасини қайтардик. Бирдан осмондан душман бомбалари ёғилди. Еру кўк айкаш-уйкаш бўлиб кетди. Худди ернинг астарпахтаси ағдариладигандек бўлди. Кейин нима булганини билмайман. Икки кундан кейингина ўзимга келдим... Кейин машинада аллақаякка олиб кетишди. Даданг хақида ҳеч нимани аниқлаёлмадим, бомбардимондан кейин у нима бўлди, менга номаълум. Госпиталда ётганимдаям уни суриштирдим, лекин кимга нима

бўлганини ҳеч ким билмасди. Ҳамма ҳар ёқдан келган, — раис менга қараб кўйди: — Эзгулик — бахт, сабр — хотиржамлик келтиради, дейишади ота-боболаримиз. Отанг албатта қайтиб келади. Албатта қайтади.

Аннамуроднинг келиб қолишидан кўриб тонг ёришмасидан онам билан барабар уйқудан турдим ва колхоз отхонасига кетдим. Укамдан ташвишланганим учун онамдан уй эшигини ташқаридан кулфлайлик, деб илтмос килдим.

Лекин ўша куниям, ундан кейинги кунлардаям Аннамурод бизникига қадам қўймади. Мен ҳар доим унга ҳеч ким бас келолмайди деб уйлаганим учун жуда ҳайрон эдим. Омон билан Сафарнинг иши қалайлигини билгим келарди-ю, лекин бунинг иложи йўқ эди: мен улардан аввал ишга жўнардим, улардан кейин қайтардим.

Ғалла янчишда аввалига анча қийналдим, узок пайт от миниб ўтираверганимдан оёғим оғрирди. Бунга кун уззу кун от миниб, аста-секин кўникиб борардим. Дурди оға эрта сахарлаб салқинда ва тушдан сўнг ўрнимга бир соатдан от минарди.

Бошқа пайтларда у похолни аралаштириб турар, кечгача доира атрофида айланиб юрадиган отларга йўл очарди, эгни-боши сиқиб ташлагудай жикка ҳўл бўлиб кетарди.

Отимнинг номи йўқлиги мени ранжитарди, ахир уни от деб чакиролмайман-ку.

— Нега унга от қўйилмаган? — деб сўрадим Дурди оғадан, лекин у жавоб беролмади.

— Отнинг ранги қанақа? Балки рангига қараб от қуярмиз-а?

— Кулранг, — дедим.

— Бўлмасам, Гўрўғлининг отидек Ғирот бўла қолсин. Бу сенинг ғиротинг бўлади.

### 3

Афсус, эски ошналарим ва қиз ўртоқларимдан ҳеч қайсиси Ғирот миниб юрганимни кўришмади-да. Вақт қайда дейсиз? Тушликда отларни суғоргани олиб бораман, аксига олгандай сув жуда йироқда. Албатта Ғиротни миниб юрганимни Дурсун кўришини истардим.

Қорахат олганларидан бери мен у кизни сира учратмадим.

Унга қандайдир муҳим бир гапни айтгим, унга кў-

маклашгим келарди. Лекин кўлимдан нима ҳам келарди? От минганимда ўзимни анча катта ҳис қилардим. Асосий орзуим эса — ўсиб-улғайиш эди.

Бугун ишга кетаётганимда бугдойзорни кесиб ўтган ариқда сув йуқлигини кўрдим. Бахтиёрлигимдан ўзимни осмонда ҳис этдим. Бундан чиқди, отни қишлоққа келтириб суғораман, мени ҳамма кўради.

— Ариқ курибди, — дедим босиқлик билан Дурди оғага. — Қишлоққа олиб бориб суғоришга тўғри келарди.

— Ҳалқоблар қолмабдими? — сўради у.

— Устидан молларни ҳайдаб ўтишибди, балчиғи чиқиб ётибди, Дурди оға, Ғиротни ифлос сув билан суғориб бўладими? — дедим.

— Тўғри айтасан, — деди у. — Қишлоққа боришга эринмайсанми?

— Отларни суғориб олсам бўлгани, Дурди оға, чарчасам — зарари йўқ.

— Баракалла! — Дурди оға похолни ёйиб, паншаха билан отларга йўл оча бошлади. Орзиқиб қутилган тушлик жуда секин яқинлашарди. Кўланкамни ўлчаб кўриш учун отдан тушдим. Ҳар куни, кўланкам тагимга яширингандай қисқариб, икки товонга яқин қолганида тушликка танаффус қилардик. Кўланкамни ўлчадим...

Тушликка чиқишимизга ҳали анча вақт бор эди. Шунда дўнгликда турганим учун шундайдир деб уйлаб, гарамнинг нариги тарафидаги текис жойга ўтдим. Яна ўлчадим — ўша-ўша. Чайла тарафга кетдим.

— Ташна бўлдим, сув ичиб келаман, сизгаям келтирайми, Дурди оға?

— Йўғ, керакмас. Овқат олдидан сен ҳам ичмагин. Яна бир-икки айлан, Нургелдижон. Қун иссиғида айни янчадиган пайт.

Индамай Ғиротга миндим ва уни ҳозиргина Дурди оға очган йўлга бурдим. Ярим доира ясаганимда Ғирот бирдан така-так тўхтади.

— Туш отдан! — деган ҳайкирик эшитилди. Олдимда бир пайт жарликда қулоқчинимни тортиб олган қочоқ турарди. У кўлимдан юганни юлқиб олди ва Ғиротни эргаштириб нари кетди.

— Дурди оға, бу ёққа келинг, отни олиб кетишяпти!

— Қим олиб кетади? — англамади сўқир чол.

— Қочоқ олиб кетяпти, чопинг бу ёққа...

Босқинчига етиб олдим ва юганга иккинчи тараф-

дан ёпишдим. Қочок мени бир урди, тупрокка юз тубан йиқилдим, лекин яна бир бор:

-- Дурди оға, бу ёкка! Бу ёкка келинг! — деб қичкиришга улгурдим.

— Қочок деганинг қани, қани у ярамас! — қулларини олдинга чўзиб ғарам ортидан Дурди оға чиқиб келди.

Қочок отни орқага бурди ва Дурди оға ёнидан ута бошлади. Кейин бўлган воқеани сўқир одам қандай қилганига ҳали-хануз хайронман. Дурди оға қочокнинг гирибонидан тутиб, силкитишга тушди.

— Ўлгинг келяптими, сўқир! — деб қичқирди қочок. — Жонинг ширин бўлса нари тур!

Дурди оға бўлса қочокнинг бўғзидан тутишга уринарди.

Босқинчи эпчиллик қилиб суқирнинг юзига мушт туширди. Унинг бурнидан қон оқиб кетди. Тимирскилаб қочокнинг камаридан тугган Дурди оға уни ўзига тортди. Қочок Дурди оғанинг тўғри келган ерига муштлай кетди, тепа бошлади.

— Қаёкка суқулсан, сўқир? Ҳаром қотмоқчимисан? Бўлмаса ажалинг менинг қўлимда экан! Бу отлар сеникимиди? Бир чеккада туравермайсанми!

Қочок зўр кела бошлади, қарасам, бўғиб ўлдириш учун Дурди оғанинг бошини похолга суқяпти. Мен бўлсам, худди биров куч-қувватимни суғуриб олгандек туришга мажолим етмай чўзилиб ётибман. Бирдан кўзим паншахага тушди. Паншахани олдим-у, Дурди оғани миниб олган қочокнинг қалласини мўлжаллаб туриб бир тушурдим. Босқинчига унча зиён етказмаган бўлсам-да, қочок Дурди оғани қўйиб юбориб, ғарамдан ирғиб тушди. Елкасида милтиғи йўқлигини у дарҳол англамади, милтиқ сўқирнинг қўлида эди. Дурди оға милтиқни қочокка уқталди:

- Ҳаёт билан хайрлашавер, мараз! Сенга ҳали от керакми, а?!

Қочок Дурди оғанинг суқирлигини унутди чоғи, лаънатлай-лаънатлай жарлик тарафга қочди.

Дурди оғанинг ўнг қўлидан қон оқарди.

— Қочиб кетди, ярамас! — деди Дурди оға.

- Қочишга-ку, қочди-я... — дедим. — Аммо қулингиздан қон оқяпти-да.

— Зарари йўқ, — Дурди оға жилмайди. — Қочокнинг қандай қўрқоқлигини қурдингми. Бир сўқир билан



бир болага кучи етмади. Яна биз шунакалар Ватанни куриклаши керак деймиз.

Ўтган воқеани муҳокама қилиб бўлгунимизча отларимиз вақтдан фойдаланишган эди: улар бир чеккада янчилгану ҳали шопирилмаган ғаллани бамайлихотир туширишаётганди.

— Отлар қани? — деб ташвишланди Дурди оға.

— Ейишяпти... — бамайлихотир дедим.

- Дарров уларни чайла ёнига олиб бор. Энди уларни суғориб бўлмайди, корни шишиб кетади.

Мана шу сабабдан ҳам от миниб кишлокка боролмадим, керилиб юролмадим. Одамга алам қиларкан.

Чой кўйдим, Дурди оға билан шошилмайгина хузур қилиб чой ичдик. Танаффусдан кейин отларни яна кўшдим ва ғарам атрофида доира ясаб айлана бошладик. Кўнглим жуда ғаш эди.

— Нега жимиб колдинг, Нургелдижон? — деди Дурди оға кайфиятимни сезиб.

- Шундок, ўзим... — менга нима бўлганини ўзим ҳам билмадим.

Дурди оға кўнглимни кўтарди ва бирон қушиқ айтиб беришимни сўради. Бир эмас, иккита қушиқ айтдим, лекин нафи бўлмади. Дадамни кўргим келарди, ҳеч бўлмаса унинг қиёфасини кўз олдимга келтирмоқчи бўлардим, лекин йил мобайнида биринчи бор бунинг иложи бўлмади.

«Нега хат ёзмасийкинлар-а? Балки қаламлари ёки қоғозлари йукдир? Ахир бошқа оталар хат ёзишяптику. Еки...» Фикримни давом эттиришдан чўчидим. Ҳар кунни уйга қайтаётганимда Муродгелди хушхабар билан истикболимга югуриб чиқади деб ўйлардим. Ҳар окшом кутаман — аммо бефойда! Уйга қайтаман, қатик билан нон ейман, ётаман, эрталаб яна ғалла янчишга кетаман. Шу, вассалом.

## МАКТЎБ КУТИНГ

### 1

Бир кун хирмондан қайтсам, ховлимиз хувиллаб ётибди. Ахир ёз ўртасида биз тарафларда одамлар уйга кирмайди, айниқса окшомлари. Кўнглим ғаш бўлиб уйга кирдим.

- Саломалайкум, — дедим. — Нега чирок ёкмадинглар!?

— Сенмисан, Нургелди болам, — коронғиликдан бувимнинг товуши эшитилди. — Ха-я, ростдан ҳам, чирокни ёкиш керак.

Юрагим тухтаб колгандай бўлди. Емон нарса юз берган. Кузим коронғиликка ўргана бошлади ва наMAT ус-тида қилт этмай ётган онамни кўрдим, Муродгелди эса унинг ёнида кимир этмай ўтирибди.

Естикни ушладим, онам бўлсалар қўлимдан чангаллаб бағриларига тортдилар. Ё тавба, шўрлик онагинам мунчаям озиб кетмасалар, кок суяк бўлиб колибдилар-а.

— Қаерингиз оғрияпти? - деб сўрадим, овозим бў-ғик эшитилди. Муродгелди ёнимга келди, бувим эса зўр бериб гугурт ёкамани деб уринардилар.

- Ана, гугурт ҳам тугади... — дедилар бувим. — Болам, бизни-кига бориб олиб кела кол, шундоқкина ўчок ёнида ётибди.

— Дадамлар... — қулоғимга шивирлади Муродгелди.

— Дадам нима?! — унинг елкасидан ушлаб силкитдим.

— Эх, бўталоғим-а, бутун оиламизнинг бели синди... — деди бувим ва йиғлаб юборди. — Ҳамманинг боласини, кўпнинг қаторида менинг ҳам ўғлимни ўзинг сақла, деб худога ибодат килардим...

Жоним борича онамни бағримга босдим. Унинг гавдаси заиф ва енгил эди. Қандайдир юпанч сўзларини айтардим ва ўзимнинг овозимни эшитарканман. Ёлғон сўзлаётганимни билардим. Ойим борган сайин каттиқроқ йиғлар, менинг кўзимда ҳам ёш ғилтиларди. «Фолбин нега бундай деди. Ундан сўраш керак эди». Бу фикрлардан баттар ўзимни йўқотдим ва хўнграб йиғлаб юбордим.

Ховлига чиқдим, йиғлаётган аёлларни колдириб, кетимдан Муродгелди чиқди.

Тўлиной чарақлаб турарди, дала тарафдан салкин шабада эса бошлади. Шу чоқ юлдуз учганини кўриб колдим. Юлдуз осмоннинг ғарб тарафидан учиб, учишини тезлата борди ва поёнсиз кўкнинг аллакаерида қоронғиликда ғойиб бўлди.

Осмонда ҳамманинг ўз юлдузи бўлади. Одам ўлганда унинг юлдузи учиб ерга тушади-да, ёниб кетади. Бу ҳақда катталардан кўп эшитганман.

— Наҳотки бу даданинг юлдузи бўлса? — Мурод-

гелди пинжимга тикилди. — Энди ҳеч қачон келмай-диларми?

Ўзим эшитгим келган нарсани укамга айтдим.

— Албатта келади. Фақат сал тутилиб қолдилар-да.

— Ахир дадамнинг командири оймга уни ҳалок бўлди деб ёзибди-ку?— деди укам.

— Қоғозга ҳамма нарсани ёзса бўлади! — деб тинчитдим укамни. — Дадам албатта келадилар!

— Қачон! Эртагами? Индингами? Қачон?

Дадамни йўлда худди мен тутиб қолаётгандай укам холи-жонимга қўймасди. Кўнглим ғаш эди. Бу гапларга бирдан барҳам бериш керак эди.

— Эртага келадилар! — дедим, лекин бир оз ўйлаб кўргач эрта жуда яқинлигини эслаб гапимни тузатдим. — Йўк, бир ойдан кейин келадилар...

— Нега аввал эртага дедингиз, энди бўлса бир ойдан кейин деяпсиз? — сўради укам ва бикинимга шундоқ туширдик, нафасим ичимга тушиб, қорнимни чангаллаганимча ўтириб қолдим. Муродгелди бўлса орқасига қайрилиб ҳам қарамай уй тарафга кетди. У ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

— У дадамни яхши кўрмайди! Яхши кўрмайди. Бир ойдан кейин келади дейди. Эртага келишларини у истамайди...

Шу куни мен туз тотолмадим. Умуман ҳеч ким ҳеч нимани егин ҳам демади.

## 2

Ўзим билан укамдан кўра онамга купрок ачинардим-у, лекин унга қандай ёрдам беришни билмасдим. Эртасига эрталаб одатдагидан кўра эртароқ кетдим уйдан. Назаримда, яна бир оз тутилиб қоладиган бўлсам укам яна ҳар хил саволларга кўмиб, йиғлай бошлайдигандек эди.

Дурди оға энди хирмонда ётиб қоларди. «Замон оғир, кўпчиликнинг чўнтагига қул сукадиган одамлар ҳали ҳам бор. Мол-ҳол келиб босиб-янчиб кетсаям зарар», — дерди у.

Икки-уч кунда унга озик етказиб туришарди, унинг сузмасиям бор эди. Қария сузмадан чалоп тайёрлаб, ичига нон тўғрарди.

Бугун полизимиздан битта қовун узиб ола кетдим, бирга еб оламиз.

Фиротга қамчи босдим, у йўртиб кетди, иккинчи от ҳам ундан қолишмасди. Дурди оғадан бўлак ҳеч ким мени овутолмаслигини билганим учун ҳам шошилардим. Қуёш чикмасдан хирмонга етиб бордим.

Одатда от дупурини эшитиш билан Дурди оға чайладан чикарди. «Отлар гижинглаяпти, баракалла, Нургелди, яхши парваришлаётганинг кўришиб турибди!» — дерди. Бу гапларни ҳар куни эшитсам ҳам сира жонимга тегмасди. Дурди оға ажойиб одам. Дунёга келганидан бери кўтарилаётган қуёш нурларини ҳам, тўлишган олтинсимон бошокларни ҳам, Фиротнинг бошини тик тутиб йўртиб боришини ҳам кўрмаганлиги адолатсизлик эмасми. Дурди оға дон янчилган жойда ризкини чуқилайдиган тиниб-тинчимас тўрғайларни ҳам кўрмаган. «Наҳотки, унинг дардига даво бўлмаса?» — деб ўйлардим. У бўлса жимиб қолишимни бошқача тушуниб кўпинча юпатишга шошиларди:

Асов тулпорга минсанг гар, кенгаяр олам,  
Ўшар Сулаймон тахтига тулпорнинг бели.  
Унутилар: низолар, қаҳру қазиб ва алам,  
Яхлит малҳам, дорига ўшар тулпорнинг бели.

Дурди оға ҳар куни отни қандай эгарлаганимни текшириб кўрарди, кўлини ёпқич тагига суқиб, доим эслатарди: «Ёпқич тагида кичкина чўп ҳам бўлмаслиги керак. Шу ёдинда бўлсин. От яғринидаги жароҳатнинг битиши қийин бўлади...»

Бугун негадир Дурди оға чикмади.

Унинг бирон ёққа кетишини ҳаёлимга ҳам келтирмасдим.

— Дурди оға! — деб қичқирдим.

Жимлик... Атрофга алангладим: «Уйига кетгандир балки? Айтганида-ку, отга миндириб элиб кўярдим... «Ғарамнинг орқа тарафига ўтдим ва тошдай қотиб қолдим. Кекса оғам кўл-оёғини ёйиб ётарди. Оппоқ чит кўйлаги қонга беланганди, теварагидаги похол ҳам қон эди...»

Фиротга қамчи босиб қишлоққа учирдим. Отнинг биттасини хирмонда қолдириш мумкин эди, аммо бу ҳаёлимга келмади. Мен тўғри отхонага бордим. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Идорага от кўйдим. Раис жойида утирган эди.

— Нима бўлди, ўғлим? — сўради у кўзёшидан хўл бўлиб кетган бетимга қараб.

Бир оғиз сўзни ковуштириб гапиролмадим.

— Дурди оға...

— Унга нима бўлди? — раис елкамдан тутди, бухгалтер узатган пиёладан сув ичирди.

— Дурди оға конга беланиб ётибдилар... Тезрок боринглар!

— Вой-ей! — раис ўрнидан турди ва бухгалтерга: — Иккинчи отни олиб, аравага кўшгин-да, зудлик билан кетимиздан етиб бор! — деди.

Раис Ғиротга мени ҳам мингаштириб олди.

Хирмонда ҳаммаси аввалгича эди. Раис отдан тушди, Дурди оғанинг кўксига қулоғини тутди. Унинг кўзида умид учкунлари йилтиллагандай бўлди.

— Сув келтир! — деди у менга ва эғнидаги кўйлакни ечиб, узун-узун килиб йирта кетди. Сув келтирганнимда у Дурди оғанинг жароҳатини боғлаётганди. Сувнинг сеҳрли кучи бор-да! У Дурди оғани ҳам ўзига келтирган эди. У гапиролмасди, лекин мен раис унинг жароҳатига текканида Дурди оғанинг охишта инграганини эшитдим. Етиб келган эски аравага намат тўшадик-да, Дурди оғани унга ётқиздик. Арава йўлга тушганда, раис:

— Сен дон янчавер, — деди менга. — Кўп ўтмай Дурди оға ўрнига бошқа одам топиб берамиз... Чўлок Оталини юборармиз балки.

«Нима ҳам қилардим, — деб ўйладим. — Сўқир билан ишлаган эдим, энди оқсоқ билан ишлайман. Иложим қанча. Қолганлар фронтда-да».

То окшомгача Ғиротни миниб ғарам атрофидан айланиб доира чизавердим. Шомга бориб ғарам ёнига Отали келди. Бу жуда каттиққўл одам эди, уни узокданок танидим. У болаликда отдан йиқилганидан бери оксарди.

— Мен келдим, энди уйга кетсанг ҳам бўлади...

— Дурди оғага нима бўпти? — сўрадим отда ўтирганимча.

— Ўзинг хабар берибсан-ку, одамларга, — ковоғини солиб деди Отали. — Эшитишимча, уни сўйиб кетишганимиш. У қаерда ётган экан?

— Хўв анави ерда, — дедим қўлим билан хирмоннинг кеча боскинчилик рўй берган қисмини кўрсатиб. Отали ўша жойга яқин борди ва истехзоли кулди:

— Анча-мунчани ўмаришибди..

— Нимани ўмаришади? — деб сўрадим.

— Кўрмаяпсанми? — Отали қўли билан кўрсатди. — Чуқурни кўряпсанми! Тўрт-беш қопдан кам олишмаган, ярамастар. Бир эмас, икки-уч киши бўлишган. Битта одам сўқир Дурдига бас келолмасди...

Оталининг «Сўқир Дурди» дегани менга ёқмади. Рост, Дурди оға болалигидан ҳеч нимани кўрмайди, лекин доим буни эслатишнинг нима ҳожати бор? Умуман, Оталиниям ўзи йўғида чўлок дейишади. Буям тўғри, аммо шундоқ демаслик керак.

Эртасига куёш ботар маҳалда хирмонга раис келди.

- Нега қочок отни олиб қўймоқчи бўлганини менга айтмадинглар? — сўради у норози оҳангда. — Раҳминглар келдимиз?

— Йўғ-е, — эътироз билдирдим. — Қочокка раҳмимиз келарканми?.. Дурди оға уни шундай жонини олдиларки, энди хирмондан етти чақирим наридан юради деб ўйлагандик, — дедим ишонч билан.

— Бўлмасам, қоп-қоп дон ўғирлаб, Дурди оғани сўйиб кетган ким? Нахотки шуни тушунмасанг? — кейин у Оталига ўғирилди: — Ўқланган милтик доим ёнингда бўлсин!

Раис Дурди оғанинг ўзига келганини ва энди гапира олишини айтди.

Лекин у тезда тузалмади ва мен то ўқиш бошлангунча Отали билан бирга ишладим.

### 3

Эрта билан тоза шим ва кўйлакни кийиб, даданинг камарини белимга боғлаб Дурсунларникига бордим. Уни кўрмаганимга икки ойдан ошган эди. Илгарилари уникига тез-тез борар, уйига ҳам худди узимникига киргандай кираверардим. Бугун негадир киришга ботинмадим.. Сабр қилиб кўчада кутиб турдим, лекин Дурсундан дарак бўлмади. Кетгим келмай тургандим, Дурсуннинг онаси Султон янга келиб қолди.

- Нима қилиб йўлда турибсан? Уйга кир, ё бўлмасам эшикдан нарироқ тур, — деди у совуқкина қилиб. Мен у билан саломлашиб:

— Дурсун мактабга кетиб қолдимиз? — деб сўрадим.

Дурсун энди мактабга боролмайди, — деди Султон янга. — Кўриб турибсан, зўрға юряпман, кекса бувисидан ҳам наф йўқ. Дурсундан булак ким қарайди синглисига. Рузғорга ким қарайди, ким овқат пиширади? Уқитувчиларга ҳам худди шундай дедим.

Мактабда энг аввал кўрган одамим Аваз бўлди. Аваз ажойиб одам: унга қолса оламда на ташвиш, на гам бор. У меҳрибон ва кўнгилчан бола, кулганда шунақанги хандон отиб куладики, ёнида бўлган ҳар қандай одамнинг дили яйраб кетади. Аваз мени кўриб севиниб кетди, уни мендан ҳам кўра — камаримдаги ярақлаб турган юлдуз кўпроқ қизиктирарди.

— Нега бунча хомушсан бугун? — деб сўради Аваз. Шундоқ камари бўлган одам нега хомуш бўлишига у ҳайрон эди.

Дурсуннинг энди мактабга келолмаслигини бирдан айтолмай турдим.

Аваз ковоғини солди.

— Ойиси жудаям касал дейишади, ўрнидан туришга мажоли йўқмиш.

— Рост, — дедим. — Уларга қандоқ ёрдам қилса бўларкин, маслаҳат бер, Аваз.

— Менга камарингни берасанми? — сўради Аваз кулиб. Унинг ҳазиллашаётганиниям, жиддий сўзлаётганиниям тушуниш кийин эди.

— Бераман!

— Еч!

Аваз камарни олди, белига такиб, ўзим учун кейин ясаган тешикка тақди.

— Уч-тўрт кундан кейин, — ишонч билан ваъда қилди Аваз, — Дурсунларнинг хонадонида яна умидли кунлар бошланади. Улар яна ҳаммадек яшашади.

Ундан бу қандай рўй беражагини жуда сўрагим келди, лекин ишончсизлик билдириш ноқулай эди. Бор-йўғи уч-тўрт кун кутиларкан! Мен бахтга етишиш қанчалик осонлигини ўйлардим.

Аваз битта камар учун Дурсунлар оиласига ёрдам кўрсата оладиган бўлса, бизнинг оиламизга, онамга ҳам ёрдам бериши учун нимани тиласа шуни беришга тайёр эдим.

Мўъжизани кутиш учун катта сабр-тоқат керак экан. Учинчи кунга бориб тоқатим тоқ бўлиб:

— Дурсунлар хонадонида сен ваъда қилган шодлик қачон рўй беради? — деб сўрадим.

— Эртага! — деди Аваз гўё одамларга чўнтагидан шодлик олиб улашиб юргандай.

— Эртага қай пайтда? -- аниқлаб олиш учун яна сўрадим.

— Эртага тушликдан кейин. Индинга мактабга келаётиб уларникига киргин. Фақат кечикма, Дурсун барвақт мактабга кетиб қолади

Нима дейишимни билмай жилмайиб кўйдим. Ичимда эса: «Уларникига эртага шодлик келадиган бўлса, нега энди индингача кутишим керак?! — деб ўйладим.

— Эртага кирсам бўлмайдими?

— Нега бўлмас экан, бўлади. Эртага оқшомда киргин.

Эртасига мактабдан қайтгач Дурсунларнинг уйини узокдан кузата бошладим. Дурсуннинг ҳовлига чиқиб, узум узганини кўрдим. Кейин уйларига бир кўшни аёл, кейин иккинчи кўшни аёл кириб кетди... Ҳовлида ўчоққа ўт қалашди, чой қайнатишди. Мана шу белгилар хонадонда яхши томонга ўзгариш борлигидан далолат берарди. Ҳовлига яқинроқ бордим ва Дурсуннинг хурсанд жилмайганини кўрдим.

— Дадамдан хат келди. Ярадор бўлиб госпиталда ётганларини, анча тузалиб қолганларини, яқинда келишларини ёзибдилар. Биз уларга хат ёзишимизга зарурат йўқ, — деди Дурсун

— Эртага мактабга борасанми? — деб сўрадим.

— Бўлмасам-чи!

Дурсунларга хат келганини эшитиб ойим кечаси билан мижжа қоқмадилар. Мен эса ухлаб қолиб, тушимда дадамни кўрдим. Мактабдан қайтсам дадам ҳовлида тоғора ёнида турганича оқ суяк сопли устаралари билан соқолларини оляптилар.

Эртасига мактабга Дурсун билан бирга бордим. Қираверишда Аваз оғзи қулоғида кулиб турарди. Белига туқасида юлдузи бор камаримни тақиб олган эди.

— Хўш, ваъдамнинг устидан чиқдимми? — сўради у мени четга тортиб.

— Қандай қилдинг буни? — дедим Авазга тафсилотини билиш учун. Негаки мўъжизага ишонганим ва хатто шу мўъжизанинг рўй бериши учун қимматбаҳо камаримдан кечганим билан мўъжиза рўй бергач, бунинг сирини билгим келиб қолди.

— Ўлай агар, Дурсуннинг дадасидан келган хатни мен топдим. Бўлмасам, улар ғам-ташвишдан ўлиб ке-



тишарди, — Аваз атрофга аланглади. Бу ҳақда ҳамма-га ҳикоя қилишдан бекорга кўрқяпти, деб ўйладим.

— Хатни қаердан топдинг? — деб сурштиравердим. — Айта қол, жон Аваз!

— Ҳеч кимга гапирмасликка ваъда берсанг, айтаман.

Ҳеч кимга! Ҳеч қачон!

— Нон урсин!

— Нон урсин!

— Жудаям жўн. Мен хат ташувчилар хат келтирадиган ерга бордим. Қарасам, милтик кўтарган қоровул турибди. У мени таниди-да: «Сенмисан, Аваз?» деди. Бувимникига борганларимда у мени кўрган экан. Амакиваччам бўлади. У яна: «Бу ерда нима қилиб юрибсан?» деди. Мен, қандок бўлса шундайлигича ҳаммасини унга сўзлаб бердим. Шунда у мени каттақон кути ёнига бошлаб борди-да: «Керакли хатингни шу қутидан изла... Бу ерда бутун районга келган хатлар бор», деди. Мен узок изладим. Конвертлардаги адресларни икки мартадан ўқидим. Ахири керакли хатни топиб кетмоқчи бўлиб турганимда у: «Хатни кўринадиган жойга кўйгин, хат ташувчиларингга ўзим бериб кўяман...» деди.

Авазининг ҳақиқатга яқин ҳикояси мени ҳайратга солди. Ҳа, худди шунақа воқеалар бўлади: адресни ўқиб олиш кийин бўлади, почтачи саводсиз бўлиши мумкин ва бошқа сабаблар, дунёда чигалликлар озми. Албатта ўзимни туютмай сўрадим.

— Ўша ерда дадамдан келган хат йўқ эканми?

— Йўқ, — деди Аваз шартта. — Сизларга биттаям хат йўқ эди.

Мен унга ёлбора бошладим:

— Ўша қоровулга иккинчи бор гапириб бўлмасмикин?.. А? Мен учун бир уриниб кўр. Бирга борайлик-а?!

— Агар борсам, ёлғиз ўзим бораман. Уёққа киришингга ижозат бермайди. Бегона кишиларнинг кириши таъқиқланади. Отиб кўйишлариям мумкин. Мен у ерга бир шарт билан бораман, бу ҳақда сен ҳеч кимга ғиринг демайсан. Билиб кўй, тилингни тий!

Аваз ажойиб одам. Унинг ўрнида мен бўлганимда то ҳамма хатни кўриб чиқишга руҳсат бермагунича ўша қоровулга ялиниб-ёлбораверардим, топган хатларимни булса ўша куниек эгаларига элтиб берардим. Ўша куниек!

Дарс тугадини сабрсизлақ билан кутардим... адре-

сини ўқиб бўлмайдиган хат солинган қути ҳақида онамга айтгим келарди. Ойимнинг юзида табассум кўрмаганимга қанча бўлди.

Кеча кечқурун ойим анча ташвишда эдилар: «Очарчилик бошланади дейишяпти...»

Энди нима қиламиз?.. Онамнинг кунгилларини кўтариш учун бир коп ғалламиз борлигини айтдим. Ойим хўрсиниб қўйдилар-да: «Эҳ, Нургелдижон, бир коп дон нима экан? Очарчилик бошланса борми, бу бир коп дон бир неча кунда тугайди. Худо ўзи сақласин...» дедилар. Мен Дурди оға билан, кейин Отали билан дон янчган ғарамни эсладим. Дон солишга коплар етишмаганини эсладим. Колхозимизда бунақа ғарамлардан озмунчамми? Бошқа колхозлардаям бундан кам бўлмаса керак! Шундоқ экан, қандай қилиб очарчилик бўлиши мумкин? Бир ғарамнинг буғдойи бутун қишлоқни тўйдиршига етиб ортади. Мен ойимга шундоқ деганимда улар менга бутун дон тағи-туғи билан шаҳарга олиб кетилиб, уёқдан фронтга жўнатилишини тушунтирдилар. Шунда мен ҳам ўйланиб қолдим ва ҳаммамизнинг ёмон кайфиятимизни яхшилаш учун Аваздан эшитганларимни окизмай-томизмай сўзлаб бермоқчи бўлдим.

— Даданнинг келганини биринчи бўлиб хабар қилганга бераман деб аллақачон суюнчи тайёрлаб қўйганман. Агар дадандан хат келса, ўзи келгандай севиначдик-да... Суюнчини Авазга бера қоламиз, — дедилар ойим ва менинг жавобимни ҳам кутмай, сандиқ ёнига бориб, копкағини кўтардилар ва энг қимматбаҳо нарсаларимизни сандиқдан ола бошладилар.

Эртасига мактабга кетаётганимда Авазникига кирдим, қўлтиғимда тугунча — ойимнинг суюнчилари бор эди. Йўл-йўлакай кизиқсиниб, тугунни ечиб қараб, унда нима борлигини кўриб, Аваз учун қувондим. Тугунчада чиройли тикилган дўппи, бир қўйлакли мато ва қийикча бор эди. Умуман, Аваз бундан ҳам қиммат нарсаларга муносиб эди.

Эрта келганим Авазга ёқмади. Онасидан яширинча бармоғини лабига босиб, «жим тур» деган ишора қилди.

— Саҳарлаб нима қилиб юрибсан, Нургелди? — деб сўради Авазнинг онаси.

— Кеча жануб томондаги арикни бўғган эдик. Ўша ерда каттакон балиқни кўрдик, лакка балиқ бўлса керак, Аваз икковимиз шуни тутиб олмоқчимиз. Дарс бошлангунча шундоқ қилсак девдим.

— Илон кўргандирсизлар, болалар ариқдан балик овлаганларини сира кўрмаганман, — деди Авазнинг онаси. У яна алланималар деди, лекин қулоғимга кирмади, негаки, кигиз устида ётган учбурчак хатга кўзим тушганди. Авазнинг дадасидан келган хат бўлса керак. У дадасидан тез-тез хат олишаётганини айтганди.

- Бунча эрта келмасанг?— деб гап бошлади Аваз норозилик билан кўчага чиққанимизда.

— Ойимга хат солинган қути ҳақида сўзлаб берган эдим: «Меҳрибон Авазнинг ёнига эртароқ бора колгин», деб мени шоширишга тушдилар. Шунинг учун ҳам уйингга келишга мажбур бўлдим...— дедим унинг кўнглини топмоқчи бўлиб. — Дарсдан колсак нима бўпти? Кел, эртароқ бора қолайлик.

— Айтдим-ку, ўзим бораман, деб!

— Мен берироқда тураман. Енингга яқин йўламайман. Шунчаки, бирга боргим келяпти. У қоровул мени ҳатто кўрмайдиям, — деб ёлбордим.

Аваз, ҳаммаси мен ўйлаганимчалик осон эмаслигини уқдира кетди.

— У қоровул ҳали ишга келмаган. У тушдан кейин ишлайди. Тушундингми?

- Тушунарли, Аваз... Шоширганим учун кечир, — дедим кўлимни унинг елкасига кўйиб. — Кеча кечаси мен ҳам, ойим ҳам, укам ҳам мижжа қокмадик, сен хатни албатта топиб келасан деб умид қилдик.

Авазнинг менга раҳми келди, тугунга бош ирғитиб:

- Йўлга нон олдингми?— деб сўради.— Ростданам бормоқчимисан?..

Авазнинг сўзлари менга ёқмади. Ростдан бўлмай нима! Ҳар нарсага қодир одам бағритош бўлиб кетарканми, деб ўйладим. Лекин дилимдагини тилимга чиқаришга ботинмадим.

— Тугунчада хушxabар келтирганга бериладиган суюнчи. Ол, ичидагиларни кўр.

Аваз тугунни олди, ечиб қаради, дўппини кийиб қурди. У жилмайди, дўппининг чиройли нақшлари юзини ёритгандай бўлди. Авазнинг тухфадан хурсандлигини қуриб севиндим, лекин у тўсатдан бошидан дўппини ечди, қайтиб тугунга солди:

— Ҳозирча ўзингга турсин!

Нега?

— Негаки, хатни топсам оламан. Қетимдан кирма! Топмасанг ҳам қиявер. Хатни излашининг ўзи

биз учун катта гап, дедилар ойим, — дедим онамнинг айтганларига ўзимдан ҳам қўшиб.

Аваз тугунни олмади, мактаб тарафгаям бурилмади. Ёлғиз ўзи йўлдан кетаверди. Мен хаёлан у билан ёнма-ён борардим.

...Бу шунақанги узун кун эдики, тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди! Кун бир йилга чўзилгандек бўлди. Окшомда Авазни ариқ ёкалаб ўсган тут дарахтлари тагида кутдим.

У кулиб келарди.

— Топдим! — деб кичкирди у узокдан.

— Қани? — ирғиб унинг бўйнига осилдим. — Кўрсат менга, биродарим.

— Сабр кил бир оз, хей! — деди у бағримдан чиқишга уриниб. — У ердан олиб чиқиб кетишга ҳақким йўқ-ку. — Хат ташувчи уч-тўрт кун ичида келтириб беради. Узоғи билан беш кунда Шунча кутдинлар, яна бир оз кутинлар.

Лекин мен шу топнинг узидаёқ ҳаракат қилгим келди:

— Хат ташувчидан илтимос қилсам, нахотки тезроқ келтириб бермаса?!

Аваз жуда хафа бўлди.

— Сен учун шунча уриниб овора бўлиб юрибман-а... Агар хат ташувчига айтсанг, у амакиваччамнинг устидан шикоят қилса борми, ҳарбий сирни ошкор қилгани учун уни ишдан олиб, судга берадилар. Бор, айтавер хат ташувчингга!

Унинг ҳақлигини англадим. Бекорга хафа қилдим-а. Фронддан келаётган хатлар ҳам — ҳарбий сир, нега олдинроқ билмаган эканман шунга. Милтик кутарган қоровул туришининг сабаби ҳам шу.

— Хатни очиб, дадамнинг нима ёзганларини ўқисанг бўларди.

Шунда Авазнинг яна жаҳли чикди:

— Тентак экансан-а! Бировнинг хатини очиш жиноят! Мени отиб юборишларини истайсанми?!

Ойим билан укам мени кўчада кутиб туришарди. Булмасам-чи, мен ҳам уйда ўғирмаган бўлардим. Улар кайфиятимданоқ яхши хабар билан келаётганимни ҳис этишган эди. Ойим мен томонга югурдилар-да, кучоқлаб олдилар, ойимнинг нозик қадди қалтирарди, куяптилар деб ўйладим — улар бетўхтов хўнграб йиғлар ва

оғиз очишга қўймасдилар. Муродгелди бўлса оркамдан келиб осилиб, ёкамдан тутиб олган эди.

Хатни хат ташувчи бизга икки кундан кейин келтирди. Ҳамма ҳалок булган деб юрган одамдан келган мактубни бунчалик хотиржамлик билан ўқиётган одамларни ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак. У ўз кўзларига ишонмасди. Хушxabар келтиргани учун ойимдан раҳмат эшитган хат ташувчи ҳамон кўзини бақрайтириб қараб турарди. Унинг назарида ҳаммамиз эсимиздан айрилиб қолганмиз. Кетатуриб ҳам хат ташувчи ўгирилиб қараб кўярди. Афсус, биз унга ҳақиқатни айтолмасдик, ахир қоровул жабр кўриши мумкин эди.

Иккита товуғимизнинг бирини сўйиб ойим шу кунни ҳақиқий байрамга айлантирдилар, товуқ шўрвада пишган угранинг мазаси анчагача оғзимиздан кетмади.

Дурсунлар онласи ва бизнинг хонадонимиздаги кутилмаган шодиёна янаям ёруғ кунларга эришишга умид уйғотарди. Энди мактабга кетаётиб кўпинча минғирлаб ашула айтардим, одамлар менга қараб жилмаярди, лекин мен ҳақимда ҳар ким ўзича уйларди. Мени кўрганда бир одам қовоғини солиб турарди, у ҳам бўлса синфдошим ва тенгдошим Отамурод эди. Ўша кунлардан буён қанчадан-қанча вақт ўтиб кетди, лекин мени нега у бунчалар ёмон кўришига, ҳар нарсага ўчакишига ҳали-ҳануз тушунмайман. У билан қурашиш ёки ёқалашини мумкин эди, мен ундан қурқмасдим, лекин урушга кетганидан бери дадасидан биттаям хат келгани йўқ эди. Буни ҳисобга олиш керак эди, тақдирнинг ўзи шунча азоб берган одамни ҳеч ким хафа қилгиси келмасди, фақат Отамуроднинг ўзи ёмонлик қилаверарди.

У оркамдаги партада Дурсун билан бирга ўтирарди. Сиёҳдоним уйда қолиб кетган экан, Дурсундан сиёҳдонини бериб туришни сурадим.

— Сиёҳдонни олиб олдингга қўй, ҳадеб оркамга ўгирилаверма, партамга сиёҳ томизяпсан, — деди Отамурод ва сиёҳдонни партанинг нариги бошига суриб қўйди. Дурсун бу иши адолатдан эмаслигини айтган эди, Отамурод:

— Сиёҳдонини атайин уйда қолдириб келади, шунини ҳам тушунмайсанми, Дурсун! — деб ушқирди.

Аламимдан жоним ҳалқумимга келди.

— Ҳали шошмай тур-чи, — дедим.

— Нега шошмайин? Ҳозирок муаллимга айта қол! Чакиб бера қол!

«Шошмай тур» деганим билан танаффусда унга ҳеч нима қилмадим. Фақат: «Бир партада ўтиргани топган одамани қара-ю», — деб Дурсундан хафа булдим.

Бир куни дарсдан кейин Аваз ёнимга югуриб келди.

— Ариқдан нарироқдаги индан одамлар сахро каламушларининг озиқ омборини топишибди!

— Нима бало, эсингни еб қўйдингми? Қаламушларнинг озиқ омбори бўларканми?

— Бўларкан! — деди Аваз ишонч билан.

— Ҳар бир индан бир коп дон йиғиб олса булади, дейишяпти. Юр, борамиз!

Бир коп дон — ҳазилакам гапми. Ҳатто дадамдан хат келгандан кейин ҳам ойим қишда бўладиган очарчиликдан кўркарди. Биз бўлсак, ҳосилнинг бари фронтга кераклигини англардик, аммо бунинг ўзи билан тўк бўлмайсан-ку. Эҳ, агар Аваз алдамаётган бўлса, ҳеч бўлмаса ярим коп дон келтираман, ойим севинадилар-ку.

Аваз билан кетаётган эдик, қарасам Отамурод кутиб турибди. Авазга ёлбордим.

— Жон ошнам, нима сўрасанг сура, лекин уни бирга олиб кетма!

— У хафа бўлмайдими? — сўради Аваз.

— Булса бўлар! Уни кўргани кўзим йўқ.

Биз орқага қайтиб, ариқнинг нариги бетига ўтдик ва Отамуродга билдирмай жўнаб қолдик.

Қаламушнинг ини бунчалик чуқур, ҳар тарафга бурилиб кетадиган, неча-неча боши берк чуқурлар, ёнбошдан қириладиган йўллардан иборат бўлади деб сира ўйламаган эдим. Биз кавлаб-кавлаб, белимиз баравар чуқурлаб кетдик, излаган нарсамизни топганимизча қуйлагимиз шилта-шалаббо бўлди.

Бир қатор мураккаб ер ости йўлларидан кейин энг чуқур инга етдик, бу ерда ростданам дон сақланарди. Лекин биз умид қилганимиздек бир копдан дон тегмади. Беш-олти килограммдан булса ҳам кошки. Биз уйга қайтганимизда аллақачон қоронғи тушган эди.

Қоп орқалаганимча эшикдан кирдим. Атайлаб шовқин кўтариб тапир-тупур қилиб кирдим. Ойим кизиксиниб:

— Нима олиб келдинг, ўғлим? — деб сурасинлар деб ўйлагандим.

— Буғдой, ойижон, — деб жавоб берардим.

Ойим сўрайдилар...

Қопни ерга эмас, кигизга қўйдим, атайин хўрсиндим ва боя ўйлаб қўйган савол-жавобимнинг бошланишини кута бошладим.

Аммо онам ҳамон жим эдилар. Лекин ҳозир укам яқин келиб, қопчиқни ушлаб куриб бу ажойиб топилдик ҳақида суриштира бошлашини билардим. Аммо Муродгелди ҳам кимириб этмай, жим ўтирарди. Ахийри ўзим оғиз очишга мажбур булдим:

— Икки тандир нонга етса керак...

Ойим менга угирилиб қараганларида юзларининг гамдан буришиб кетганини кўрдим.

— Агар ҳозирнинг ўзидаёқ шу келтирганингни омборчига элтиб бермасанг, унда... — ойим яна нимадир демокчи булдилар-у, лекин гаплари узилиб қолди. Онамининг кўзларида ёшни кўриб баттар ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Нима бўлди, ойи? — бўйнимда ҳеч қандай гуноҳ сезмасдим. — Нима гап?

— Эсингни еб қўйдингми! — деб қичқирдилар ойим. Назаримда ёнларида бирор нарса булганда, шу билан тушириб қолишлари мумкин эди. — Агар сен нима бўлганини тушунмаётган бўлсанг, энди мени она демай қўя қол! Менга ўғри ўғил керакмас!

— Ия, во-ой! — хайрон бўлдим мен.

— Ўзингни қўй деб ҳисобламай қўя қол, йўқол, кўзимга кўринма. Кимга ўхшагансан-а? Жўна, бировнинг нарсасини қайтариб бермагунингча уйга кадам қўйма!

Онамнинг ўринларидан тураётганларини кўриб, қопчиқни кўлимга олдим. Менга ён босар деган умидда укамга қарадим. Лекин Муродгелди менга тесқари ўгирилиб олиб, ойимнинг пинжиларига тикиларди.

— Донни дарҳол олиб бориб омборчига топшир, — дедилар ойим.

Уйга келаётганимда беш-олти килограмм буғдой пардай енгил туйилганди, энди бўлса копка кўрғошин тўлдирилгандай елкамдан босиб ер бағирлатарди. Ўғирлик донни келтиряпман, ўғриман! Яна донни кимга топшираман денг! Аннамуродга! Уни бригадирликдан олиб омборчи қилиб қуйишган. Албатта, энди у қулоғимни бурай олмайди, лекин у билан учрашишнинг ўзи дилингни ғаш қилади. Ер ёрилса, ерга кириб кетишга тайёр эдим.

Омбор яқинда эди, лекин назаримда бир кунлик йўлга ўхшаб кўринди. Омборга яқинлашганимда керосин

чирик ёруғида яна бир коп кўтарган боши эгик сояни кўрдим. Бу Аваз-ку! Анча енгил тортдим, хар холда Аннамуродга ёлғиз ўзим рўпара бўлмайман-ку. Аннамуроднинг юзи эса хўрознинг тожидай кип-кизил эди:

— Мана яна бир ўғри келди! Шайканинг бошлиғи ким: сенми ёки уни?

Аваз мик этмай турарди, Аннамурод менга ўдағайлаб кетди:

— Мана шу сара донларни каламуш инидан олдик дерсан сен ҳам? — Аннамуроднинг овози кулогимга миҳдай кадалиб, миямни пармаларди.

— Ҳа, каламушнинг инидан топдик, — дедим.

Аннамурод худди эчки маърагандек хиринглади. Унинг кулгисиди нафратдан бошқа нарса йўқ эди. Аннамурод стол хизматини ўтаётган тўнтарилган чой кутисига қўлини тираб ғўдайди ва ўрнидан турди.

Бутун туриш-турмуши унда бежавоб аламлар тупланиб қолганидан далолат берарди. У чой қутига бир мушт туширди, қути устида турган лампа бир кўтарилиб тушди. Аваз вақтида ушлаб қолди, лекин Аннамурод ҳеч нимани пайқамасди.

— Ўғрилар тўдасининг бошлиғи сенсан? Дон янчиш пайтида кўмиб қўйгансан! — у оғзидаги кўпикни артди. Буйнидаги томирлар бўртиб чикди. — Қочок хақидаги гапларингизнинг ҳаммаси ёлғон! Ўғрилаб, яшириб қўйган копларингни шу бугуноқ келтирмасанг, сени отиб ташлашади!

Назаримда, ҳаммаси тушимда бўлаётгандек эди. Фақат Аннамурод мени дўппослаётгандай бўлиб чой қутини дўпирлатганда хаёлим жойига келди. Мен ўзимни оклай олмаслигимни англадим. Ҳаммасига чидаш бериш, бу ердан қутулиб чиқиш, эртага эса одамларга кавлаб ташлаган каламуш инларини кўрсатишдан бошқа илож йўқ эди.

Аннамурод бизни судраб омбор ичкарисига олиб кирди ва қоронғи, бўм-буш бурчакка қўйди:

— Қимирламаларинг! Мен милицияга хабар қилгани бораман. Бўлмасам мениям ўғриларга ён босишда айблашлари мумкин...

Аллакимнинг қўли текканидан уйғониб кетдим. Девор билан шифт оралиғидаги тирқишдан тушаётган офтоб нурида колхоз раисини кўрдим.

У Аваз икковимизга ачиниб қаради-да:



— Боринглар, болалар, ўз ишларингни килаверларинг. Ҳаммаси аниқланди, — деди.

Кўп ўтмай, ҳамма машмашанинг сабабчиси Отамурод эканини билдик. У ҳаммага бизни дон ўғирлагани кетишди, деб айтган экан.

Бир кун Дурсун, Аваз, Отамурод ва мен мактабдан қайтаётган эдик. Совуқ эди, шамол эсиб турарди. Йўлимиз кўкат ва буталар ўсган шўрҳок даштдан ўтарди, четда ариқ бор эди. Сув ёзда оқар, ҳозир қуриб қолганди.

— Қелинлар, гулхан ёкамиз, — дедим.

— Гулхан нима бўпти, — ҳар вақтдагидай эътироз билдирди Отамурод. — Қамишни ёкамиз.

Энди ҳеч нимада Отамуродга бўш келмаслигимни Дурсунга исботлашим керак эди. Мен қамишларга қарадим. Қамишлар совуқда қуруқшаган учларини ариқ тепасида бир-бирига чирмаб ишқом ясаган эди. Қамишлар ёнида тиканлар, қиёқлар бор эди — ҳаммаси қуруқ эди. Отамуродга қарадим:

— Агар аланга кўтарилгач олов оралаб ариқдан ўтишга ваъда берсанг, қамишларни ёқардим. Агар ўтмасанг, сен ўғил бола эмаслигингни тан оласан!

Отамурод иккилашиб турди:

— Бу гапларни эшитгандан кўра ёниб ўлган яхши! — деди Аваз. Бу сўзлар Отамуродни гижгижлади.

— Еқавер! Ёниб турган қамиш орасидан бир эмас, икки марта ўтмасам хотин бўлай!

Мен гугурт чиқардим, биринчи бор чакқанимдаёқ қамиш ловиллаб ёниб кетди. Шарқдан эсган шамол алангани ловиллатарди: қуриган, совуқ урган қамиш ва қиёқлар худди керосин сепилгандай ёнарди. Аланга тут дарахтларининг пастдаги шохларини ялай бошлади. Лекин бу пайтда мен ёлғиз Отамуроднигина қурадим.

— Ҳа, нега қаққайиб турибсан, югурмайсанми? Ёки сен учун сўздан қайтиш сув ичишдек гапми?

Отамурод ҳамон шошилмасди. Аланга авж олиб ловиллар, тут дарахтларининг учигача етган эди.

Отамурод икки кўли билан юзини беркитиб ўзини оловга отди.

— Кейин орқанга ҳам қайтишинг кераклиги ёдинг-да бўлсин! Сўзингдан қайтма! — Шафқатсиз қичқирдим ортидан.

Отамурод гапимни эшитдим, йўқми, билмадим, фақат унинг олов ичига шўнғиганини кўрдим. Унинг қора пахталик камзули алангада қизилга ўхшаб кўри-нарди.

Қанақа аҳмокона ўйин! — деб бақирди Дурсун. — Ениб кетишини истайсизларми?!

Биз олов оралаб чолиб ўтаётган Отамуродни кўриш учун ариқ ёқалаб югуриб кетдик. Отамурод ҳеч қаерда кўринмади. Биз оркага қайтдик. Буёқда ҳам йўқ эди...

— Отамурод! Ҳе-е-ей, Отамурод! — деб кичкирардик биз.

Отамуроддан жавоб бўлмади. Аланга узоқлаб кетди ва биз ариқда алланиманинг тутаб ётганини кўрдик. Бу Отамурод эди... У икки қўли билан бетини яширган-нича тиз чўкиб турарди. Унинг қўллари куйган, пахталик камзули тугар, куйган пахта иси келарди.

...Шу воқеаларнинг иштирокчилари орасида деярли ҳаммасидан каттаси бўлганим учун ҳам, Дурсун аҳмокона ўйин деб атаган ўйинни бошлаганимиз учун ўзимни кечиролмайман. Адоват одамни не кўйга солади-я! У очик рақобатдан хавфлироқ.

...Отамуродни уйга олиб келдим, куйган жойларига пахта мойи суртдим, камзулини тикишга уриндим.

Аммо катта-катта ямоқ солмай уни эпакага келтириш қийин эди. Бу иш менинг қўлимдан келмасди.

Ундан ташқари, Отамуродлар оиласи биздан кўра кўпроқ ночорлигини эсладим унинг кишлик қийими ҳам йўқ. Ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмасдим. Уни ҳам, ўзимни ҳам тинчлантира олмасдим.

## ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ

Вақти келиб Аваз менинг энг кадрдон дўстим бўлиб кетди. Авазларнинг уйи фельдшернинг уйи билан ёнма-ён эди. Тўғрироғи, бу икки уй оралиғида осма қулф билан қулфланган эшигига тахта қокиб ташланган яна бир уй бор эди. Бу уйнинг эшиги бирон марта очилганини кўрмаганман. Айтишларича, уруш бошланмасидан аввал одамлар бу уйда китоб ўқишаркан. Бу уйнинг биттагина деразаси, тўғрироғи, деразанинг ўрни бўлиб, у ҳам шунчалар баланд эдики, чўзилганинг билан қўлинг етмасди. Бугун Авазларникига кетаётганимизда шу уй деворига шоти қўйилганини пайқадим.

Қани энди, ичига қараб кўрсанг. Аммо шу чокқача

ичкарисига қарашга сира имкон топмаганман. Дар-ров шотидан ўрмалаб чиқиб кетдим ва... Авазни кўриб қолдим. Аваз хона эгасидек бемалол айланиб юрар, полкадаги китобларнинг ҳаммасини титиб юборган эди. Гавдам билан ичкарига тушаётган ёруғни тўсганимда Аваз бошини кўтариб қаради.

— Нима қиялпсан у ерда?

— Товуқларимиз шу ёққа кириб тухум қилади. Тухумларни тополмаяпман. Ахир қаёқдадир бўлиши керак-ку... — деди Аваз.

У китобларни ахлатдек титарди. Полкадан отиб юборилаётган ҳар бир китоб юрагимга зарбдай тушарди. Ерда полкадагидан кўпроқ китоб уюлиб ётарди.

— Китобларни ерга ташламасанг бўлмайдимиз? — жаҳл билан сўрадим.

— Бу китобларнинг ҳаммасидан кўра менга битта тухум кимматлироқ! — деди Аваз яна бир зарҳал муковали китобни ерга ташларкан. Юрагим яна шу китоб билан бирга тупроққа қоришди. Хонага тушгим келарди-ю, лекин ичкари жуда паст эди.

Аваз менга эътибор ҳам бермасди. Ахири тоқатим тоқ бўлди:

— Уёққа қандоқ қилиб тушдинг?

— Нима ишинг бор? — деди тухумларни тополмаган Аваз жиғибийрони чиқиб.

— Агар тушсам, тухумларни бирпасда топардим.

— Ичкарига орқа ўгиргин-да, шотини ушлаб тушавер. Қийинмас!

Мен худди шундоқ қилдим. Рўпарамда умрим бино бўлиб бунча кўп, чиройли, қалин китобларни кўриб, Авазга тухум излашда кўмаклашим кераклигини унутиб қўйган эдим.

— Нега бақрайиб турибсан? Тухумларни изла! — деди Аваз.

Кутубхонанинг бир бурчида газеталар уюми тагидан бир нечта тухум топдик. Аваз уларни қўйнига солди. Мен бўлсам тўрт-бешта китобни қўлтиғимга тикдим!

— Шуларни олиб кетаман. Ўқиб бўлишим билан қайтариб, ўрнига қўяман.

— Олавер,— деди Аваз ҳатто китобларга қайрилиб ҳам қарамай,— кўтарганингча олиб кетавер!

— Уришишмайдимиз? — деб сўрадим.

— Ким уришади? — деди Аваз.— Эгаси йўқ уларнинг...

Яхши йигит-да, Аваз. Китобларга бефарк бўлса нима бўпти! Бекор жажл килдим унга.

Уйимизда китоб оз эди, мен эса китоб ўқишни шуна канги яхши курардимки, хамма дарсликларни мактаб-да машғулот бошланмасидан аввал ўкиб тушуриб куярдим. Шунинг учун, дарслар менга қизикарли бўлмасди. Факат география дарсини яхши курардим, шундаям дарсни эмас, Отабой муаллимнинг ҳикояларини севардим. Қайси мавзуни ўтсак ҳам Отабой муаллим ўзининг Кавказга қилган саёҳатини, пароходда Каспий денгизини сузиб ўтганини, Кура дарёсида кандок чўмилгани, Боку, Ереван ва Тбилисида нималарни курганини, лимон ва мандаринлар еганини сўзлаб берарди. Унинг ҳикояларини тингларканман, ўзим ҳам Кавказ тоғлари чўққисига чиқкандай бўлардим. Адабиёт дарсини ҳам севардим, бизга Маҳтумқули, Камина ва Муллапанепес ҳақида ҳикоя қилиб беришарди. Лекин мен уларнинг асарларини ҳали билмасдим, китобларини кўрмагандим. Бирдан кутилмаганда китоб хазинасига йўлиқиб ўтирсам-а. Китобларнинг эски лотин алифбе-сида босилгани ҳам мени ранжитмади.

Аввалига бир кучок китоб танлаб кўйдим, кейин яна бир кучокни олиб кетмоқчи бўлиб, дераза ёнига олиб бордим. Китобларни баланд деразага чиқариб олишга, албатта Аваз ёрдамлашади, уёғига бир амаллаб уйга олиб кетаман. Шошқалоқлик килмасдан, оз-оздан олиш ҳам мумкин эди-ю, лекин китобларга бу ерда ҳеч ким тегмаслигига ишонмасдим.

Аваз деразага тирмашди. Энди китобларни узатиб турувдим ҳамки, бирдан у хавотирлик билан:

— Ўлдик энди! — деб шивирлади.

— Нима бўлди? — деб сўрадим..

— Шоти йўк...

Мен ҳайрон бўлиб тепага тикилганимча колдим...

— Ойи! — деб қичқирди Аваз.

Онаси жавоб бермади, бошқа овозни эшитиб қалтираб кетдик.

— Ҳа, кўлга тушдиларингми, ўғрилар! Ана энди бориб Аннамурудни бошлаб келгунимча ўтираверларинг,— бу Отамуруднинг овози эди. Ахир у бизга қандай таъсир қилишни биларди-да. Аннамуруднинг номи биздан анча катта болаларнинг кўпчилигини ҳам қалт-қалт титратарди. Аммо шу топда қилаётган ишим ўғирликнинг айни ўзгинаси бўлиб, Аннамурад раисни бош-

лаб келгудай ёки бизни унинг ёнига бошлаб боргудай бўлса борми, бизни ҳеч ким ҳимоя қилмайди. Авазга Отамуроддан биз ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима демасликни илтимос қилгин, демокчи бўлдим. Истаган нарчасини сўрасин, ҳаммасини ваъда қилавериш керак.

Лекин Отамурод яна гап бошлади:

— Яна биз ўғримасмиз деб бақириб, йиғлаб юрди-ларинг-а!

Овозидан Отамурод бизга унча ёвлик қилмаётганини пайкадим. У шунчаки бизни майна қияпти.

— Агар ўзларингнинг учига чиққан қирриқликларингни бўйнилариингга олмасаларинг, Аннамуродга айтгач, Дурсун билан оналарингни бошлаб келаман.

Қулоғим шанғиллаб кетди. Аваз эса дераза тоқчасидан пастга, шундоқкина ёнимга йиқилиб тушди. Отамурод буни ўзича тушунди:

— Нега яширинасизлар? Тил бириктиряпсизларми?

— Бизга раҳминг келмайдими? — дедим шу заҳоти. Овозим аянчли чиқди чоғи Отамурод сал юмшади:

— Бунча камарларинг билан мақтанасанлар?

Авазга ёлбора кетдим:

— Жон оғайни, шу камарни бераман деб ваъда қилгин! Дадам қайтишлари билан бошқа камарларини сенга бераман!

Аваз ҳам бу кўнгилсиз воқеага тезроқ чек қўйиш тарафдори эди. У белидан камарни ечди ва деразадан кўрсатиб туриб бақирди:

— Мана буни ол! Ўз-узингга бераман! Факат шотини жойига қўй...

Отамурод иккиланиб туриб қолди. Камарни бунчалик осонлик билан беришимизни кутмаган чоғи. У шотини келтиришга келтирди-ю, деворга қўйишга шошилмасди:

— Кейин гапларингдан қайтмайсанларми? — деб суради у.

— Йўқ! — икковлон баравар қичқирдик. — Нон урсин...

— Туз урсин, денглар-чи!

— Туз урсин!

Яна бошқа сўрамоқчи булган гапи бордай Отамурод шошилмасди. Кейин эса, Авазнинг китобга кизикмаслигини билгани учун менга:

— Хей, Нургелди, ўқиб бўлганингдан кейин китобни

жойига кўяман деб онт ич, — деди. Унинг овози хотир-  
жам янгради.

— Онт ичаман!

— Нима деб?

— Нон урсин...

Отамурод шу йўсин биздан аламини олди. Бу гал  
ундан хафа ҳам бўлмадим, лекин Аваз менинг камарим-  
дан ажралиб қолаётганига ачиниб, пишиллаб бурнини  
тортарди.

Китоб менгагина эмас, момомга ҳам эрмак бўлди.

Унинг ғам-андухга тўла дилида умид учкунлари  
пайдо бўлди. Китоб ўқишдан кўра ҳам тингловчиларни,  
уларнинг кўзларини кузатишни яхши кўрардим. Ўғил-  
биби момо айникса жуда ғаройиб тингларди. Бу ёлғиз  
аёл бўлиб, менинг наздимда, қисмат уни маҳрум этган  
кўпгина нарсаларнинг ўрнини китоб тўлдираётганди.  
Момо кўпинча ўқиган китобимизнинг у ёки бу ерини  
такрор ўқишни сўрар ва доим фикримиз бир жойдан  
чиқарди. Момо менга мурожаат қилганда, албатта  
исмим охирига «жон»ни кўшиб айтарди.

Болаликдаги тушларимдан бири, туш эмас, алаҳ-  
лашим ҳам китоб билан боғлиқ эди. Куруқликда юра-  
диган баҳайбат балиқ қишлоғимизда пайдо бўлгани  
тушимга кирибди. Бу балиқ сузиб ёки судралиб кел-  
маганмиш, балки осмондан тушганмиш. Йўлида учра-  
ганни ямлаб ютармиш. Тишлари ўткир, қиличдай ярқи-  
рармиш. Охири менинг навбатим етганмиш.

Оёғим билан пастки жағига таянганимча юқориги  
тишларини ушлаб олган эмишман. Қучим борича  
уринармишман, кўлим қалтирармиш, оёғим бўшашар-  
миш, шу чоғ кутурган туя етиб келиб, тумшуги билан  
мени балиқнинг оғзига зўр бериб итарибди. «Ойи!» деб  
чинқираман. «Аваз!» деб қичқираман. «Ёрдам беринг-  
лар!» деб бақираман. Овозимни ҳеч ким эшитмайди,  
негадир ўзим ҳам овозимни эшитмайман. Шу пайт қар-  
шимда бир китоб пайдо бўлиб, керакли саҳифасини  
очибди-ю, менга:— ўқи!»— деб буюрибди. Бир ёқдан  
балиққа қаршилиқ кўрсатиб турсанг, иккинчи ёқдан  
туя биқинингдан итараётган бўлса, қандай ўқийсан...  
Бунинг устига китоб мендан анча узоқда, ҳарфларни  
ажратолмайман. Шунда аввал ўқиган китобларимни  
овоз чиқариб ёддан ўқий кетдим.

Бир оз вақт утиб, китоб ўқишим кўшиққа айланди  
ва бирдан балиқ ҳам, туя ҳам ғойиб булди.

Ўтов ёнида дутор ушлаб ўтирганмишман.

Балиқ бўлса эриб сувга айлиниб, мен айтаётган кўшиқ жаранглаётган далаларни сугораётганмиш. Бу далаларда уфкка қадар алвон гуллар очилганмиш.

Авваллари ҳамма тушимни момомга сўзлаб берардим. Момом тушни таъбирлашга уста эди. Бугун ҳам уйғонишим билан момомнинг ёнига жўнадим.

— Уруш тугаса керак, ҳамма соғ-омон қайтса керак, — деди момом. Ўша ерда ўтирган Ўғилбиби момо эса:

-- Мани айтди дерсан, сен ё хонанда, ёки шоир бўласан, — деди. — Тушингнинг таъбири шу.

Шу ерда ўтирган хотин-халаж кулиб юборди, унинг сўзларига мен ҳам ишонмадим. Яна кимдир Ўғилбиби момонинг урушдан қайтадиган одами бўлмагани учун ҳам тушингни оддий таъбирлади, деди. Ахир ҳамманинг эсон-омон қайтиши яхшироқ-ку. Ҳатто баҳс бошланиб кетди. Шу-шу ортикча гап-сўзлардан қочиб тушимни гапирмайдиган бўлдим. Ҳозир ҳам тушимни камданкам айтаман. Лекин Ўғилбиби момонинг сўзи анчагача хаёлимдан кўтарилмади. «Нега у шундай деди-я?» — деб ўйлаб юрдим.

Ҳамма китобни ўқиб бўлганимдан сўнг яна ўша ташландик уйга боришга қарор қилдим. Энди бу уй кутубхона деб аталишини билардим. Ҳамма ишга кетиб, кўча хувиллаб қолгач, Авазларнинг уйига бордим.

— Аваз! Ҳов, Аваз! — деб чақира бошладим. Анчагача чақирдим. Аммо чиқиш у ёқда турсин, ҳатто овозини ҳам чиқармади. Онаси ҳовлига чикди-ю, шу заҳоти қайтиб кириб кетди. У овозимни эшитмади, балки эътибор қилмагандир. Лекин унинг бошига мотам дурраси ташланганини сездим. Оилада мотамдан ортик қайғу борми? Юрагим сиқилди: кимлари вафот этди экан? Ичкарига кириб сўрашга журъат қилмас, қайтиб кетишга эса ўзимда куч топмасдим. «Аваз ўртоғим, оғир пайтда унинг ёнида бўлмасам қандай дўст бўлдим», — деб ўйладим уларнинг уйига қараб турарканман. Бу ғамхонага бораётганлар орасида Қурбон ота ҳам бор эди. Унинг кетидан киришга аҳд қилдим. Қарасам, Аваз бетини ёстикқа буркаб ётибди. Онаси Қурбон отани кўриб уввос солиб йиглаб юборди. Қурбон ога гўё менга гапираётгандек:

— Бунақа аччиқ хабар бошқа кўшниларга ҳам кел-

ган. Бизникигаям, Тоймасларникигаям, Хайдарларникигаям келган-ку?! Бунақа хабар келмаган хонадонни билмайман... Факат кейин баъзилардан хат келди, тирик экан улар. Қараб туринглар, сизларгаям хушхабар келиб колиши мумкин!

Бу гапни эшитиб севишиш ўрнига Аваз каттикрок йиғлай бошлади. Дўстимнинг бунақа иродасизлиги менга ёқмади. Почтага югуриб бориш ўрнига ҳўнграб йиғлаб ётса-я. Китоблар ва кутубхона ҳақида албатта унутган эдим. Мақтаб ёнидан ўтиб кетаётганимдагина буни эсладим. Факат шундагина уйга эмас, район марказига, Аваз хат топиб келадиган қутини кавлаштириш учун почтага кетаётганимни англадим. Почтани излаб топдим, хат ташувчимиз уша ерда эди.

— Бу ерда нима килиб юрибсан? — мулойимгина сўради у.

— Ўзим, шундок...

— Ростдан-а! Нима ишинг бор бу ерда? — суриштирди у.

Кетганим яхши, деган қарорга келдим. Бирдан оғзидан гуллаб қўйса, яхши одамларга гап тегиб колиши мумкин. Хат ташувчи орқамдан кичқириб қолди:

— Эшагимга мингаш, уйга олиб бориб қўяман!

Индамай муўлишга бурилдим. Хат ташувчимиз куздан ғойиб бўлганидан сўнггина қайтиб келдим. Почтадаям, ёнидаям Аваз айтган милтиқли кишини кўрмадим. Икки рус аёл пешатахтанинг нариги тарафида қандайдир қоғозларни кавлаштириб ўтиришарди. Ишим унишидан умидимни узиб орқага қайрилдим. Аёллардан бири тусатдан мендан:

— Сенга нима керак, бола? — деб сўради туркман тилида.

Унинг овози мулойим эди, меҳрибонлиги, ёрдам беришга тайёрлиги сезилиб турарди. Негадир томоғимга бир нарса тикилди ва бир оғиз ҳам сўзлай олмай қолдим.

— Айт-чи, сенга нима керак? — аёл ёнимга келди.

Мен ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бердим. Гапирганим сайин юрагим бўшашарди. Почтада махсус қутиларда ётган хатлар тўғрисида гапирганимда аёллар жуда ҳайрон бўлишди.

— Буни сенга ким айтди? Ўзинг ўйлаб чиқардингми?



...Авазларникига қайтиб келганимда аллақачон қоронғи тушган эди. Эшикни очганимда, кўзигача бостириб қалпоқ кийиб ўтирган одамни кўрдим. Бу одам хат ташувчилиги хаёлимга ҳам келмаганди. У мени почта ёнида кўрганини айтиб турган экан шекилли, киришим билан:

— Ана ўзи ҳам келиб қолди, — деди.

Авазни таниб бўлмасди. Дадамдан қорахат келган кунни ўзим қай аҳволда бўлганимни билмайман-у, лекин Аваз шундай ҳолатга етиб қолгандики, бундайлар ҳақида одатда: фақат бурни билан қулоғи қолибди, дейдилар.

Ўтирмоқчи эдим, лекин Аваз ёнимга келди-да:

— Юр, ташқарига чиқайлик, — деди.

Юлдузлар чарақлаган осмонга кўзим тушиб, бир оз тинчландим ва: «хафа бўлаверма, балки янглишишгандир. Қараб тур, ҳали дадангдан хат келиб қолади», дедим. Лекин оғзимни очишга улгурмасимдан Аваз кўлимга қандайдир тугунча тутқазди-да:

— Ма, ол... Мени кечир... Яхшилик қилмоқчи бўлдим-да... — деди. Аваз йиғисини зўрға тутиб, тутила-тутила гапирди. — Сизларга раҳмим келди... — у қалт-қалт титрарди.

Туриш-турмушидан Авазнинг менга қандайдир ноҳуш гап айтмоқчилигини ҳис қилдим. Уни юпатмоқчи бўлиб, кўлимни елкасига қўйдим:

— Қерақмас. Гапирма!

— Энди айтмасам бўлмайди! Яхшироқ бўлсин деб эдим-да... Билдингми?..

Унинг гапини эшитиб ўтирмадим. Уйимизга югурдим. Етиб бордим-у, уйга киришга ўзимда қуч тополмадим. Молхонага бордим. Анчагача бузқочани сийпалаб, эркалаб турдим. Кеч қолиб кетганимга хавотирланган онам кўчага чиқдилар, бир оз қулоқ солиб туриб, кейин бувимникига кетдилар.

Югуриб уйга кирдим, шошиб-пишиб урнимга ётиб, қурпага бурқаниб олдим.

Шундоқ қилдимки, ойим қаерда, нима қилиб юрганимни эрталаб ҳам суриштиролмадилар. Ойим ишга кетгунларича ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Муродгелди ниманидир сезгандек, атрофимда гирдикапалак бўлиб юрди-ю, лекин ҳеч нимани билиб ололмади. Мен эса уйда ҳам, кўчада ҳам, ҳатто бутун қишлоқда ҳам ўзимни қўйишга жой тополмасдим. Ҳеч ким йўқ жойга

бориб, ғам-андухимни овозимнинг борича далаларга, осмонга, ойга, куёшга, юлдузларга тукиб-солгим келарди. Ахири укамга кунглим ғашлигини, агарда бирон ёкка жунамасам, юрагим пақ этиб ёрилиб кетишини айтдим. Бу ғапимни у оймга айтиб берган булса керак. Кечки овқат чоғида ойм:

— Кичкиналигингда, эндигина атак-чечак қилиб юра бошлаганинда, каёкка борсам сени олиб кетардим. Полизга ковун узгани борсам ҳам бошлаб борардим, ушанда жуякдан ҳам чиқа олмасдинг. Бир куни тикишга берилиб кетибман... Бирдан бола йиғиси эшитилди, қушларникидан эшитиляпти деб ўйладим. Ўз болам йиғлаётгани хаёлимга ҳам келмабди. Кейин атрофимга алангласам, сен йуксан. Кўркиб кетиб, бола овози эшитилган полиз тарафга чопдим. Йўл устида тез оқадиган чуқур арик бор эди. Ариқнинг бир ерида кўприк ўрнига тахта ташлаб қўйилганди. Югуриб келиб қарасам, ўша тахтанинг нақ ўртасида кўлларинг билан тирмашиб, осилиб турибсан... Пастда эса сув... Йиғлаганингни эшитиб туриб ҳам нега бунча бепарво ўтирганимга ҳайронман, инс-жинслар хаёлимни қочирган бўлсалар керак. Кўрққанимдан бетимга учук тошиб кетди, кўзим энди уйқига кетди дегунча алах-чалах тушлар куриб ирғиб туриб кетаман... Кўзимни юмсам бўлди, сени сув окизиб кегаёгандай бўлаверади... Ўша кўрган кечирганларим етар, сени энди ҳеч қаерга юбормайман!

## ОДАМ КЕРАК

### I

Мана шу дахшатли уруш йиллари қалбимни доимо икки туйғу ёритиб турди — онамнинг муҳаббати-ю, отам соғинчи. Ўша турт йилнинг ҳар бир куни шу туфайли: кутиш ва муҳаббат, ёлғизлик ва умид билан бирига жуда ўхшаш эди

Энг яқин дўстим қандай ва нима учун алдаганини англаган куним қалбимда пайдо бўлган ўйдан бош олиб кетиш истиаги ҳамон тинчлик бермасди.

Ғалаба қозонган йилимиз еттинчи синфни тугатдим. Энди ўзимни катта ва мустақил одам деб ҳисоблардим. Ойимнинг назарида ҳамон ўша арик устига ташланган тахтада осилиб турган гўдак бўлиб қуринишим мумкин,

аммо мен оёкка туриб олишим лозимлигига ишончим комил эди.

Кишлокда дилимга ёкадиган иш йўк. Ҳамон илгаридек дехқончилик билан машғул эдим, буш қолсам ўкиганим-укиган. Илгарилари тушимдаям, уйқум қочган чоғлардаям энди қандоқ яшайман, деб дадам билан маслаҳатлашардим. Лекин Аваз мени шу имкониятдан маҳрум этгач эса, дадам билан учрашишни орзу қилмасдим, энди дадам ҳатто тушимга ҳам кирмасдилар.

Ҳа, улғайиб қолдим. Энди ойим дастурхонга фотиҳа ўқишни менга топширдилар. Қунлардан бир кун фотиҳа сўнгида: «Дадам тезроқ эсон-омон қайтсинлар!» дейишни унутиб қўйибман. Аслида дуонинг кучига унчалик ҳам ишонмасдим, ишонмаганингдан кейин унутишинг ҳам табиий. Энди урнимдан турмоқчи бўлганимда ойим жаҳл билан:

- Нима, даданг ҳам жонингга тегиб кетдими? — дедилар. — Нега дадангга тилак тиламадинг?

- Агар тилак тилаган билан қайтадиган бўлсалар, аллақачон уйда бўлардилар, — дедим истар-истамас. — Ҳаммаси бефойда.

— Сендан буни кутмагандим, — охиста дедилар ойим. — Шуни у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол: отангни ёдингдан чиқарган қунинг, билгинки уни ўз қўлинг билан ўлдирганинг бўлади. Оталар ўғлонлари дилида ҳаётдир.

Ойимнинг гапларини бўлмоқчи, дадам қалбимда ҳаёт эканликларини, дуо ва тилакнинг бунга дахли йўқлигини айтмоқчи бўлдим. Лекин ойим қул силтадилар-да:

- Сенинг болаларинг ҳам буни унутмасликлари керак! — деб қўшиб қўйдилар.

Дилимдагини очик тилимга кўчиришга ботинмаган бўлсам ҳам, ойим нима демокчилигимни тушундилар. Улар кўзёшларини артдилар-да:

— Сенга бир нима бўляпти, — дедилар. — Уйдан узоклашиб қолдинг. Сени ким айнитяпти ўзи?

Ҳеч ким мени айнитмаётганини ойим билардилар. Лекин шунчаки, жаҳл устида гапирдилар. Аммо ҳаёлим уйдан ҳам, кишлоқдан ҳам жуда-жуда узокдалиги рост эди. Борган сайин ойим менга қаттиқ боғланиб қолаётгани ҳам рост эди. Мен билан бирга бўлса у ҳеч нимадан кўркмайдигандек эди. Мен эса район марказидаги урта мактабда ўқигим келарди. Фақат бу тўғрида ойимга

айтишга юрагим бетламасди. Ойимни колдириб ҳам кетолмасдим, одамлар нима дейди: «Бечора онасини гашлаб кетибди», дейишмайдами.

Янги уқув йили бошланганига уч ой булди. Орзуларим билан видолашдим-у, дала ишларига чикиб кетдим. Биз ғузапоя тўплаётган эдик. Кейин ғузапоядан кусакларни узиб олавердик, негаки узоқ киш окшомлари кўсак чувирдик-да. Аммо Дурсун билан ёнма-ён ишлаш ҳарҳолда кунимни бежарди. Кунлардан бир кун тушликда Дурсун айтган сўзлар каттиқ таъсир килди менга.

— Сен ўқишингни давом этдирасан, ўқимишли киши бўласан деб ўйлагандим. Ироданг етишмади чоғи-а? Ҳаракат қилиб кўришинг керак эди.

Менга ачинганими ёки ихлоси қайтгани кўпроқ алам килдими, билмадим: Дурсуннинг сўзларида ва боқишларида ачиниш ҳам, ихлос қайтиш ҳам бор эди.

- Онамни ёлғиз ташлаб кетолмайман, — дедим.

- Уканг бор-ку? — Дурсун менга тикилиб қаради. — Уям катта бўлиб қолган-ку! Лекин менинг ойим ҳақиқатан менсиз ёлғиз қоладилар, бир оғиз гаплашишга одам бўлмайди. Сен шунчаки баҳона қиляпсан.

Эртасига ишга чикмадим. Дурсун кутган бўлса керак, мен эса уни кўришни истамасдим.

Уйда касалдек чўзилиб ётдим, тушдан кейин Авазининг олдига кетдим. У темирчига шогирд тушган эди, ўрок ва пичок ясашни ўрганиб олганди. Унга ҳавасим келарди — чилангарлик йигит учун муносиб хунар-да. Мен-чи?! Кўмакчиман, холос. Фақат мен эмас, бутун кишлоқдагилар шундай ўйлашади.

Авазникига бораётганимда раисга дуч келдим. У от-да эди.

— Хуш, ўқишни битирдингми? — сўради у илгарилари ҳам неча-неча бор шу саволни берган бўлса-да.

— Қачон эди, хабарингиз бор-ку, — жавоб бердим бирон дурустроқ иш бермокчи бўляпти деб ўйлаб.

— Бир таклифим бор, — деди раис отдан тушиб ва унинг таклифи жиддийлигини англадим. Хаёлан район марказидагина эмас, шаҳарда ҳам, республика пойтахтида ҳам, Москвада ҳам бўлган эдим.

Раис кўлини елкамга кўйди.

— Уйдагиларгаям ёрдам бўлади.

Раиснинг бу сўзлари ўқиш ҳақидаги орзу-хаёлларим

билан хайрлашишга мажбур этди. Йиғлаб юборардим-у, лекин раис сўзини давом этдирди:

— Ҳозир бизга саҳрода ишлаш учун пишик, бакуват одам керак... Ўша ёққа боргин! Ҳоли танг бир подамиз бор, касаллари, оксоклари кўп. Шуларни сақлаб қолиш керак. Қудуқ яқинида ўтлатасизлар. Бир йил ишласанг, мукофотга бир кўзи берамиз! Хўш, нима дейсан?

Онам юбормайдилар деб баҳона қилмоқчи бўлдим. Лекин раис гапимни тугатишимга ҳам кўймади:

— Шундай йигитлар киз болага ўхшаб онасининг ёнида ўтирмайди. Эркакнинг ўзига муносиб иши бўлиши керак. Ўспирин бўлиб саҳрога борасан-у, мард эркак бўлиб қайтасан. Сени ҳамма ҳурмат қилади. Пул ҳам оласан.

«Бир йил ишлаганимга битта кўзичок беришларини билсалар, ойим рози бўладилар», — деб ўйладим. «Дурсунга бўлса, саҳрога бориб ишлайман, дейман-у, оксок касал кўйларни бокишимни айтмайман. Саҳрода фақат мард, чидамли одамлар ишлашини ҳамма билади».

Авазнинг ёнига борганимда кайфиятим яхшилигини у дарров пайқади.

— Намунча янги чиққан ойдай юз-кўзинг кулмаса?

— Саҳрога кетяпман! Қўй боқаман.

— Қўй бокишни биласанми? — сўради Аваз. — Мумкин бўлмаган нарса едириб ҳаммасини нобуд қиласан. Е бўлмаса ҳар томонга қочиб кетишади. Ишинг судга тушади.

«Дўстингдан шундай гапни эшитсанг-а, тавба», — деб ўйладим. Лекин баҳслашиб ўтирмадим. Биз нарвон олиб, аввалги галгидек кутубхонага кирдик. Мен китобларни танлаб олиб, дераза ёригида турган Авазга биттадан узатдим. Ўша китоблар шундоққина кўз олдимда турибди: «Она», «Очилган кўрик», «Пўлат қандай тобланди», «Сўна».

Аваз қарамасданок пастга ташляпти. «Нима қил-япсан?! Ахир бу китоб-ку! Китоб-а! Мукаддас-а!» деб бакиргим келди.

Лекин негадир ўзимни тутдим. Аваз кетиб қолмаса эди, деб кўрқдим чоғи.

Менга кўп, жуда кўп китоб керак эди. Ўзимни бепоён саҳрода ёлғиз гулхан ёнида китоб ўқиб ўтирганимни тасаввур қилдим. Қуруқ саксовул ловиллаб ёниб туради, гулхандан бир текис ҳовур таралади. Мен китоб

ўкиб ўтираман, кўнглим тўк -- яна ярим коп китобим бор.

Сахрога ишга бориш ҳақидаги гапни раис ваъда берган кўзидан эмас, кўйдан бошладим. Лекин «сахро» сўзи онам учун «уруш» сўзидан ҳам нохушроқ янгради шекилли, онамнинг жаҳли чикиб, кўлидаги жунни эшикка қараб улоқтирди.

Онамнинг бундай ғазабланишлари менга калтак егандек таъсир қилди. Бундан кўра мени калтаклаганлари яхшироқ эди.

Эртасига бизникига Қурбон оға келдилар. Илгари уларни Авазларникида кўрардим. Қурбон оға карвонбоши бўлиб, бир ўзи ҳам бошлиқ вазифасини, ҳам ёрдамчи вазифасини ўтарди, негаки, унинг итоатида туялардан бўлак ҳеч ким йўк эди. Иши оғир ва оддий эди, у аравакаш саналарди-ю, лекин нарсаларни аравада эмас, бир неча туяда ташир эди. Қурбон оға кишлокдан кўра саҳрода менга яхши бўлишини айтиб, ойимларни юпатарди.

Ойим индамасдилар. Уларнинг индамаганларини розилик аломати деб ўйладим.

— Агар ҳаво яхши бўлса, эрталаб йўлга тушамиз,— деди Қурбон оға менга. Яхшиям ўзлари гап бошлаб қолдилар, бўлмасам ким билан йўлга чиқишимни билмай тўрувдим. Билиб кўй, оёғинг иссиқ бўлиши керак. Алмаштиришга кийим ол. Нон олмасанг ҳам бўлади, кулда ёпилган чўпон нонига ўрганиб коласан, бошқа хилини егинг ҳам келмайди!

Бундан буёғига Қурбон оға қандай ҳавони яхши дейишини кутиш бўлиб қолди. Бир ҳафта бурун каттик қор ёғди, қор эримасди, қайтага қатқалок бўлиб, қуриган сопол черепицага ўхшаб юпка қатлам бўлиб ётарди.

Жўнашимга розилик бергандай кўрингани билан ойим ҳамон индамасдилар. Индамай тез-тез рўзғор ишларини бажариб юрардилар. Жаҳллари чикқанда ҳар доим шундай қилардилар.

Эртасига саҳралаб буюмларимни халтага жойлаб, Қурбон оға ёнига бордим. Муродгелди мени кузатиб борди, бу менга ёқарди. Аммо кетимиздан ойим ҳам келибдилар. Бунга хафа бўлдим. Ойим хануз мени ёш бола деб ҳисоблайдилар шекилли. Бирдан Қурбон оғанинг мендан хафсаласи пир бўлиб: «Ҳали она сутинг оғзингдан кетмаган ёш бола экансан-ку. Бунақаларни саҳрода нима қиламан?» — деса-я.

Қурбон оға уйидан чикди. Кўзига кор зарраси кир-  
дими ёки ёруғлик ўткирлик қилдими, у анчагача кўзини  
кисиб, кипригини пирпиратиб турди, кейин бошини ба-  
ланд кўтариб, қалпоғини ушлаб анчагача шимолдан  
келаётган булутларнинг ҳаракатини кузатди. Сафарни  
қолдирса керак деб ўйладим. Лекин Қурбон оға туялар  
ёнига келиб, уларни эгарлай бошлади. Унинг ёнига бо-  
риб ёрдамлашдим. Ойим мен учун илтижо қила бошла-  
ди:

— У ҳеч қачон бўлак ерда тунамаган... Ўзингиз бош  
бўлиб туринг. Уни осмонда худога, ерда сизга топши-  
раман... Отаси йўқлигидан фойдаланиб уни хафа қи-  
лишмасин...

Онамга жаҳл ва илтижо билан боқардим, лекин у  
мени курмаганга олар, тикилиб қараб туриб кўрмаган-  
дай буларди.

— Ойижон! Нега мени шарманда қиласиз? — деб  
ёлбордим. — Нима, кичкина боламанми!

Қурбон оға жилмаяр, лекин ҳеч нима демас эди.  
Ойим яна бир нима демокчи бўлган эдилар, туянинг  
нариги тарафига ўтиб кетдим. Ойим менга: «уни қилма,  
буни қила кўрма, эҳтиёт бўл...» дейишларини билардим.  
Шу топдаги қилиқлари менга ёкмасди! Аламимдан йиғ-  
лаб юборгудай булиб турганимда бирдан ойимнинг бет-  
ларидан куйилиб тушаётган кўзёшларини кўрдим. Шун-  
да мен бари ғам-андуҳларим, ҳамма ташвишларим дои-  
мо онамнинг кечинмалари олдида майда ва енгил бўла-  
жагини англадим. Онам сўнгги сўзларни ўзларини ту-  
тиб олиб айтишга куч топдилар.

— Даштга ойинг сени осонгина юбораётипти деб  
ўйлама. Энди на уйкини биламан, на хотиржамликни.

Ойим шундай хавотир билан гапирдиларки, ҳатто  
сахрога бормай кўя қолаймикан, деб ўйладим ҳам.  
Шундай қилишимга нимадир монёълик қилди. Қурбон  
оға бўлса негадир шошилмас, гоҳ уни, гоҳ буни эслар,  
жўнлаб кетишни нукул орқага чўзарди.

Ахири туяларни кўрадан олиб чикдилар. Мана мен  
олдинги туяда ўтирибман, Қурбон оға эса олдинда эшак  
миниб боряпти. Ойим билан укам узоқда қолиб кетиш-  
ди, оркамиздан қараб туришибди. Камрок ўгирилишга  
ҳаракат қиляпман, ойим ҳануз қотиб турар, алланима-  
лар деб қўлидан тортқилаётган Муродгелдига эътибор  
қилмасди...

Туяда тўлкинда чайкалгандек бўласан. Ана, ёнгинамдан мактабимиз сузиб ўтди. Дурсунни эсладим. Жўнаб кетишимни унга айтиб ҳам улгурмадим. Буни эшитиб севиначармиди ё хафа бўлармиди?

Арик чеккасидаги дарахтларнинг яланғоч шохларига қора қарғалар кўнган.

Пахтазор ёнидан ўтиб кетдик.

Пахтазор ёқаларида ўтлаётган қўйлар орқада қолди.

Сахрога кетаётганимга ишонгим келмасди. Кимдир йўлда учратиб қайтариб юборадигандек туюлаверарди. Ёки бир зарур нарсам қолиб кетди, деб Қурбон оға орқага қайтадигандек бўлиб туюлаверарди.

Туя йўлда кетяпти, унинг чайқалишигаям урганяпман, теварагимда эса калин қор ётибди. Дастлаб йўловчи кўп ва қатор араваларнинг ғилдираги, отлар ва эшакларнинг туёқлари остида қор тупроқ билан қоришиб, йўл оппоқ чойшабдаги қора тасмага ўхшаб кетарди. Серқатнов йўл орқада қолиб, биз оппоқ дала билан кетдик. Орқамизда эса туянинг изи сўрғичланган муҳрга ўхшаб қоларди. То уфққача ҳаммаёқ оппоқ. Аввалига жуда қизиқарли эди, кейин бир дақиқа кўз илғайдиган бирон нарса бўлмаганидан даҳшат босди. Мана шундагина кўшиқларда эшитган жудодик ҳақида илк бор тушундим. Биринчи бор онамдан, бувимдан, Дурсундан, Аваздан ажралдим. Ҳатто Отамуроддан узоқдаман.

Хўрсиндим, мендан ўн кадамча олдинда кетаётган, қалпоғини бостириб кийган Қурбон оға хўрсиниғимни эшитди шекилли. Эшитдими, пайқадими, ишқилиб менга:

— Бу йил ёввойи ҳайвонлар сахрода яйрайди, — деди. Кейин қаршидан уфураётган шамолдан юзини ўгириб, бурнини тортди.— Ҳа, жони қиради уларнинг...

Қурбон оға гапини тугатмай эшакка камчи урди, пўстинига ўраниб, жойлашиб ўтириб олди. Шунда онанинг гапларини эсладим: «Туяда совкотасан. Эшак минсанг бўларди...» Нега бундай деганларини ўшанда тушунмаган эдим, тўғрироғи, тушунишга ҳаракат ҳам



килмаган эдим. Ойим ҳақ гапирганларига энди ишонч ҳосил қилдим. Туя эшакдан икки баробар катта. Ҳозиргидақа қор ёғиб турган аёз кунлари пастда, ерга яқин жойда шамол камрок бўлганидан бирмунча илиқроқ. Оёғим совкота бошлади. Бурним оқарди. Нега Қурбон оға ёввойи ҳайвонлар яйрайди, дедилар? Биз, одамларчи? — деб ўйладим.

Қурбон оға индамай борарди, мен ҳам жим кетишга мажбур эдим. Оғзимни очдим дегунча ичимдаги иссиқ чикиб кетадигандай туюлди.

Биринчи кудукка етгунимизча қоронғи тушиб қолди. Қурбон оға кудукка етдик деганлари учун мен ҳам шундай деяпман. Ваҳоланки, бу жой кудук бор ерга сира ўхшамасди. Кишлоқда кудук атрофи ҳар доим байрамдагидек гавжум бўлади. Пақир кўтарган киз-жувонлар доим кудук атрофида уймалашганидан улар кудукнинг ажралмас бир қисмидек туюларди. Сигирлар, отлар, қўйлар ва эшаклар ҳам доимо шу ерда ўралашишарди. Ойимлар менга: «Агар қорамолни кишда ариқдан суғорилса албатта касал бўлиб қолади. Кудук суви билан суғориш керак. Кудук суви илиқ бўлади», дердилар. Киш ойлари ўзимиз ҳам кудук сувини ичардик.

Қурбон оға қарвонни тўхтатган кудук ёнида катта кўтон бор эди. Қўра хувиллаб ётар, фақат бир чеккада курук шох-шаббалар билан туя қумалоклари кўринарди. Қурбон оғанинг туяси ўтган гал келганида қумалокларни у қолдирган бўлса керакки, ҳозир тўғри ўша ёкка юрди.

Қурбон оға ерга тушди ва туямни чўқтирди. Мен туядан тўшдим-да, юраман деб йиқилиб кетдим. Қурбон оға кўриб қолмасинлар деб шошилиб ўрнимдан турмоқчи бўлдим-у, лекин кечикдим. Қурбон оға менга қўлларини узатдилар:

— Оёғинг увишиб қолибди, туя минишга урганманлигиндан, — дедилар мени хижолат қилмаслик учун хотиржам овозда.

Қурбон оға туяларни қуриган шох-шаббалар ёнига етаклаб бордилар-да, ташқарига чикиб кетдилар. Қарасам, ўтин йиғяптилар, улар ишляяптилар-у, мен бўлсам атак-чечак қилиб юришни ўрганаётгандек ўзим билан ўзим овораман. Ахири ўзимга келиб, уларга пешвоз чикдим.

— Қурук саксовул мана шу! — дедилар ва туя оёғидай келадиган каттақон шохни тортдилар. Каттақон

саксовул бир караганда илдизи билан жуда осонгина суғурилиб чикди. Саксовул йнгиш қийин иш эмас экан.

Қурбон оға пустинларига ураниб олдилар, менга эса наमत ёпинчик бердилар. Епинчикқа яхшилаб ўралиб олиб, гулхан ёнига ётдим. Ойимлар, мен нукул уларни ўйлайман, доим оёкни иссиқ тут деганларича бор экан. Ростдан ҳам, оёғимни оловга яқин тутишим билан пешонамга тер чикди. Оёғим совук қотиши билан бутун баданим совқотарди. Йўк! Оёғимни оловга яқин тутаман.

Исиниб, таним яйраб мени уйку босди.

Уйдан ташқаридаги биринчи туним. Тавба, саҳрода канакадир кудук ёнида ётибман-а!

Ухладим, уйғондим ва яна ухладим. Назаримда қутонни қуршаган ғовдан кимдир қараётгандек эди. Қоронғида канакадир чўғ, майда, жуфт чўғ йилтиллаётгандек кўринади наздимда. Ҳар замонда қандайдир шовқин эшитилади. Уйку.тн кўзим билан Қурбон оғанинг юзига қарайман. У хотиржам ухларди. Ҳеч нарсадан ташвишланмасди.

Гулханимизда исинмоқчи бўлгандай кечаси булутлар тепамизга тўпланиб келди, аланга сўна боргани сайин, худди совқотиб қолгандай кишлоғимиз тарафга сузиб кетди. Энди осмонда юлдузлар чарақларди. Улар жуда ёруғ чарақлар, кишлоғимиз устидаги юлдузлардан кўра йирикрок эди. Улардан ёрқин, совук нур тараларди. Худди совукдан қалтираб, менинг ва Қурбон оғанинг ёнига отилмоққа тайёр тургандай эди улар.

Эртасига саҳарлаб бизнинг кичкина карвонимиз йўлини давом эттирди. Қурбон оға кеча қанчалик совқотганимни эслатиб ўтирмасдан, оёғимни эски жун қоп билан ўраб қуйди. Бу индамас Қурбон оға кўрганиниям, эшитганиниям, ўзи айтганиниям сира эсидан чиқармасди.

- Кеча мен бу йил ёввойи ҳайвонлар хўп яйрайди деган эдим,— деб гап бошлади. Қурбон оға ўзига хос бамайлихотирлик билан.

— Ҳа, ҳа...— тасдиқладим. Бу билан ухламаётганимни, унинг сўзини тинглаётганимни билдирмоқчи эдим.

- Нега бундай деганимни энди ўзинг қуриб турибсан.

Ҳеч нимани қурмаган эдим, бирон зарур нарсани

кўрмай колган бўлсам керак, деб теваракка алангладим.

Лекин ёввойи ҳайвонларнинг ташвишсиз яшашига имкон берувчи ҳеч нимани кўрмаган бўлсам-да, Қурбон оға ўз фикрига ўзи яқун ясадини кутиб индамадим. Орадан бир оз вақт ўтиб, у:

— Бу йил кузак серёғин келди. Саксовул, селин, ёвшан кўкламдагидан кўра гуркираб ўсади. Сахро кўкатлари кўм-кўк эди, жайронлар семизлигидан йилтиллаб кетган. Қуёнлар семирганидан эчкидай келади. Сахро каламушлари ва кўшоёқлар дон-дуннинг сероблигидан купайиб, ҳар қадамда учрайдиган булиб колган. Қуён ва кемирувчиларнинг кўплиги тулки билан шағалларнинг жон озиғи... — деди.

Қурбон оғанинг фикрлари жуда кизикарли эди, аммо биз сахронинг барханлар бошланган қисмига етгандик. Қўзинг илғаган ергача қум барханлари, лекин канча излама бир-бирига ўхшадини топмайсан. Қум билан шамол бархан шаклини яратади, лекин бунчалар бир-бирига ўхшамаган барханларни яратмоқ учун канчалик укув керак-а. Бир-бирига ўхшамаслигини тасвирлаш ҳам мураккаб, барханлар сахро фарзандлари, лекин бир-бирига ухшаши кам топилади. Қишнинг бошланиши бўлганидан ҳатто баҳорда яшнайдиган неча минг тур ранго-ранг гулларни тезроқ қуришни иташган чупонлар ҳам барига ном тополмаган. Мен сахро жонзотлари, қушлари, калтакесаклари ва илонлари ҳақида ўйлардим... Тезроқ қорлар эриса-ю, ўшаларни кўрсанг. Орзу қилиш ғаройиб нарса-да: биринчи қор устидан кетяпман-у, ҳаёлимда охири қор эриб, гуллар очилаётгандай.

Қиш қуни бир тутамгина, яна қоронғи туша бошлади ва мен зерикиб қолдим. Қарвонбошининг индамаслиги ҳурмат уйғотарди-ю, лекин хафа ҳам бўлардим. «Нега индамайди-я — деб ўйладим, лекин шу заҳоти ўзимга узим, — ким билан гаплашсин, ахир ҳар доим қарвондан бўлак ёнида ҳеч ким бўлмаса, — дедим. — Сахро маҳмадана одамларни ёқтирмайди, маҳмаданалар эса сахрони».

Қарвонимиз бир меъёрда илгариларди. Туя тепасида чайқалиб юришга кўникиб қолдим, ўрик данакни ёриб чиққан ниҳолдек қалбимдан қандайдир қуй ва ҳатто бутун бир кўшик отилиб чиқадигандек.

Қарвонимиз бир меъёрда боради, қарасам, қарвон-

бошимизнинг эшаги ўсиб қолгандай.. Йўқ, биз шунчаки токка кўтариляпмиз. Йўқ, бу тепаликка ўхшаш бархан эмас, бу қумдан барпо бўлган ясси катта тоғ. Бу токка кўтарилганимиз сайин шамол кучайиб боряпти. У қор тагидан чикиб турган қуруқ кўкатларни ерга қапиштиради, барханлар бетигади оқ қорларни сидириб чирпирак қилади.

Чиройли-ю, лекин бир оз кўрқинчли. География ўқитувчимизнинг саёҳат ҳақидаги, Кавказнинг қорли чўққилари ҳақидаги ҳикоясини эсладим. Балки Кавказда бирон ўқитувчиси грузин болаларига бизнинг туркман ерларимиз ҳақида қизиқарлироқ қилиб сўзлаб берар. Ҳикоячининг маҳоратига кўп нарса боғлиқлигини аллақачон пайкаганман. Баъзи бировлар энг буюк ишлар ҳақида ҳам эплаб ҳикоя қилолмайди, бошқа биров арзимаган нарсани гапирсаям ағрайтириб қўяди.

Мана, ахири ўша катта қум тоғни ошиб ўтишимиз билан шамол майинлашди ва сахро бирдан жонланди: итлар хура бошлади, қўйлар маъраши эшитилди.

Қорли окшомда қўй подаси, уч кулба, атрофда туялар кўраси кўринди. Қурбон оға ўша-ўша жим эди, мен эса унинг оғзидан: «Етдик» деган бир оғиз сўзни эшитгим келарди. Еки ҳали келмадикмикан? Балки бу қўшни қолхознинг мазгилидир, пода ҳам уларникидир?

Қўп ўтмай ахири мен мўлжаллаган ерга етганимизга ишонч ҳосил қилдим. Бу ерда бизни кўриб севинишлари, ҳатто «Ура!» деб қичкиришлари керак, деб ўйлаган эдим. Кейинчалик мен сахро кишилари сўзнигина эмас, ҳиссиётларини ҳам билдирмасликларига ишонч ҳосил қилдим. Бизни қучоклашмади, ўпишмади, фақат сипогина сўрашиб, шу заҳоти туяларнинг юқини тушира бошлашди, кейин туяларни гамлаб қўйилган янтоқлар ёнига боғлашди.

- Бу бола ким? — сўради қорачадан келган қичгина киши Қурбон оғадан.

Қурбон оға мени худди биринчи марта кўргандай ифтихор билан кўздан кечирди-да, шундай жавоб қилди:

Нега «бола» дейсан? Қолхозимиз раиси сизларнинг ёнингизга атайин Нургелдихонни юборди. Нургелдихонга заифлашиб қолган кўзилардан бир пода ажратиб бериш керак. Жудаям пишик бола. Унга қанақа буюк иш топшириляётганини англадингми?

Қора киши менинг келганимга сираям севинмади.

Шу ердалигимга эътибор килмай:

— Қурбон оға, тўғридан тўғри, яна битта нонни ортиқ ёпиш керак, демайсизми! — деди. — Яна бир еяроғиз кўшилди демайсизми, раис юборди дейсиз! Балки мен бекорга ташвишланаётгандирман? Балки у эртага сиз билан қайтиб кетар? А?

Чўпонлар кулиб юборишди. Мадад кутиб Қурбон оғага қарадим. У эса ҳар вақтдагидай хотиржам эди. Юрагим ғаш бўлди. Нима деб жавоб беришни билсам, сал ботирроқ бўлсам, бу қора жимитга бошлаб жавоб қилиб кўярдим-а. Бахтимга Қурбон оға ахири тилга кирди:

— Хафа бўлма, Нургелди, чўпонлар овқатни ўзлари пиширишгани учун ҳам шундай деяпти. Хўб қўли олтин унинг. У ёпган нон, у пиширган овқат шунақа мазалики, кўяверасан... Лекин ҳар тўқисда бир айб дейдилар...

Гапни давом этдирайми, йўқми, дегандай жилмайиб турган Қурбон оға қорачага қараб қўйди. У ҳамма нарсага лоқайд ўтирарди. Шунинг учун бўлса керак, Қурбон оға сўзини давом эттиришга аҳд қилди. У янги табиатан жудаям одамовилигини, бу чўпонларга хос хусусият эмаслигини гапирди. Қурбон оға яна янги бошлиғим баъзан ёлғиз қолишга тайёрлигини, аммо яққа ўзи ишни эплотмаслигини айтди...

Сухбат давомида, раис бу ишга бежиз юбормаганини, менга қаттиқ ишонганини англадим.

— У билан тил топишишга ҳаракат қил, — деди Қурбон оға кўзимга қараб туриб.

«Агар у ута одамови бўлса, фақат ёлғиз қолишни орзу қилса, тил топишишга зарурат борми?» деб ўйладим.

Икки кундан кейин колхоз фермасининг мудир келди. У бошқа чўпонлар олдига борган экан. Мудир заиф кўзларни алоҳида подага ажратди ва кўшимча қилиб оёқда зўрға турган жуда қари, ориқ туяни берди:

— Агар парваришлаб оёққа турғазиб олсанг, миниб юришингга яраб қолади!

Бир куни эрта сахарлаб уйғонганимда қорачанинг овозини эшитдим:

— Хей, тур! Ҳаммаёқни сув олди! Сен булсанг ухлаб ётибсан!

— Нима деяпсиз? — деб сўрадим.

— Сенга топширик бор деяпман, — деди у гўё бу-

тун полкка кўмондонлик қилгандай қерилиб. — Поданинг ҳамма ташвиши менинг буйнимда. Сенга бари бир, еб-ичиб, уйқуни урсанг бўлгани!

Қорача тепамда шошириб турар, мен эса атайин шошилмас, ирғиб ўрнимдан турмасдим. Мен шошмай пайтавани ўрадим, этигимни кийиб, белбоғимни боғладим. Қорачанинг тоқати тоқ бўлди.

— Ит болалади. Олтита-я! Иккитаси эркак, тўрттаси урғочи. Бор, лаънатиларни кўмиб кел! Бўл, тезроқ!

Уйқум учди-кетди, аммо эсанкираб қолдим, унинг нима деганини англаб ололмасдим.

Қулбадан чиқишим билан қорача қулимга оғзи боғлиқ тўрва тутқазди. Устидан беркитилган саройда ит аянчли ингиллаётганини, ташиқарига чиқишга уриниб эшикни тирмалаётганини эшитардим. Қорача қулимга белкурак тутқазди ва қўли билан узокдаги барханни курсатди, иккинчи қўли билан мени ўша тарафга итарди.

— Ҳов анави барханни кўряпсанми?

— Бўлмасам-чи, қуряпман, — дедим ва унинг елкадаги қулини олиб ташладим.

— Ана ўша барханнинг шимол томонига бу кучук болаларини кўмиш керак. Устида албатта катта гулхан ёқ, бўлмасам онаси бир ҳафтадан кейин бўлсаям кавлаб чиқаради... Тез бўл, бора қол!

Мен қум бархани томонга кетдим. Бархан тепасига етганимдагина орқамга угирилиб қарадим, қорача элас-элас кўзга ташланди, аммо шу захоти унинг:

— Тез бўл! Тўртта кучук бола! — деб қичқиргани эшитилди.

Қўлимдаги тўрва жуда оғир кўриниб кетди, бу кучук болаларни қандок кўмишимни ҳали сира тасаввур қилолмасдим.

Тепалик ёнбошида чуқурчалар қўп эди, улар илдизи билан суғуриб олинган саксовул чуқурчасига ўхшарди. Мен анчагина чуқур ўра қавладим, турвани ечдим ва кучук болаларини кўрдим. Қичкинагина, ҳали кўзи очилмаган ва ҳўл кучук болалар гўжанак бўлиб ётарди. Пастдагилари тепага чиқиб олишга уринишарди. Бутун борлиғи билан қалтирашиб, тумшукларини ҳар ёққа қузишарди. Улар оналарининг сут тўла сийнасини, унинг илик юмшоқ танасини излаётган бўлишса керак.

Бошим айланиб кетди. Назаримда кучук болалари менга:

— Нургелди! Сен бу ерга бизни кўмгани келдингми? Нахотки мана шу бепоён кенгликларда сен ўзингга шундан бўлак машғулот топмаган бўлсанг? Еркин келажак ҳақидаги орзуларинг қайда қолди? Уларни унутиб, бизни бу ерга кўмгани келдингми? Сахрога келмаганингда кишлокда ҳам бундай бемаъни ишни топардинг. Кучук болаларини кишлокда кўмаверар эдинг! Нахотки мана шу бекиёс кенгликларда биз учун бир парча ер топилмаса? Еки ўғил эмас, киз бўлиб туғилганимизга биз айбдормизми? — деяётгандек эди.

Ўзок туриб қолган бўлсам керак, қулоғим остида қорачанинг овози эшитилди:

- Нега қоккан қозикдай турибсан? Ҳозир ит етиб келади! Келсаям, сени парча-парча қилиб ташлайди! Тезроқ кимирла!

Унинг кўзларига қараганимча турар, лекин ҳеч нимани эшитмасдим. Қорача мендан фойда чикмаслигини англади. У кўлимдан тўрвани тортиб олиб, чуқурга отди. Кейин худди телбадай чуқурга қум торта кетди. У чуқурни текислади, устига чиқиб тепкилади ва гулхан ёкиб юборди. Гулхан ловиллаб ёниб кетганда ит етиб келди. У кўлимни, кейин ерга тиқиб қўйилган белкуракни искади. Бошини нимранг осмонга чўзиб увлашга тушди, кейин бутун саҳрони бошига кўтариб увлаганича орқасига қайтди.

Бу воқеада ўзимдан бўлак ҳеч кимни айбламасдим, шу куни кечгача шалвираб юрдим. Ҳеч қутмаганимда қорача ёнимга ўтириб, дўстона, мулоим ва оҳиста гап бошлади:

- Жониворларга факат сенинг раҳминг келади деб ўйлайсанми? — сўради у. — Бу шўрликларга менам ачинаман. Сенга бир воқеани сўзлаб берайми?

Унинг ҳикоясини тинглагим келмасди, нари кетмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим, лекин бундай қилмаслик кераклигини англадим. Унинг саволига жавоб бермадим, юзимни четга буриб оғир хўрсиндим. Шу маҳал итнинг аянчли увиллаши эшитилди ва жониворларга булган муҳаббат ҳақида тинглаш менга оғирлик қилди. Нега унинг олдидан туриб кетмадим?

Қорача ҳикоя қила кетди:

- Мана шу кучук болаларининг бобоси булғучи эди, унинг ота Йўлбарс эди. Уни шундай деб бежиз аташмаган. Айни йўлбарснинг ўзгинаси эди. Шокол билан тулқиларни бир дақиқада парча-парча қилиб ташлар-

ди. Ҳатто бўрилар ҳам пода ёнига йўлай олишмасди. Бир куни бўрилар билан олишувда Йўлбарс оғир жароҳатланди. Бош чўпонимиз Кертик ога ҳар қанча уринмасин, даволай олмади. Бир куни у Йўлбарсни бундай қийналмаслиги учун отиб ўлдириш керак, деди. Менинг унга раҳмим келарди. Шунча йил сенга сadoқат билан хизмат қилган, одамдай ақлли ҳамроҳингни қандай отасан? Тўғрими? А? — сўради у менга тик боқиб. У менинг бу сўзларни тасдиқлашимни истарди.

Нима ҳам қилардим, мен ҳам бу одамнинг унчалик ёмон эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун унинг яхши ишлари ҳақида эшитгим келарди.

Қорача одам... Унинг номини аташни истамаганим учун шундай деб ёзяман. Бу жуда кўп тарқалган исм, жуда кўп яхши одамларнинг исми шундай, ўзларининг шундай баджаҳл адашлари бўлганидан хафа бўлишлари мумкин. Умуман баджаҳл одамлар тўғрисида ёзгим келмайди, ёзишнинг асло зарурати йўқ — гап орасида ёдингга келиб, отини тилингга олишинг билан кайфиятинг расво бўлади. Шунинг учун ҳам катталар наби-раларига яхши одамлар тўғрисида, эзгу ишлар, эзгулик ҳақида сўзлаб беришни севадилар. Ҳеч қачон ёмонлик ҳақида ҳеч нима эшитмаган бола бирдан ёмонга дуч келиб қолса, рўпарасидан ёмон одам чиқиб қолса нима бўлади? Ёмонлик ҳақида ҳеч нима эшитмагани учун енгил бўладими? Ўзини йўқотиб қўймайдими, бошида мен Аннамуроддан кўрқиб юрганимдек кўрқоқлик қилмайдими?

Хулласи калом, ёмон билан иккинчи учрашишим, аччиқ бўлсаям, ёмоннинг гапини даров тушундим, кўнглимни қаттиқ ранжитди-ю, лекин яраламади. Йўқ, ёмонлик деб аталиб турса, уни енгил ҳам осон.

Шундай қилиб, қорача Йўлбарс ҳақидаги хикоясини давом эттирарди. У хотиржамгина сўзлар, унинг овозида ўзига ишонч ва мамнуният сезилар ва қилган ишини қониқиш билан хотирлагани кўришиб турарди.

— Ҳўш, нима қилиш керак? Отиш керакми? Йўлбарс учун осон ўлим топганимдан хурсандман. Қандок ўлим ўйлаб топганимни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Мен бу итнинг одатини билиб олгандим! Тушундингми? Мен уни ҳўв анави тепалик тарафга, ундан ҳам нарига, одам овози етмайдиган жойга чақириб бордим, Йўлбарс бояқиш кетимдан ингиллаб зўрға борарди. Ахири шўрлик йиқилди...



Шунчалик ташвишланиб тинглаган вокеам шу билан тамом бўлади деб ўйлаган эдим. Қорача ўйлаган ишини ҳали охирига етказмаган экан.

Қулоқчинини пешонасига бостириб олиб, гапини давом эттирди:

— Йўлбарс йикилиб тушиши ҳамоно, атайлаб шу мақсадда ола келган тешик кўзани унинг оёғи остига ташладим!

Ҳикоянинг шу ерига етганда мен: «Нега у тешик кўза олиб келган? Бунақа кўзанинг суви тўкилиб битади. Ундан кўра товоқ олиб чикмайдими, итга ялоққа яради», — деб ўйладим.

Лекин қорачанинг хатоси хақида хулоса чиқаришга шошилибман. У ҳайвонларни бошқа одамлардан кам яхши кўрмаслигини тасдиқлайдиган ҳикоясини давом эттирди.

— Ахир мен, Йўлбарснинг ўлим таҳдид қилганда ҳам чўпоннинг арзимас нарсасини ташлаб кетмаслигини билардим-да. У чўпон қолдирган нарсани то у келгунча қўриклашим зарур, деб билади! Уни кўрсанг эди. Чўпон отиб ташламоқчи бўлган итни нима қилганимни қурдингми... Тушундингми? Йўк, тушунмадинг-а?

Тушундим. Ўшанда кўп нарсани тушундим ва у мехмон чақириб, уларга зиёфат берганда кўлидан ҳеч нима олмадим.

Қиши билан заиф қўйлар подасини боқдим, кўпларини тузатдим, тажрибали чўпонлар мени макташди. Туям ҳам кўкламгача тузалиб қолди, уни уйдан йироқда яшайдиган чўпонларчалик ҳеч ким кутмайди. Кўклам аввал осмонга, ерга келди, кўзларимизда акс этди, гул бўлиб очилди, бари тирик мавжудотга ўзининг жонли нафасини уфурди.

Ўша кўклам кунглим бир нарсадан ғаш эди. Яна анчагача ўша туртта кучукчанинг аянчли чийиллаши кўлоғим тагида эшитилиб турди, мен беихтиёр атрофга аланглардим ва ўша гулхан атрофида доира шаклидаги ит изини кўрардим, сўнгги нафасигача эгасининг тешик кўзасини қўриқлаган Йўлбарсни кўрардим. У эгасини қанча кутганикин, назарида нуқул эгаси келаётгандай бўлавергандир-а.

Ҳатто ўқиган китобларим ҳам мени қувонтирмасди. Қайтага улар ғамимни чуқурлаштирар, ўткирлаштирарди. Саҳрони ташлаб кетгим келар, китоблар эса бу қароримни қўллаб-қувватлаётгандек бўларди. Улар

менга: сен жуда оз биласан, оламда кизикарли нарса-  
лар кўп, деяётгандай эди.

— Одам бўлиб қолдинг, — деди бир куни бош чўпон  
Керттик оға ва нимани кўзда тутаётганини англадим,  
ахир мен дунёга келганимданок одамман-ку.

— Одам бўлиб қолдинг, -- деди ва мен шуни англа-  
димки, гап кечалари кулбадан чиқишга кўркмаслигим-  
да, ҳаво бузилганида кўйларни панага олишимда, бури-  
лардан саклай олишимда, ҳеч кимга бўш келмаслигим-  
да, заифни ҳимоя қила олишимда ҳам эмас.

Одам саналмоқ учун ҳозир айтиб ўтганларимнинг  
ҳаммасига эга бўлишдан ташқари яна кўп нарсаларни  
билмоқ, доимо шунга интилмоқ ва бу нарсани ҳар куни  
килиб бормоқлик одамликдир.

— Камолотга етиш йўли жуда узок. Унинг узунли-  
ги ҳаётга тенг, — деди Керттик оға, мен, яхшиямки бу  
йўлда баланд осмон остида Ватанимнинг бепоён туп-  
роғида ўтказилган ойлар бор экан, деб ўйладим.

Чўпонлар ва ёрдамчи чўпонлар орасида Керттик оға  
хаётни билиши билангина эмас, балки минглаб энг од-  
дий ҳаётий нарсалардан ташқари табиат қонунларини  
ҳам билиши билан ажралиб турарди. У билимни ҳеч  
кимга мажбурлаб бермас, ҳеч қачон ҳеч кимни зўрла-  
мас ва ҳеч кимга насиҳат қилавермасди. Уни тинглаш-  
ни истаган одам, саксовул ва янтоқнинг қандай ўсиши  
ҳақидаги, сувсиз саҳрода сувни қандай излаш керакли-  
ги, қор бурони ёки қум буронида қолиб кетилса нима қил-  
моқ кераклиги тўғрисидаги ҳикояларини эшитиши мумкин.  
У ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билар, саҳрода  
эса бунни билмоқ шаҳардагидан қура муҳимроқ эди. Шуни-  
си характерлики, одамлар тўғрисида ҳам, табиат ҳақида  
ҳам у ҳеч қачон бир белгига асосланиб баҳо чиқармас-  
ди, ҳар тарафлама киёсларди.

Керттик оғанинг об-ҳаво ҳақидаги кузатишларидан  
анча-мунчасини ушанда дафтарга ёзиб олганман.

Масалан, у: агар саксовул япроқлари одатдагидан  
кеч тўкилса, киш қаттиқ келади, -- дерди. Агар кишда  
саксовул навдасида муз сумалаклар пайдо бўлса, кўк-  
ламда қўкат яхши ўсади. Агар киш ўртасида саксовул  
навдаларига қиров тушса, ҳафта давомида ёғингарчи-  
лик бўлмайди. Агар эрта баҳорда кўй-эчкилар саксовул  
япроғини бажонидил ея бошласа, эртасига ёмғир ёғади.  
Агар саксовул одатдагидан кечроқ гулласа, киш кеч ту-  
шади. Ёз кечаси саксовул навдалари орасида юрган

кўшоёкка кўзинг тушса, эртасига иссиқ бўлишини кута-  
вер. Агар эрта кузда, кун салкинида саксовул шохда  
чумолиларни кўрсанг, қаттиқ қишга ҳозирлик кўравер.  
Куз кунлари саксовул тагидан кўзикорин топсанг, куз  
узук давом этади. Саксовул қуриган жойда қудук кав-  
лама — сув топмайсан...

Булар менинг ёзиб олганларимнинг бир қисмигина,  
холос, лекин ишончим комилки, бу оддий халқ амалда  
курганлари жиддий илмий анализга муносиб. Ҳозир  
шундоқ ўйлайман, лекин у пайтларда Кертик оға куза-  
тишларидан иборат бир китоб тузишни орзу қилардим,  
бутун дунё чўпонлари шу кўрсатмага асосланиб сахро-  
да мол боқишларини истардим.

Кертик оға ҳеч қачон аччиғланмас, бир нарсани ту-  
шунтириш ва англаш учун қанча керак бўлса шунча  
тушунтиришга тайёр эди. Бир куни у мени туя жунини  
йиғиб келгани кўрага юборди. Буни қандоқ қилишни  
билмасдим. У такрорлади:

— Қўрага бориб туя жунини йиғиб кел.

- Қанақа жунни? — яна сўрадим, ичимда бўлса,  
ким туя жунини сочиб ташладийкин, деб жаҳлим чикди.

- Туя жуни қирқиб олинмаслигини ҳали билмас-  
мидинг? — деб жилмайди у. — Туянинг ҳеч қачон жу-  
нини олмайдилар. Агар ёзда жуни қирқилса, ташналик  
азобини тартади. Иссиқда қаттиқ терлаб, ғамлаган су-  
вини сарфлаб кўяди. Тамом деявер. Агар, туянинг жуни  
қишда қирқилса, совкотади, кўтир касалига гирифтор  
бўлади. Кўтир туянг бўлгунча туясиз бўл. Уқдингми?

Мен шундан кейин ҳам туянинг жуни қачон қирқи-  
лишини тушунмаган бўлсам ҳам:

— Тушундим... — дедим.

-- Тушунмадим ёки билмайман дейишга сира уял-  
ма. Туя жуни умуман қирқилмайди. Жуни ўзи тўкилади.  
Шу тўкилган жунлар териб олинади. Ҳар жиҳатдан ҳам  
туя жунига етар жун бўлмайди.

Бир воқеа ҳам сира ёдимдан чиқмайди. Бу сахрога  
борган кунларим юз берганди. Чўпонлар орасида энг  
ёши эдим, шунинг учун майда юмушларни одатда мен  
бажарардим. Кертик оға бир куни:

- Қуриган саксовулдан келтир, — дедилар.

Тайёрлаб қўйилган ўтинни қоронғида топмадим-да,  
нарироқда усаётган саксовул ёнига бордим. Бари бир  
эмасми! Саксовул навалари бир-бирига чирмашган  
илонга ўхшайди, уларнинг қай бирида жон бор, қай би-

ри куриган, ким билсин. Унисиям, бунисиям карсиллаб синади, кандок ажратасан...

Бир кучок саксовулни ўчок ёнига кўйдим. Кертик ога индамай ўчокка ўтин ташлади. Эртаси эрталаб подани узок утлокка ҳайдаб кетаётганимизда, мени саксовулзорга бошлаб борди.

— Дуч келган саксовулни ўтинга синдирма. Уят! Аввалига тирикми, йўкми, билгин, деди у менга.

— Буни билса бўладими?

— Факат сен эмас, кўплар буни билмайди, — деди Кертик ога хотиржамгина. — Бунинг катта сири йўк. Мана кара, — дедилар улар ва врач бемор юрагини тинглагандек кулоқларини саксовул танасига тутдилар. Тирик! Кел, сен ҳам тинглаб кўр! Ҳақиқий музиканинг узгинаси бу.

Кертик ога гапирган музикани эшитмай қолишдан қурқа-пуса саксовул танасига кулок тутдим. Аммо бекор ташвишланган эканман. Кўринишдан уликка ўхшаган дарахт ичида дуторнинг майин садосига ўхшаш оханг эшитилди.

— Ҳаёт мусикаси куйлайди, — деди Кертик ога.

У пайтларда мен мусика бу ҳаёт эканини, покиза ва юксак ҳаётгина санъатнинг барча кўринишларини оламда барпо этажагини билмасдим. Эндиликда мен она тупроғим узра бораманми ёки неча денгизлар оша Ватанимдан жуда йирокда юраманми, бир нарсага аминманки, ҳар бир кўкатда, ҳар бир дарахт танасида — у хоҳ хурмо бўлсин, хоҳ баобаб булсин ёки ҳар бир тоғ ёки катта йўл чеккасида ётган тош булсин, унда жон бор, лекин уни ҳар ким ҳам илғаб олавермайди.

Китобга ва китобий билимларга муҳаббат қанчалик катта бўлмасин, ўқтин-ўқтин ўқиш ҳақидаги орзумдан кечар ва Кертик оганинг: «Сендан яхши чўпон чиқади», деган сузлари, «Сендан шоир чиқади», деган сўзлардан мухимроқ туюларди.

Кечалари очик ҳавода кигиз устида осмонга қараб, ухлаётган олам узра йўлини давом эттираётган юлдузларни ва ойни томоша қилар ва: шу ерда қолсамми-кан? — деб ўйлардим.

Август ойининг охирида ўқиш бошланиши олдида қишлоққа қайтдим. Уч ойи кам бир йил ишладим, шунинг учун ҳам менга мукофотга ваъда қилинган кўзичокни ололмадим. Лекин бунга ачинмасдим. Энди уйга қайтарканман, ўқишни давом эттиришимга ишонардим.

Ишкилиб уйга етиб борсам-у, хотиржамлик бўлса бас. Онамларни эса кўндираман, албатта, кўндираман...

Уйга яқин қолди, уёғи ярим кунлик йўл, шунда бирдан мени, онам мени юбормайдилар деган шубҳа босди ва бу шубҳа бора-бора ишончга айланди, ҳа, юбормайдилар, албатта юбормайдилар.

Арик буйлаб усган дарахтларнинг япроқлари ҳам: «Юбормайди, юбормайди!» деяётгандай. Қамишлар ва кўкатлар шамолда тебраниб: «Мумкин эмас! Онангни ташлаб кетсанг, одам эмассан!» дейди. Қурбақалар ҳам уларга жўр бўлишарди: «Онангни ташлаб кетсанг, қай юз билан қарайсан одамларга?» Кўзичок олиб келмаётганимга эмас, бирон бир арзигулик совға-саломсиз келаётганимга хафа эдим. Агар баҳорда уйга қайтсам қузикорин ёки ширин илдизлар келтиришим мумкин эди... Ҳозир эса қовжираган саҳрода уйдагиларни қувонтирадиган ҳеч нима йўқ эди. Аммо укам, бир ҳовуч ошиқни олдига қўйганимда, боши осмонга етди. Бунчалик қувонади деб сира уйламаган эдим.

Ойим сандикдан мен учун яшириб қўйган туршакни олдилар, қовун сўйдилар, узум келтирдилар. Қаёқдандир икки бўлак қанд пайдо бўлди ва уни менинг қўлимга тутдилар.

Нимжон момом оксоқланиб келдилар. Момом ҳеч нима дея олмадилар: менга термилар, йиғлар, ёшларини рўмолчалари билан артардилар, лекин кўзёшлари орик юзларидан тўхтовсиз оқарди.

Ойимлар йиғламас, қуймаланмасдилар. Улар яна ниманидир кутардилар, ошиқ уйнаб ўтирган Муродгелди:

— Аваз тракторчилар курсига киргани кетди, — деди менга.

-- Отамурод шаҳарга уқишга жунади, — қўшиб қўйди момом.

— Сиз ҳам ўқишга кетасизми? — сўради укам. — Боринг, хўпми!

Укамнинг пахмайган сочини силадим. У бўлса, совукдан кирган мушукдай пинжимга тикилди ва:

— Борасиз-а? — деб сўради. — Акам шаҳарда ўқи-япти, деб мақтаниб юраман.

- Қаёққа бораман, — дедим уйлаб юрганимни тилимга чиқариб. — Еруғ оламда қандай юраман? Ахир онам билан момомни, сени ёлғиз ташлаб кетолмайман-ку...

Шунда гапга момом аралашдилар.

— Ойинг сени қайтиб келишинг билан ўқишга юбораман, деди.

Бу мен учун сира кутилмаган хабар эди. Нахотки ойим ростдан ҳам шундай деган бўлсалар. Ойимга қарадим. Ойим бош ирғитдилар. Ҳатто жилмайиб ҳам кўйдилар.

— Бора қол, ўғлим! Кўриб турибманки, ҳеч қайси она эрта-индин роҳатини кўрай деб бола тарбияламас экан. Сенинг ойинг ҳам улардан қолишмоқчи эмас. Агар сен ўқимишли одам бўлсанг, мен хафа бўлмасдим. Уканг катта йигит бўлиб қолди. Агар ака-ука икковинг халқ билан бирга қадам ташласаларинг, бувинг билан менинг ғамимиз йўқ, — ойимларнинг овозлари тинди. — Оқшомлари сени эслаб ўтирамиз, шу билан ғамимизни енгиллатамиз... Ўзинг ҳал қиласан.

Охирги гапларини ойимлар кўзларини четга олиб гапирдилар. Улар нигоҳларимизнинг дуч келиб қолишидан чўчирдилар. Шунинг учун ҳам менда, ойим буни жиддий гапиряптиларми ёки кўнглим учун айтяптиларми, деган шубҳа уйғонди.

Шаҳарда интернат-мактабга киришга аҳд қилдим. Отаси урушда ҳалок бўлган ўрта мактаб ўқувчилари у ерда давлат ҳисобида яшайди деб эшитган эдим. Агар уша ерга қира олсам, ойимларнинг ёрдамисиз ўқишим мумкин бўларди. Бу фикрга ойим ҳам, момом ҳам қушилдилар. Ҳаммадан ҳам укам жуда севинди. «Катта бўлсам, мен ҳам ёнингизга бориб ўқийман», деди у.

Мени йўлга ҳозирлаб, ойимлар ёғлик нон ёпдилар. «Нон — одамнинг ҳамроҳи, бунинг устига биринчи борган куни овқат бермасликлари ҳам мумкин», дердилар нуқул.

Шаҳаргача унча узоқ эмасди, лекин қанчалигини ҳеч ким аниқ билмасди. Бирлари қирқ километрдан ортиқроқ дерди, бошқалар эллик километрдан ҳам кўп, дейишарди. Пиёда бориш ҳарҳолда анча узоқ. Темир йул разъездига бориб, агар поезд тўхтаसा, утириб кетишга қарор қилдик.

Ойим мени кузатиб бормадилар. Ўшандаям, ундан кейин ҳам, одатга кўра нега кузатгани чиқмаганлари, оркамдан қараб қолмаганларини сўрамадим. Фақат Муродгелдигина кўлимдан ушлаб қудуққача борди ва хайрлашиб ўша ерда қолди.

Биз кишлоқдагилар, бутун йўллар қудуқ ёнидан

бошланиб, ўша ерда тугадини билардик. Жуда кўп қудуқларни кўрганман, лекин ҳеч бири мен учун бу қудуқчалик қимматли эмас. Мана, уям кўздан ғойиб бўлди.

Аввалига дадил юриб бордим. Лекин ойимлардан, момомдан, укамдан, ҳамма нарса ўзимники бўлиб кетган қишлоғимдан йироқлашган сайин қандайдир тушуниб бўлмас куч томоғимдан бўғарди. Мен тезроқ юришга, угирилиб қарамасликка ҳаракат қилардим, чунки менга етиб олиши мумкин бўлган нимадандир кўрқардим.

Қишлоқдан чиқиб кетишга аҳд қилганимга афсусланар, ойим, момом, укамдан узоқда шаҳарда ўқишнинг менга кераги йўқ, деб ўйлардим. Бу жудалиқни энг яқинларим кўтара олармикан, уларни эсон-омон кўрармиканман? Улар билан яхши хайрлашдимми? Ранжитиб қўймадимми?

Оёғим олдинга олиб борарди, ўзим эса ҳаммаси илгаригидай бўлиб қолиши, ҳаётимда ҳеч нима ўзгармаслиги ва ҳеч қачон ўзгармаслиги учун минг марта қайтишга тайёр эдим. Мен фақат бир нарсадан: «Оббо, ўқиб олим бўлиб келипти-да. Елғончи, яна ўқишни истайман деб юрипти-я...» деган гаплардан кўрқардим.

Мен ҳамон олдинга қадам ташлардим, қадам ташлардим, шошилардим, ачинганимдан юрагим тилка-пора бўлар, кичкина боладек хўнг-хўнг йиғлагим келарди.

Қимга ачинапман? Менга номаълум ерларда ҳалок бўлиб кетган отамгами? Балки икки бола билан бева қолган, улар билан оғир очлик йилларини бошидан кечирган хотинига ачинаётгандирман? Балки севимли ўғлидан айрилиб қолган момомга ачинаётгандирман? Ҳеч ким, ҳеч қачон кутиб ололмайдиган отамга ачинардим, унга қуюнардим, негаки ҳеч қачон хотини, болалари, онаси ёнига, ўз ерига қайтмаслигини англаш отам учун ҳар қандай ўқдан ҳам даҳшатли эканини бирдан англаган эдим. Ачинганимдан юрагим пора-пора бўлмоқда эди, томоғим қулфатнинг темир сиртмоғида қолган эди-ю, лекин кўзимда ёш йўқ эди! Кўзимда ёш йўқ эди.

Аланглаб қарадим ва далаларни, узоқдаги дарахтларни, мен танимайдиган ер узра парвоз этаётган қушларни кўрдим. Шунда бирдан хўнграб йиғлаб юбордим. Кўзимдан ёш қуйиларди, оёғимда маҳор қолмаганди. Мен текис йўлда қокилиб борардим. Яхшиям ўшанда мени ҳеч ким қурмади.

Фақат орадан жуда кўп йиллар утгачгина бир нарсани англадим: ўшанда мен ўзига хос такрорланмас, ўзига хос аччик, ўзига хос ажойиб болалигимни қумсаб йиғлаган эканман.

1982 йил.





## САҲРО ГУЛИ

### 1

Ўша бир оғиз сўз Муроднинг тинчини бузди. Унинг дили ғаш бўлиб қолди. Аслида гап оддий бир воқеа туфайли келиб чиққанди, уни оддийгина бир аёл шунчаки гапирган эди.

Воқеа бундай бўлди. Мурод кадрдон ошнаси билан янги кўшиқ ўрганаётганди. Бердининг ажойиб овози бор, Мурод бўлса дутор чалишни қийиб кўяди.

Кеч кирди. Мурод уйга кетмоқчи бўлиб, дуторини жилдига солиб бўлган ҳам эдики, Бердининг бувиси Кейкил момо кириб келди. Момонинг кайфияти бузук эди, у ҳатто эҳтиром билан унга салом берган Муродга ҳам эътибор қилмади.

— Сигирни келтириб жойига боғлаб қўйдингми? — сўради Кейкил момо набирасидан.

— Олиб келдим, олдига пичан, ўт ташлаб куйдим. Момо набирасининг жавобини эшитмади.

— Сигир қурадами, йукми деб сўраяпман сен дан? — овозини баландлатиб такрорлади момо.

Узун, кенг кўйлақда пастаккина бақалок Кейкил мо-мо коптокка ўхшарди. Юрганда ҳам кўпроқ юмалагандай кўринади.

— Оммуksарой тарафда сигир боқма деб неча бор айтганман сенга! Ашула айтиш бўлса бўлди сенга. Мактабдаям ашула айтасан, ўйнайсан, уйдаям... Аҳёнда бир иш буюрсанг, айтганни қилмайсан! — аччиғланиб койиди момо. — Чўпни қўлига оливолиб, бошини саланглатганича соатлаб бўкиргани бўкирган. Ўз ақли билан: «Ердамлашайми, момо?» демайди. Айтмаганинг уёқда турсин, айтганингни ҳам қилмайди. Бор, хабар олиб кел, сигир жойидамикин!

— Сигиримизга бало урармиди? Ё бўлмаса ажина чалармиди? Ўзи уришгингиз келиб турганга ўхшайди. Ундан кўра: «Каникулга чикдинг, эртага шаҳарга амакингникига олиб бораман», — дея қолмайсизми! — Берди момосига кулиб қаради.

Лекин Кейкил момо жахлдан тушмади. Момо пилдираб набираси ёнига борди, елкасидан маҳкам чангаллади ва эшик тарафга итарди.

— Ажина чалиб кетайми, йўкми, деб сўраб ўтирмайди. Ана, қўшнимизнинг сигири бирпаснинг ичида кўзини ола-кула қилди, бир-икки оёғини силтади-ю, ҳаром қотди. Нега шундоқ бўлди? Қаба момонинг ўғли ҳам сенга ўхшаган маҳмадана, айтганни қилмайди, сигирни Оммуksарой ёнида ўтлатган экан...

Берди момосининг ҳали-вери тинчимаслигини тушунди ва югуриб молхонага борди. Кейин дарров бошини голибона баланд кўтариб орқасига қайтди.

— Сигиримиз жойида. Бамайлихотир ковуш қайтариб ётибди.

Бу хабарни эшитиб Кейкил момо бир оз тинчланди.

— Худони унутмагани учун ҳам момонгизга раҳмат денглар. Сигирнинг соппа-соғлиги-ю, ажина чалмагани шундан.

Момо кўйлагининг ёқасини очиб уч марта туфлаб кўйди: «Тфу, тфу, тфу, ёмон кўздан асрасин эгам».

— Ҳали ёшсизлар, ҳали ақл кирмаган. Муаллимларинг: «Ажина йўқ» дейди, сенлар бўлсанг лақиллаб ишониб ўтирасанлар. Муаллиманг дунёда нимани кўрипти? Ўзиям куни кечагина сизлардака болақай эмасмиди? Дунёда озми-кўпми яшаган, сочи оқарган момоларингга бўлса ишонмайсизлар, бунинг устига уни мазах ҳам қиласизлар, — деб жаврарди Кейкил момо ги-

ламга ўтираркан. Ўша «ажина йўқ» деган муаллимларинг Каба момонинг уйига бориб, унинг сигирини бир кўрсин-чи. «Хўш, кимнинг иши бу», деганларга нима жавоб беракин?

Мурод момонинг сўзини бўлолмади, у ҳам гиламга чордона куриб утириб олди.

— Сигирнинг жин урганани ким кўрибди? — суради бола.

Кейкил момо унинг гапини илиб кетди:

— «Ким кўрибди?» дейди-я. Саволига бало борми! Оммуksаройдаги жин қанча одамнинг бошига етганини биласанми?

— Ҳеч нимани билмайман, — деди Мурод.

— Бўлмаса эшит, сен ҳам қулоғингга қуйиб ол, ўғлим. Шом чўққандан кейин ўша харобалар ёнидан ута кўрманглар, болажонларим. Уёқда...

- Э-э! — деб кичкирди Берди бепарволик билан. «Кўрққанга кўшалок кўринади», деган гап бор. Ундан қура биз қанақа ашула ўрганганимизни эшитинг.

Аммо Кейкил момо бир гапни тутиб олди, уни чалғитиб бўлмайди.

— Болақайларим, ахир мен сизларга яхшилик тилайман, — деб насихат қиларди Кейкил момо. — Аввал яхшилаб эшитиб олинглар гапимни, кейин ўзларинг ҳам Оммуksаройга қадам босмайсизлар... Шундоқ, бўталокларим, бир пайтлар мен ҳам сизлардек кичкина қизалок бўлганман. У чоклар оламда жин-арвоқлар бўлишини билмасдим. Бир куни Оммуksарой яқинида ўйнаб юргандим. Харобага бориладиган йўлдан, ёнгинамдан бир хотин ўтиб кетди. Бирдан даҳшатли бакирикни эшитдим. Турган жойимда қотиб қолдим. «Вой-дод!» — деб кичкирарди ҳозиргина ўтиб кетган аёл. Чопиб ёнига бордим. Қарасам, ерпарчин бўлиб ётибди, ранги қув ўчиб кетган, кўзлари олайган. Бояқиш шундан кейин уч кунгина яшади, лекин хўшсиз ётди: «Ана, ана, келяпти» — деб инграрди... Қўшнимиз Сафар оға бир воқеадан кейин бошка қишлоққа кўчиб кетди. Сафар оғанинг гапираётганини эшитганман. «Яқинда хароба ёнидан ўтиб қолдим, — деб хикоя қилди у. — Қоронги тушиб қолганди. Бирданига шундоққина оёғим тагига аллақандай тўрт кўзли, жундор, думалок нарса юмалаб келди. Атрофимда юмалаб, юришга қуймайди. Кейин ўша жундор думалок нарса такка тўхтади, кейин бир юмалаб қиз ҳам эмас, махлуқ ҳам эмас, алланима балога

айланди. Кейин менга ташланиб, бўға кетди. Сўнг нима булганини билмайман. Ўзимга келсам, уйимда ётибман. Кўзимни очдим дегунча қора уйимизнинг бурчагида уша кўринади. Эшик тирқиши ва шифтдан ёруғ тушса менга ўша думалок-жундор нарсанинг кўзи бўлиб кўринади».

— Кушнимиз Сафар оға тоғдаги қоядек бакуват одам эди, — деб ҳикоя қиларди момо, — шу воқеадан кейин чўп бўлиб озиб кетди.

Кейкил момо хўрсиниб қўйди.

— «Пешонага ёзилганини қўрмай иложинг йўқ», деб тўғри айтишган экан. Сафар оға қишлоғимиздан қўчиб кетди-ю, аммо, бари бир ажал қувиб етди. Орадан бир ой ҳам ўтмай, унинг дунёдан кўз юмганини эшитдик...

Момо жим бўлиб, хотираларга берилди. Бир оздан кейин болаларга ўгирилиб, мулойим оҳангда:

— Ҳали боласизлар, худо умр берсин сизларга... — деди.

— Қўйинг-е, момо, ваҳима қилаверманг. — Берди шунақа ваҳималарни эшитавериб ўрганиб кетгани учун бу гапларга ортик эътибор қилмасди.

— Эсингни йиғ! Жоним болам, бу жойга тил теккизиб бўлмайди. Мен мана шу қадимги сарой Оммуksаройдан жуда кўркаман, — деди Кейкил момо.

Момо кўлини очиб юзига фотиҳа тортди. Шу аснода момоси нималардир деб шивирлаганини Мурад эшитди. Кейин Кейкил момо яна болаларга ўгирилди. Унинг овози янаям юмшаганди:

— Бемахалда у ерларда юрманглар. Аллақаёқларда ўйнаб юрасизлар-да, мен дийдорларингни кўргунимча ўзимга жой тополмайман... Гап бундок... Келинглари, сизларга кулхуоблохуни ўргатиб қуяй...

- Кейкил момо, кулхуоблоху қанақа қушиқ?

Гапга аралаштириш имкони топилганидан Мурад севириб кетди.

Берган саволи Кейкил момонинг жаҳлини чиқаришини хаёлига ҳам келтирмаганди. Момонинг ковоғи уюлди. Гупиллаб қор ёғиб юбориш олдидан ҳавони шундай булут босади. Мурад булса Кейкил момонинг қайфияти бузилганидан беҳабар, яна гап қўшди:

- Кўзи чакчайган даҳшатли махлуқлардан гапириб нима қиламиз, ундан кўра янги қўшиқ урганганимиз яхшимасми.

Мурод тан олгиси келмади: Кейкил момонинг Ом-муксарой саройидаги сирли ёвуз кучлар хақидаги хикояси унинг юрагига гулгула солиб қўйган эди.

Кейкил момо нодон болага бутун газабини сочишдан ўзини зўрға тийиб қолди.

— Сенларга ашулаю ўйин бўлса бас. Ашула айтишларингга қаршимасман. Аммо қулхуобло — ашула эмас. Бу қадимдан қолган дуо. Қўркиб кетсанг борми, дарров қулхуоблони уч марта такрорласанг, даҳшадан асар қолмайди, шу заҳоти енгил тортасан. Бу жудаям утқур дуо. Бердижон, — деб неварасига мулойимгина муржаат қилди момо, — қулингга қалам, қоғоз ол. Мен қулхуоблони шошилмай айтаман, сизлар ёзиб оласизлар. Уни ёдлаганларингдан кейин, бу коғозни ҳар қаерга ташлаб кетманглар. Қоғозни тоза сувга солиш керак. Уқдингларми?

Берди момоси айтган нарсаларнинг барини столга қўйди, лекин юзидан қувлик сезилиб турарди. У, хайрон бўлма, кекса одамга гап қайтаролмайман, дегандек, Муродга қуз кисиб қўйди. Кейкил момо қаддини ростлади, диққатини бир ерга тўплади ва овозига тантанавор оҳанг бериб, қироат билан ўқий кетди.

— Бисмиллоҳи раҳмони раҳим, қулхуоблоху аҳад, оллоху...

Берди зўр бериб ўзини тутишга ҳаракат қилди, лекин шу ерга келганда оғзини қўллари билан беркитиб қулиб юборди.

— Бу нимаси?! — ўртоғини уришиб ташлади Мурод. — Уялмайсанми! Момом ўқияптилар-у, сен бўлсанг қуласан...

Кейкил момо Муродга миннатдор ва айни пайтда, уни биринчи бор кўраётгандай хайрон бўлиб қаради. Набирасининг қизил галстукни чиройли қилиб тақиб олгани, қора сочлари силлиқ қилиб таралгани унга ёқарди. Мурод яна чордана қуриб, қобилгина бўлиб ўтирарди.

— Ақлли йигитсан-да, Муроджон! Яша, болам, яша! Ўғилнавбаъ онангнинг бахтига узок умр кўргин, илоҳим! «Қаттани ҳурмат қилмаган, жазосиз қолмас!» деб бежиз айтишмаган ота-боболаримиз. Сен менга жуда ёқасан. Анави бебошимизга булса ҳали ақл битмаган.

— Бор, бор, чойнакни газга қўй, — деб момо набирасини ошхонага юборди. — Муроджон чой ичиб олсин.

Гапига кулок солсанг унга етар билимдон йўк. Қаерда нимани гапиришни билмаган одамни билимдон деб бўларканми.

Берди хонадан чикиб кетатуриб Муродга ҳайрон бўлиб қаради. Нахотки Мурод ҳазил қилмаяпти, нахотки момосиннинг ҳикояси уни чиндан кизиктирган бўлса? Берди нима деб ўйлашини билмасди. Бирданига Муродга нима бўлди? Ахир жину шайтонлардан сўз очган болаларни майна қилиб юрмасмиди у? Ҳозир бўлса кўзларини бақрайтирганича момога тикилиб утирибди.

Ошнасининг бу ғаройиб килиғидан ва момосининг буюрган юмушидан жаҳли чиккан Берди:

— Сизнинг гапингизга ишонсак, ўша инс-жинсларингиз ҳозир ҳам шундоқкина Оммуksарой ёнида ўтирибди... деб шавради.

Кейкил момонинг жаҳли чикди.

— Ўзи жимчилоқдек келади-ю, гапирган гапининг совуқлигини! Бор, чой қуйиб кел, кимга гапиряпман! Қаёқдан биласан, балки шу топда у аждаҳога айланиб, йўл устида ётгандир, худо ўзи сакласин! Ёки уккига айланиб, бошингга ўзини отса-чи! Яна шунисиям бор: жин ҳаммагаям кўринавермайди. Ўн киши утиб кетса, шундан биттасига кўриниши мумкин. Кулхуоблохуни уч марта ўкimasдан унақа жойларга яқин йўламайман сира. Қора мушукка айланиб устингга отилса борми...

Қурққанидан Кейкил момонинг юраги орқасига тортиб кётди. Момо уч марта кўксига туфлади. Берди бўлса ачитиб қўйди:

— Ундан қочиб бўлмайди дейишади.

— Қочиш қаёқда! Ундан кутулиб бўлмайди, — таъкидлади Кейкил момо.

Ана холос! Мурод Бердиларникига ҳар куни ана шу Оммуksарой харобаси ёнидаги йўлдан келар ва кечқурун қоронғида қайтар, ҳеч нимадан қўрқмасди. Бу харобалар сирли инс-жинсларнинг маконилиги хаёлига ҳам келмасди. Жинми, жин эмасми, арвоҳми, арвоҳ эмасми, бирон бало бордир-да, ахир у ерда, кекса одам алжирамайди-ку.

Муроднинг юраги шувиллаб кетди. Қоронғи тушиб қолган эди. Мурод уйдан чикиб, қоронғи кучадан хароба тарафга боришини кўз олдига келтирди. Дала билан кетсаям бўлади-ю, лекин бугун экинга сув қуйилган-да.

Ҳозир унинг олдига икки имконият бор эди. Ё кулхуоблохуни ёзиб, ёдлаб олиш (Бердининг жаҳли чикма-

син-да), ёки ҳеч нимани ёзмасдан тўппа-тўғри хароба тарафга юриб, кўзини чирт юмганича чошиб ўтиб кетиш. Мурод тараддудланарди. Нима қилса экан-а?

## 2

Байрам оға оқшомга қадар қишлоққа етиб олиши керак эди. Толликуюдан тонг отар-отмас чиққанди. Чўпонлар уни кузатиб қолишди.

Колхоз чўпони Байрам оға етмиш беш баҳорни қурган одам. Кўкламнинг ҳар қандайини иссиғиниям, қузилиб кетганиниям кўрди. Байрам оға умрининг роса олтиши йилини саҳрода кўй боқиб ўтқизди. Мана шу узундан-узқ йиллар давомида у саҳронинг пасткамликларидаям, қум, барханларидаям пўстинини ёзиб хордиқ чиқарган. Саксовул унга паноҳ берган, совқотганда иситган. Қунлар ойларга, ойлар йилларга уланиб, неча ўн йиллар ўтиб кетди. Байрам оғани қуршаган табиат эса уша-ўшалигича келяпти: ёз жазирама, киш эса совуқ. Лекин бошқа «янгиликлар» пайдо бўлди ҳаётда. Байрам оға борган сайин саксовул ва селин, қандим ва черкез чақалқорлари сийраклашиб бораётганини юраги ачишиб кузатарди. Одамлар уларни аямай кесардилар. Натижада саҳронинг ажойиб қиёфаси ўзгариб борарди. Байрам оға борган сайин жайронларни кам кўрадиган бўлди. Қария бу хушсурат, эпчил жонворлар подасига келиб кўшилган чоғларни эслайди. Жайронлар подаси учрамаганига жуда кўп бўлди. Жайроннику кўяйлик-а! Ҳатто куён ҳам камайиб кетган, Байрам оға неча-неча бор тунги босқинчиларча овнинг гувоҳи бўлган. Фараси ёқилган машина жонивор бечорани қувалайди. Ўткир ёруғликдан кўзи қамашган жонивор нурдан қочиб кетишга ботинмайди. «Уятсиз, шафқатсиз босқинчилар, — жаҳл билан сўкинди Байрам оға, — сенларгайм бокқан бало бордир! Ҳалқ мулкини талашяпти!»

Мана бугун ҳам Байрам оға саҳрода узққ тутилиб қолди. У пахтазордан ўтиб, каналга етди. Ҳали атроф ёруғ эди. Эшаги канал ёқалаб кетган йўлдан йўртиб борарди. Каналдан айрилиб чиққан ариқ бўйига етганда Байрам оға алланиманинг сасиган ҳидини туйди ва кўп утмай ириб ётган балиқларни кўрди. Қария эшагини тўхтатди. «Болақайлар шумлик қилишибдими дейман?» — деб ўйлади Байрам оға.

Бирдан орқа тарафидан:

— Ассалому алайкум! — деган жарангдор овозни эшитиб, уйқудан уйғонгандек чўчиб тушди.

Кариянинг ёнидан бир ўспирин ўтиб кетди. У доира шаклидаги темир тўр саватни елкасида базур кўтариб келарди. Ўспирин кария билан саломлашди-ю, одатга биноан хол-аҳвол сўраб ўтирмай, қишлоқ янгиликларидан гаплашмаёқ тўхтамай ўтди-кетди.

— Хой бола, бирпас тўхта! — деб кичкирди Байрам оға унинг ортидан ва эшагини ниқтади.

Ўспирин елкасидаги темир ғалвирни ерга қўйди ва кўйлагининг енги билан терини артди. Жаҳли чикиб ковоғини уйди. «Ўзи шундоғам вақтим кетяпти-ю, яна манами вақтимни оляпти», — деб ўйларди ўспирин бир эшак минган қарияга, бир ариқ бўйида ириб ётган баликларга қараб.

— Нимани сўрамоқчи эдингиз, Байрам оға? Жуда шошиб турибман, — деди бола ва бир меъёрда каналдан сув тортаётган насос тарафга ўгирилиб қаради.

Аммо Байрам оға унинг шошилганига эътибор бермади. Оқсоқол ўз фикр-хаёли билан банд эди. Кимнинг ўғлилигини эсламоқчи булиб боланинг юзига диққат билан тикилди.

Ахири Байрам оға:

— Кимнинг ўғлисан? — деб сўради.

— Езлининг ўғли Султонман, — деб жавоб берди ўспирин.

— Евшаннинг ўғли Езлими?

Ўспирин тасдиқлаб бош ирғиди.

— Ха, биламан, биламан. Отанг эпчил йигит эди, — Байрам оға сийрак соқолларини шошилмай сийпалаб йўталиб қўйди ва ўспиринга норозилигини айтишга хозирланди.

Унинг кўзи яна пора-пора бўлиб ётган балиқ таналарига тушди ва қария оҳистагина сўради:

— Балиқ овламоқчи бўлибсан-да?

— Балиғингиз нимаси? — хитоб қилди Султон. Энди у ҳақиқатан ҳам чолдан аччиғлана бошлаган эди.

— Ариқда ириб ётган баликларни кўрмайсанми?

Худди унинг дилидагини уқиб олмоқчи бўлгандай Байрам оға Султоннинг кўзига тик боқди.

— Байрам оға, баликларга чинданам ачинаётган бўлсангиз, юринг, насос ёнига борамиз. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз, гап нимадалигини тушунасиз-



қўясиз. Тезроқ юринг, ҳалиям ғалвирни топгунча анча вақтим кетди.

Шу сўзларни айтиб Султон юкини оркалади ва жавобни ҳам кутмай олдинга қараб кетди.

— Шошмасанг-чи! — яна уни тўхтатди Байрам оға. — Анави темирингни менга бер. Эшакка ортаман.

— Раҳмат. Байрам оға, менга етиб юрсангиз бўлгани, — деди Султон ва яна кадамини тезлатди.

— Жуда ўжар экансан, — бошини чайқади Байрам оға.

Юкнинг оғирлигидан икки букилган Султон шундай тез юрардики, оркада қолиб кетмаслик учун қария эшагини ниқтаб туришга мажбур эди.

— Ғалвирни менга бер! — яна кичкирди қария.

Ўспирин тўхтаб, оғир ғалвирни эшакка ортишга мажбур бўлди. Оқсоқол гапни утказганидан мамнун эди.

— Анча эпчил йигит кўринасан. Қимга ўхшагансан? Отанг жудаям унақа эпчил эмас эди, — деди Байрам оға.

Мана, каналга ҳам етдилар. Инсон қўли билан бунёд этилган сунъий дарё кумлоқ соҳилларга урилиб оқмоқда. Канал соҳилига кетмон уриш таъқиқланганини ҳамма биларди. Оқим кумлоқ соҳилни осонгина ювиб кетиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам колхозлар каналдан сувни насос билан олишарди. Насос одам бўйи баробар каттақон қувурлардан сувни ҳайдарди. Қувурдан чиққан сув туби бетонланган ариққа тушарди. Ҳар тарафга ёйилиб кетган бошқа ариқлар шу ердан сув олар ва узоқ-узоқларда қорайиб кўринган экинзорларга оби ҳаёт элтарди.

Байрам оға эшагини қамишзорга қўйиб юборди-да, ўзи насос тарафга кетди. Қувурдан кўпириб қайнаб чиқаётган сувга қанча қарамасин, сасиб ётган балиқ билан насос орасида нима алоқа борлигини тушунмади.

— Мана насосингга ҳам етиб келдик, — деди у Султонга ва савол назари билан қаради.

— Баликнинг бошига етаётган нарса мана шу насос, Байрам оға, — деди Султон. — Насос сув билан бирга баликниям тортади қувурга. Балиқ ўлим топади бу ерда.

Насосни қурганлар баликнинг бошига етишини билишмаганмикан? Бу атрофда озмунча насос ишлай-

дими, агар ҳар бири балиқни шунақа кирадиган бўлса, каналда биттаям балиқ қолмайди-ку. Ҳар қанақа ишни бошлашдан аввал яхшилаб ўйлаш керак.

Насос бир меъёрада ишлар, қувурнинг бахайбат ҳалқумидан тилка-пора балиқлар отилиб тушарди. Баъзилари бетон соҳилга тушар, бошқалари кўпирган сувда сузарди.

— Ҳамма насосларам бизниқандак эмас, — эътироз билдирди Султон. — Ҳар бир насоснинг мана бунақа тўри бўлиши керак. Балиқни шу асрайди.

Булмасам шунни бу ергаям кўйса булмайдимиз? — деди аччиғланиб Байрам оға

— Ҳамма гап шунда-да, тўри бор эди. Аток олиб кўйган...

— Ҳозир у қаерда? — сўради қария ва дарғазаб бўлиб атрофга аланглади.

Соҳилда ҳеч ким йўқ эди, нарироқда қамиш чайла ҳам хувиллаб қолганди.

— Бундан чиқди сен тўр келтиргани кетган экансан-да.

Султон индамай бош ирғиди.

— Уни ўзинг ўрната оласанми? Сузишни биласанми?

— Мени Атоқдан ҳимоя қилсангиз бўлгани, — жавоб берди Султон, — тўрни бошлаб ўрнатаман.

Қоронғи туша бошлаган, ҳаво анча салқин бўлиб қолган эди. Султон сувга тушиш учун ечина бошлади.

— Ишқилиб чўкиб кетмагин, — хавотирланди қария. — Ўзингга ишончинг булмаса, сувга тушма. Ўзинг биласан: сув олтиндан қиммат, лекин сув керагидан зиёд бўлса — фалокат деявер.

— Хотиржам бўлинг, Байрам оға, — деди Султон оёғини сувга тикаркан.

Сувнинг совуклигидан баданига титроқ кирди, аммо кўп ўтмай у совукка кўникди ва қатъий насос тарафга юрди.

Эҳтиёт бул, тортиб кетмасин тагин, — деб бақирди Байрам оға. — Хуржунимда чилвирим бор, ҳозир келтираман...

Қария соҳилда уймаланарди. У кексалигига қармай эпчил ва чаққон эди. Султон секин-аста сувда илгариларкан Байрам оға чўғ устида оёқяланг тургандай ўзини қўярга жой тополмасди.

— Шамоллаб қолмагин тагин, кўзичоғим, — гўлди-

ради у. — Ёнимда чомич ҳам йўқ экан — шамоллашнинг давоси. Сувдан чиқсанг чомич билан бир ишқаб кўярдим, ҳеч кандай дард енголмасди. Кукламда ёмғирда қолиб, шалаббо булиб ивиб кетсанг чомич жонингга оро қиради.

Бу орада Султон қувурга яқинлашди.

— Панжарани узатворайми? — деб бақирди Байрам оға мотор шовқинини босиш учун.

— Узатворинг!

Султоннинг юзида табассум пайдо бўлди, у илк бор оқ кўзикоринга дуч келган болага ўхшарди.

— Ур-а! Панжара маҳкамланадиган илмоқни топдим. Мана иккинчиси. Хиёл итариб туринг, Байрам оға. Энди қўйиб юборинг, қолганини ўзим ўринлатаман.

- Баъзи кексалар ҳозирги замоннинг ёшлари ўйинкарок, кўлидан ҳеч вақо келмайди, ҳеч нимани ўрганмайди, дейишади. Шунака одамга йўликсам борми, танобини тортиб қўяман, — овозини чиқариб ўйларди Байрам оға, — хўш, Ёзлининг ўглини биласизларми? Бугун у қилган ишни катталарнинг ҳаммасиям эпломмайди, — дейман.

Оқсоколнинг ҳаяжон билан гапираётганини Султон эшитар ва ўзича ўйларди: «Менга далда бериш учун шунчаки гапиряптилар-да. Биламиз бу қарияларни, бирон марта ширин сўз эшитмайсан улардан. Тоғни талкон қилганингда ҳам мактаб қўйишмайди.»

Панжарани илмоққа илиб маҳкамлагандан кейин Султон соҳилга қайтди. Шу маҳал юқоридан, насос қувури тарафдан дук уриб бақирган овоз эшитилди.

Дарров панжарани чиқариб ол. Булмасам мана-ви эшакни сувга итариб юбораман!

Тусатдан эшитилган бақирикдан Байрам оға чўчиб тушди. Унинг заифлашиб қолган кузи шом қоронғусида бақираётган кимсани илғамади. Байрам оға қувурга чиқиб бақираётган кимсага синчиклаб қараганича унга яқинлашди.

- Унга айтсангиз-чи, сувдан чиқсин, — истехзо билан деди кимса қарияга юзланиб. — Намунча ёнида уралашасиз, осмондаги оймиди у?

Байрам оға уни энди таниди. Бу моторист Аток эди. Айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб келган Аток даргазаб эди. Бақалок Аток қоронғида хумга ўхшарди.

— Панжарани чиқариб олмагунингча сувдан чиқмайсан, овора бўлма, — пўписа қилди у Султонга.

Кани, тилингни тий-чи, зур!— Байрам оға ғазабланди. — Болага бармоғинг тегса борми, кунингни кундан келтираман. Сендақа зўравонни кара-ю!

Кўкламда оким йулидаги хамма говни ювиб кетганидай, Байрам оға ҳам бутун борлигини эгаллаган ғазабини тукиб солди. У жон ҳолатда Аток ёнига югуриб борди.

Эсингизни еб кўйдингизми, Байрам оға? Эсингизни йиғинг! Бу гудакни сувга туширмаслигингиз керак эди. Кимнингдир жиғига тегишса бўлгани буларнинг,— деди Аток қарияни тинчлантиришга уриниб.

Байрам оғанинг бутун умри саҳрода утган. У талашиб-тортишишням, баҳслашишням билмасди. У очиккўнгил, виждонли киши бўлиб, харқанақа ёлғон ҳам уни ғазаблантирарди. Мана ҳозир Атокнинг адолатсиз сузларидан пайраҳадек ловиллаб кетди.

- Кимнинг жиғига тегишаётганини яхши биламанку-я, — деб жавоб қилди Байрам оға муштини кисиб.

Қариянинг чапақай жаҳли чикканини англаган моторист қувурдан ирғиб тушиб, насос юргизадиган трактор орқасига яширинди.

- «Қариянинг жаҳли чикса, хаммаёқ остин-устун бўлади», деганлари рост экан, — деб тўнғиллади Аток.

Мабодо қария яна ҳужум бoшласа яшириниш учун мувофик жойни кўзлаб олазарақ булди у.

- Хов, Байрам оға, сизга нима ёмонлик қилдим? Нега менга дағ-даға қиласиз?

Аток билан Байрам оға бакириб-чакириб гаплашиб бўлишгунча Султон сувдан чикиб олди. Султон ишлаб турган трактор ёнига келди ва исиниб олиш учун чўккалади. Байрам оға ҳам, Аток ҳам унга эътибор қилишмасди.

- Сизга нима қилдим? — кўзларини олайтириб хайрон бўлиб сўради Аток.

Ўзини ҳеч нима тушунмаганга солади-я, виждонсиз!

- Ёлғон гапирсам туз урсин Байрам оға! — ёлворди Аток.

-- Ариқда балик нега сасиб ётганини айтарсан балки.

— Э-э, бунни айтасизми!

Аток бепарволик билан қўл силтади ва хи-хилаб кулиб куйди. Бутун туриш-турмуши билан у, қария арзимас нарсага тўполон кўтаряпти, демокчи бўларди.

Байрам оға, сал бұлмаса ичак-чавоғимши ағда-риб ташлай дедингиз-а. Мен бұлсам бирон бир жиддий нарса бўпти деб кўркиб кетибман. Сасиган балиқни деб шунча машмака кўтардингиз-а... Ха-ха-ха!

У истехзоли кулгисини бирдан тухтатди, овозини баландлаб дўк кила кетди:

— Умрингиз чўлда ўтиб, сиз қария, ҳаётнинг нима-лигини билмайсиз. Ёки экиш мавсуми бошланганидан хабарингиз йўқми?

— Экиш бошланган бўлса нима бупти? Экиш бошланди деб балиқни ҳароб қилиш керакми? Голган бахонасини қаранг-а.

— Боринг-е, уйингизга бориб, маза қилиб кўк чойингизни ичиб утирмайсизми? Сизсиз ҳам ишимиз битади, — деди писанд қилмай Аток ва яна Султонга бўқирди.

— Ҳой! Қимга айтяпман? Қани, сувга тушиб, панжарангни олиб ташла-чи!

Байрам оға болани тўхтатди.

— Султон сувга тушмайди, - деди буйруқ оҳангида қария. — Куп керилаверма, ўзим танобингни тортиб кўяман. Қани, айт-чи, балиқни нобуд қилишга ким руҳсат берди сенга?

Аток кўркиб кетганини билдирмади-ю, сал буш келиб:

— Нега менга ёпишиб олмасангиз? Бригадир жавоб бераверсин, — деди.

— Мен сендан сўраяпман! — Байрам оға у томонга қараб юрди.

— Ахир сизга айтдим-ку, Байрам оға, экиш мавсуми бошланди деб. Далаларга сув керак қувурда панжара бўлса сув секин ўтади, хархил нарсалар тугилиб сув яхши ўтмайди. Ўзингиз биласиз-ку, суғоришни тўхта-тиш мумкинмас. Беш-унта балиқни деб экиш мавсумини секинлаштириб бўлмайди-ку, нега яна менга ёпишасиз.

— Ишнинг поёни бўларканми? Экиб бўлдик дегунча чопиқ бошланади, ундан кейин култивацияга навбат келади, бошқа экинлар ҳам сув талаб қилади, — анча тинчланиб деди Байрам оға. — Бир иш учун бошқа тарафдан зиён кўрадиган бўлса колхоз ҳалокатга маҳкум бўлади. Қош кўяман деб кўз чиқарилмайди, туғрими? Агар бригадангиз экиш олдидан ерни тезроқ суғормокчи бўлса, олдидан ҳаммасини эътиборга олиши керак

эди. Ахир: «Эрта турганнинг ризки катта бўлади», деб бежиз айтишмаган-ку? Панжарага тегма, жаҳлимни чиқарма. Қулогингни чузиб қўймай яна. Яна шунини қулогингга қўйиб ол: Султонни хафа қилма. Султон эслихушли, меҳрибон бола. Бугун ўнта баликни қутқарса, эртага одамларни химоя қилади. Сен билан биздан кўра шу бола халққа кўпроқ фойда келтиради. Ўтинларнинг борми?

Бор. — Аток оксокол нега бирдан гапни ўтинга бурганини тушунмади.

— Ўтин бўлса гулхан ёқ Султон исиниб олсин. — Байрам оға боланинг елкасига уриб қўйди: Вақт тез ўтади, тўппингни оркага суриб улгурмасдан паҳлавон бўласан.

Аток гулхан ёққани чайла тарафга кетди, қария бўлса эшагини ташлаб келгани қамшизорга йўл олди.

Байрам оға баланд соҳилдан эшагини эргаштириб бораркан, Аток уймалашган чайла тарафга қараб-қараб кўярди. — «Хатосини тушунди чоғи», — деб қониқиш билан ўйлади Байрам оға.

Байрам оға каналдан солда утиб, қишлоқ чеккасига етганда қоронги тушиб қолган эди. Шунинг учун ҳам қария бўлиб қолган воқеани айтиш учун қолхоз правлениясига боришни эртага қолдириб, уйга кетди.

Харгал Байрам оға саҳродан уйга қайтганда қишлоқнинг тез ўсиб бораётганини кўриб хайрон бўларди. «Ўн беш йил бурун қишлоқ чеккаси қадимги саройга яқинлашиб қолган эди, — деб ўйларди Байрам оға. — Қадимги даврнинг бу ўнсиз шохиди энди қишлоқнинг марказида бўлиб қолибди. Саройнинг нариги тарафида юздан ортиқ уй бор энди».

Байрам оға ҳам ҳовлисини уйланган ўғлига қолдириб Оммуқсаройнинг шимол тарафидан ер олган эди. Қария шу топда ўша ёққа қараб кетаётганди.

Эшак Оммуқсарой девори ёнидан ўтган йўлдан йўртиб борарди. Бирдан эшак нимадандир хуркиб така-так тўхтади, тисарилиб Байрам оғаниям итқитиб юборай деди. Хуркиб кетган жонворни тинчлантириш осон бўлмади. Ҳаммаёқ зим-зиё қоронги бўлганидан қария эшак нимадан чўчиганини билолмади. Токати тоқ бўлган Байрам оға ўжар эшакдан түшди.

— Ҳе, лаънати! — деб бақирди у гулдурраган овозда ва тисарилиб турган эшакни жиловидан ўшлаб судрай бошлади.

Қария бир кадам хам қўймасидан унинг бакириғи: жавоб қилгандай:

— Вой-дод! — деган фарёд эшитилди.

Нима бўлаётганини тушунмай Байрам оға қоронғи-ликка қараб бакирди:

— Хей, ким бор? Бу мен, чўпон Байрам оғаман!

Унга жавоб қилишмади. Бола экан. Байрам оға кич-қирган ёш бола эканини англади. У орқа-олдига қарамай чопиб борарди. Ана у сарой олдидаги чакалакни ёриб ўтиб кетди. Байрам оға шохларнинг қасир-қусури-ни эшитди. Ана, ариққа шалоплаб қулади, ирғиб туриб нариги соҳилга ўтиб кетди. Орадан яна бир муддат ўтгач кишлоқда саросима сезилди. Байрам оға аёл кишининг:

- Вой, шўрим қурсин! Ажинага йўликибди! — деб кичқирганини эшитди.

Қария бошини чайқади ва бакирик эшитилиб турган ховлига қараб кетди.

#### БАЙРАМ ОҒА АФСОНА СЎЗЛАЙДИ

«Каттанинг сўзини иккита қилиб бўлмайди», деди узига Мурод.

У уялди, лекин шундай бўлса хам уридан туриб, стол ёнига борди. Берди Мурод қулхуоблони ёзиб олмоқчилигини тушунди.

— Яқинда бир мақол ўқувдим: «Қўрққанга кўша кўринар». Тўғри топиб айтилган экан-да. — Берди шу сўзларни айтгач, эшикни шарақлатиб ёпиб хонадан чиқди.

Кейкил момо айтиб турди. Мурод қулхуоблони ёзиб олди. Оятни беш марта кетма-кет ўқиди. Кейин қоғозга қарамай, ёддан такрорлаб қурди. Лекин ташвишланаётгани учунми, тушунмаганидан маъносиз сўзлар ёд бўлмасди.

Кейкил момо қандай қилиб тез ёдлаб олишни Муродга тушунтирди:

Осмон фалакдан йўлланган бу оят, жоним қурбон бўлсин болам, жудаям кучли. Яна бир ўқигин-да, кўзингни юмиб олиб такрорла, шундоқ ёдингга қолади. Мана шунақа зўр оят.

Мурод худди шундай қилди. Қулхуоблони яна бир марта шошилмайгина ўқийди-да, овозини чиқармай такрорлайди. Қизик, бу ғаройиб сўзлар уз-узидан ёд

булиб қолаверди. «Ия! Мен аввалига момомга ишонмагандим. Лекин оятни жуда зур деганлари рост экан», - деб ўйлади бола.

У кампирга раҳмат айтди-да, хайрлашиб уйдан чиқди.

Ховлида уни Берди кутарди.

Агар қурқсанг, мен қузатиб қуяман, - деди у. Муродни қуриб, Мурод дустининг шундай дейишини биларди. Лекин негадир бирдан юрагига ваҳима тушганини тан олармиди? Ҳеч-да! Бердининг таклифини қабул қилса борми, «Мурод кўрқок» деган лақаб умрбодга ёпишади-қолади. Шунинг учун ҳам у қурққанини билдирмасликка уриниб:

— Авваллари мени қузатиб қўярмидинг?— деди.

— Йўқ, — деб жавоб кайтарди Берди. — Қулхуоблони ёдлаган бўлсанг, энди ҳеч нимадан кўрқмасанг ҳам бўлади... — Мурод ошнасининг кесатаётганини ташунди. — Ҳўп, хайр, эртага кўришамиз.

Кўча эшик ёпилди, Мурод зим-зиё қоронғида қолди. У чуқур хурсиниб йўлга тушди.

Оммуксарой харобаси ёнидан утадиган йўлни у беш бармоғидек биларди. Олдинда қорайиб қуринаётган нарсанинг янтоқлигини, сал нарида девордай бўлиб қамиш ўсиб ётганини биларди. Ҳаммаси таниш, ёд. Тўсатдан Муродга бир нарса кўринди... Йўқ, кўргани йўқ, балки нарса бостириб келаётганини бутун вужуди билан ҳис этди. Аввалига бир дақиқагина аллақим эшак миниб келаётгандай туюлди. Кейин у қурдим ёки унга шундай туюлдими, назарида қандайдир баҳайбат қора нарса қатталашиб, у ёндан-бу ёнга чайкала бошлади. Муроднинг оёғида куч қолмади ва у мадорсизланиб шундоққина йўл уртасига утирди. Жон ҳолатда қузини чирт юмди. Қулхуобло! Қандок бошланарди-я? Мурод оятни тамомила унутган эди. Даҳшатли қуланка яқинлашаётганди. Бола бошини кўтарди ва қузини охира очди. Ўша қора қуланка яқинлашяпти. Мурод ўша қуланка даҳшатли тўёқлари билан ер тепинганини эшакка ўхшаб ханраганини эшитди. Мана ҳозир бу йиртқиш уни босиб-янчади! Мурод ирғиб ўрнидан турди. Айни шу чоқ: «Ҳа, лаънати!» деган хайкирик янгради.

Мурод жон ҳолатда: «Вой-дод!» - деб бақирди ва узини чакалакка урди, ариқдан хатлаб утиб уйига югурди. Энди унинг қузи ҳеч нимани қурмас, қулоғи ҳеч нимани эшитмасди. Бўй баробар тиканаклар қулини



тимдалар, лекин у огрикни сезмасди. У арикка йиқилиб тушиб ивиб кетган булса-да, совкотганини хис этмасди. Бутун борлигини қурқув қамраган бола назарида ортидан қувлаб келаётган нарсадан қочарди.

Лойга беланган, сочлари пахмайган ахволда айвонга чопиб кирганда уйдагилар қурқиб кетишди.

Отаси биринчи бўлиб ўғлига отилди, унга сув тутди.

Нима гап, нима бўлди?— деб суради у.

Мурод кўзларини чакчайтирганча, дудукланиб: — Ом-м-муксаройда... Қоп-қора...

Онаси жон ҳолатда кичкириб юборди:

- Вой, шурим қурсин! Кўзига жин кўринибди!

Унинг бақирганини, уйдаги шовқинни кўшнилар эшитишди. Шумхабар бир зумда кишлокка ёйилди, кўп ўтмай Махтумовлар уйига одам тўлди.

Муродни ўринга ётқизишди. У ҳамон ҳаяжонланарди.

Аёллар боланинг ранги қув ўчган юзига қараб нолиш қилишарди: «Ё тавба! Қулогим эшитганини кўзим кўрмасин ишқилиб. Боёқиш, ёмон кўрқибди-да».

Мурод уларнинг сўзини эшитар, яна юрагини қўрқув қамраб оларди. Эркаклар уни юпатишарди:

Ҳаммаси утиб кетди. Ҳозир доктор келади, ҳеч нарса қурмагандек буласан-қоласан.

Хона ғала-ғовур бўлиб кетгани учун Байрам оганинг келганини ҳам сезмадилар. Қария гапларга қўлок солиб, бу ерда нима булаётганини англади, уйдагилар унга: «Байрам оға, нима қилиб турибсиз? Боланинг ёнига ўтинг, ёрдам беринг. Асаблари дутор торидай таранг. Сал бушатинг уни, бола ўзига келиб қолади», дейишгандан кейингина у Мурод ётган тушак томон юрди.

- Бу иш қўлимдан келади, — деди оксоқол.

Лекин боланинг отаси бунга қарши бўлди:

Унга тегманг. Доктор чақирганмиз. Ҳозир «тез ёрдам» келади.

— Э-э, гапингни кара-ю, Умар! Бу лаънати уколларнинг нафи бўлсайди, ер юзида бемор қолмасди. Томирларингда қон эмас, дори оқади. Хуш, нима фонда бундан? Салга акса урасизлар. Аҳёнда бир қарияларниям сўзига кириш керак, сизга ёмонликни раво кўришмайди-ку...

Байрам оға қаравот ёнига бориб чеккасига ўтирди. Боланинг ранги қув ўчган юзига қаради, чайир қўлини боланинг пешонасига қўйди. Бир қанча вақт қимир

этмай ўтирди, кейин Муроднинг кўлини ушлаб, секин чакирди:

— Мурод, қани менга қара-чи!

— Қулхуобло... қулхуобло, — деб шивирлади Мурод. — Эсимда қолмабди, биронта ҳам сўзи эсимда йўқ...

Байрам оға ҳайрон бўлиб бош чайкади! «Нега у қулхуоблони ўйлаяпти?»

Кейкил момо бўлса Байрам оғага норози бўлиб қараб кўярди. Қариянинг имиллаши ғашига тегарди. Ахирини момо узини тутиб турулмади ва овозини чиқариб:

Умри мол кетида саҳрода ўтган одам зарур томирини қайдан билсин? — деди.

«Тез ёрдам» келгандан сўнг Кейкил момо аёллар тупланган нариги хонага юмалаб чиқиб кетди, кўп ўтмай унинг, катталарни хурмат қилишмайди, деб ёшлардан нолигани эшитилди...

Қуни-қушнилар Муроднинг ота-онасига яхши тилаклар билдириб хайрлашишди. Байрам оға эса бола ёнида қолди.

Қария бир чойнак кук чойни ҳузур қилиб ичиб олди, белбоғини ечди. Белбоғнинг учига бурчанинг пиёзи туғиб қуйилганди. Болалар сўйган бу ширинликни Байрам оға саҳродан териб келган эди. Ҳозир бу жудаям кўл келганди.

Мурод пиёзни еб бўлгунча оқсоқол бугун қандай қилиб ажина бўлганини сўзлаб берди.

Ўғилларини Оммуқсарой ёнида нима бунчалик кўрқитиб юборганини тушунмаган ота-она Байрам оғанинг сўзини эшитиб, биринчи бор жилмайишди. Мурод бўлса уялганидан кўзини қаёққа тикишни билмасди.

— Бу нима, Байрам оға? — деб сўради бир йулини қилиб гапни бошқа ёққа буриб юборишга уринган Мурод.

— Бурчанинг илдизи бу. Мен пода боқиб юрган саҳрода тикилиб ётибди. Худди кигиз солиб қуйгандай бутун саҳрони тутиб ётибди.

— Қани энди ўша ёққа борсанг! — хўрсинди Мурод. — Лолаларни яхши кўраман.

У Қорақумнинг яшил яйловларини куз олдига келтириб жимиб қолди.

— Саҳрода гуллар ҳам ўсади-а, Байрам оға?

— Тўғри айтасан, ўғлим. Саҳрода бутун умрим

утди, лекин баъзи гулларнинг номини ҳалиям билмайман.

Шу гулларни ўз кўзим билан кўргим келади.

— Бунинг қийинлиги йўқ. Каналнинг нариги томонига утилса булди, уёғи саҳро.

Байрам оға гиламга ўтиб чордана қуриб утирди.

- Ҳозир саҳронинг айни гуллаган пайти.

Мен бир кучоғини териб оламан! — орзу қилди Мурод. — Уйга олиб келаман.

Байрам оға атайлаб гапни бошқа ёққа буриб, Мурод Оммуқсарой ёнида бўлган воқеани унутишини истарди.

Менга қара, сенга бир нарсани ҳикоя қилиб бераман, — деб гап бошлади Байрам оға овозига сирли оҳанг бериб. — Бир вақтлар мана шунақа афсонани эшитган эдим. Айтишларича, эрта баҳорда, кун билан тун баробарлашганда саҳрода ғаройиб бир гул очилди... мана шу саҳро гулининг очилишини куриш ҳаммага ҳам насиб булавермайди. Уни топиш учун аллақанча барҳанларни, пастқамликлару жарликларни кезилади. Жудаям иродали бўлиш керак...

Мурод нафасини ичига ютиб Байрам оғанинг ҳикоясини тингларди.

— Сиз ўша гулни кўрганмисиз, Байрам оға? — тўсатдан сўради Мурод. — Ўз кўлингиз билан узгандирсиз?

Байрам оға хохолаб кулиб юборди.

Ўқ, буталогим. У гулни узиб бўлмайди. Айтишларига қараганда у фақат бир кунгина очиларкан. Кимда-ким саҳро гулининг очилганини курса, довюрак бўла оқан... Уқдингми?

Уқдим, — деб жавоб қайтарди Мурод. — Унинг ранги қанақа, япроқлари қандай, уни қандок таниса бўлади?

Байрам оға отилган уқ нишонга текканини тушунди.

Қандок таниса бўлади дейсанми? Бу жудаям осон! Одам саҳро гулини бир курса булди, довюрак бўлиб кетади, дейишади.

Қария жимиб қолди ва боланинг қузига қаради.

- Масалан, бирдан довюрак ва қучли бўлиб қолсанг, оддий гулни эмас, саҳро гулини кўрганнингни узинг пайқай олмайсанми?

Албатта пайқайман! — ишонч билан жавоб қил-

ди Мурод ва хатто урнидан туриб утирмоқчи бўлди. Баирам ога унинг елкасига кулини қўйди.

Турма. Бир-икки кун ётгин, ҳаммаси ўтиб кетади.

Шу кунлар ичида гул очилиб бўлса-я?— хавотирланиб деди Мурод.

— Кўркма. Улгурасан. Негадир сенга ишонаман.

Қария шу сузлар билан урнидан турди-да, эшик томонга юрди. Мурод унинг орқасидан қараб қолди.

Ендаги хонадан катталарнинг гаплари эшитилди. Байрам ога Муроднинг ота-онаси билан хайрлашаркан:

— Бугун Муродга бир нима бўлди, бунда бир сир бор. Нега у хадеб қанақадир ажиналарни гапиряпти? деди.

Муроднинг яна юраги ғаш тортди. Қоронги йўлдан уйига кетаётганини эслади...

У анчагача ухломмай ётди. Йўлга чиққан чоғини эсласа, Кейкил момонинг: «қулҳуоблони едланингми?» деб сурагани қуз олдига келаверди.

Мурод чучиб тушди-да, нариги ёнига ағдарилди. Кейин ухлаб қолди.

### 3

Муроднинг ажинага йўлиққани бутун кишлокка овоза бўлиб кетди. Бола бундан беҳабар эди. Мурод бир-икки кун кўрпа-тўшак килиб ётди, кейин туриб кетди, аммо уйдан ташқарига чиқмади. Бахорги каникулининг тугашига уч кун қолган эди.

Ажина воқеасининг Бердига ҳам зарари тегди. У колхозчиларга болалар далада кўрсатмоқчи бўлган концертда иштирок этиш учун Мурод билан иккита янги кўшиқни яхшилаб тайёрлади, аммо Мурод ажинага йўлиққан окшом ҳаммаси чиппақка чиқди. Энди Берди ҳар куни жўрасини кўргани боради.

Бувисининг ҳамма топшириқларини бажариб бўлганидан кейин бугун ҳам у Муродникига кетди.

— Оммуқсарой теварагида ўралашма!— деб бакириб қолди унинг орқасидан Кейкил момо.

— Яна «сарой», «сарой» дейди-я! Бошимга урамани саройларингни, Оммуқда менга пишириб қўйибдими?— деб тўнғиллади бола ҳовлидан чиқаркан.

Чиндан ҳам қадимий сарой харобалари уни ҳеч қачон қизиқтирмаган. Аммо бугун саройнинг бир қанотида пайдо бўлган янгилик Бердининг диққатини тортди. «Ия! Менгаям ажина кўриняптими?»— Берди хатто

бир дақиқага кўзини чирт юмди ҳам. Кейин яна баланд канотга қаради.

Деворда бир нарса турарди — кўза деса кўза эмас, хурмача деса хурмача эмас. Хурмача-кўзанинг ичидан қандайдир ок нарса чикиб турарди.

Берди узок ўйлаб турмади. «Юқорига чикиб, у нарсанинг нималигини билиб тушиш керак», — деб ўйлади.

Баландликдан атрофида қад кўтараётган ва борган сайин унга яқинлашаётган кишлокка ва колхоз дала-ларига тикилиб турган қадимий Оммуқсаройнинг тарихини ҳамма ҳам билмасди. Бу саройнинг пахса уриб қурилганига саккиз аср булган. Тарих ўқитувчиси Оммуқсарой — хароба деган номни юз йилча аввал — бетухтов ёгган ёмғирдан кейин деворлари нураб тушганда олган, деганди. Ўқитувчининг айтишича, бир вақтлар Оммуқ қудратли ҳоким Султон Санжарнинг ёзлик саройи бўлган. У чоғларда сарой атрофини соясалқин дарахтзорлар қуршаган экан.

Бизнинг давримизга келиб Оммуқсарой тарихий ёдгорлик деб эълон қилинган. Қираверишга: «Сарой атрофида қазув ишлари олиб бориш мумкин эмас», деган темир лавҳа қўйишди. Археологларнинг келиши кутиларди.

«Экспедиция келгандир балки?» деб ўйлади Берди. Аммо саройда жимлик ҳукм сурарди.

Берди эпчил бола эди. Ярим хароба баланд деворга чиқиш унга чўт эмасди. Қум ва чанг қопланган зинада кимнингдир изи аниқ кўришиб турарди. Сахарлаб кимдир келибди.

Бердини қизиқтирган нарса мана: эски кўза синиғига тупроқ тўлдирилган ва устига қандайдир конверт тикиб қўйилган. Берди дархол кўлни чўза қолмади. Худди биров қараб тургандай у теваракка аланглади.

Бу ердан, баланддан кишлок ва қатор тракторлар кетаётган дала яхши кўринарди. Ҳўв анави Муродларнинг уйи. Умар амаки ўтин ёряпти. Қишлоқнинг нариги тарафида Бердиларнинг уйи. Берди бувисини кўрди. Бувиси товукларни саройга қамади-да, ховли супуришга киришди. Колхоз клуби ёнидаги майдонда репродуктор ишлаб турибди. Ундан туркман кўшиғи таралаяпти. Ҳеч қандай хатар сезмаган Берди конвертни очди.

Ўқувчилар дафтаридан йиртиб олинган бир варақ қоғозга:

«Эрта баҳорда сахар пайтида ажойиб гул — сахаро

гули очилади. Кимда-ким унинг очилишини курса, до-  
журак бўлади, ҳеч қачон ҳеч нимадан қўрқмайди.

Мана шу кўзага саҳро гулининг уруғи экилади. Дар-  
мон берадиган саҳро гули Оммуksарой тепасида очил-  
син, саройга келадиган ҳар кимса саҳро гулини кўрсин-  
да, ҳеч нимадан қўрқмайдиган бўлсин. Сарой ҳам ҳеч  
кимни қўрқитмайдиган бўлсин».

«Бирон тентак ёзгандир-да», — деб ўйлади Берди.  
У коғозга яна бир қаради. — Ие, дастхат таниш-ку...  
Муроднинг дастхати бўлмасин тағин? Худди ўзгинаси!  
«Қўрқокни кувсанг ботир бўларкан», — ажинага  
йўлиққани унга фойдали бўлди чоғи. Нима қилмоқчи  
у, саҳро гули ўзи қанақа нарса, ҳозир бориб биламан.

Берди мушукдек эпчиллик билан йўлга ирғиб тушди-  
да, ошнасаникига югурди.

Умар амаки ҳар вақтдагидай Бердини ҳушнуд кутиб  
олди.

— Уйга кир, -- деди у ва болани олдинга утказиб  
юбориб кетидан ўзи кирди.

— Муродхонинг шу пайтда бувисиникига етиб қол-  
ган бўлса керак, деди Муроднинг онаси Ўғилнавбат  
хола.

— Ростданми? — ҳайрон бўлди Берди.

— Бугун эрталаб жўнаб кетди.

— Ёлғиз ўзими? — сўради Берди.

— Ёлғиз ўзи. Велосипедни минди-ю, жунаб қол-  
ди, — деди Умар амаки.

Ўғлининг бунчалик тез тузалиб кетганига у хурсанд  
эди.

Бердининг назарида Муроднинг хати билан қўшни  
қишлоққа бувисиникига тўсатдан жунаб кетиши урта-  
сида алоқа бордек кўринди.

— У қачон қайтади? — сўради Берди.

— Эртага кечқурун келаман деб кетди.

— Бўлмасам мен эртага келаман.

Ота-онасининг севинчи тушунарли эди, аммо Берди  
ташвишлана бошлади: Мурод уларни алдаган бўлса-  
чи? Бувимникига бораман деб саҳро гулини излаб чўл-  
га кетган бўлса-чи?

Берди лабини тишлаганча кўчага чиқди.

#### 4

Бугун Мурод ҳаммадан олдин турди. У ҳаммасини  
чамалаб, мўлжаллаб, ўйлаб қуйди, кўрпа-тушак қилиб

ётганида ўйлашга вақти етарли бўлганди.

Қопчикқа иссиқ пальтоси билан кўзага сув солиб, эҳтиётлаб ўради-да, багажникка чандиб боғлади. Яна нон, икки қути гугурт, пичок ва белкурак олишни унутмади. Дадасининг дурбинини бўйнига осиб олди. Сафар жабдуқлари тахт қилиб қўйилди. Кеча кечқурун ховлида ётган эски синик кўзага кўзи тушган эди. Бу синик кўзада кучукка овқат беришарди. Мурод уни яхшилаб ювиб, ичига тупрок тўлдирди-да, кейин кўздан кечириб, мамнун бўлди — ҳақиқий гулдон бўлган эди. Хатни эса олдиндан ёзиб тайёрлаб қўйганди.

Мурод итни чақириб саройга кетди. Бола сираям кўркмади. Кундузи сарой унчалик ваҳимали эмасди.

Уйига қайтиб келгач у сахро гулини ўтқазмоқчи бўлган гулдони ҳатто шу ердан ҳам кўриниб турганига хурсанд булди.

— Ойи, мен кетяпман...

— Қаерга? — уйқисираб сўради Ўғилнавбат хола.

— Кеча бувимларникига боргани рухсат берувдингиз-ку.

— Рухсат бердим, рост. Нега мунча эрта жўнаяпсан?

Ўғилнавбат ўрнидан туриб, деразадаги пардани сурди. Уй ёришди.

— Ўххў! Кун чиқиб қолибди-ю. Чой ичиб оласанми?

— Асал билан чурак еб олдим, — деди Мурод. У вақтни бой беришни истамасди. — Кетдим, ойи...

— Майли, бора қол. Бизлардан салом деб қўй. Ҳаммамизнинг сихат-саломатлигимизни айт. Кўп қолиб кетма. Эртага кечқурун қайтиб кел.

Байрам оғанинг сахро гулининг ғаройиб кучи ҳақидаги ҳикояси боланинг хаёлини банд қилган эди. Наҳотки, инсонга куч ва мардлик бахш эта оладиган гул бўлса? Мурод қари чўпонга ишонди-қўйди. Ўша машъум кечадан кейин у, Берди билан бошқа болаларга кўрқок эмаслигини исботлашнинг бирдан-бир йўли — сахро гулини топиш, деган қарорга келган эди! Бу йўлда ҳеч қандай қийинчилик уни тўхтатиб қололмасди.

Қишлоқ орқада қолди. Эндигина шудгор қилинган пахтазордан ўтгач Мурод чаган ва чомуч, пастак черкез ва ербағирлаб кўкарадиган чети ўсиб ётган сахрога етди. Поёни кўринмаган Қорақум чўли шу ердан бошланарди.

Мурод сахрода ўзини анча тетик хис этди.

Аввалига лолакизғалдоқлар кўринди. Кейин эса чучмомалар ва лолалар учрай бошлади. Яшил-кизил ер кўзни қувонтирарди. Кўзга кўринмаган қушлар те-варак-атрофни севинч тароналари билан тўлдириб юборишган эди. Йўлнинг икки тарафидаги барханлар тепасида қўшоёқлар ўтирарди. Олдинги оёқларини ға-ройиб бир тарзда тағларига босиб олишган. Улар узок-дан хонадонларда эшак боғлаб қўйиладиган қозиққа ўхшарди. Муродни кўрган қўшоёқлар худди уни куза-тиб бораётгандек ёнма-ён чопишар, кейин тўхтаб озик излашга тушишарди.

Мурод велосипедини бетухтов сахрога суриб борар-ди. Назарида сахро гули хилват жойда ўсиши керак. Бу атрофдаги қумни одам излари, хайвонларнинг туёқлари бежаб ташлаганди. «Яна — деб хаёл сурди Мурод, — агар сахро гули шу ерда ўсса колхозимиздагиларнинг кўпчилиги уни кўрган бўларди». Шу хаёл билан у пе-далга зўр бермокда эди.

Йўл борган сайин оғирлашиб борарди. Заминда нам кам бўлганидан қум қурук эди. «Эҳ, бир ёмғир ёғиб ўтгандами, юриш анча енгиллашарди», — деб ўйлади Мурод. У осмонга қаради. Ғарб тарафдан паст-лаб сийрак булут сузиб келарди. Ёмғир ёғадиганга ўхшамасди. Жазирамада ёғиб ўтган ёмғирдан наф ҳам йўк. Яхшиси, ёмғир кечаси, салқин тушганда ёғсин. Шунда нам ерга шимилади.

Мурод чўпонлар пода ёйиб юрган колхоз яйловидан ўтди. У диккайган ёввойи пиёз кўрди, яккам-дуккам кўзиқорин учраб турди. Лекин ҳозир уни кўзиқорин кизиктирмасди, унинг кўзи ғаройиб гулни изларди.

Навбатдаги бархан этагига етганда Мурод дам олишга қарор қилди. Велосипедини пастаққина бутага тираб қўйиб, багажникдан озик солинган қопчигини олди. Атрофда ёввойи пиёз барқ уриб ўсган. Мурод хи-ди гупиллаб турган пиёздан узди, бир нечта кўзиқорин терди. Бир қучок шох-шабба билан гулхан ҳам ёқилди. У кўзиқоринни оловга тутиб пишириб, иштаҳа билан еди. Бир оз дам олгандан кейин Мурод излашни давом этдирди.

Кеч кира бошлади. Қукламнинг кеча билан кундуз тенг келадиган пайти, лекин кун ботиши ҳамон бирдан қоронғи тушарди.

Мурод яна бир неча бархандан ошди. Барханлардан



бири ёнида тунашга аҳд килди. У анчагина куриган янтоқ туплаб гулхан ёқди.

Худди Муроднинг гулханида исиниб олмоқчи бўлгандай осмонда бирин-кетин юлдузлар кўринди. Гулхан ловиллаб ёнгани сайин қоронғилик чекина бошлади. Аланга сусайганида эса қоронғилик яна бостириб келарди. Ана шунда Муроднинг наздида қоронғилик қаърида қандайдир махлуқлар юргандай буларди. Лекин Мурод кўркув нималигини билмади. У янтоқ ташлагани сайин гулхан ловиллаб ёнаверарди. Олов ловиллаб баланд кўтарилганда у ўзини хушчақчақ сезарди. «Эҳ, афсус, транзисторни олиб келишни унутибманда, — деб ўйлади у. — Тонг отгунча ўчирмасдим. Бутун саҳрода музика янграрди». У чўп билан гулханни кавлаштирди ва қоронғиликка учқунлар сачради.

Осмонга ярақлаб ой сузиб чиқди. Мурод ой ҳеч қачон ботмаса керак, деб ўйлади: тунда шарқда, жуда баландда кўринади, тонгда бўлса унинг кумуш гардиши ғарбда кўринади. Кишлоқда Мурод ойнинг чиройлигини кўрмаган эди. Фақат мана ҳозир, шу ерда — саҳро тунида унинг чиройини кўрди.

Бу ерда, саҳрода у чўлнинг зангори осмонини умрбодга севиб қолди. «Қорақум тепасидагидек мусаффо осмон жаҳоннинг ҳеч ерида йўқ», деган эди Байрам оға, Мурод эса бу гапга кўшилади. Бугун у тубсиз мовий кўкка маҳлиё боқаркан: «Қорақум тепасида осмоннинг мовийлиги тиник мовий сув ҳақидаги чўл орзусини акс этдиради», деди ўзига.

Иссиқдан лоҳас бўлиб қанча ухлаб қолганини билмайди. Тушида Бердиникига бораётган эмиш. Эшигини тақиллатса ҳеч ким очмасмиш. Эшикни очиб кирса — уй хувиллаб ётибди. У остона ҳатлаб ичкари кирса ер упирилиб тушиб кетганмиш. Мурод пастга қулабди. У узок қулабди ва ахийри аланга устига тушганини ҳис қилибди. Қаёқдандир Кейкил момо пайдо бўлибди, у зўр бериб гулханга чўп ташлармиш.

«Ёрдам беринг, момо, ёняпман», деб ёлборибди Мурод.

«Минг бор ялинсанг ҳам ёрдам курсатолмайман, — деб жавоб берармиш Кейкил момо ва зур бериб оловни пуфлармиш, — ҳалос бўламан десанг, уч марта қўл-хуоблони ўки», — дермиш.

Иссиқ яна кучаяверибди. Мурод оловдан чиқиб кетмоқчи бўлиб уринаркан-у, лекин иложини қилолмас

экан. Унинг мана шу аланга каърида ёниб кетиши аниқ эмиш. Алам билан тепага қарабди. Шу пайт рупарасида ўша орзу қилган гулини кўрибди. «Сахро гули! Сахро гули!» — деб кичкирибди Мурод ва унга қараб талпинибди.

— Ҳой, ўғлим, кўлингни ол, — деган бўғик товуш эшитибди, — куйиб қолма яна.

Мурод уйғониб кетибди. Уйғонибди-ю, қаердалигини дарҳол англолмабди.

Гулхан ёняпти. Ловиллаган алангадан чехраси ёришиб нуроний бир қария ўтирибди. Қариянинг чехраси очик, меҳрибонлигини кўриб Мурод тинчланди.

— «Ит қуп ҳураp — меҳмон чорлар», деган мақолни биласанми? Қумда гулхан ёксанг бас, албатта бирон кимса келади, — қулди оксокол. — Кўноқ танлаб қунади, дейишади. Мана мен чақирмасанг ҳам, кунглимга яқин олиб ёнингга қўндим. Уйқингда совук қотмагин деб гулханингга шох-шабба ташлаб ўтирдим. Исминг нима, ўғлим?

Мурод хириллаган овозда уйқусираб исмини айтди.

## БИРИНЧИ ҲИКОЯ

— Қани, тура қол энди, Мурод, — деди оксокол ва яхшироқ ёнсин деб гулханни кавлаштирди. — Қуноғингнинг кимлигини билдинг келмайдими?

Муроднинг уйқуси ўчди ва у гулхан ёруғида қаршисида ўтирган оксоколга қаради. «Бемаҳал келган меҳмондан ва тонгда кўтарилган бўрондан кўрк» дейишган, лекин бу поёнсиз саҳрода ёмон одам бўлмаса керак», — деб ўйлади Мурод. Бошига келган фикрни меҳмон билиб қолмасин деган хаёлда дарҳол жавоб берди:

— Билгим келади...

— Менинг исмим Қандим оға. Бу ерларда уста Қандим дейишади — қудуқ кавлайман. Бугун бари бир қишлоққача етолмайман, деб шу ерда тунамоқчи бўлдим. Бирдан гулханингни кўриб қолдим... Бир оз гаплашиб ўтирамыз-да, ётиб ухлаймиз, — деди уста Қандим. — Ўзинг кимсан, қаерлисан?

Мурод қудуқ қазувчи уста унинг меҳмони булганидан хурсанд эди. Маврудини топиб «сахро гули» хақида суриштираман, — деб ўйлади у. Кейин қисқагина қилиб:

— Ҷувчиман, — деди.

— Агар ўқувчи бўлсанг, ёлғиз ўзинг кумлар орасида нима қилиб юрибсан?

— Ўзим шунчаки, ҳеч нима... Ҳозир каникулимиз, шунинг учун ҳам келдим, — ноаниқ жавоб берди Мурод.

Уста Қандим Муроднинг бир нимани яшираётганини пайқади чоғи.

— Бизнинг давримизда: сир тутилган сўз — ташвишга, яширилган дард — ҳасталикка айланади, дейишгучи эди. Сен ниманидир мендан яширяпсан. Айт — имконини топсам, ёрдамлашаман. Олтмиш ёшга кирган бўлсам, шундан қирк беш йилини саҳрода ўтказдим... — деди.

«Хонаси келганда отангни аяма», — Мурод уста Қандимнинг ўзи тилидан илинганига хурсанд бўлди.

— Қандим оға, бир нимани сўрасам айтасизми? — деди у.

— Нега айтмас эканман? Шу чокқача билганимни ҳеч кимдан пинҳон тутмадим.

— Саҳро гули деган ғаройиб гулни ҳеч қачон кўрганмисиз? — сўради Мурод юрагини ховучлаб.

Уста Қандим гап нимадалигини англади. Мурод синчковлик билан унга тикилиб турарди. «Ҳе, болакай, довюррак бўлишни орзу қиларкансан-да? — ўйлади чол ва унга шундай жавоб қилди:

— Ҳаётимда бўлган бир воқеани сенга айтиб берман. Саҳро гулини кўрганманми, йўқми, шундан ўзинг хулоса чиқаргин.

— Гапираверинг, Қандим оға. — Мурод унга яқинроқ сурилиб ўтирди.

Гулхан олови пасайди. Ёнмай қолган шох-шаббалар тутаяпти. Қария энгашиб оловга пуфлай бошлади. Аччиқ тутун кўзига кирди. Уста Қандим норозилик билан қовоғини уйди.

— Кўзингизга тутун кирдими?

— Ҳа, зарари йўқ, ҳозир ўтиб кетади. Саҳро гулханининг тутуниям шифобахш бўлади.

У кузини ишкалади, ўрнашиб ўтириб олди-да, хиқоясини бошлади:

— Бу воқеа неча йиллар муқаддам бўлган. Ўшанда ўн тўртга қираётгандим. Муйлабим эндигина сабза ураётган эди. Дадамга кўмаклашиб юрардим. Биз та-



рафларда отам билимдон уста саналардилар. Шогирдлари Окжа билан биргаликда кудук тозалашарди. У чокларда тозаланган кудукнинг хар кулочи учун битта кўзи бериларди.

Жазирама иссик кунларнинг бирида биз эски бир кудукни тозалашга киришдик. Одатга кўра кудукка тушишдан аввал отам улокни саночга — чарм пакирга солди. Кудук жуда чукур экан. Хозирги ўлчовга кўра юз метр келарди. Пакирни туя тортиб чиқарарди. Туя жудаям аклли, мўмин эди. Пакирни тортиб чиқариш керак бўлганда мен Қоракўзимизни анча узокка ҳайдаб борардим. Пакирни кудукка тушираётганимизда бўлса оркага қайтардик. Шундай қилиб эртадан кечгача туя икковимиз уёқдан-буёққа юриб турардик. Энди бўлса кудук кавлаш ҳам, тозалаш ҳам машинанинг гарданида. Бир қултум сувни ичиб бўлмасингдан ҳаммаси таппа-тахт...

- Шунақа, улоқча то зим-зиё коронғиликка тушгунча ўлгудай типирчилаган бўлса ҳам кудукдан худди хушxabарчидек эсон-омон чикди. Энди дадам тушаверсалар бўлади. Дадам худодан омад тилаб коронғи кудукда ғойиб бўлдилар. Орадан бир канча вақт утгач: «тортинглар!» деб бакирдилар. Юкорига саноч тула кўкиш балчик чикди. Биз уни тукиб ташладик-да, яна кудукка туширдик ва яна саноч тўла балчикни тортиб олдик. Хуллас, туя билан гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бешолти марта бориб келдим. Бирдан кудукдан: «Тортинглар!» деган буйрук эшитилмай колди. Акжа икковимиз кўркиб кетдик. Сукунат бизга жавоб бўлди. Акжа дарров белига арконни боғлади. Мен уни оҳиста кудукка тушурдим. У «торт!» деб белги берганидан сўнг, мен шошиб туяни нари ҳайдадим. Кудук устида саночнинг бир чеккаси кўринар-қуринмас ўша тарафга югурдим. Отам саноч тагида икки букилиб ўтирар, рангида кон қолмаган эди. У ўликка ўхшарди. Шу махал кудукдан: «Қандим, саночни тушир...» деган овоз эшитилди. Дадам билан овора булиб Акжани унутибман. Пакирни дархол кудукка туширдим. Лекин Акжа «торт» деган белги беравермади. «Акжа! Акжа! — деб чакирдим мен. Жавоб йўқ. «Кудукка тушиб кетгандай жимжит» деб тўғри айтишган экан. Ҳамон жавоб йўқ. Мен туяни кудукдан нарига ҳайдадим, лекин пакир бушлигини дарров англадим. Нима қилсам экан? Ўзимни йўқотиб кўйдим. Ўзим кудукка тушардим-у, лекин туя-

ни ҳайдайдиган одам йўқ. Акжанинг бахтига шу маҳал дадам ўзларига келиб қолдилар.

«Акжа» деб чақирдилар дадам шогирдларини. — «Анави ёқда», — деб йиғлаб юбордим. «Нега қараб турибсан? Туш тезроқ!» — деб буюрди дадам. Ўринларидан турмоқчи бўлдилар-у, лекин йиқилиб тушдилар. Бошлари айланиб кетган бўлса керак. Дадам бир амаллаб ўринларидан турдилар. «Сизларни тортиб чиқариш учун туяни нарига ҳайдай оламан. Фақат сен илдам бул, уғлим» — деб тайинладилар дадам қудукка тушиб кетаётганимда.

Қудукдан қўланса хид келарди Бу даҳшатли исни мен бутун умрга эслаб қолдим. Бир амаллаб Акжани ёнимга утқаздим-у: «Тортинг!» деб кичқирдим...

Кўзимни очиб қарасам, ерда ётибман, кимдир сув ичирыпти. «Дада!» — деб чақирдим. «Бардам бўл, иним», — деди Акжа. — Бизни қутқазаман деб узлари...»

Мана шунақа гаплар. Ўзим йиғладим, ўзим овундим. Дадам бизни қудукдан чиқариб бўлишлари билан яна хушдан кетганларини ва қайта ўзларига келмаганларини кейин Акжа сўзлаб берди.

Дадамнинг жасадини Қоракўзга ортдик-да, эртасига кишлоққа етиб келдик.

Ўша пайтда дадамлар, хозир ҳаммамизга хизмат қилаётган газдан заҳарланганларини энди биламан. Эски қудук тубида, неча қават лой тагида жуда катта кучга эга бўлган газ запаси бўлган экан-да.

Мурод бир оғиз гапиришга ботинмай хўрсиниб кўйди.

Уста Қандим Муроднинг нима демоқчилигини англагандай эди.

— Йўқ, мен бу касбни ташламадим, — деди у. — Дадамнинг шогирдига шогирд тушдим. Ҳеч қандай қийинчилик, ҳатто ўлим ҳам мени кўрkitолмасди. Мен уз мақсадимга етдим. Қирқ йил ичида саҳрода йигирмата қудук қавладим. Элликта қудукни тозаладим, неча-неча суви қочган қудукларнинг кўзини очдим.

Мана шунақа гаплар... Қани, Муродхон, ўзинг хулоса чиқаравер, ўша саҳро гулини кўрган эканманми...

Мурод бунга шубҳа қилмасди. Албатта, саҳро гулини кўрган одамни учратганидан ўзини бахтиёр хис этарди.

Тун сукунатини узокдаги мотор шовкини бузди, аммо машина ҳам, фараларнинг ёруғи ҳам кўринмасди.

Кандим оға Муроддан қайси қишлоқданлиги, кимнинг фарзандилигини сўради. У Байрам оғанинг таниши булиб чиқди.

- Унга етар чупон йўқ, — деди уста Кандим. — Унинг подаси учун иккита қудук кавлаб берганман.

Мурод Кандим оғанинг хикоясини тонг отгунча тинглашга тайёр эди. Лекин қария чарчаб қолди.

- Бирпас ҳордик чиқарайлик, кўз ҳам дам олсин, нима дейсан, Муродхон? — деб сўради у ётишга хозирланиб.

Четига қизил адип тутилган кенг пўстинини ерга ёйди. Пўстиннинг ярмига ётиб, иккинчи ярмини устига тортди.

Муроднинг ётишдан бўлак иложи йўқ эди.

- Э-э, саҳрога жудаям юпун чиқибсан-да. Кечаси совуқ котиб қоласан.

Кандим оға болага пўстинини берди. Мурод қаршилик қурсатди.

- Олавер, олавер, — қатъий деди Кандим оға. — Саҳро билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Исиниб олгач Мурод зумда ухлаб қолди. У ҳатто уйдагидан ҳам каттиқроқ ухлади.

Эрта билан Кандим оға уни уйғотди.

- Чой дамлаб кўйдим. Бир пиёла ичиб ол. Менга ростини айт-чи, қаёққа, кимникига кетяпсан?

- Ростини айтсам, ҳеч қаёққа кетаётганим йўқ, Кандим оға. Саҳрога саҳро гулини излаб топгани келдим. Бугун кечгача излаб кўраман-да, кечқурун қишлоққа қайтаман, жавоб берди Мурод. — Ҳозир каникулдамиз, мактабда дарс йўқ.

— Сузингга ишонаман, — деди Кандим оға боланинг кўзига тик боқиб. — Узоқлаб кетма, адашиб қоласан. Саҳро гулини бугун тополмасанг ҳам зарари йўқ. Ёлғиз ўзинг саҳрога чиқишга қўрқмабсан. Демак, довжурак экансан.

Кандим оға билан хайрлашгач Мурод узини ёлғиз ҳис этди. Бола қария билан кўп нарса ҳақида — сабот, матонат ҳақида суҳбатлашгиси келарди. Лекин ҳар қишининг ўз сўқмоғи бор. Ҳаёт ўз йўлида давом этади, инсон асосий мақсадига эришишдан тоймаслиги керак.

Мурод яна саҳродан юриб кетди. Оёқ остидаги қум худди кечаси ёмғир ёғиб ўтгандай нам эди.

Мурод шу пайтгача тонгни саҳрода кутиб олган эмас. Ҳозир у кўзи олдида намоён бўлган гўзалликни ҳеч қандай сурат, ҳеч қанақа сўз билан тасвирлаб бўлмаслигини ҳайрат ва завқ билан ўйлади.

Барханлар тўлқин-тулқин бўлиб узок-узокларга чўзилиб кетган эди. Ҳадсиз-ҳисобсиз гуллар — лолакизгалдоқлар, чучмомалар, Мурод билмаган хушбўй кукатлар барханлар ёнбағри ва пастликларни тўлдириб юборганди. Аммо бу гуркураган ҳаёт ичида у кидираётган саҳро гули кўринмасди

Кейинги бархандан ҳам истаган гулини тополмай Мурод сиқила бошлади. «Нима, кўрқок деган лақабдан осонгина қутуламан деб ўйлаганмидинг. Агар саҳрога кадам кўйган ҳар бир киши қаршисида саҳро гулини кўраверганда, дунёда биронта ҳам кўрқок қолмасди», — деб ўйларди Мурод ўзича.

Узоқда бирон бошқачароқ гул кўзга ташланиб қолса боланинг наздида юрагига қувват қўйилаётгандай бўларди. У қаддини илдамлатар, лекин яқинроқ боргач бу нотаниш гул саҳро гули эмаслигини биларди. Шунда у кўрқок эмаслигига ишонтириш зарур бўлган аввалги Муродга айланарди.

Муваффақиятга умид қамая бошлади. У боши оққан тарафга ўриб, тўсатдан чўпон кўрасидан чиқиб қолди. Атрофи ураб олинган бу манзилгоҳ барқ уриб ўсган черкезлар орасида, бархан этагида яширинган эди.

Мурод кўрага кирди. Кўра хувиллаб ётарди. Майдон уртасидаги гулхан ҳали учиб улгурмаган эди. Демак, чўпон подаси билан яқинда чиқиб кетган.

Мурод орқасига ўгирилиб, энди йўлини давом этдирмокчи бўлиб турганда, баҳайбат чўпон ити пайдо булди. Бола қурқиб, турган жойида қотди. Ит унинг ёнига келди-да, оёғи тагига чўзилди. Мурод энди юраман деганда, ит найзадек ўткир тишларини иржайтириб ириллади.

Мурод ёрдам кутиб аланглади: атрофда сокин саҳро ястанганди. «Пода бугун қайтиб келмаса ҳолим нима кечади? Ана сенга гул. Топган гулим шу бўпти-да. Табриклайман!»

Мурод жаҳл билан итга қаради. Ит унинг йўлини тусиб хотиржам ётарди. Чўпон ити ўз вазифасини виждонан адо этарди: кўрага келган ҳар қандай кимсани чўпон ёки чўлиқ келгунига қадар чиқармасди.

— Йўқол! — деб қичқирди Мурод.



Ит парво қилмади. Иг болага эътибор бермай, хозиргина ёқимли сайраган тўрғайни кўзи билан излагандай бошини кўтарди.

Муродда кичкинагина, нинанинг учидайгина умид пайдо бўлди. Нахотки, чўпоннинг ити музикани ёқтирса? Мурод кўшиқ айтиб юборди ва ит қулоғини чимириб, унга ўғирилди. Мурод эслаган ҳамма кўшиқларини кетма-кет қуйлайверди. Ашула айтганча секин илгарилайверди. Баҳайбат бурибосар каттакон бошини эгиб, шошмайгина ёнма-ён борарди.

Улар қурадан чиқдилар. Велосипед ғилдираги ва боланинг оёғи сочилувчан қумга чуқур ботиб борарди. Велосипедга миниб олиб, қочиб қолишни ўйлаб ҳам бўлмасди. Бахтига олдинда кенг дала, тақир ер чиқиб қолди. Энди Мурод кўзини теп-текис даладан узмасди. Тақирга етгач Мурод хавотирланиб итга қараб кўйди. Эҳ, бўлганича булар! Мурод ирғиб велосипедга минди ва кучи борича педални босди.

Саҳрода туғилиб ўсган бўрибосар макрнинг нималигини билмаганидан ўзини йўқотиб кўйди. Бўрибосар бўғиқ товуш билан қочқ кетидан қисқагина ҳуриб кўйди ва тақир чеккасидаги чети бутаси тагига бурилди.

Асирликдан қутулганига ишонмаган Мурод ҳарсиллаганича, велосипеднинг тезлигини камайтирмай барханни айланиб ўтди.

Қейин унинг қаршисида яна қум саҳроси бағрини очди. Яшил кўкатлар устида ранго-ранг чечаклар гул очганди. Қияликларда қиёқлар гуркираб ўсарди. Луппингина дон туккан супурги гуллар тўйдириб сув берганлари учун миннатдор бўлгандай эгилган, чомуч гуллар эса гуллари терилган навдаларини кўл сингари ёнга чўзган эдилар.

Муроднинг руҳи тушди. Бу ерда ҳам саҳро гули қуринмайди, орқага ҳам қайтиб бўлмайди — уёқда бўрибосар бор. Нима қиларини билмай Мурод ҳардамхаёллик билан атрофга аланглади ва олдинда бурғилаш вишкасига кўзи тушди. «Гулни кўрмадим, ҳеч бўлмаса вишкани яқинроқдан туриб кўраман-у, уйга қайтаман», — деган қарорга келди кайфияти бузилган Мурод.

Вишка у ўйлагандан кўра анча узоқда экан. Бола унга яқинлашиб борганида кун ботиб борарди. Айтарли ҳеч нимани кўрмади. Оддийгина вишка олдида бўёғи кўчиб кетган трактор турарди. Атрофида темир бочка-

лар, пулат кувурлар тахланган. Нарирокда устига ялтирок ёғлик қоғоз ёпиштирилган ёғоч кулба қакқайиб турар, ёнида — темир печка.

— Хой, ошна! — деб чакирди Муродни печкага олов ёқаётган киши. — Ўз вишкангни таниб қолдингми? «Топган севинади, таниган олади», шундайми?

Якинрок боргач Мурод саломлашди-да:

— Хақиқий вишкани биринчи кўришим, — деди.

-- Якингинада геологлар одам оёғи етмаган саҳрода қидирув ишлари олиб боришарди. Борган сайин кишлоқларга яқинлашишяпти. Бир-икки йилдан кейин қарабсанки, шундоққина уйлар ёнида вишкалар қурилади. Туркман замини — дарҳақиқат хазина экан, — деди қозонга сув қуяётган қорачадан келган киши.

Шу чок бола қовурилган гўшт хидини сезди. Мурод сулагини ютди-да, уялиб сўради:

— Газ излаяпсизларми ёки нефть?

Газ ва нефть билан бизнинг нима ишимиз бор, — деди қорачадан келган киши. -- Биз сув излаяпсизлар, азизим. Аввал сув топиш керак, шундан кейингина нефть ёки газ изласа бўлади. Туркманистонимизда ҳамма нарсанинг боши сув эканлигини билмайсанми? Шунинг учун ҳам саҳрога ҳаммадан аввал биз — гидрогеологлар борамиз. Биз сув излаб топамиз, бизнинг кетимиздан бурғучилар келишади. Вишкани кўрганлар албатта нефтчилар ишлашяпти, деб уйлайдилар, негаки уларни ҳамма биледи. Агар улар саҳрога биздан аввал бориб қолишсами, сувдан бўлак ҳеч нимани уйламаган бўлишарди.

Гидрогеолог ўз қасбини ҳамма қасблардан юқори қўяётганини Мурод англади.

— Сен: «Озиғимиз — сув, нонимиз ҳам — сув. Томиримизда оқаётган ҳам — сув...» — деган сатрларни билсанг керак. — Исминг нима? Нечанчи синфда ўқийсан? — сўради гидрогеолог.

- Бешинчи синфда ўқийман, исмим Мурод.

— Менинг исмим Саҳроқул.

— Саҳроқул? — қайтариб сўради Мурод. — Эрта кўкламда саҳрода ажойиб гул — саҳро гули очилади, дейишганини эшитганмисиз? — савол беришдан ўзини тия олмади Мурод. — Уни кўргандирсиз балки?

Саҳроқул болага ярқ этиб қараб қўйди. Унинг қуздан боланинг саҳрога бекор келмаганини уқди.

Одамни довурак қиладиган гулни айтяпсан-

ми? — суради Сахрокул. — Бу гулни кўрган кимса кўр-  
қув нималигини билмайди-да, а? Шундайми?

— Шундай! — деди Мурод ва гидрогеологнинг пин-  
жига суқилди. — Сиз ростдан ҳам шу гулни курганми-  
сиз?

Сахрокул жавоб бермади. У имо қилиб болани уйга  
чақирди.

— Ҳавога булут чикди, — деди Сахрокул. — Ке-  
часи ёмғир ёғмаса эди... Сахро гулини курмаганмисиз  
деб сўраяпсанми? Бунинг тарихи узок, қисқа қилиб  
сўзлаб бўлмайди.

У деразанинг оқ пардасини сурди, эшикни ланг очди.

— Сахрокул ака, ёлбораман, сузлаб беринг! Икки  
кундан бери велосипедимда сахро кезиб, у гулни ҳеч ер-  
да кўрмадим. Балки сахро гули асли йўқ нарсадир. Ил-  
тимос, сўзлаб беринг. Илтимос, сўзлаб беринг! — ёл-  
борди Мурод.

— Э-э, шамол кўтариляптими? — Сахрокул эшик-  
дан ташқарига қаради.

Мурод хайрон бўлди... Қумлик сокин эди, бирон бир  
япроқ қилт этмайди. Гидрогеологнинг дили ғаш кўрина-  
ди.

У Муроднинг қаршисида хаёлга толиб ўтирарди.  
Муроднинг саволига жавоб бермоқчи бўлган Сахрокул  
хаёлида қандайдир хотиротлар жонланди.

— Агар сендан очарчилик ҳақида сўрасам, бу нима  
ўзи дейсан хайрон бўлиб, — деди охири Сахрокул.

— Очарчилик ҳақида эшитганман, — деди бола  
тутилиб, — дадам сўзлаб берганлар.

Сахрокул нима учун буни сўраганини у тушун-  
маган эди. Оға гапни бошқа ёкка бурмоқчимасмикин.

— Ўз бошимиздан кечирмаган нарсаларни китоб-  
лардан биламиз, Сахрокул оға. Гапириб беринг?

— Очарчиликнинг нималигини ҳеч қандай китоб  
тасвирлаб беролмайди, Муроджон. Энди ҳеч ким, ҳеч  
қачон бу даҳшатли мусибатни бошидан кечирмасин...

## ИККИНЧИ ҲИКОЯ

Уруш бошланганда мен ўн икки яшар бола эдим. Ҳо-  
зир нечага кирганимни ҳисобламоқчи бўлсанг, ҳали бо-  
бо эмаслигимни англайсан. Одамлар сочимнинг оқини  
кўриб мени Сахрокул оға дейишади. Ёшим нечадалиги-  
ни сурашмайди... Ҳа, уруш бошланди, қишлоғимизда

эркак зоти қолмади. Менинг дадам ҳам фронтга кетди. Ҳатто бобомга ҳам иш топилди. Уни ишчи батальонига олишди. Уйда ойим, бувим ва туртта укам билан мен қолдик. Аввалига икки йилгача бир кўлаб кун кечирдик, учинчи йилга бориб аҳволимиз таш бўлиб қолди на ейишга, на ичишга нарсамиз бор. Қолхоз, албатта, имкони борича қарашар, атала пиширишга бир оз ун берарди. Лекин бу албатта камлик қиларди. Кунлардан бир кун Тошоузда арпа билан жўхори куп эмиш, тилла ва кумуш тақинчоқлар билан нақшинкор либосларга алмаштиришармиш, деган гап тарқалди. Билагузук ёки гулёка либосга ярим қоп жўхори беради, дейишди. Аллақим нақшин камзулини ун килограмм мошга алмаштириб олганмиш, дейишди...

Оч ақлини йўқотади. Қишлоқда ҳеч ким бу мусибат бутун мамлакат бошига тушган, деб ўйламабди ҳам. Қишлоқда ҳамманинг оғзида Тошоуз.

Навкар оға Тошоузга борадиган бўлди. Ҳамма болалар орасидан мени ўзига ёрдамчи қилиб танлади. Мен айни чоғда ҳам севинар, ҳам кўрқардим. Укаларимга озик келтираман деб севинар, шу билан бирга сафар чоғида буюмларимни ўғирлатиб қўйишдан кўрқардим. Ўша чоғларда биз тарафларда қочок босмачилар пайдо бўлганди.

Шундоқ... Отланишга икки кун кетди. Навкар оғанинг уйи гавжум эди, халойиқ туйга келаётгандек қурнарди: улар зеб-зийнат ва ҳар турли камзул, чопон келтиришарди. Бир халтага зеб-зийнатни жойладик, иккинчи қопчикка кийим-кечакни тикдик. Икки бочкага сув тўлдириб олдик, хуржунларга арпа нон солдик. Бутун қишлоқ аҳли гўдақларининг, ўзларининг насибаларидан қирқиб бизга нон епти.

Шундай қилиб Навкар оға икковимиз йулга тушдик. Қарвонимиз ун туядан иборат эди.

Бепоеъ саҳродан худди кети кўринмайдиган денгизда сузаётгандай борамиз. Биз бораётган сўқмоқ осон эмас эди. Апрель иссиқ келган эди. Офтоб баланд кўкатларни қуритиб-қовжиратиб юборган. Биз бир кун, икки кун йўл юрдик — қумнинг охири кўринмасди. Бирон бир бархан кетида уй-жой қуриниб қолишига ишончимиз қолмаганди. Бир хилдаги йўл жонимизга тегди. Фақат умидгина бизга куч берарди. Мен уйимизга ун билан дон келтираман деб хаёл сурардим.

Учинчи кун ҳам йулдамиз. Гапимга ишон, асло мубо-

лаға қилаётганим йүк, биз ошиб ўтган барханлар тоққа ухшарди. Хақиқий кум тоғлари. Учинчи куни барханлар ортидан бутун осмонни тутиб, бизга қараб довул булутлари сузиб кела бошлади. Бунақа вахимали булутларни умримда сира қурмадим.

Вой-бүй, мана бұ булутларнинг түси неға мунча вахимали. — дедим Навкар оғага.

Навкар оға булутга мөндан аввал эътибор қилган эса-да, ташвишланганини сездирмаслик учун жим турган эди.

— Хозир шамол күтарилади, — деди Навкар оға аланглаб, қуниш учун қулай жой изларкан. — Пасткамликда беркиниб, туяларни чуққалатиб улғурни керрак.

Шамол Навкар оғанинг гапириб бўлишини кутгандай эди. Тусатдан этагида биз кетаётган барханнинг аввал бир еридан, кейин бошқа еридан қуюн кутарилди. Яна бир дақиқадан сўнг бутун бархан остун-устун булди.

— Муроджон, уша қуюн сенинг кишлоғингда эсатдиган шамолга сира ўхшамайди. — Бу ҳеч ўхшаши йүк бир ҳол эди. Биз бир қадам ҳам оёқ қуёлмай, қузимизни очолмай қолдик. Туяларни чуқтиришимиз керрак эди, аммо улар итоат этмасдилар. Довул кучайгандан кучайиб борарди. Бизни-ку қуявер-а, туялар ҳам тик түролмай қулай бошлади, шамол уларни чирпирак қилиб қумда думалата кетди.

Қумнинг тасирлатиб уриб туришидан сақланиш учун қопчиқлардан бирига маҳкам ёпишиб олдим. Довул қанча давом этди, билмайман, неғаки ҳушимдан кетган эканман. Ўзимга келсам — ётибман. Бўроннинг тинганига бир кун бўлганми, ёки икки кун бўлганми, билмадим. Шамол ёнгинамда қаттақон бархан пайдо қилибди, атрофимда жонзот йүк. Қум барханлари устида кип-кизил қуёш беаёв қиздирыпти. Қуёш күтарыляптими ёки ботяптими, англай олмайман.

Бархан тепасига чиқиб теварак-атрофга алангладим. Қарасам, сал нарида яна бир бархан пайдо булибди, ёнида нимадир қорайиб күриняпти. Севинганимданми, фалокатни ҳис этганимданми, юрагим гупиллаб кетди. Пастга сирғалиб тушдим-да, ёнига югуриб бордим. «Навкар оға!» деб қичқирдим йиғи аралаш. Қария жавоб бермади. Боёқиш, одамларимизни улимдан сақлаб

қолиши керак бўлган зеб-зийнатлар солинган қопчиқни бағрига босганча ётарди.

Мен Навкар оғани ухлайпти деб уйлаб, уйғота бошладим. Унинг жон таслим қилганини хаёлимга ҳам келтиролмасдим. Оёғимда мадор йўқ эди, кўз олдим қоронғилашиб, бир неча бор йиқилиб тушдим ҳам...

Навкар оға мангу уйқуга кетган эди, кум барханлари орасида ёлғиз қолгандим. Нима қилай энди? Довул бошланганда турган жойимизни айланиб чиқдим. Ярмигача кум тагида қолган бочкамизни кўриб қолдим, сув ичдим. Энди уёғига нима қилишимни билмай қайганимча қолдим. Тўсатдан... Қарадим-у, кўзимга ишонмадим: узокда кичик бир нукта бўлиб туя келяпти, тикилиб қарадим ва бахтим мени ташлаб кетаётганини англадим. Чақирганим билан, бақирганим билан бефойда, жудаям узоклаб кетган. Шунда мен жон ҳолатда чопиб кетдим. Орамиздаги масофа қамайгач, бақирдим. Одам угрилиб қаради, мен эса мадорсизликдан ерга қуладим...

Сочимнинг илдизи ўша дахшатли кунда оқариб кетган бўлса керак. Ҳушимга келганимда оғзимда сув таъмини туйдим. Бир одам менга сув ичираётган эди.

«Қимсан?» — деб сўради у.

Жавоб қайтаришга ям мадорим йук. Навкар оға ётган тарафга қул силтадим.

Сўнгра Навкар оғанинг жасадини туяга ортишда у кишига кумаклашдим. Биз йўлга тушганимиздан кейин у киши: «Бизнинг қишлоққа борамиз», деди. Йул-йулақай у мендан қария билан қаёққа, қай мақсадда бораётганимизни суриштириб олди. «Тошоуз жудаям узок», деди менинг ҳалоскорим ва ачиниб бош чайқаб қуйди.

Бир қанча вақтдан сўнг кумликлар орасидаги кичик бир қишлоққа етиб бордик. Уни қишлоқ деб ҳам атаб бўлмайди — бешта қора уй ва бир нечта четан қура — чорвадорлар қишлоғи. Навкар оғани шу ерга дафн этдик. Мен хужасни йўқотиб қуйган итдек қулбалар атрофида довидираб юрардим. Қаёққа борай, нима қилай? Яққа-ёлғиз орқамга қайтиб кетолмайман. Аммо бу саҳрои киши мени олдига бошлаб келган одамлар ғамхурлик курсатинди. Улар эртасига менга: «Тайёр бўлиб тур, сени уйингга элтиб кўямиз», дейишди. Севинганимдан йиғлаб юбораёздим.

Бу ажойиб одамлар мени уйимга олиб бориб қуйди-

гина эмас, улар бизга бир қоп бугдой беришди, зеб-зийнат солинган қопчиқни қайтаришди. Аёлларингиз ва қизларингиз Галаба қуни йигитларингизни кутиб олганда тақиб чиқишсин», — дейишди улар.

Уруш тугагач мен Ашхободга уқишга бордим, гидрогеолог бўлиб бутун Қорақумни кездим. Кейин ҳам қум бўронларига дуч келдим, лекин энди улар мени кўрkitолмасди. Мен ишладим, қийинчиликларни енгдим...

Мен сахро гулини кўрганманми, сени шу қизиқтиради. Сенга нима деб жавоб қайтаришни билмайман. Балки, кўргандирман. Кукламда сахро гулга бурканади. Уларнинг қан бири сахро гуллигини ким билади дейсан? Аммо, менимча, Муроджон, гап бунда эмас. Қурқоқ одам сахрога қадам қўя олмайди. Сахро одамни синайди, чиниқтиради. Мана сен сахро гулини излаб чулу биёбонга йўл олдинг. Демак, сен қийинчиликлардан кўрқмадинг. Лекин шуни билиб қўй: сахро билан ҳазиллашиб бўлмайди. Кечкурун уйга етиб боришим керак деяпсан. Демак, шошилишинг керак.

Сахроқул оғанинг сўзини тингларкан Мурод ундан кўз узмасди. Унча қари булмаса ҳам сочи ошпоқ. Сахро гулини у кўрганмикин ёки йўқми? Гидрогеологнинг туриш-турмушидан куч-қувват, сабот-матонат ёғилиб турардики, Муроднинг наздида бу ажойиб одам сахро гулини кўрибгина қолмай бу гаройиб гулнинг уруғларини экиб кўпайтиргандек эди. Сахроқул ёнида Мурод ўзини ўшандай бардам ҳис қиларди. Ахир гап фақат гулдами?

## 5

У қишлоқдан чиқиб кетган қуни кечга бориб уйларида яна тус-туполон кутарилиганидан Мурод беҳабар эди.

Қутилмаганда, шаҳарга кетаётиб, Муроднинг бувиси билан яшайдиган Ражабқул тоғаси уларникига келди.

Саломлашиб, хол-аҳвол сўрашганларидан кейин Ўғилнавбат инисидан жиянингни кўрдингми, йўлда толиқиб қолмабдими, деб суради. Шунда Мурод бувисиникига бормагани аниқланди.

Ўғилнавбат яна дод солиб йиғлашга тушди:

- Вой, менинг шўрим қуриб қолмасайди-я, юрагим сезиб турувди-я. Шўрликкина болам-а! Вой, одамлар, энди нима қиламан, вой, вой!

Бояқиш онани овутадиған ҳеч қандай қуч бўлмаса

керак. Бунака пайтларда хонадонда кекса одамнинг бўлгани яхши. Кекса одам довдирамайди, эсини йукотмайди. Ўз маслаҳати, оғир-босиқ сўзлари билан кунгилга умид солади, ғамни енгиллатади.

Махтумовлар хонадонигаги ташвишлардан хабар топган Байрам оға уларникига шошилди.

- Нега дод солаётибсан, келин? Ўғлингга нима булди? Бакириб бутун кишлокни оёкка турғизяпсанку, — деди у остонадан хатлаши биланок Ўғилнавбатга. — Бизнинг кишлокда ҳеч қачон бола йўқолмаган. Топамиз уни! Ўғлинг эртагаёк уйингга кулиб кириб келади.

Кейин эркаклар нима қилишни маслаҳатлашишди.

Ҳар қандай янгилик кишлокка тез тарқалади, шунинг учун куп ўтмай Махтумовларникига Берди билан Султон югуриб келишди.

Эрталабдан бери Бердини ташвишлантирган гумон энди ишончга айланди: Мурод ота-онасига ёлғон гапириб, ғаройиб гулни излаб саҳрога кетган. Берди Оммуқ саройда Мурод қолдирган хатни кўрсатди. Умар амаки билан оксоқол икковлон боланинг сўзларини диққат билан тинглашди ва Муроднинг хатини такрор-такрор ўқишди.

Ҳозиргидек очик ҳавода саҳрода юриш осон эди: нам қумда мотоцикл гилдираклари аниқ-таниқ из қолдириб тариллаб учиб кетди.

Йўловчилар экинзорларни орқада қолдиргач, қумликка ичкарилаб кетишди, Байрам оға мотоциклдан тушиб, велосипед изини қидира бошлади. Оксоқолнинг Толли-қуюга бориладиган йўл серкатнов, дегани рост эди. Кунбўйи бу ердан жуда кўп машина ўтган, юк машиналарининг сербар гилдираги излари орасида велосипеднинг ингичка изи йўқ бўлиб кетиши турган гап.

Кажавали мотоцикл Толли-қуюга етганда қуёш боғиб, атрофга қоронғилик чўқди. Қўрада Муродни ҳеч ким қурмаган эди.

Умар оға, Байрам оға ва Берди чой устида бош эғиб жим ўтиришарди.

Қидиришни эртага давом этдирамиз, энди қайтиб кетайлик, — деди охири Байрам оға. — Биз бу ерда уни излаб юрсагу у уйга бориб олган бўлса-чи?

Оксоқол ошналарига подани саҳрога хайдаб кетганларида сергак бўлишни тайинлади.

Эртасига тонг ёришар-ёришмас учовлари саҳрога



чикиб кетишди. Энг аввал чупонларнинг ёнига боришди, аммо кўрада Мурод хакида ҳеч қандай хабар йўқ эди.

Шунда Байрам оға саҳрони кезиб чиқишни таклиф қилди.

— Мурод велосипедда саҳро ичкарасига кетолмайди, — деди қария.

Мотоцикл йўлдан чеккага чиқди ва барханларни айланиб ўта бошлади.

Учалови ҳар бир пасткамликни синчиклаб кузата бошлади.

Ўтқир кузли Берди шом қоронғусида вишкани ҳаммадан олдин курди.

— У ерда булмаслиги мумкин, лекин ҳар эҳтимолга қарши суруштириб чиқиш керак. Уларни огоҳлантириб қуямиз, — деди Умар оға, унинг овози титраб кетди.

Улар яқин борганларида кичкинагина қулба остонасида турган баланд буйли, қари булмаса ҳам оқсоч кишини кўришди.

Гидрогеологнинг сўзлари йўловчиларга куч-қувват бағишлади.

— Аллақачон онаси ёнида бизни кутиб ўтирган-дир, — деди Умар оға рулга утираётиб.

Хушxabар учун Саҳроқулга миннатдорлик билдириб уйга жунашди. Энди қоронғиликка зўр бериб тикилишга зарурат қолмаганди. Ташвиш орқада қолди ва Байрам оға чарчаганини ҳис этди. У мотоцикл кажавасида мудраб ўтирар ва қурқоклигини енгишни истаган бола хакида: «Яшавор, довюрак бола булади», деб уйларди.

## 6

Мурод ўзича: ҳали вақт етарли. Кечгача уйга етиб оламан. Сўқмоқдан эмас, балки барханни кесиб утаман, деб қарор қилди. «Серкатнов йўлдан бари бир ҳеч нарсани топмайман. Барханлар орасида балки охирида омадим чопиб қолар». Мурод шундай фикрлар билан чеккага бурилди.

Барханлар орасида ўтқизилган икки кун, уста Қандим ва Саҳроқул билан учрашув бола қаршисида янги оламни — мақсади йўлида фидойи одамлар олами очди. Бутун қалби билан Муроднинг ўзи ҳам сабр-тоқатли, матонатли ва ботир бўлишни истади. У бутунлай бошқача булиб қолганини ҳали билмасди.

Ғарбдан сузиб келаётган булутлар карвони кўшилишиб бахайбат қора булутга айланди. Уфқда кўзни олар даражада чарақлаб чакмок чакди ва ҳаммаёк бир дақиқага жим бўлиб қолди. Кушлар, кўшоёқлар ғойиб булди, юмронқозиклар ин-инларига уриб кетишди. Фақат қариллаган қарғалар шохдан-шоҳга учиб кўнардилар.

Бирдан Муроднинг шундок тепасида момақалдирик гулдиради ва бетига оғир томчилар тушди. Мурод шошилиб ўзига паноҳ қура бошлади. Қумда чуқур қавлади, устига узун саксовулдан ташлади, тепасидан шохшабба бостирди. Ертула-чайладек бир нарса хосил бўлди. Лекин ёмғир ўтиб кетгунча бу пана жойда утиришга туғри келмади.

Томчилар бир-бирини қувалаб етиб шундай катта оқимга айландики, худди осмоннинг қаеридадир туғонни очиб юборгандек ерга сув қуйилди. Шу чоғ Мурод пода ҳайдаб келаётган чўпоннинг:

— Курей! Чу, жониворлар! Қани, бўл!.. — деган овозини эшитиб қолди.

— Ҳе-ей!

— Ким бўлсанг ҳам ёрдамлашвор, — деди чўпон. — Кўйлар таралиб кетяпти. Кўзичоклар нобуд бўлмасайди деб қурқяпман. Ҳаммасини бир ерга ҳайдаб келиб, тутиб туришга ҳаракат қилгин. Бу орада мен кўйларни тухтатаман.

Шу сўзлар билан у қоронғида кўздан ғойиб булди...

Чўпон янглишган эди, кўйлар тарқалиб кетмади. Поданинг бир қисми барханни чап тарафдан айланиб ўтган булса, қолганлари тўдалашиб бир-бирига сикилишиб олган эди.

Қўзилар аянчли маърарди. Мурод икки-учта жимитларини кўтариб олиб ўз чайласига қараб югурди. У ерга сув кириб қолган эди. Лекин ташқаридан қура ҳарҳолда яхши эди. Шалаббо бўлган қўзилар панада тинчиб қолишди.

Тонгга бориб ёмғир тинди. Қун ёришганда Мурод подани ҳайдаб келаётган чўпонни кўрди. Мурод қузи-чокларни кўтариб пода истикболга юрди.

— Яшавор, иним! — чўпон Муроднинг елкасига қокди. — Сен қузиларни ҳалокатдан қутқардинг. Юр, қурага. Кийимларингни қуритиб ол, йўғаса шамоллаб қоласан.

— Тезрок кишлокка қайтишим керак, — деб Мурод

кўнмади. — Уйда хавотир олишади, кеча қайтишим керак эди. Велосипедда тез қуриб, исиниб оламан.

— Кел бу ёққа. Овқатланиб, чой ичиб олганингдан кейин борасан уйингга, — деб уни кундиришга уринарди чўпон.

Лекин Мурод уйга шошиларди.

— Хей! Исмингни ҳам сўраб колмабман-а? — деб кичкириб колди чўпон.

— Мурод!

— Қайси колхоздансан?

— Мулланапас номли колхоздан.

— Сени албатта топаман, хей!..

Гуллар ёмғирдан кейин янаям очилиб, яшнаб кетган сахро бўйлаб Мурод завкланиб борарди. У куйлагининг елкасига ёпишиб қолаётгани хақида уйламасликка уринарди. У педалга қанча зур бермасин, совук шамол ўз ишини қиларди. Мурод совкота бошлади.

Мурод тўхтамасдан кетаверди. Хўв ана, олдинда чўзинчоқ бархан. Унинг орқасида колхознинг экин далалари бошланади. Бархан колхоз билан Қорақум ўртасидаги чегара вазифасини ўтайди.

Барханга етмасдан у кенг оқимтир тақирни кўрди. Тақирнинг юзи худди аллаким турли катталикдаги лой парчаларини териб чиққандай гаройиб ажинлардан иборат эди. Тақирнинг бир чети бархан этагига бориб уланарди. Уша ерда сув чайқаларди. Каналнинг бирор жойи упирилиб кетган бўлмасин, деб Мурод ташвишлана бошлади. Унинг назарида сув кўтарилаётгандай туюлди. Мурод велосипедини буриб тепаликка чиқди. Сув каердан келаётганини аниқламай кетолмаслигини у биларди. Тақирни айланиб ўтгач анча-мунча ёмғир суви йиғилиб қолганини кўрди. Демак, канал ўпириб кетмаган. Мурод тупроқли ерда сув тўпланишини Байрам огадан эшитган. Чўпонлар бунақа жойни «қок» дейишади. Хар ҳолда «юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши», — Мурод ёмғир томчиларидан шундай катта кўл пайдо бўлишини тасаввур қилолмасди.

Бола чайқалаётган тўлқинларга махлиё бўлиб тепаликда турарди. Кўл уртасида яшил оролчага кўзи тушди. Тўлқинлар ҳаракатини такрорлаб, кўм-кўк кўкатлар енгил чайқаларди, уларнинг қок ўртасида — каттакон, чуғдек кип-қизил гул!

Мурод ҳатто уйқусираяпманми деб кўзини ишкалаб

хам кўйди, кейин яна қаради. Йўк, ажойиб гул кип-кизил пиеладай бўлиб яшнаб турарди. Бирдан Мурод ташвишлана бошлади: ғаройиб гул бирдан йўк бўлиб қолса-я? Велосипедни ерга қўйиб, у шошилиб ечина бошлади. Шими педалга илиниб қолиб, йнқилиб тушди, лекин шу заҳоти ирғиб туриб, ечинмасданок ўзини сувга олди. Ёиров ундан олдин бориб олиб қаядигандек қурқарди.

Аввал у саёз ердан борди, чуқурлашгандан сунг эса сузиб кетди. Ечинмаганига афсусланди. Қийинми харақатини қийинлаштириб, юришига ҳалакит берарди. «Яхшиям сузишни ўрганиб олибман», — деб уйлади Мурод.

Оролга яқинлашганда сув яна саёзлашди. Мурод кукатларни қули билан суриб юриб кетди.

Мана орзу қилган гули, Мурод уни таниди! Мурод унга қўл теккизишга қўқиб турарди. Гул лолага ухшарди, факат гулбарглари оддий лолаларникидан учтўрт қарра катта эди.

Шундай бир гўзалликни узиб олиб буларқанми! Мурод, сахро гулини кўрганимга ким ишонарди, деб иккиланиб турарди. Гулни узиб олиш керак. У қулини чүзди... лекин узиб ололмади. Йўк, бундай қилиш яхшима! Одамга куч-қувват, довжураклик бахш этувчи сахро гули ўсиб-унаврсин!

Мурод ғаройиб гулга сунгги бор қаради ва орқасига қайрилиб кетди. Илгари унга номаълум булган туйғулар қалбида жуш урарди.

Бу сезинч ва хотиржамлик ҳисси эди. У интилган нарсасини қурди. Бу гал у Оммуқсаройга сахро гулининг уруғини келтирмайди. Лекин бу ғаройиб гулининг қаерда ўсишини билади.

У хотиржамгина юриб гулининг чуқур ерига етди ва сузиб кетди. Яшил оролчадаги гул унга қумаклашаётганини уйлагиси келарди.

Қатта йулга чиқиб олишга узида куч топди. Уйқусиз тун, жала, қузиқоқлар, қўл уртасидаги ғаройиб гул... Бунча совук!.. У велосипеддан тушиб, йул чеккасига чўққайди. Жудаям уйқу босиб келарди, у ерга ётиб олди. Кўз олдини туман қоплади. Қулоғи шанғиллади, балки яқинлашаётган машина шовқини эшитилгандир. Шу дақиқа кўз ўнгида Кейкил момо пайдо булди.

«Сахрода санғиб сахро гулини изляяпсанми? Бунақа гул йўк, ҳеч қачон бўлмаган ҳам!» — деди у жаҳл билан.

Мурод унга сахро гулини курганини айтмоқчи булди, лекин тили айланмади. У алланима деб гўлдиради. Кейкил момо бирдан йўқ бўлиб колди.

Мурод худди узокдан келаётгандек таниш овозни эшитди:

- Қани, болам, қузингни оч-чи!

1974 йил.



## ЮЛГУН ГУЛИ

Бу воқеа бир минг тўққиз юз қирк бешинчи йилда бўлганди. Икки тенгдошим билан умримда биринчи марта сахрога—қумлар орасига бориб қолдим. Биз кекса чўпон Сапби оғага қолхоз қўйларини боқишга қумлашишимиз керак эди. Ўша йил, ўша куклам, ўша қумлар умрбод ёдимда қолган. Тақдир мени чўлик сифатида сахрога ташлагани, яшнаб турган юлғун гулини менга тортиқ қилганидан мамнунман.

У пайтгача мен кўпгина тенгдош ҳамқишлоқларим қатори очлик-яланғочликни кўрмаган, ҳаётни фақат китоблардан ўқиб, одамлардан эшитиб билганлардан эмасман. Йук, мен кўп нарсани билар, кўп нарсадан кўркмасдим. Лекин бу ҳеч нарсадан қурқмайман, деганим эмас.

Ўша йили мен жуда даҳшатга тушганман, буни тасвирлаб бериш қийин. Лекин бир бошидан сўзлаб бермоқчиман.

Кечқурун мингдан ортиқ подани бу ерларда куплаб

ўсадиган қизғиш юлғун навдасидан ясалган четан девор билан қуршалган қурага ҳайдаб кирита бошладик. Узундан узун, сермашаққат кундан кейин энди чайлага кириб кигизга узала тушиб, чарчаб, увушиб қолган оёқларга дам берадигандек эдик. Лекин бунинг имкони бўлмади. Узун чўпон таёқларимизни судраб энди қурадан узоқлаша бошлаганимизда Сапби оғанинг:

- Ҳе-ей, шошманглар, азизларим,— деган овози эшитилди...— Ҳали қўйларни соғиш керак. Бояқишларнинг елини тирсиллаб ёрилай деяпти. Ҳов анави чайла ёнидаги сопол кўзаларни келтиринглар, тезрок бўлинглар.

Сапби оға кўпни кўрган, сабрли ва очикқунгил одам эди. Қурага келган кунимизданок у бизга эркалаб мурожаат қила бошлади. У мени «бўталоқ» деб атар, Бозорни эса «кўзичоқ» дерди. Тоймасни бўлса негадир «хоним» деб атарди, унинг қиз боланикига ўхшаш қалин қошлари, узун киприклари, шахло кўзлари учун шундай деса керак. Ҳаммамизни эса бирдай — «жоним» дерди.

Кўзани кўтариб Сапби оға томонга югурдик. Овулимизда эчкини соғиб, унинг сутидан иссиқда ташналикни кондирадиган чал тайёрлашарди. Баъзида эчки сутини дори ўрнида ишлатишар, шамоллаган болаларга ичиришарди. Лекин қўй соғишмасди. Шунинг учун ҳам кекса чўпон қўйларни соғмоқчи бўлганини эшитиб хайрон қолдик.

Эҳ, болажонларим-а, ҳали ниманиям билардинглар! — хўрсиниб қўйди Сапби оға ва тушунтирди: — Қўй сути жуда бақувват қилади-да! Уни ичган одам сира дардга чалинмайди. Агар хаста бўлсаям дарров тузалади. Ундан шунақанги пишлок тайёрланадики, таъми оғзингда қолади... Қани, буталогим, бўла қол!

Сапби оға бир қуйнинг олдига ўтиб ўтирди, юлқинмасин деб унинг бошини бути орасига олди ва менга софавер, деб буюрди. Унинг буйруғини бажаришдан бўлак иложим қолмади.

Кейин Сапби оға иккинчи қуйга ўтди, уни соғишни «кўзичоққа» — Бозорга буюрди. Учинчи бўлиб «хоним» — Тоймас қўй соғди. Шундай қилиб ҳамма соғим қўйларни галма-гал соғиб чиқдик. Ўн-ўн беш кўза сут соғдик, ўласи бўлиб чарчадик, аммо елини бўшаган қўйлар анча енгил тортган эдилар.

Энди биз ҳам дам олишимиз мумкин. Қовурилган

гушт еб, устидан илик кўй сути ичдик, кейин жой-жойимизга тарқалдик. Истасанг — ухла, истасанг — куйкузиларнинг исини олиб, якин-йирокдаги юлгунзорлардан кўрамиз томонга йнгилиб келиб колган шokolларнинг увлашига қулок солиб ёт.

Сахро тунининг ўз хусусиятлари бор. Коронғи тушин билан аёз туради, гулхансиз ўтириб булмай қолади. Келган кунимиз Сапби оға менга иккита ошланган кўй териси берди. Улар шунақа катта эдики, кўй терисилигига ишонгинг келмасди. Шу пўстакнинг бирини тагимга солардим, иккинчисини устимга ёпардим. Ажойиб тўшак-да: юмшоқкина, иссиқкина. Ёнингда яна гулхан чирсиллаб туради.

Мана бугун ҳам кечки овқатдан кейин дарров ўрнимга кириб ётиб олдим: бир пўстак тагимда, биттаси устимда. Яна нима керак? Лекин қарасам, Сапби оға пешонасини тириштириб менга қараб-қараб кўйяпти. «Бирон нарсани нотўғри қилган бўлсам керак», — деб уйлаб ҳам эдимки, Сапби оға бошини чайқай-чайқай гап бошлади:

— Эсгинам қурсин-а, нақ ғалвирнинг узгинаси-я. Ахир сенга, бўталоғим, ёстик бермабман-ку. Сен бўлсанг индамайсан!

У пўстини ичидан кичкина пўстак чиқарди, турт буклаб менга узатди. «Кўзи териси — юмшоқкина, дала гуллари иси келади, яхши тўшлар қурасан» .

Қузи териси қайси ёстикдан кам? Бошим тагига қўйдим, ухламоқчи бўлмасам ҳам ҳузур қилиб қузимни юмдим. Кечаги муъжиза такрорланади деб қутган эдим. Бекор кутибман..

Кеча ўрнимга ётишим билан ухлаб қолибман. Сапби оға милт-милт ёниб турган гулхан ёнида севимли достонидаги қўшиқни хиргойи қилиб утирарди. Мудрок орасидан кекса чўпоннинг овозини эшитиб ётганим учун бўлса керак дoston қаҳрамонлари Гуруғли билан Оға Юнус тушимга киришибди. Жуда ажойиб-да. Шу бугун кечгача пода боқяпман-у, севимли қаҳрамонларим ёнгинамда югандай, мендан орқада қолишмаётгандай туюлаверди ва биринчи марта уйдан жунаб кетганимдан бери мени қийнаган ёлғизликни ҳис этмадим.

Бугун ҳам кечаги шодлик такрорланади, Сапби оға ўзининг хиёл хирқи овози билан ашула бошлайди ва эртак такрорланади, деб умид қилгандим.

Бир оз жим тургач Сапби оға гап бошлади. У пахла-



вонлар, улар яратган мўъжизалар хакида эмас, бутунлай бошқа нарсадан гапирди.

— Халқда: оёғинг теккан заминга етти марта қулук қил, деган гап бор. Одам ўз ўлкасини, унинг тарихини, унинг афсоналарини беш бармоғидай билиши керак. Масалан, кўрамиз яқинидаги юлғунзорни олайлик. Юлғунзорнинг турган-битгани мўъжиза... — Сапби оға индамас, мен эса ётган еримда, қоронғида узоқ уфққача чўзилган ўша чакалакзор бўлиб кетган сирли юлғунзорни кўриш учун кўзларимни катта-катта очганимча ётардим. — Айтишларича юлғунзорда илон бўлар экан, — давом этди чупон, — бу ерларда ҳар кадамда учрайдиган илонлардан эмас, ҳамма илонларнинг подшоҳи. Йуғонлиги бир қучоқ келади, узунлиги ўн метрга етади, пўсти кумушдай товланади, дейишганди.

Этим жунжикиб кетди: илондан қўрқардим, захарлими, захарлимасми, бари бир жирканардим. Овулда бу судралувчи маҳлуқлар бўлиши мумкин ердан четлаб ўтардим. Ростини айтсам, саҳрога отланганимда ишдан ё кўрадаги ҳаётдан эмас, кумда учрайдиган илонлардан қўрқардим. Энди қарабсизки, Сапби оға шундоққина ёнгинамизда даҳшатли илон яшашини хабар қилиб ўтирибди!

Бутун борлиғимни қамраб олаётган уйку зумда учди-кетди. Сапби оға эса биз томонга энгашиб ҳикоясини давом этдиради!

— Ўша илон одамлардан узоқда яшай олмайди, албатта биронтасини севиб қолади, кейин сира ўшанинг кетидан қолмайди, дейишади, азизларим. — Сапби оға йуталиб олди, сирли суратда овозини пасайтирди: — Ўша ривоятда жон борга ўхшайди. Сезишимча, ўша илон вақти-вақти билан чекқадаги юлғуннинг қир учига чиқиб олиб биз тарафга қарагани қараган. Ох-хо-хо, оллоҳнинг қароматларига лол қолсан киши, у яратган ҳаёт ҳам сир у мўъжизаларга тўлик...

— Бир иложини қилиб ҳайдаворсангиз бўлармиди, — дедим ўша илон тўшагимга қириб олгандай қўрқувдан титроқ овоз билан. Жон ҳолатда бирон очиқ жой қолмасин деб ёпиниб ётадиган терига яхшироқ ўраниб олдим. — Милтиғингиз бор-ку! — овозим зурга чикди.

— Отмасангиз ҳам, ўк билан у маҳлуқни қўрқитиб кўярмидингиз!

— Нималар деяпсан асти, бўталоғим! — қўлларини силқитди Сапби оға. — Биз уни чўчитишимиз керакмас,

бизга ўрганганига севишимиз керак. Демак, у бирор-тамин севиб қолган. Катта бахт бу. Юлғунзор илони инсон боласига муҳаббат қуядиган бўлса, вақти келиб гузал қизга айланади, дейишади. Гузал қиз бир вақтлар илон булганини унутаркан. Унинг сочи орасида кумуш тола бўларкан, қиз уни юлиб олиб, сеvimли эрига берса, у ҳамма нарсани олдиндан биладиган, тийрак одамга айланаркан...

Нафасим илонни чайламинизга жалб этмасин деб нафас олишга ҳам кўриб ётардим. Бахтимга Бозор ёрдамга келди.

- Бўлмаган гап, ҳаммаси афсона! — деди у. Бунақа илонлар бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Яна қиз болага айланиб қоладиган илон-а.

- Мен эшитганман, — деди Тоймас, бунақа илонлар аввал — бўгма илонга, кейин аждаҳога айланаркан-да, шундан сўнггина қиз бўлиб қоларкан. Унга уйланган эркак жаҳондаги энг бахтли инсон буларкан.

- Бунча маҳмаданасан, хоним! — жаҳли чиқди Сапби оғанинг. — Бизнинг саҳрода ҳеч қачон бўгма илон ҳам, аждаҳо ҳам бўлмаган. Ўша ажойиб илон, гапимга ишон, кимни севиб қолганига қараб, гузал қизга ёки чўпон чўлиғига айланади. Билдингми?

- Билдим, — аразлаб бурнини тортди Тоймас. Мени ваҳима босди. Назаримда юлғунзорда даҳшатли махлуқ кўкатларни шитирлатиб урмалаб келаётгандек ва юракни эзадиган даражада қичкираётган ўлжасига ташланаётгандек туюлди.

Сапби оға аҳволимни сизди шекилли:

- Ундан кўркманглар фақат, азизларим, — деди бизни юпатиб. Илон шу чангалзорларнинг ҳукмони, ундан бени бизга ҳеч нима бўлмайди. Узинглар қурян сизлар, қураминизга бурилар доримаяпти. Шоқоллар булса жоникиб қанча увламасин бизга яқин йўлашга ботинишмайди. Ҳаммаси уша муъжизакор илон туфайли! Бари фалокатларимизга илон қалқон бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам хотиржам ухлаглар, ҳеч нимадан қуркманглар.

Лекин қариянинг сузлари энди мени асло юпатолмасди. Яна анчагача у ёнимдан-бу ёнимга ағдарилиб ётдим, тик этса кўзимга даҳшатли илон қуринарди.

Фақат тонгга яқин чарчаб кўзим илинган экан, ўшандаям узок ухлай олмадим. Турсам, ширин ухлаёт-

ганимни куриб уйғотишга кўзи киймаган Сапби оға подани хайдаб кетибди.

Шошиб-пишиб чўнтагимга бир бурда нон солдим, иш қуролим узун тут таёкни қўлимга олдим. Отланаётганимни курган итимиз тепалик тарафга чошиб кетди, орқасига ўгирилиб қараб, худди мени чакираётгандек думини ликиллатарди. У мени худди шошираётгандек эди. Кетидан жўнадим.

Агар ит булмаганда подани тополмасдим. Сапби оға яқиндан бери саҳромизда пайдо булиб қолган эгриқўл одамларнинг диққатини жалб этмаслик учун серканинг буйнидаги қунғирокни ечиб қуйган. Бу одамларни фронтдан қочган қочоклар дейишарди. Ит кетидан қолмай бориб тезда подамизни курдим. Пода юлғунзорга жуда яқин ерга ёйилган эди. Сапби оғанинг ўзи каттакон юлғун соясида дам олиб ётарди. Енида чўзинчоқ қора нарса. Қора илонмасмикан деб ўйлаган эдим ҳамки, худога минг қатра шукрлар бўлсинким, бу нарса чўпоннинг ҳеч қачон айрилмайдиган пустини эканини сезиб қолдим.

— Ҳозир қўйларни юлғунзорга яқин жойда боқиш керак, — деди Сапби оға ёнига борганимда. — Шўртак юлғундан татинишса иштаҳалари очилади. Одам учун ҳам бу жойлар жуда фойдали. Юлғун гуллаганда шунақа чиройли бўлиб кетадики бу ерлар!

Сапби оға ёнига чўқдим. Юлғун таги худди биров пустин тўшаб қўйгандай юмшоқ эди. Қурук, эгилувчан навалар оёқ остида пружинадай кўтарилиб тушарди.

Итимиз биздан сал нарига бориб ётди ва у ерда бир нимани кўргандай юлғунзорга тикилиб қолди. Яна алланечук бўлиб кетдим ва хавотирланиб алангладим.

— Марҳум бобомлар доим юлғун гуллаганини кўргин, деб тайинлардилар, — давом этди Сапби оға хавотирланётганимни пайқамай. — Юлғун гуллари орасида бир бошқачаси, тенгсиз чиройлиги бўлади, дегучи эдилар. Бошқа гуллар орасидан шуни курган киши дунёда энг бахтли одам буларкан.

— Сиз уни кўрмаганмисиз?

— Афсус, — бошини чайқади қария. — Ешлигимда насиб этмади. Энди бўлса кўз чаток бўлиб қолган, бўталоғим. Сен кўриб қолишинг мумкин. Кўрсам танимайман деб ўйлама, йўқ. У бошқача, кўрсанг бас, дарров таниб оласан.

- Уни фақат кўрса бўлдим, ёки узиб олиб такиб юриш керакми?

- Уни сираям узиб булмайди. Унга қул теккизилса булди, гувиллаб ёниб кетади. У билан бирга одамнинг узиям ёниб кетиши мумкин.

Ана холос! Сапби оғанинг гапини эшитгач, нима қилишингниям билмай коласан.

Унинг тундаги ҳикоясидан кейин юлғунзор менга даҳшатли макондек бўлиб туюлган эди, энди уни юз чақирим наридан айланиб ўтишга ҳозир эдим. Ҳозир бўлса, гул ҳақидаги ҳикоядан сўнг юлғунзорга киришга тайёр эдим.

- Яна бошқа ерларда ҳам шунақа юлғунзор борми? — деб қизқдим.

- Олам катта, буталоғим. — Сапби оға юлғун поясини меҳр билан силаб қўйди. — Ҳар ўлканинг ўз юлғуни бор, ҳар одамнинг — ўз бахти. Фақат биздагидек бу қадар бепоён, кўнгилни яйратадиган кенгликлар жаҳоннинг ҳеч ерида бўлмаса керак. Бу ерда юлғун ҳам, саксовул ҳам фойдали, қумлар майин, олтиндек товланади, тақирлар тошдек қаттиқ ва поёнсиз. Яшасанг ва қувонсанг булди, буталоғим!

Аммо бир вақт дилимда пайдо булган қурқувдан ҳалос бўлолмадим. Сапби оға қўйларни менинг ихтиёримга қолдириб қўрага кетиши биланок, подани юлғунзордан нарироққа — қумликка ҳайдадим.

Бу жойларни қанчалик тез тарк этсам, шунчалик яхшидек туюларди.

Қўйларни жуда шошириб ҳам булмасди. Қўзилаш, асосан, тугаган бўлса ҳам, лекин ҳамон, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда эндигина дунёга келган кўзичокнинг бағ-буғлари эшитилиб қоларди. Ана, бир қўй юлғунзорда қолиб кетди. Бу лаънатини у ерга нима жалб этди экан-а? Ҳамма қўйлар қатори очик ерда ўтласа бўлмайдимми?

Қўй узоклашиб кетаётган пода кетидан, худди уни ёлғиз ташлаб кетмасликларини илтижо қилаётгандек аянчли маърайди. Мен булсам қўй ёнига боришга ўзимда қуч тополмайман. Узокдан туриб унга бақираман, у аввалгидан баттар маърайди-ю, аммо жойидан жилмайди.

«Сапби оға айтган илон оёғига чирмашиб олиб қимирлатмай қўйган бўлса-я?» — деган фикр келди бошимга ва асабий титрай бошладим

Яхшиям итимиз жонимга оро кирди. У ишчанлик

кўрсатиб, тилини осилтирганча қуй тарафга липиллаб югуриб кетди. Мен унинг кетидан бордим.

Юлғунзорга яқинлашганим сари юрагим каттиқрок урарди. Юрагимнинг дуқури қулоғимдагина эмас, поёнсиз кумликларда янграётгандек эди. Қуриган дарахлар оёғим тагида тўп отилгандек портларди. Юзимдан оккан тер кўзларимга кирар, шўр тер лабимни ачитарди. Мен деярли ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нимани эшитмасдим... Ақл-хушимдан айрилгандек эдим.

Қуни кечагина поёнсиз денгиздек ястанган кизил ва сариқ лолаларни кургандим, тўрғайларнинг жарангдор куйини тинглагандим. Ҳозир эса ҳеч нимани курмас, ҳеч нимани эшитмасдим. Атрофимда қандайдир дахшатли бўшлиқ пайдо бўлганди.

Бирданига қандайдир илик, жонли, кимираётган нарсага туртилиб кетдим. Қичкириб юбориб, қулим билан тимирскиланиб совликни топдим, аянчли маъраётган ва мени ёрдамга чорлаётган совлик ҳозир негадир жимиб колганди.

Бир оз тинчландим, шу чоғ яна совликнинг овози эшитилди. Шунда совликнинг тинмай маъраётганини, фақат маълум вақтга, кўркқанимда қулоғим том битиб колганини англадим.

Кўзим ҳам кўра бошлади. Олам яна ранго-ранг жилланди.

Юлғунзорда уралашиб колган кўзичокни бушатдим, энгил тортиб қаддимни ростладим...

Е тавба, бу нима?

Қаршимда, юлғунзорда тенгсиз гўзал бир киз турарди. Эртақларда айтилгандек, ой билан қуёш сира ҳам баҳслашмасданок биринчиликни унга берадиган даражада гўзал. Негаки, бунақанги кошу бунақанги кўз, бунақа лаб уларда бўлмайди...

Киз бир қўли билан юлғун поясига тираниб, иккинчи қўлида йўғон кизғиш таёкни тутиб турарди. Унинг пишиқ ўрилган қора сочи кўксига тушган. Бошига ҳарир шохи румол ураганди. Хонаки матодан узун тикилган куйлаги узунасига ва кўндалангига қайчи билан атайини киркиб қўйилгандек жулдур эди.

«Ўша илон, азизларим, одамлардан нарида яшай олмайди... Агар у инсон боласига муҳаббат қуйса, пайти келиб гўзал кизга айланади...» — Сапби оғанинг овозини аниқ эшитдим.

Бу орада киз мен тарафга арвоҳдек товушсиз кела

бошлади. Дахшатдан кичкириб, юмшок кумга йиқилдим.

Хушдан кетиб қанча ётганимни билмайман, кўзимни очсам, ёнимда ҳеч ким йўқ.

Мен шундай ҳолатда эдимки, бундай пайтда одам аслида нима бўлганини, бўлган ҳодисами ёки кўзига кўриндими, англай олмайди: мен ирғиб ўрнимдан турдим-да, жон ҳолатда кўра томонга чопдим.

Югурар ва орқамдан қиз чолиб келаётган бўлса-я, деб қўриб ўгирилиб қарамасдим. Лекин мен бекор қўрқандим. У мени қувламас, балки ёнма-ён, ўнг тарафимда ҳамда сўл тарафимда, олдинда ва ичимда югурарди. Қаёққа қарамай — ҳаммаёқда ўша қиз.

Борган сайин тезроқ, яна тезроқ югурар, йиқилар, турар ва юлғунзор қизидан кутулишга уриниб яна югурардим. Қиз эса ҳамма ерда ҳозир эди...

Бу гал ҳам мени итимиз қутқарди. Менга бир нима бўлганини ит пайқади шекилли, қаттиқ хуриб, йўлимни тўсди. Устимга совуқ сув сепилгандай така-так тўхтадим, нафасимни ростлаб олиш учун уёғига секин юриб кетдим. Раҳмат сенга, азизим, тўхтатиб мени шармандалиқдан асраб қолдинг, тилимни осилтириб қурага чолиб борсам нима деган одам бўлардим?!

Нима бўлганини Сапби оға дарров тушунди. Кўзимга синчковлик билан тикилиб, пешонамни ушлади, томир уришимга кулок тутди.

— Бирон нимадан чўчимадингми, бўталоғим? Юраккинанг темирчининг босқонидай дуқиллаяпти... Қани, утир-чи. Оёғингни узат. Мана шундоқ...

Кекса чупон бақувват, кадок, темирга ўхшаш бармоқлари билан оёғимнинг учидан тақимимгача сидириб чиқди. Кейин қандайдир томиримни босди. Оғриқдан кичкириб юбордим.

— Вой-бўй, сабр қил, бўталоғим! — Хитоб қилди қария жиддий ташвишланиб. --- Жудаям қўриб кетибсан, ҳечқиси йўқ, ҳозир сени тинчлантираман. Яна бир оз сабр қил, кўрқув сидириб ташлагандек ғойиб бўлади.

Сапби оға тепамда қандайдир томирларни гоҳ қисиб, гоҳ ишкалаб уймаланди, кўп ўтмай ўзимга келиб қолдим.

— Нимадан бунчалик қўриб кетдинг, бўталоғим, — деди хафа бўлиб қария. — Хўп қўриқибсан-да! Келган пайтингда бетингда қон қолмаганди...

Индамай кўзимни яширардим. «Келган пайтингда» дейдилар-а!... Ундан кўра, оёғингни кўлингга олиб

югургилаб келганинга, демайдиларми! Шарманда шармисор булдим-а! Лекин қўрқоклигимни қандоқ тан олай?

Шу туйғу таъсирида мен кекса чўпоннинг саволларига жавоб бергандан кўра ўша лаънати жойга бориб, илон-қиз билан яна учрашиб, даҳшатни қайтадан бошимдан кечиришга тайёр эдим.

«Қўрқок номини олгандан кўра ўлган яхши! — дердим ва беихтиёр ўзимга-ўзим савол берардим: — Менинг урнимда Бозор бўлса нима қиларди? Тоймас-чи?» Улар бунақа имтиҳондан яхши ўтишига ишонганимдан ўзимдан нафратланиб кетдим.

Кечкурун кўйларни ҳайдаб келиб овқатлангани ўтирдик. Сапби оға тутундан қорайиб кетган қозонни чайлага олиб кириб қопқоғини очди. Қовурилган кўй гуштини хушбўй иси димоғимга урилди, шундагина кечадан бери туз тотмаганимни эсладим: чунтагимга эрталаб солиб кўйган бир бурда нонга қўрқанимдан ташлаб кетган пода ёнига қайтиб борганимда ҳам тегмагандим...

– Кўзи гушти мазаси ҳам, енгиллиги ҳам товук ё кийик гуштидан қолишмайди. Қани, овқатлангани ўтиринглар-чи, гапимга кўшилмай қуринглар-чи, овқатдан бермай кўяман! — ҳазиллашиб пўписа қилди Сапби оға ўзи пиширган таомни мақтай-мақтай.

Қоракул териси олиш учун сўйилган кўзи гуштини авваллари аҳёнда овулга ҳам келтиришарди. Лекин у янги сўйилган бўлмасди-да, ҳарҳолда саҳродан келтиргунларича анча вақт ўтарди... Бу ерда бўлса сўйилди-ю, шу заҳоти қозонга тушади. Шунақа мазали бўладики, нақ оғзингда эриб кетадигандек эди. Лекин ростини айтсам, анча кўнгилга ҳам урарди: нонуштага – гушт, тушликка — гушт, кечки овқатга — гушт. Қоракул териси олиш мавсуми тугаса нима ейишимизни тасаввур ҳам қилолмасдим. Ҳамир ё донли овқат бўлсайди...

Тоймас кечки овқат пиширилаётган гулхан оловидан олиб келди. Чайла бирдан ёришиб, файз кирди, худди ясаниб олгандай кўринди: чайла деворида ёқут шуълар ўйнади.

Қизиқ, ёнаётган ўтинининг жозибасини саҳрога келганимдан кейин англадим. Аланга атрофни ёритиб, иссиқ берибгина қолмайди, балки хотиржамлик бахш эта-

ди. Милтиллаб турган чўгга тикилиб ётиш алоҳида бир гашт.

Чўпон курасидаги хаёт унчаям ранго-ранг эмас. Турасан, нонушта қиласан, подани яйловга ҳайдаб кетасан, кечки овқатни ейсану ётиб ухлайсан. Буни табиатнинг ўзи талаб қилади. Чарчаганидан сиркираб оғриётган оёқ-қўлинг, бутун аъзойи-баданинг талаб қилади. ахир кечгача атрофга тарқалиб кетаверган ҳайвонларни йигиб бир подага тўплагунча бўларинг булади...

Кечки овқатни еб бўлишим билан Сапби оғанинг ёлғон-яшиқларини эшитмасдан ухлаш ниятида уринга қуриб ётиб олдим. Лекин бекорга уриндим: кузимга уйку келмади.

Ўзимдан-узим аччиғланиб, чайладан чиқиб очик ҳа-вода айланмоқчи бўлдим. Зора шундан кейин қотиб ухлаб қолсам.

Ташқарида ҳаво ўзгариб турган эди, ёмғирдан дарак бериб энгил шамол эсарди. Ана, узокда, юлғунзор тарафда ҳаммаёкни ёритиб чакмоқ чакнади. Қўнғимда бирдан, чакмоқ умрбод чарақтаб, ерни ёритиб турса эди, деган истак пайдо бўлди. Лекин чакмоқ бир чарақлади-ю, ғойиб бўлди. Яна ҳаммаёкни зим-зиё қоронғулик қоплади. Дарҳол чайлага қайтдим. Сапби оға худди қайтиб келишимни кутиб тургандай, навбатдаги ҳикоясини бошлади.

- Бир бор экан, бир йўқ экан, оламда Худойберди деган киши бўлган экан...

Агар юлғунзор гўзаллари ёки гўзалликда ундан қолишмайдиган илонлар ҳақида гапирса, етти қават те-рига бурканиб, қулоқларимни беркитиб олмоқчи булиб турганимда Худойберди деган бир киши ҳақида ҳикоя бошланганини эшитиб дадиллашдим, ахир овулимиз-даям камида ўн кишининг исми шундай. Лекин ҳикоянинг давомини эшитиб сочимнинг илдизигача қизариб кетди, бахтимга гулҳаннинг хира алангасида ҳеч қим пайқамасди.

Сапби оға ҳикоясини давом этдирди:

Худойберди улғудай қурқок одам экан. У ҳамма нарсадан: момақалдиқдан ҳам, чакмоқдан ҳам, ёмғирдан ҳам, йиртқич ҳайвонлардан ҳам қурқаркан. Қулардан бир кун Худойбердининг хотини тўқиган олачасини бозорда сотиб, пулига зираворлар ва рўзғор буюмлари келтиришни буюрибди.



Худойберди кўк йўрғасини эгарлабди-ю, йўлга тушибди. Йўл юрармиш-у, нимадан курксам экан, деган-дек атрофга аланглармиш. Шу чоғ буталар орасидан ловиллаган оловдек отилиб тулки чиқибди. Бизнинг Худойберди отининг жilовини кўйиб юборибди-ю, кўркканидан қалт-қалт титрабди. Хийлагар тулки нима гаплигини билиб, унинг йулини тўсибди.

«Йўлинг булсин, Худойберди?» — сурабди тулки.

«Бозорга кетяпман, азизим, олачани сотаман».

«Менга сота қол бўлмасам».

Тулки унга тегмаганига, факат олачанигини сотиш-ни илтимос қилганига Худойберди хурсанд эмиш. Ахир унинг узини оти билан қушиб еб қўйиши, олачасини тортиб олиши мумкин-ку!

«Текинга ола қол, жоним», — дебди Худойберди. Олачани тулкига берибди-ю, бу дахшатли махлукдан осонгина қутилганига севинибди. Бўлган воқеани эшитиб Худойбердининг хотини эрини уриша кетибди: «Оддий тулкидан ҳам кўркадиларми, тентак, у сизни бир нима қилиб кўярмиди?» Худойберди эса хотинининг жаврашлари, калтакларига дош бериб: «Хотиним урибуриб тинчийди, жонимни олармиди. Дахшатли махлукдан омон-эсон сақлаб қолгани учун худога шукр қилишим керак», — деб ўйларкан. Хуллас, тентак билан кўрқокда уят бўлмайди, деганлари рост экан... — деб хикоясига яқун ясади Сапби оға.

— Ҳаммаси бекорчи гап, — одатдагидек гапга ара-лашди Бозор. — Энди унақа тентакни кундузи чирок ёқиб топиб бўлмайди!

— Яна ким билади дейсан, кўзичоғим, — деди Бозорнинг гапини тасдиқлагиси келмай кекса чўпон. — Олам катта, унда нималар бўлмайди дейсан...

Ўрнимда типирчилаб қолдим, хатто баданимни со-вук тер босди; бирдан Сапби оға бугун кўрага қай ал-фозда чопиб келганимни гапириб берса-я?

Бахтимга кекса чўпон бу ҳақда оғиз очмади, ўрни-дан туриб, чайладан чиқди. Ташқарида туриб:

— Ҳеч қачон ҳеч нимадан кўркманглар, болаларим. Бу дунёда одамдан, унинг иродасидан қучли нарса йўқ, — деди.

Кекса чўпоннинг сўзи қатъий, хотиржам ва юпатув-чи эди.

Чакмок чакди, узокда момакалдирок гулдуради.

Сапби ога сахро тепасига ёйилган булутларни чакмок ёруғида кўрди чоғи, бизга:

- Айтарли ёмғир булмайди. Енгилгина ёғиб утади, халос. Шамол туряпти, у булутларни таркатиб юборади, — деди.

Сапби оғанинг гапи тўғри чиқди. Емғир шатирлаб ёғиб утди, ерни намлаб улгурмаёк булутлар таркалди. Кейин тулиной чиқди, унинг нури чайлага кираверишда турт бурчак шаклда кўринди.

Мана шундай ойдин тунда дунёга келган болалар истеъдодли булади, уларнинг исми «ой» кўшимчаси билан айтилади, дейишади Ойгул, Ойхон, Ойжамол. «Синглим Ойгузал ҳам шундай тушларнинг бирида тутилган бўлса керак, деб ўйладим. Бирдан овулдаги ўйимизни, ойимни эсладим. Юрагим хаприкиб кетди, уларни жуда соғинган бўлсам керак. Синглим тенгсиз гузал бўлиб вояга етадим, йўқми, билмадим, лекин меҳрибон, меҳнаткаш бўлиши аниқ. Ойимлар касалманд бўлиб қолдилар. Оиланинг бутун ташвиши Ойгузалнинг зиммасида. Ойгузал бу юмушларни дурустгина эплаштиряпти. Сингилжоним, шошмай тургин, сахродан қайтай — ҳамма ишларингга кўмаклашаман, оғирингни енгил қиламан...»

Ўз фикрларим билан овора бўлиб, ошналаримнинг ухлаб қолишганини сезмабман. Тун ярмидан оғган бўлса керак, мен эса ҳамон бедорман.

Бирдан юлғунзор тарафдан қандайдир кичкирик эшитилди. Ёки менга шундай туюлдими?

Борлигим кулокка айланиб, тирсагимга таяниб қаддимни кўтардим. Бугун учратган киз мени чакираётган бўлса-я, мендан бирон ёрдам кутаётган бўлса-я? Ахир ўша киз кўзимга кўрингани йўқ-ку, ростдан бор эди-ку. Мен уни боя Сапби ога, Бозор ва Тоймасларни кургандай уз кўзим билан кўрдим-ку...

Энди булди, овоз эшитилмайди деганимда яна овоз келди. Итлар бири олиб, бири кўйиб хура кетишди. «Нахотки, ўша киз бакираётган бўлса? Юлғунзорда нима қилиб юрибди у? Ёки бу ўша Сапби ога айтган илонмикин, кизга айланиб қолишга улгурганмикин? Балки кимсасиз юлғунзорда қурқаётгандир, очик ҳавода юпка кийимда совук қотиб қолгандир балки?»

Қиз ўша ерда бўлса, дархол юлғунзорга бориб, унга ёрдам бергим келди. «Агар яна бир бор бакирса, бораман ёнига!» -- қатъий қарор қилиб кўйдим, лекин

ортик унинг овозини эшитмадим, ўзим сезмаганим хол-да ухлаб қолдим.

Эрталаб мени Бозор уйғотди.

— Тур тезроқ, ухлаб қолибмиз. Хўп ёрдамчилар келиптими — пешингача ухлашади, деб юрмасинлар тагин Сапби оға!

Сира тургим келмасди, ахир тонгга яқин ухлагандим-да. Лекин илож қанча — туриш керак. Сапби оға ҳақиқатан ҳам: «Келишди-ю, лекин тарикчалик фойдаси йўқ. Бошқаларни ишдан қолдиришади, чўзилиб ётгани ётган», деб уйлашлари мумкин.

— Хей, сенга нима бўлди? — хайрон бўлиб менга бақрайиб қолди Бозор ўрнимдан турганимда.

— Нима қилибди? — ҳеч нимага тушунмадим.

— Кўзинг худди қум тўлдиргандай кип-қизил.

— Билмадим, — елкамни қисдим. — Ёмон ухлагандирман!..

Кечаси билан қандай фикрлар тинчлик бермаганини, эрталабгача нега ухламаганимни айтиб ўтирмадим. Болалар мазах қилиб қулишлари турган гап...

- Уйдагиларни соғиндингми? — тушунгандек бош ирғиди Бозор овозини пасайтириб. — Сен уйлама тагин, менам соғиндим. Баъзида билдирмай йиғлаб ҳам оламан. Уйда яхши эди-да...

Шошилиб нонушта қилиб олиб тарқалишдик: Бозор Тоймаснинг подаси билан қолди, бу ерда фақат кўзилар эди, мен Сапби оғанинг ёнига кетдим.

Кечаси ёмғир оз ёққан эди-ю, лекин кўкатлар туйиб сув ичгандек яйраб кетганди. Япроқларига сув тўлган жайронгуллар осмонга бўй чўзганди. Тегиб кетилса бас, кўзёшидан ҳам тиниқ сувлар тўкилиб кетарди. Сарин шамол бетингга келиб урилар, лолақизғалдоқлар ва лолалар шамолда тебранарди. Ҳаммаёқда чўл чумчуқлари чуғурлар, осмонда тўрғайлар сайрарди.

Юлғунзордаги кизни эсладим ва бирдан ашула айтгим, рақс тушгим, овозим борича бақиргим келди. Кечаси ёғиб ўтган ёмғирдан намланиб қолган яшил саксовул ниҳолларидан тиззамгача ҳўл бўлган эса-да, аллақандай ашулани овозим борича айта бошладим. Тўқ, одам овозидан ҳуркиган қушлар шундоққина оёғим тагидан патирлаб учиб чиқар ва нарироққа бориб қунишарди-да, бўйинларини чўзиб қизиксиниб мени қузата бошлашарди. Уларнинг баъзилари эса гўё ўз тил-

ларида ниманидир ҳикоя қилишга шошилгандай чуғурлардилар.

Кўзим юлғунзорга тушди. Худди устига кизил баҳмал ёпилгандай ҳозир у офтобда бинафшаранг бўлиб жилоланарди. Кечаги кизни кўриб қолсам-а, деган умидда юлғунзордан кўз узолмай қолгандим. «Нега ундан қурқдим? У шунчалар даҳшатлимиди? Оддий киз бола-да. Одатдаги кишлоқ кизларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди. Фақат улардан бир оз кўхликрок эди, холос... Мен тентак бўлсам кўрқиб ўтирибман. У ёрдамимга муҳтождир балки, мен бўлсам қочиб ўтирибман...»

Сапби оға одатдагидай кечаги кўй сутидан пишлок тайёрлагани кўрага кетганида юлғунзорга йўл олдим. Қарорим қатъий эди: «Е ўша кизни топаман, ёки чакалакзорда қолиб кетаман».

Буталар оралаб борардим. Назаримда мўъжизали илон йироқлаб бораётиб, аҳёнда ўгирилиб қараш учун тўхтаётгандек бўларди. Ҳатто унинг камалакдек товланаётган тангали танасини кўргандек бўлардим. Қизиги шундаки, кўрқувни ҳис этмасдим. Бутун вужудим, танижоним билан мени қуршаган гўзалликни ҳис этардим.

Балки чакалакзорда кизга айланиб қолган мўъжиза илонни эмас, Сапби оға ҳикоя қилиб берган ажойиб юлғун гулини излаётгандирман? Агар унинг борлигидан хабардор бўлса чакалакзорда истикомат қилган киз балки уни аллақачон топгандир? Ким билади, тез-тез келиб турсам, мен ҳам аллақачон топган булармидим...

Энг катта юлғун тепасига чиқиб атрофга қарадим ва уфққа ета-етгунча ястанган юлғунзор кўз унгимда намоён бўлди. Юлғунзорнинг баъзи ерлари сийраклашганди. Чаман очилган гулларнинг иси бошимни айлантирди ва овозим борича:

— Мен бу ердман! — деб қичқирдим.

Ҳеч ким жавоб қилмади. Балки унчалик қаттиқ бақирмагандирман?

- Бу ердман! — деб яна бақирдим. -- Мен келдим!

Мен тепасига чиккан юлғун куланкасида Тоймас билан Бозор боқиб юрган кўзилар уюри жойлашса бўларди. Бизнинг овулдаги ўрик дарахтлари менинг юлғуним олдида пастлик қилади. Унинг тепасидан қураминизни кафтда тургандек кураман. Бозорнинг подаси

хам ёнгинамизда ўтлаётгандек кўриняпти. Осмон ҳам шундоқкина ёнимда, кўл узатсам етади...

Шунчалар яйраб кетган эдимки, баланд дарахт тепасидалигимни ҳам унутгандим. Қалтис ҳаракат қилиб кўйдим шекилли, бирдан чайқалиб кетдим-да, пастга қарадим-у... кўриб қолдим...

Ҳа, кечаги кизни кўрдим. Қиз мен утирган юлғун поясига суяниб турарди.

Мен ўзимни тамомила йўқотиб қўйган эдим ва нима қилишимни, жойимда қолишимниям, пастга сирғалиб тушишимниям билмасдим. Кўринишим ҳам унақа жанговор бўлмаса керак.

— Кўркиб кетдингизми? — суради киз майин товушда. — Мендан кўркиб кетдингизми? Яна йигит эмиш-а...

Нималар деяпсан ўзи, мен сираям кўркканим йўқ, бўлмаган гап, деб бакирмоқчи бўлдим-у, лекин тилим танглайимга ёпишиб тахта бўлиб қолганди.

— Тушолмасангиз ёрдамлашим мумкин, — деди киз ва кўлини чўзган ҳам эдики, овозим борича бакириб қолдим.

Овозимдан юлғунзор тепасида бўрон тургандай бўлди. Ҳаммаёқ чайқалиб, титраб кетди. Кейин жимиб қолди. Тиниб-тинчимас қушларнинг уни ўчди. Қиздириб турган қуёш сўнгандек, қоронғи тушиб, совуб кетгандай бўлди.

«Қимсан ўзинг: жинми ё алвасти? Йўқол, йўқол, йўқол!» — деган дуони шивирлаган бўлардим тилим айланганда.

Охири пастга эгилиб қарашга ўзимда қуч топдим. Юлғун тагида киз йўқ эди.

Кўркиб кетганим рост, бунинкор этиш виждонсизлик бўларди, лекин эндиликда бир нарсани аниқ билардим, анави киз арвоҳ ёки алвасти эмас, ҳақиқий инсон фарзанди эди. Уни албатта топишим ва гаплашим керак.

Кўрага қайтиб келганимда Сапби оға яна қандай аҳволдалигимни сезди.

— Совук сув ичиб ол, — деди у менга сув солинган кўзани узатаркан.

— Сапби оға, кўркканим йўқ! — деб қичқирдим умидсизланиб. — Лекин ҳаммаси қутилмаганда бўлди... У илон ҳам эмас, арвоҳ ҳам эмас. У ростам киз.

Сиз билан менга ўхшаган одам. У сиз билан гаплашмоқ-чига ўхшайди. Факат мен...

Гапимни тугатолмадим -- каттик нарса томоғимни сиқиб турарди.

Сапби оға кўлидаги кўзани тушириб юборди, кўзлари олайиб кетди.

— Ким билан гаплашдинг, бўталоғим? Нималар деяпсан асти?

— Хаҳ, аждаҳо қиз билан-да! — деб кичқирдим сабрсизлик билан. — Тўғрироғи, мен эмас, у гапирди... Оддий инсон тилида гапирди. Факат мен хаяжонланиб, узимни йукотиб кўйдим...

Сапби оға тинчланишимни кутди, кейин нима бўлганини суриштирди. Шундан кейин учовлон — мен, Сапби оға ва Тоймас, кекса чупоннинг айтишича машъум жойга бордик.

— Қизни мана шу ерда кўрдим, — дедим бахайбат юлгун ёнига етганда.

-- Қани, кўрсат-чи, қиз қаерда турган эди? — сўради Сапби оға негадир овозини пасайтириб.

— Мана шу ерда, юлгун поясига суяниб турган эди.

— Қизнинг сояси бормиди ёки йукми?

— Ёўк, бунга эътибор ҳам бермадим... — деб очигини айтдим.

— Агар у арвоҳ булса сояси бўлмайди, албатта, — деди Сапби оға маънодор қилиб. -- Лекин дарахт тагидаги ўтлар анча босилган... Хўп ташвишга солиб кўйдинг-да, бўталоғим. Кейин қаёққа ғойиб бўлганини кўрмадингми?

Жавобимни ҳам кутмасдан Сапби оға ерда ниманидир излаб, буталарни нари сурди-да, кўздан ғойиб бўлди. Тоймас унинг кетидан кетди. Мен нима қиларимни билмай турган еримда колдим.

Бир оздан кейин худди биров оркамдан қараб тургандай кўнглим алланечук бўлиб кетди... Шартта ўғирилдим ва қизни. . излаётганимиз қизни кўриб колдим. Қиз яқингинамда, икки кадам нарида турарди.

- Мени излаяпсизларми? — жилмайишга уринди қиз, лекин кўзидаги маъюслик ғамлик табассумини сўндирди. — Мана ўзим келдим. Қарияни чақир бу ёққа.

Сапби оға қизнинг пайдо бўлганини сезгандай шу заҳоти қайтиб келди. Мен гапиролмасдим, кўринглар, мен ёлғончи эмасман, унақа кўрқоқ ҳам эмасман, де-

гандек зур бериб тиржайишга уринардим.

Умрида кўпни курган Сапби оға ҳам кизни кўриб дастлаб сесканиб, сал бўлмаса ўзини орқага ташлаёзди. Харҳолда галати бўлиб кетди чоғи. Уёғига нима бўлишини кутиб, ўзини қўлга олди ва йуталиб кўйди.

- Салом алайкум, ёшулли, — деди киз майин товушда.

- Омонмисан, кизим, ваалайкум ассалом, — жавоб берди Сапби оға ясама илтифот билан ва керакли сўзни тополмади чоғи куръон сурасини ўқиётгандай гулдиради: — лоилохо иллоблеху...

- Хеч қандай мўъжиза йўк бу ерда, отахон, — гамғин хўрсинди киз бошини эгиб. — Бахтсизлик рўй берди, бахтиқаролик...

— Бахтсизлик? Адашиб колдингми?

- Йўк, адашмадим. Ундан ҳам ёмон... — киз кафти билан юзини беркитди ва унсиз йиғлай бошлади.

Сапби оғанинг юзи қандайдир ички нур билан ёришди. У кўлини силкиди, гўё бирон гуноҳ килиб кўйгандек Тоймас билан менга норози булиб қаради.

Яхши, кизим, фақат йиғлама. Юр, қурага борамиз, ўша ерда ҳаммасини гапириб берасан. — Сапби оға орқага қайрилди ва тез-тез юриб кетди. У юлғунзорда киз билан гаплашишни истамадими ё бизнинг олдимиздами, билмадим.

Унинг кетидан кетдик.

Мен қариянинг кетидан борарканман, юлғунзорда кизга дуч келгандаги унинг ҳолатини эслаб, лабимда пайдо бўлган мағрур табассумимни яширолмасдим. «Кўпни кўрган одам-у, кўркканини қаранглар! — деб ўзимча уни қоралардим. — Чакалакзорда менга ўхшаб юзма-юз учрашиб колса нима қиларди? Мен ҳали ёшман, гўрман, кўркиб кетганим рост... Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас!»

Бир маҳал қарасам — нотаниш киз ёнимдаям, олдиндаям йўк. Оркамга ўгирилдим — оркамдаям йўк. Яна йўколди, тутундек ғойиб бўлди!

- Мушук-сичкон ўйнамоқчими, нима бало? — тўн-филладим кутилмаганда овозимни баландлатиб.

Овозимни эшитиб олдинда кетаётган Сапби оға ўгирилиб қаради, унинг юзида ҳам хайрат аломати бор эди.

— Яна қаёққа ғойиб бўлди?! — деди кекса чупон.

— Билмадим! Ҳозиргина ёнимизда келаётган эди...

Шу чоғ кўра тарафда отларнинг кишнаши, итларнинг бегоналарга жазаваси тутиб хуриши эшитилди. Лекин бунга эътибор қилмай оркамга ўгирилдим-да, сирли қизнинг яна ғойиб бўлишига йўл кўймайман деган аҳд билан юлғунзорга отилдим.

- Жим... Мен бу ердан... — деган шивирлаш эшитилди.

Чакалакзор орасида қиз кўринмасди.

- Нега яна беркиняпсан? — сўрадим норози бўлиб. — Сени курага чақирдикми, сахро конунига кура меҳмон киламиз. Сенга ҳеч ким ёмонликни истамайди. Эки биздан кўрқасанми?

- Курада нима бўлаётганини кўрмадингми? — қиз калт-калт титрар ва нарироққа боришга уринар, лекин буталарнинг калинлигидан ўтолмасди. — Ёлбораман, мени кўрганларингни айтманглар...

Биздан кўркма, кизим, сенга ҳеч ёмонлик қилмаймиз, — деди хансираб етиб келган Сапби оға. — Ёлғиз ўзингни чакалакзорда қолдириб кетолмаймиз-ку. Бу ерда илонлар, чаёнлар бўлади... Яна ким билади дейсан!

- Бундан чикди, курада итларнинг хурганини, отларнинг кишнаганини сиз ҳам эшитмабсиз-да, ота? Мени қувиб келган қочоқлар булар, ёшули! Улар, лаънатчилар, фашистлардан бадтар, улар мени излашяпти!

Қизнинг овози калтиради.

Сапби оғанинг лаби титради. Кекса чўпон бошидан папоғини олди, асабийлашиб соқолини силади.

- Майли, шу ерда қол. Фақат ҳеч ерга кетиб қолма. — Буюрди у қизга, кейин менга ўгирилди: - - Сен ёнида бўл. Тезда ўзим келиб икковингни олиб кетаман.

- Йўқ, йук, бундай қила кўрманг, — қаршилиқ курсатди қиз. — Агар бирдан бу тарафга келмоқчи бўлишса, икки кишидан кўра ёлғиз узимнинг яширишим осон булади. Ўзингни ҳам олиб кетинг, илтимос, уни бу ерда қолдирманг...

Сапби оға қизнинг фикрини тўғри деб топди шекилли, бош ирғиб Тоймас икковимизга кетидан боришимизни буюрди.

Қочоқлар... Уларни мен афт-башараси дахшатли: дурдайган лаби орасидан беўхшов тишлари туртиб чиққан, ёлдор хум қалласида шох, бўриникидай узун думли бўлади, деб тасаввур қилардим. Улар тўғрисида эшитган ҳикоялардан қочоқларни бошқача тасаввур этиб



бўлмасди. Ахир биз туркманлар, азалдан саҳрода чупоннинг қуйини, бир бурда нонини, мешдаги сувини тортиб олишни фақат иблис қилиши мумкин деб ҳисоблардик. Қочоклар бўлса, бунигина эмас, жуда кўп бошқа палид ишларни ҳам қилишаркан...

Уларнинг чучкадек ифлослиги, бадбуй хид анкишини ҳисобга олмаганда, кўринишдан оддий одамга ухшардилар. Олдинда Сапби оға, кетидан биз кириб борганимизда, ўзларини боодоб кўрсатиш учун баробар ўринларидан туришди.

Бизда, меҳмон отангдан улуғ, дейдилар, лекин Сапби оға бу гал бу қадим анъанамизга эътибор бермай, меҳмонларни иззат қилмоқчи эмасдилар. Келгиндилар билан номигагина сўрашиб, бу ерда ўзимиздан бўлак ҳеч ким йўқдек ўз жойларига бориб утирдилар.

«Меҳмонлар» бир-бирларига қараб олишди. Улардан бири, соч-соқоли пахмайган сўлакмондайи чайла деворига тираб қўйилган милтиққа қўл чузди. Шундай қилиб умримда биринчи бор хақиқий милтиқни кўрдим ва ҳарбий тайёргарлик дарсида мактабда қўлимизга олган ёғоч милтиқларга ухшашлигини куриб хайрон қолдим.

«Меҳмон»лар таклифсиз утиришди. Буғи чиқиб турган қозонни кўтариб чайлага Тоймас кирди ва енглар, дегандек уни дастурхонга қўйди. Пахмоқсоч киши милтиқнинг оғзини қозонга қаратиб ёнига қўйди, шошиб-пишиб ковурилган гўштнинг катта бўлагини қўлига олди ва бирдан одобсизлик қилганини сезиб, уни қайтариб жойига қўйди: ёшулли, бу ердагиларнинг энг каттаси таомга қўл узатмади, ҳатто жойидан жилмади. Қариядан илгари таомга қўл узатиш, кекса одамга, уй эгасига ҳурматсизлик буларди. Қочоклар эса, боя айтганимдек, одоб сақламоқчи эдилар.

- Ёшулли, — деди «меҳмон»лардан бири, ноҳуш жимликни бузиб, — кейинги пайтларда озик-овқатга муҳтож бўлиб қолдик. Шунинг учун сиздан олтита қўзичокни олиб турмоқчимиз... Подангиз катта — уларни акт қилиб чиқариб ташлаш кийин эмас...

- Сизларга бир яхши маслаҳат бермоқчиман, азизларим, — сўзловчининг гапини шартга булди Сапби оға. — Уруш тугади, урушнинг олдинги қисмига юборишларидан кўркмасангиз ҳам бўлади. Гуноҳингиз масаласига келсак... Совет ҳукумати. шундай қудратлики, агар гуноҳингизни тан олиб борсангиз, кечириб

хам юборишлари мумкин. Маслаҳатимга кулок солинг. Сахро кенг, аммо унда сизларга ўхшаганларга ўрин йўк. Сахронинг мусаффо хавосини бузманглар.

Пахмоқ киши хужум қилишга шайлангандай пишқирди, шартта милтиғини қўлига олиб тиззасига қўйди.

— Яхшиликча сураганимиз учун, миннатдор бўлишингиз керак бизлардан, қария. Сизни айтган жойимизга қўйларни ҳайдаб боришга мажбур этишимиз мумкин. Нечтани десак шунчани... — Пахмоқ маънодор қилиб милтиқни шапатилаб қўйди.

Мен кўриб кетдим, қочоқлар билан баҳслашиб ўтирмай қўйларни беринг деб ёлборишга тайёр булиб. Сапби оғанинг пинжиги тикилиб олган эдим. Лекин кекса чўпон бўш келмоқчи эмасди.

— Менга пўписа қилма, йигит Қуркитолмайсан. Отанг тенги келаман-а, — деди у хотиржам оҳангда.

— Ҳозир куч оталардамас, қуролда, — деди тишларни орасидан пахмоқ киши ва шартта ўрнидан турди. Иккинчи қочоқ ҳам худди шундай қилди. Бир дақиқадан кейин бедов отлар уларни қум барханлари ортига олиб учди. Бу ёмон одамлардан шунчалик осон қутулганимизга ишонмасдик, уларнинг яна қайтиб келиб қолишидан кўрқардик.

Сапби оға узини худди ҳеч нима билмагандай тугтарди. Фақат ҳар вақтдагидан кўра кам гап булиб қолди.

Кейин биз индамай юлғунзорга бордик ва яна ушандай жимгина кизни кўрага олиб қайтдик. Унинг пайдо бўлганига Бозор ҳайрон қолди: юлғунзордаги киз билан учрашув ҳақида унга сўзлаб беришга улгурмаган эдик.

— Ким бу? — сўради Бозор шивирлаб, чайлага қайтганимизда пайтини топиб.

Курмаяпсанми? Киз бола, ёки сен кизларни курмаганмисан?

— Сўқир эмасман, киз болалигини кўриб турибман, — жаҳл билан деди Бозор. — Ўзи ким, қаердан келиб қолди, деб сўраяпман.

Ўзим ҳам билмайман, деб жавоб қилиб улгурмадим. Чайлага Тоймас кирди ва кизнинг олдига човғум қўйди.

— Чой ичинг.

Тоймаснинг овози таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди: меҳрибонлик, ғамхўрлик ва назокат бор эди

унинг овозида. Доим норози кўринган киефа каякка гойиб бўлди-а? Уни худди алмаштириб кўйгандек эди, каршимизда доим бизга таниш кимса эмас, бутунлай бошка Тоймас турарди. Бунинг устига у тоза, янги либосларини кийиб олган эди. Качон улгурибди экан-а?

Лекин Тоймас мени ҳамон хайратга соларди:

— Манавини елкангизга ташлаб олинг, шамоллаб колманг тагин, — деди у ва кўз қорачиғидек асраб келаётган, фақат байрамларда киядиган янги тўннини кизга узатди. Қиз миннатдорлик билдириб тўнни олди: бояқиш эгнидаги увададан тортинаётган бўлса керак.

Жимгина чой ичиб ўтирибмиз. Мен сабрсизлик билан Сапби оғага қараб, мана хозир меҳмон киз билан гаплашади ва биз охири унинг кимлигини, қаерданлигини, сахрога қандай келиб колганини биламиз, деб кутяпман. Сапби оға эса гўё ҳеч нима бўлмагандай, нотаниш кизнинг пайдо бўлишида ғайриоддий ҳеч нима йўқдай жим ўтирибди. Кекса чўпон нима тўғрида ўйлаяпти? Оламнинг буюклиги, унда тасодифий нарсалар кўплиги ҳақидамикан? Бу оламда бировнинг бегуноҳ конини тўкиши мумкин бўлган анави қочоқларга ўхшаган ёвуз, шафқатсиз одамлар ҳам борлигини ўйлаяптимикин?

Кеч қира бошлади. Чайламизда ҳамон жимлик. Фақат узоқ-узоқларда увлаётган шоколлarning овозигина бу жимликни бузади. Булутсиз тиниқ осмонда юлдузлар чараклайди. Ой кўтарилиб, ранго-ранг замин бетига заррин кўрпа ёпди. Шундай тунда ёнгинангда кўлидан ҳар қандай разиллик келадиган палид, жулдурвоки одамлар санғиб юрганига ишонгинг келмайди...

Сапби оға бориб кўрани кўздан кечирди, ҳар бир шарпага диққат билан қулоқ тутди ва охири қониқиш ҳосил қилиб чайлага — гулхан ёнидаги ўз жойига қайтди. Ана шундагина кизнинг бетига қарамай туриб гап бошлади.

— Ота-бувамизда бир гап бор: аввал таом, баъдаз калом, — деди у жойлашиб ўтираётиб. — Анча ўзингга келиб колган бўлсанг керак. Энди сўзлаб бер бизга, кимсан, нима бўлди ўзи?

— Мен «Елқин» колхозиданман, бобо, — аста гап бошлади киз ва ўзини тутолмай унсиз йиғлаб юборди. Уйи ҳақидаги хотира дардига дард кўшди чоғи. Кўзёшлари тиниқ мунчокдек юзидан дув-дув тўкилар, киз уларни артмасди. — Бу якшанба окшоми юз берди.

Молларга кечасилик озиғини бериб кўйиш учун ховлига чиқдим. Коронғи эди. Осмонни қора булут қоплаганди. Молхонанинг эшигини очганимни биламан, кимдир менга ташланди, нима биландир бошимга урди. Кўзимдан олов чиқиб кетди, овозимни ҳам чиқаролмай йиқилдим ва хушдан кетдим. Қандайдир зах, қўланса ертўлада ўзимга келдим. Атроф зим-зиё коронғи, фақат олдинда ёруғ милтиллайди. Ўрнимдан туриб ўша ёкка бормоқчи бўлдим, лекин боролмадим. Оёғим пахтадай булиб қолган, дармон йўқ эди, бошим гувиллар, кўз олдимда ранго-ранг доирачалар сузарди. Қандай қилиб булса ҳам ёруғлик тушиб турган ерга бориб олишга аҳд қилдим. Бутун кучимни тўплаб шу тарафга юрдим. Коронғида бир юмшоқ нарсага урилдим. Жуда кўрқиб кетдим, лекин унинг нималигини пайпаслаб кўрдим. Бу аёл киши экан. У беҳуш ётарди. Аёлнинг бетини кўролмадим, ёрдам ҳам беролмадим. Яна эмаклаб кетдим ва кўп ўтмай ёришиб кўринган жой — ертўлага кириладиган туйнук эканини, юлғун ва тиканаклар билан беркитиб қўйилганини англадим. Қулок солдим. Ташқаридан бўғиқ эркак овози эшитилди. Сўзини аниқ билолмадим, аммо нима деяётганларини эшитишим керак эди. Балки нажотим шундадир. Юлғун шохларини охиста сурдим ва ертўлага кираверишга яқин жойда ётган икки эркакни кўрдим. Қулок солдим — уларнинг узук-юлук сўзлари эшитила бошлади.

«...шу бугуноқ», — деди бир овоз.

«...шошилиш керакмас. Ҳаммасининг вақти бор», — эътироз билдирди бошқаси.

Улар нима ҳақда гапираётганларини аниқлай олмадим: кимдир кираверишга яқин келди-да, қулок солди. Биз тирикмизи, йўқми, текшираётган бўлса керак. Яхшиямки ертўланинг ичига қарамади. Ҳолимга маймунлар йиғларди: эмаклаб жойимга бориб олишга мажолим етмасди. На ўлик, на тирик эдим. Бахтимга ҳаммаси ўтиб кетди.

Коронғи туша бошлади. Илгари коронғидан кўркардим, ҳозир эса тезроқ коронғи тушишини, иложи борица коронғироқ бўлишини истардим: мен бу камокдан қутилишни хоҳлардим, фақат зим-зиё тунгина менга кўмаклашиши мумкин эди.

Ташқаридаги кишилар ахирини тинчишди. Тун замин узра тўла ҳукмрон бўлиб олди. Узок қутилган дам етди. Ортик қутиш мумкин эмас эди, ахир қора ишлар корон-

ги кечада рўёбга чиқарилади-ку. Рақибларим ҳар дақиқа ёнимга келишлари мумкин.

Мен навдаларни шитирлатмасликка ҳаракат қилиб, эҳтиёткорлик билан ертўлага кириладиган йўлни тозалладим, ташқарига чиқиб олгач, илондай четга судралиб кетдим. Қочганимни пайқамадилармикин деб, бир дақиқага тўхтадим.

Йўқ, атрофда сукунат ҳоким. Мен нарига эмакляб кетдим.

Бирдан отнинг пишқиргани эшитилди. Чўчиб қотиб қолдим. Бегона кимсанинг уларга яқинлашиб келаётганини отлар пайқаб қолишган чоғи. «Ё парвардигор, нахотки минг йиллар мобайнида инсонга садокат билан хизмат қилиб келган бу жониворлар ёвуз ва бадбин одамларга беихтиёр ёрдам қилишса?» — деб ўйладим хушдан кетай деб.

Худога шукур, отлар тинчланишди.

Отларнинг ўнг тарафидан ўтиб, эмакляб кетдим. Мен иложим борича, виждонини йўқотган қочоқлар жойлашиб олган бу даҳшатли жойдан тезроқ узоқлашишни истардим. Уларнинг қилган бедодликлари, ёвузликлари ва шафқатсизликлари ҳақида эшитган эдим.

Ўзимни бехатар жойдалигимга ишонч ҳосил қилганимдан кейин ўрнимдан турдим-да, йўлни суриштирмай, ҳолсизланиб йиқилиб қолгунимча чопиб кетдим. Бахтимга юлғунзорга етган эканман.

Эртасига отларнинг пишқирғидан ўзимга келдим. Қандай қилиб инграмаганим ёки қўрққанимдан қичқириб юбормаганимга ўзим ҳам хайронман. Суворийлар шундоққина ёнимда эди, тик этган товушни эшитиб қолишлари мумкин эди.

— Мана шу чакалакка яшириниши мумкин, бошимни гаровга қўйиб айтаман! — деб бакирарди суворийлардан бири қамчисини уйнатиб. — Қизни фақат шу ердан излаш керак.

— Тентаксан, тентак,— жавоб берди бошқаси.— Қиз ҳали гўдак, худо қарғаган бу чакалакка киришга юраги дов берармиди? У уйи томонга кетган, уни шу йўлдан излаш керак. Узоққа кетиб улгурмаган. Шошилиш лозим.

Бошқаси бу фикрга қушилди чоғи, отларига қамчи босиб жўнаб кетишди.

Мени қувиб юрган қочоқлар, ўзлари билмаганлари ҳолда ёрдам бердилар. Аввало, овулимиз қайси тараф-

далигини билдирдилар. Бу йулдан очик юришим мумкинмаслигини уқдирдилар.

Уйим тарафга юлғунзор оралаб боришга қарор қилдим. Қуюқ чакалақлардан утиб бориш албатта осонмас. Йулга тушганимнинг учинчи куни — кўкатларни еб, жайронгуллар косасида тўпланган шудрингни ичиб юрган чоғимда сизларнинг кўрангизни кўриб қолдим. Кузатиб утириб сизларнинг ишонса бўладиган яхши одамлар эканлигингизни англадим. Кейин чакалакзорда мана бу болани учратдим... Менинг саргузаштларим мана шу, бобожон.

Илк бор унга дуч келганимда даҳшатга тушиб қочганимни, кейин ўзимни қандай тутганимни тилига ҳам олмагани ёдингизда бўлсин. Мен ундан жудаям миннатдор эдим.

Сапби оға-чи? Кўксини кериб, ҳеч нимадан кўркма, кизим, сени ҳимоя қиламиз, сенга қўл кўтарадиган бундай палидларнинг кунини кўрсатамиз, деди деб уйлайсизми? Ҳеч-да.

Аввалига у жим турди, кейин йўтали тутиб узок йўталди, сўнгра соқолини қашлашга тушди, нима дейшини ёки нима қилишини билмаганида у доимо шундай қиларди.

— Ох-хо-хо, хўп вақтлар келди-я: одамларни буюмдек ўғирлашса-я... — деди у оғир хўрсиниб.— Оламда қанақа таҳқирлашлар бўларкан-а, худо жазосини бермаганига ҳайронман!..

— Бизнинг овулга қандай борса бўлади, бобо? Илтимос, йўл-йўрик кўрсатинг? — деб ёлборди киз.

— Кечда ўйла, тонгда сўйла,— деб қўя қолди Сапби оға.— Вақтимиз етарли, нима қилишимизни ўйлаб кўрармиз...

Шу кеча бизга шунча ташвиш келтирган, мен уни кекса чўпон ривоятдаги киз илон деб ўйлаган кизнинг исмини билдик.

Унинг исми Ойжамол эди. У исми жисмига монанд тўлган ойга ўхшарди. Яна бир хол мени бошқалардан кўра кизга яқин тутарди: синглимнинг исми ҳам Ой сўзи билан бошланарди: Ойгўзал эди.

«Ойжамол, Ойгўзал»,— деб ўйлардим ва қалбимга ажиб бир илиқлик қуйиларди ва янги танишимиз кадрдондай туйилиб кетарди....

Ойжамол чайлага ўрин солиб ётди, биз ташқарига жойлашдик. Яна анчагача ухлай олмадим. Кеча, ўтган

куни кўнглим ғаш бўлгани тушунарли, бугун нима халакит беряпти?

Очигини айтсам, ухлашимга Ойжамол ҳақидаги ўй халакит берарди. У тўғрида қанча ўйлаганим сари, янаям кадрдонроқ бўлиб борарди. Назаримда: кўзимни юмсам, унинг қиёфаси унутилаётгандек эди... Ахёнда, унинг бир неча қадамгина нарида, чайламизнинг омонат девори ортида ухлаётганига ишончимни йўкотардим. Шу кунларда нимаики бўлган бўлса — тушимда бўлгандек эди.

Мени яна биринчи учрашувимизда ундан кўрққаним ҳақидаги фикр қийнарди. Қиз мени эркак эмас, кўрқок, латта деб ўйлаши мумкин эди. Мен эса унда бундай тасаввур пайдо бўлишини сира истамасдим.

Кези келганда айтай, ўша кеча фақат мен уйқусизликдан қийналмадим. Ёнимда Тоймас ётарди. У ўзини зўр бериб ухлаганга солгани билан унинг ҳам бедорлигини сезиб ётардим; у гоҳ яширинча ўкинч билан хўрсинар, гоҳ у ёнидан-бу ёнга ағдарилар, гоҳ пишилларди. У ҳам Ойжамолни ўйлаётган бўлса керак. «Ахир у тўғрида ўйламай бўладими? У Сапби оға билан Бозорнинг ҳам хаёлидан кўтарилмаётган бўлса керак!» — деб ўйладим ва қалбимни ифтихор туйғуси тўлдирди: уни биринчи бўлиб бошқа биров эмас, мен топганман-да!

Ойжамолнинг эса ҳеч ким билан иши йўқ. Зарур бўлиб қолса, уни ўз синглимиз ёки кизимиздек ҳимоя қилишимизга ишонгани учун чайлада бемалол ухларди. Фақат уқтин-ўқтин чўчиб тушарди. Бошидан кечирган даҳшатлар ҳали унутилмаган бўлса керак...

Эрталаб уйғонишим билан Ойжамолни кўриш ниятида чайлага кирдим. Лекин қиз у ерда йўқ эди. Сапби оға билан Тоймас ҳам йўқ.

Эсхонам чиқиб кетди. Қаёққа кетиши мумкин?

Сапби оға билан Тоймас тонг отар-отмас подани яйловга ҳайдаб кетишган. Қўй бокқани қизни ҳам олиб кетмагандир-ку, ахир? Уларнинг ёрдамчиси бор-ку. Бунинг устига Ойжамол учун хатарли...

Вактни ўтказмай Сапби оғани излаб кетдим ва одатдагидай юлғунзор яқинидан топдим. Кекса чўпон мени кўрибоқ нима ташвишлантираётганини тушунди.

- Бунақа ишда эҳтиёткорлик ва яна эҳтиёткорлик керак, бўталоғим,— деди у мени юпатмоқ ниятида бошимни силаркан.— Ҳар қандай хато ўлим билан баробар. Саҳарлаб, сизлар ҳали ухлаб ётган маҳалларингда

мен уни юлғунзорга қайтариб олиб бориб кўйдим. Уша ерда у бежавотир бўлади, деб ўйладим. Олдига нон, сув, ёпинчик қолдирдим.. — Сапби оға менга синовчан кўз югуртирди: — Эртага... эртага сен уни овулимизга элтиб кўясан. Шундай қилсак, бежавотир бўлади.— Бир оз жим тургач, қовоғини ўйди, қочоқлар кеча қочиб кетган тепаликлар тарафга қаради.— Анави буриллар... билан ҳали ҳисоб-китоб қилишамиз. Саҳромизни мурдор қилишларига йўл кўймаймиз.

Мен Ойжамолнинг чакалакзорда, ҳар қадамда унинг ҳаётига ҳавф солган илонлар, чаёнлар, бийлар яқинида бўлишини тасаввур қилдим ва унинг тақдирдан ташвишланиб, унга ёрдам беролмаганимдан юрагим орқамга тортиб кетди. Тезроқ эрта кела қолса-ю, мен уни овулга бошлаб кетсам!

Ойжамол кўрамизни ташлаб кетиши мени асло қувонтирмасди. Унинг шу ерда, ёнимда қолишини, офтобнинг чиқиши ва ботишига қувонишини, қумликларда дала гулларининг дув очилишини кўриб севинишини, кўй боқишини истардим...

Назаримда, у кўрамизни ташлаб кетиши биланок ҳаммаёқнинг ранги ўчиб кетадигандай, яшашнинг қизиги қолмайдигандай туюларди. «Кўй боккиси келмаса кўрада ўтираверарди,— деб ўйлайман бу фикримнинг амалга ошмаслигини ўзим ҳам сезиб. Мен унга саҳро пнёзи, сабзиси келтирардим. Ахир у ёввойи сабзини еб кўрмагандир, қанча деса шунчани ташиб келардим. Қуён тутиб келардим, омадим юрса -- жайрон боласини тутиб берардим. Оҳ, қани энди у овулимизга боришни рад этса, биз билан қолишни истаса. Қандок яхши бўларди-я!»

Кун шунчалик узун, зерикарли эдики, охири кеч қиришига ишонмай кўйгандим. Ниҳоят қоронғи тушди ва Сапби оға Ойжамолни кўрага олиб келди. Лекин қизнинг ҳуснига маҳлиё бўлиб кўра ёнида ўтираман, деб ўйлаганим бекор бўлди. Ойжамол кўрага келиши билан Сапби оғанинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай қир ювишга тушди. У ётар маҳалдагина қирни ювиб бўлди...

Эртаси тонг ҳаво булут эди. Шарқ томонда қалин қулранг булутлар орасидан қуёш кўринарди. Саҳро қушлари жимиб қолди, замин узра қандайдир ташвишли сукут чўкди.

Биз йўлга жимгина отландик. Сапби оға бизга энг қучли, баҳайбат туяни берди, озиқ-овқат ва сув солин-



ган икки мешни ортди: «Йўл азоби — гўр азоби», дейдилар-ку. Ортиб қолса, зарари йўқ, овулда кунга яраб қолар.

Биз туяга миниб, сафарга тайёр бўлганимизда Сапби оға фотиҳага қўл очди-да:

— Сизларни оллога топширдим,— деди.— Сафарингиз беҳатар бўлсин, болаларим. Бамайлихотир кетаверинглар, ҳеч нимадан қўркманглар. Ҳақиқат ҳар доим қинғирликдан ғолиб келган.— Шундай деб у менга жиддий қаради.— Йўлни яхши биласан, бўталоғим, ҳамма масъулият сенга юкланади...

Шу сузларни айтarkan кекса чупоннинг овози титраб кетгандек бўлди, ташвишланиб атрофга олазарак қараб олди. Бўлмасам-чи, энди у шу маҳалгача бизга нотаниш бўлган Ойжамолнинггина эмас, менинг ҳам тақдиримга масъул эди. Ҳеч қанака жинойтдан ҳазар қилмайдиган қочоқлар ҳар дақиқа биронта барҳан ортидан чиқиб қолиши мумкин эди!

Туя ўрнидан тура бошлади ва Ойжамол чайқалиб кетиб беихтиёр мени қучоқлаб олди. Негадир қизиқ кетдим.

Шундай қилиб бизлар, ҳали ок-корани танимаган икки ёш йўлга тушдик. Биз ва Сапби оға нимадан умид тутганмиз-а, ўшанда? Ҳийлакорлик ва билимдонликдан ҳам кўра омадга, бахтга ишонган булсак керак.

Биз йўлга тушган сўкмоқ юлғунзорнинг чети билан утарди. Мени икки туйғу қамраб олган эди: биринчидан, уйга қайтаётганимдан, ойим ва синглим билан кўришишимдан хурсанд эдим; иккинчидан, қўрадан узоқлашганим сайин, катта масъулият ҳис қилардим. «Қочоқлар бизни тутиб олса нима қиламан?» Буни билмасдим.

— Бу лаънати чакалақордан нарироқ юрсак бўлмасмикин? — шивирлаб сўради Ойжамол. Юлғунзор жонига тегиб кетган шекилли.

— Йўқ,— дедим.— Сапби оғанинг буйруғи бу. Қочоқлар сени бу йўлда пойламайди. Ундан ташқари биз кўрага шу сўкмоқ билан келганмиз. Овулимизга бориладиган бошқа йўлни туя билмаса керак...

— Бу гапинг туғри-ку-я,— гапимга қушилди киз.— Назаримда, гўё ҳар бута тагида биттадан қочоқ кузатиб тургандай.

Уни: «Қўркма, Ойжамол, мен борман, ҳеч нимадан қучима, хотиржам бўлавер! Уларни қучук боласидай иткитиб ташлайман!» деб овутишим керак эди.

Қаёқда! Ұзим қалтираб ҳар бир юлғун ортида бит-тадан ёвуз кўраётгандекман!

Хўв ана сўмок, аксига олиб, чапга буриляпти ва ишончим комилки, у ерда ҳар бута остида милтиқ ушлаган қочок ётибди. Бунинг устига туя кутилмаганда ўзини бир томонга ташлади. Қўрққанидан Ойжамол бакириб юборди. Ичимда нимадир узилиб кетган бўлсада, миқ этмаганимга ўзим ҳайрон қолдим. Миямда бир фикр ғужғон ўйнади: «Бўри бўлсаям, тулки бўлсаям, ким бўлсаям майли, фақат қочоқлар, лаънати маразлар бўлмаса бўлгани!»

Кейин билсак, бедана экан у лаънати -- туянинг шундоққина оёғи остидан патирлаб учиб чикди.

Тинчлангач йўлимизни давом этдирдик. Бирдан орка тарафимизда отишма эшитилди!

Биз жон ҳолатда ўзимизни четга олдик, туяни чуқтириб, ўзимиз буталар ортига яшириниб, қочиб кетишга тайёр турдик.

Худога шукур, бизни излаётганлар эмас экан.

Қўрқоклигимдан уяла-уяла кизни туя ёнига бошлаб келдим. Уни туяга ўтказиб, жиловни қаттиқрок тортиб юбордим шекилли, туя шахт билан туриб кетганида киз «вой» деб юборди. Ундан кечирим сўрашга ботинмадим. Фақат жиловни тортдим, туя юришини тезлатди.

Ойжамол хўрсиниб кўйди-ю, ҳеч нима демади. Менинг қўрқоклигимга кўникиб ҳам қолди шекилли. Қўнғим ўлғудай ғаш эди. Лекин нима ҳам қила олардим?

Кечга томон эски қудуққа етиб олдик. Анча энгил тортиб, хурсанд бўлдим. Биз, бу ерда туз, гугурт, ўтин, қозон топишимиз мумкин. Сахро қонуни шундай -- ўзинг дам олсанг, сендан сўнг бу ерга келадиганларнинг ғамини еб қўй. Ундан ташқари, одам яшаган ерда тунаш, сахрода тунашдан яхшироқ...

Аммо сахронинг қадимий меҳмоннавозлик одатидан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Биринчи ақлли фикрни Ойжамол айтди.

— Биз қудуқ ёнида қололмаймиз, — деди у. — Ҳамамага маълум жой... Ким билади, кечаси яна қимлар келади бу ерга...

Унинг сўзига қўшилдим. Биз қудуқдан анча нарида, барханлар ортида жойлашдик.

Гулхан ёқишга қўркиб, бор нарсамиз билан овқатландик.

— Эсон-омон бизнинг овулга етиб олсак, уйингга

ўзинг кета оласанми? — овқатдан сўнг чўккан жимлик-ни бузиш учун шунчаки сўрадим киздан.

— Албатта кета оламан,— жавоб берди Ойжамол гаплашиш имкони топилганидан севингандай. У синчковлик билан менга қаради-да, жилмайди.— Нима? Бошимга битган балодан қачон қутуламан, демокчимисан.

— Қўй-е, бу гап хаёлимга ҳам келгани йўк!

— Боре-ей дейману сизларникида қолиб кетаман. Атайлаб қоламан. Сенинг ойингга қиз бўламан, а?

Гапниям жуда қотириб ташлади. Ойим мени бегона қиз билан кўрсалар нима дейишларини билмайман-у, у бўлса...

Индамадим. Бир томондан, кизнинг ҳазиллашаётганини тушуниб турганимдан, иккинчи томондан... тунда кумликлардаги сукунатда овоз узоққа эшитилишини билганим учун ҳам индамадим. Яхшиси, индамай кўя қолай...

Сахро тун анча совук бўлади. Мудраб кетишим билан совук қотганимни сездим. Совук йилтиллаган юлдузлар чарақлаган осмонга қараб янаям совқотиб кетдим. Қўрада, тўшагимда ётиш қандай роҳат эди: тагимда пўстак, устимда пўстак...

Бирдан бутун баданимга илиқлик югурди. Ойжамол менга орқасини суяб ётган эди...

Энди Ойжамолнинг оромини бузмаслик, чўчитмаслик учун сичқондай пусиб ётавердим. Ҳамма ёқни ёри-тиб турган тўлин ой бетини қайдандир пайдо бўлган бўлтак-сўлтак булутлар коплади. Шунда Ойжамол ҳеч нима демасдан тагимиздаги кўй терисини суғуриб олди-да, икковимизнинг устимизга ёпди...

Юмшоқ кум кундузи кизитган куёш ҳароратини ҳали йўқотмаган — илиқкина эди, кўй териси эса бизни юлдузли осмоннинг совуғидан асрарди. Ойжамол икковимиз бир-биримизга сиқилишиб, қаттиқ ухлаб қолиб-миз.

Кизнинг кўркиб шивирлашидан уйғондим:

— Анави ерда... қудук ёнида... қандайдир одамлар...

— Ҳечкиси йўк, — деб тўнғилладим ўзимнинг қапалагим учса ҳам.

Шовқин чиқармасликка уриниб, яқинимиздаги кум бархани тепасига кўтарилиб, қудук тарафга қарадим ва кўрканимдан қотиб қолдим. Боғлаб кўйилган отни

ва ундан нарирокда, кичиккина гулхан ёнида ўтирган икки жулдирвокини кўрдим. Ҳатто ёнларида ётган милтиқларигаям кўзим тушди. Ойжамолни уғирлаган, Сапби оғага пўписа қилган, бизни излаётган қочоқлар эди булар!

Қочиш керак, тезроқ бу ерлардан, бу малъун, пасткаш кишилардан нарига — хотиржамлик, тартиб ва адолат ҳукм сурган жойларга қочиб кетиш керак...

Туяда тез юриб бўлмайди, ундан ташқари биз икки карра сергак бўлишимиз керак. Биз юриб келган сўқмоғимиздан барханга ўтдик ва барханлар ортига яширина-яширина, лекин сўқмоқни кўздан қочирмай илгарилайвердик.

Йўл узок, ҳар қанча шошилганинг билан тез етиб боролмайсан. Орқамда Ойжамолнинг иссиқ нафасини туйиб туяда узок чайқалиб ўтирарканман, у ҳақда ўйламай иложим йўқ эди. Қизнинг, албатта, ҳазиллашиб, менга тегажоглик қилиб айтган сўзи юрагимга зирапча бўлиб санчилиб қолган эди. «Ростданам бизнинг уйимизда қолса-я? Шунақа қилиш мумкинми? Албатта мумкин. Негаки, қочоқлар яна унинг уйига бостириб бориб қолса-чи. Ҳар хил гап-сўзлар, миш-мишлар кўпайиб кетган булса керак. Бизникида у албатта бехатар бўларди. Миш-мишлар тинчигунча турарди. Унга шуни айтсаммикин? Таклифимни бошқача тушунса-я? Мазах қилиб, ҳазиллашувдим, сен бошқача фикрга бориб ўтирибсан, деса-я? Бировнинг дилидагини билиб бўлмайди дейишади-ку. Юраги бошқа одамларга қараганда анча дардли-да унинг. Ахир озмунча нарсани бошидан кечирдим! Ҳар ҳолда Ойжамол бизникида қолса яхши буларди. Унинг хушрўй юзини ҳар қуни қурардим, майин овозини эшитардим. Мен саҳрода атиги бир йил ишламоқчи, кейин уқишга кетмоқчи эдим. Агар Ойжамол рози булса, унияма олиб кетардим...»

Қутилмаганда қиз белимдан қучди, фикримни билиб, бошини елкамга қўйди. Боёқниш чарчади, роса асабийлашди. Бўлмасам-чи! Қун уззу қун туя устида чайқалиб, ҳар бутага, ҳар бархан орқасига хавотирланиб қуз тикиш ҳазил эмас. Кечаси ҳам у тинч ухламайди, даҳшатли туш қуриб алаҳлаб чиқади...

Қун ўтмай Ойжамолнинг бир меёрда нафас олаётганини эшитдим. Унинг тинчнини бузмаслик учун қимирламасликка ҳаракат қилардим, қизнинг менга ишониб бамайлихотир ухлашидан ғурурландим. Кўнглим ийиб

кетиб, унинг қўлини силаб қўйдим, лекин Ойжамол бунни сезмади.

Атрофимизни қуршаган оламни янги кўз билан қурмоқда эдим. Бизнинг саҳродан бўлак ҳеч қаерда бунака мусаффо, зангори, тубсиз осмон бўлмаса керак. Чупонларнинг айтишича бу ерда ҳатто кундузи ҳам юлдузни кўриш мумкин экан. Ҳайламанки, бу гапда катта муболаға йўқ. Замин гулларга безанган. Осмонни гала-гала тўрғайларнинг бўзлаши тўтган. Пасткамликлардаги тақирларда тупланган ёмғир суви осмоннинг мовийлигини, учиб ўтаётган окқушлар галасини ўзида акс этдиради...

Тушга яқин барханлар асирлигидан қутулдик. Олдинда колхоз далалари кўринди. Бугдойзор чайқалар, бедазор ям-яшил бўлиб ястанганди. Туямиз йўлакай бугдой бошоқларига чўзилишга интилиб, юришини тезлатди. Биз ҳам сафаримиз беҳатар поёнига етганидан хурсанд бўлиб анча тетиклашиб қолган эдик.

Мана, бизнинг овулимиз. Туя тўғри Сапби оғанинг уйига қараб кетди, янтоқ уюми ёнида тўхтади ва худди етдик демокчи бўлгандай бошини қайириб бизга қараб қўйди.

— Чўк, чўк, — дедим жиловидан тортиб.

Уйдан Сапби оғанинг хотини чиқди, туядан тушиб олишимизга қумаклашди. У кўришиб туриб Ойжамолга кизиксиниб қараб-қараб қўйди. Бу киз ким, деб сурашга шошилаётганини англадим. Лекин мен шу топда узундан-узун ҳикояни бошлашни истамасдим.

— Бу киз — овулимиз меҳмони, — деб қўя қолдим. — Мен эртага саҳрога қайтаман. Сапби оғага бериб юборадиган нарсангиз бўлса хозирлаб қўйинг, сажарлаб йўлга чикаман.

Ҳойми тарафга бораётиб синглимни эсладим. Ҳозир у дарров пешвоз чиқади, мен эса ҳеч вақосиз келганман. Ойгузал саҳродан ок турналар учиб ўтганда қолдирадиган патдан келтиришни сўраган эди. Лекин патни топмадим. Ойгузалга ҳеч бўлмаганда саҳронинг кизил лолаларидан узиб келиш керак эди. Ойгузал шунга ям севинган бўларди. Лекин тухфани ўйлашга вақтин бўлдими?! Шундай бўлишини ким билипти дейсиз...

Уйга яқинлашганим сайин кадамим тезлашиб, бетокатланардим.

Ойим, албатта, мени бунча тез кўраман деб ўйлаганлар. Мана мен эса қутилмаганда қайтиб келдим.

Эх, қандай севиниб кетадилар онам. Ахир бир кеча ёнларида бўламан-а!

Ўйлаганимдек, мени энг аввал Ойгўзал кўрди ва ўкдек отилиб келаркан:

— Ойи, севинчи беринг, ойи! Акам келдилар! — деб кичкирди. — Айтдим-ку сизга бугун келадилар деб. Ана, келдилар! Тушим ўнг келди!

У югуриб келиб бўйнимга осилиб олди, шундан сўнггина ёнимдаги Ойжамолга кўзи тушди. Синглим уялиб уйга қочиб кириб кетди. Эшикда онам кўриндилар. Ойимларнинг кўз ёшлари яноқларидан окиб тушарди.

— Жоним, қувончим келди! Суянган тоғим келди! — Онамлар мени бағриларига босиб, юз-кўзимдан ўпа кетдилар. — Йиғлаганимга парво қилма, ўғлим. Севинганимдан йиғлаяпман. Энди шунақа, салга йиғлайдиган бўлиб қолдим. Ойинг қариди, болам.

Кейин ойим Ойжамолнинг ёнига бордилар ва елкасидан кучиб кўришдилар.

— Хуш келибсан, кизим. Келавер, тортинма. — Ойимлар кизни уйга бошладилар. Нима деб ўйладилар, билмадим-у, лекин елкалари оша бир қараб қўйдилар. Ойжамолнинг уйимизга келиши сабабини тезроқ айтиш керак, деган фикрга келдим. Ахир кизнинг эғнидаги жулдур кўйлак, бировнинг тўнига ўраниб олганидан ойимлар даҳшатга тушишлари мумкин.

— Ойижон, бу киз бахтсизликка учради... — деб гап бошлаган эдим, ойим гапимни бўлдилар.

— Ўзим кўриб турибман, кўр эмасман. Чиқ уйдан, у кийимини алмаштирсин. Сен ўйлама, ойинг бошкалардан ёмон эмас. Қамбағал бўлсам ҳам меҳмонга кийгишига либос топаман... — Шу сўзлар билан ойимлар сандикнинг қопқоғини кўтардилар, ичидан янгигина, нақш тикилган камзул, узун яшил кўйлак — кетени олдилар. — Мана, ҳаммаси худди буюрилгандай...

Индамай хонадан чиқиб, эшикни зич ёпдим.

Бир оз ўтгач киришга ижозат берганларида, Ойжамол бош-оёқ оҳорлик кийган ва худди келинчаққа ухшаб кетганди. Мен беихтиёр унга маҳлиё бўлиб қолдим. Ойимлар бўлса, ростдан ҳам келиндек унинг атрофида айланиб-ўргилардилар. Ойимлар хатто мени ҳам унутиб қўйган эдилар.

«Агар Ойжамол шу ерда қолса, кулбамизга файз кираркан! — деб ўйладим. — Нега менга дуч келдинг, Ойжамол? Дуч келдинг-у, асир қилдинг. Мен эркин,



минилмаган тойчок эдим, бепоён саҳрода яйраб, гам нима, андух нима билмай яшардим. Эндиликда у ёқда, кум барханлари орасида менга сен етишмайсан! Узундан-узун киш тунларини қандай ўтказаман?!»

Меҳрибонлигингиз учун раҳмат, холажон, деди Ойжамол пайтини топиб. - Разиллар қулидан зўрга қутулдим... Уйимга, онамларнинг ёнларига боришимга ёрдамлашинг... Ойим шўрлик кон-кон йиғлайвериб адон-тамом булгандирлар... Оворагарчилик учун кечиринг, ўзингизнинг ташвишингиз ҳам етарли бўлса керак...

Қизнинг бошидан кечирганларини биримиз олиб, биримиз қўйиб сузлаб бердик. Ҳикоямиздан таъсирланган ойимлар уйдан чиқиб кетдилар-да, кечқурун қайтиб келдилар.

- Ҳаммасини келишиб келдим, -- дедилар ойимлар кечки овқатга бизни ўтказаётиб. — Қишлоқ совети арава берадиган бўлди. Эртага эрталаб сени узим уйингга олиб бориб қўяман. — Бир оз жим тургач, бизга синовчан қараб, ҳазиллашиб қўшиб қўйдилар: — Афсус, кетиб қоляпсан, Ойжамол. Ўзим сени жон деб келин қилардим.

Ўзимга кон урилди, кўзимни қаёққа қаратишимни биллолмай қолдим. Ойим менинг фикримни уқигандек эдилар. Ойжамол ҳам уялди ва бошини эгди.

Ётишдан аввал, ойим билан икковимиз ёлғиз қолганимизда ойим бояги мавзудаги гапни давом этдилар.

- Энди бола эмассан, ўғлим. Халқда: етим киндигини ҳам ўзи кесади, деган гап бор. Ўқишинг ҳам керак, узингни узинг эплашинг ҳам керак. Сенинг отанг ҳам, оғанг ҳам йўқ, ишларингда қумакдошинг ҳам йўқ. Шунанга кизга йўлиқсанг... — Ойжамол ётган қушни хонага имо қилдилар ойимлар, — ўйлаб ҳам утирмагин, қўлдан чиқармагин...

Уларга жавобан хурсиниб қўйдим.

Эрталаб бутун овулимиз билан Ойжамолни уйинга қузатдик. Ойимлар аравада қиз ёнида утирардилар ва назаримда, унинг ёнида анча ёшариб қолганга ўхшардилар. Навниҳол Ойжамолнинг ҳуснидан ҳусн ичганми ёки неча йиллар бадалида энди ясанганлари учунми — жуда очилиб кетгандилар.

Жўнаб кетиш олдидан Ойжамол икковимизнинг кўзимиз тўқнашди ва мен ўртаимизда кўз илғамас мустаҳкам кўприк борлигини англадим. Ойжамол икковимиз



шу кўприкнинг устунлари, унинг юки қанча оғир бўл-  
масин биз дош берамиз.

Мен илк муҳаббатнинг кучини тушундим, англадим,  
хис этдим...

Арава охиста йўлда давом этарди. Кузатувчилар  
аллақачон тарқалиб кетишди, мен эса ҳамон йўл устида  
турар ва арава кетидан қарардим.

Ярим соатдан сўнг мен ҳам саҳрога жунадим. Не-  
гадир бу гал биринчи жунаган пайтимдагидай хаяжон-  
ланмадим. Нахотки, овул билан, қариндошларим билан  
жудолашиш энди осон бўлса?

Сапби оғанинг туяси ғаройиб, минган кимсанинг  
кайфиятини яхши билади, унинг истакларини олдиндан  
хис этади. Устига миниб олишим билан тўғри саҳрога  
равона бўлди, йўл-йўлақай рўпарасидан югуриб чиқиб,  
жониқиб ақиллаган итларга баланддан туриб қараб  
кўярди. Мен туя устида керилиб ўтирар, ўзимни бар-  
камол эркакдек қис қилардим. Ахир узок йўлга ёш  
болани ёлғиз чиқармайдилар-ку.

Бизнинг овул бошқа кўп овулларга ўхшаш шундок-  
кина қум барханлари яқинида эди. Биз қум барханлари  
ортидан тантанавор кўтарилган куёшни эрта саҳарлаб  
кутиб олар ва окшом унинг охиста яширинишини ку-  
затардик. Кун чикқанда ва ботганда қумлар худди  
олтинга айланиб қолгандек барханлар қизилга мойил  
сарғиш тус оларди. Бу қумлар ғаройиб ва сирли, улар  
бу ўлкаларнинг ҳатто қадимий ва доно аҳолиси ҳам  
жавоб қилолмайдиган минглаб саволларни ўртага таш-  
лайдилар. Қумликда ҳаво бошқача, енгил ва эркин на-  
фас оласан киши. Лекин мени ҳозир улар сира қизик-  
тирмайди. Гўё у ерда осойишталик ва бахт топадиган-  
дек тезрок юлғунзорга боргим келарди. Бу чакалак-  
зорга маҳбубам билан висолга шошаётгандек эдим.

Осмонни ёмғирли қора булутлар қоплади. Бунақа  
булутларни кўрганда Сапби оға одатда: «Хуш келиб-  
сизлар, азиз меҳмонлар! Бир яхшилик қилинглар, саҳ-  
ромизга қимматли ёмғирларингиздан қуйинглар!» –  
деб хитоб қиларди.

Мен ҳам булутларни куриб қувондим. Ахир илик  
ёмғир қўкламнинг умрини узайтиради-да, ҳаммаёқни  
яшнатади, одамларни, жониворлар ва қушларни қу-  
вонтиради. Мен албатта, туяда ўтириб шилта-шалаббо  
бўлишим тайин, лекин зарари йўқ, қант эмасман –

эриб кетмасман. Тунаш учун тўхтаганимда гулхан ёнида исиниб оларман.

Аммо ёмғир хиёл томчилади-ю, тинди. Бу пайтда мен юлгунизорнинг четига етган эдим. Энди туяда ўтиравергин-да, манзилга етгунингча юлгун гуллари билан гаплаш, улар ичидан ажойиб илонни изла. Ким билсин, балки ҳамма куришга орзуманд булган уша муъжиза гулни учратиб коларсан. Балки унинг ўзи шундоққина олдинддан чиқар. Уша муъжизакор юлгун гули ўзим бўламан. Ойжамолнинг ҳузурига олиб борадиган йўлни ўзим биламан, дер.

Кечга яқин осмон булутлардан қорайиб кетди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда яшин яраклади. Ҳали ивиб улгурмаган миллиардлаб қум зарралари кўз очишга қуймай осмон билан ер оралигида тузғирди. Тўхташ пайти етди чоғи.

Кутилмаганда от туёқларининг товўши эшитилди, кўп ўтмай туғри менга қараб от суриб келаётган икки суворийни курдим. Мен шу захоти уларни танидим. Булар Сапби огага пўписа қилган, Ойжамолни излаб юрган, Эскикудук ёнида дуч келаёзган одамлар эди. Қочоклар Бизнинг ажойиб қумликларимизни ва даладашларимиз ҳавосини ҳаром қилган малъунлар!

Йук, энди мен улардан кўркмадим, тўппа-туғри уларга қараб юрдим. Шунинг учун кўркмадимки, энди ёлғиз эмасдим, муҳаббатим — кўркоқлик ва разилликлардан фориғ этадиган энг юксак ва буқилмас куч мен билан бирга эди.

Отликлар мени қуршаб олишди. Лекин улар огиз очишга ҳам улгуришмади: туямиз пишкириб сўлак сочганча бирданига кутурган йўлбарсдай суворийлардан бирига отилди. Лекин ён тарафдан шошилишч уқ узилди. Бир неча кадам қуйиб туямиз олдинга кулади. Мен эгардан отилиб кетдим ва ерга йиқилатуриб қупдан бери излаб юрганим тасвирлаб бўлмас даражада чиройли, кип-қизил юлгун гулига кўзим тушди. У менга қараб жилмайиб турарди.

## МУНДАРИЖА

ЕТТИ БОТИР . . . . .	3
БОЛАЛИГИМНИ ҚЎМСАБ ЯИҒЛАДИМ . . . . .	43
САҲРО ГУЛИ . . . . .	121
ЮЛҒУН ГУЛИ . . . . .	166

**Байрамов Нури.**

Б 23 Етти ботир: Қиссалар/Русчадан Ҳ. Аҳророва тар-  
жимаси.- Т.: Ёш гвардия, 1989.— 208 б.

Туркман ёзувчиси Нури Байрамовнинг бу туплами.. қиссалари киритилган  
Ёзувчининг қаҳрамонлари асосан уқувчилар. Қиссаларда ёшларнинг табиатга му-  
ҳаббати, ҳақиқий дустликка, олийжанобликка интилишлари кизикarli воқеалар орқали  
ҳикоя қилинади

**Байрамов Н. Семеро смелых: Повести.**

С (турк).

Литературно-художественное издание.  
Для детей среднего школьного возраста

На узбекском языке

**НУРИ БАЙРАМОВ**

**СЕМЕРО СМЕЛЫХ**

*Повести*

Мухаррир Сурайё Сайдалиева  
Рассом Т. Ли  
Худ. редактор Х. Раҳматуллаев  
Тех. редактор У. Ким  
Корректор Б. Юнусов

ИБ № 2593

Теришга берилди 6.06.89. Босишга рухсат этилди 30.11.89. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub> № 2 босма коғозга «Литературная» гарнитурда офсет босма усулида босилди. Босма листи 6,5 Шартли босма листи 10,92 Шартли кр. отт 11,34 Нашр листи 10,72. Тиражи 30000. Буюртма № 1227. Баҳоси 40 т. Шартнома 29—89.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. 700113, Тошкент, Чилонзор массиви, 8-квартал, Қатортол кучаси, 60-уй

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси. Тошкент, Ленин кучаси, 41.

ЎЗБЕКИСТОН ЛҚСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ  
БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

ЛАТИФ МАҲМУДОВ  
«Дангасанинг холи вой»  
*Ҳикоялар*

ВИКТОР КАВА  
«Фиръавилар сири»  
*Қисса ва ҳикоялар*

КАРЛО КОЛЛОДИ  
«Пиноккионинг бошидан кечирганлари».  
*Эртақ-қисса*

АЛЕКСАНДР ВИНОГРАДОВ.  
«Қинсиз қилич».  
*Қисса*

*Словен халқ эртаги.*  
«Беш оға-ини».

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ ТЕЗ КУНДА ҚУЙИДАГИ  
КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРАДИ:

В. ЖЕЛЕЗНИКОВ.  
*«Қувноқ ҳикоялар».*

САЙЕР  
*«Уйқудаги тош»*  
*Қисса*

ТЎПЛАМ  
*«Болалар олами»*  
*Адабий-танқидий мақолалар*

НАЗИРЖОН БАРАҚАЕВ  
*«Олқиш».*  
*Шеърлар*

*Ўзбек халқ эртаги*  
*«Туккиз дангаса ва бир абжир».*